

ШУХРАТ
РИЗАЕВ

ЖАДИД
ДРАМАСИ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997

*Шаклланиш даври, манбалари,
хусусиятлари*

Рисола ва матнлар

Мусаввир МИХАИЛ САМОЙЛОВ

Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида Б. А. Голендернинг шахсий фото архивидан фойдаланилди. Бунинг учун муаллиф унга ўз миннатдорчилигини билдиради.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти, 1997

Истиқтол жадил зиёдиларимиз орзулаган энг муқаддас тилак эди. Шу тилак йуларида уларнинг бор куч-қуввати, навқирон йигитлик умрлари нисор булди, бошлари кундага тортилди.

Мазкур китоб уша табарруж зотларнинг, қадри баланд ота-боболаримнинг руҳи покларига, улар номини шарафлаган устозларимга, истиқтол сурури билан яшаётган ва яшаяжак фарзандларимга бағишланади.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг Мустақил Республика деб эълон қилиниши халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарган ҳолда фавқулодда мураккаб вазифаларнинг мавжудлигини ҳам намоён этди. Юз уттиз йил давом этган сўнги истибдод собиқ Иттифоқдаги барча республикаларни жуда кўп ҳаётий зарур жабҳаларда бир-бирига тобелантириб қўйгани маълум булиб қолди. Айниқса, иқтисодий масалаларда бу ҳол жиддий муаммоларни келтириб чиқарганди. Айни чоғда ана шу «занжирбандлик»нинг маънавий ниқобига айлантирилган ижтимоий соҳаларда ҳам ғоят чалкаш, лекин муайян мафкурага тамомила буйсунган қарашлар, талқин ва тушунчалар ҳукмронлиги аён булди. Ҳар қандай тараққиёт табиат ва жамиятнинг диалектик қонунарига қўра амалга ошгани каби, Мустақиллигимиз барча воқеа-ҳодисаларга холис ёндошув туфайлигина қарор топади ва мустаҳкамланади. Шу маънода Мустақиллик мафкураси ҳақидаги тушунчанинг ижтимоий майдонга қўйилгани фикрий баҳслар асносида ҳақиқатни ойдинлаштиришга, тарих ва тафаккур ривожини табиий қурнишларида тадқиқ этиб баҳолашга имкон яратади. Гарчи бу жараён, маълум маънода жаҳолат, тарафкашлик билан маърифат, билимдонлик мубоҳасалари шаклида давом этаётган булса ҳамки, охир-оқибат фикрий рангинликка, ҳаққоний ва холис тушунчаларга йўл очиши аниқ. Бинобарин, бу йўл миллатнинг ижтимоий онги шаклланишида, маданий даражаси юксалишида муқаррар бир йўлди. Улуғ мутафаккир Маҳмудхужа Бехбудий худди ҳозирги каби, миллатнинг истиқболи масалалари ҳал бўлаётган тарихий 1917 йилда ёзганидай, *«Дунё жиҳодгардир. Жиҳод-жаҳд ва жиҳодни шакли ҳар замонда бошқа бўлур»*¹.

Мазкур ишга киришар эканмиз, эл-юрти озодлиги, эркиностиқлоли, маорифи, маданияти учун ўз ҳаловати ва ҳатто ҳаётидан воз кечиб, кураш жабҳаларига отилган, охир-оқи-

¹ *Бехбудий*. Баёни ҳақиқат. — «Улуғ Туркистон» газетаси, 1917 йил 12 июнь.

бат Мустақиллик нашидасини суролмай, қутлуг қонини нисор этиб, шаҳид кетган табаррук инсонларнинг хотирасидан айрим саҳифаларни имкон қадар урганиб, тадқиқ этмоқни ният қилдик.

* * *

Рус шарқшуноси А. Н. Самойлович 1916 йилда эълон қилинган «Драматическая литература сартов» номли мақоласида «Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун қутилган ҳол эди», деб ёзган. Дарҳақиқат, асримиз бошларида минг йиллик адабиётимизнинг қатъий қонун тусини олган аруз вазнидаги мумтоз намуналари урнида тамомила янги мазмун ва шаклдаги оврупоча йуналиш касб этган бадиий адабиёт шакллана бошлади. Ғарб адабиётининг роман, ҳикоя, бармоқ вазнидаги шеър турлари Туркистон туркчасида дадил қўлланила бошлади. Оз фурсатда бу йуналишнинг истеъдодли намояндалари пайдо булди. Шу билан бирга XX асрнинг 10-йилларидан узбек жаҳид драматургиясининг тажрибалари куртак ёзди.

Драматурглар етишди.

Мутахассислар аниқлашига кура, Октябр узгаришигача драматургиянинг уттиздан ортиқ намунаси яратилди. Ҳатто шаклланиш даврига кирган бу адабий турнинг трагедия, драма, комедия каби барча жанрларида қатор асарлар майдонга келди.

Хуш, бунинг сабаблари нимада? Асрлар давоми буюк даҳоларини етиштирган классик адабиёт нима учун айнан XX аср бошларига келиб ижодкорларни қониқтирмай қўйди? Адабиётнинг мақсад ва вазифалари узгардими? Бу ва бунга ухшаш саволларга жавоб топмоқ учун ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятини белгиловчи табиий, ижтимоий сабабларни аниқламоқ, давр манзараларини, унинг узгариш маншаъини кузатмоқ лозимдир.

XIX аср охири — XX аср бошларида туркистонликлар тилида «жаҳид», «усули жаҳид» деган суз ва ибора айланишиб қолди. Бошлаб зиёлилар орасида қўлланилиб юрилган бу суз ва ибора борган сари оддийроқ одамларнинг ҳам тилига куча бошлади. Кейинроқ эса бу ҳодиса бутун жамият ҳаётида узгаришлар ясай бошлагач, «жаҳид», «усули жаҳид», «зиёли», «тараққий» каби сузлар оммаланиб кетди. Ҳатто бу сузни «кофир» маъносига нисбат бердилар. Айрим намояндаларини (масалан, Исмоил Обидийни туғридан-туғри «тараққий» ё «жаҳид» деб атай бошладилар. Қримнинг Боғчасаройида «Таржумон» номли газета чиқариб, бутун Россия чор маъмурларини ташвишга солиб қўйган Исмоилбек Гаспралли «усули жаҳид» тушунчаси ва у билан боғлиқ бутун бир жараённинг валломати эди. Бу тушунчани Исмоилбекнинг узи шундай таърифлайди: «...ота-бобо кунлариндан қолмиш миллий мактаблари ислоҳ этмак усули жа-

дид демакдир, бошқа бир укув, бошқа бир мактаб демак дагилдир»¹.

Амалий жиҳатдан фавқулодда ижобий натижалар берган бу усул аср бошида Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларига кириб бораётган эди. Бу усул тарғиботчилари ана шу муносабат билан «жадидлар» номини олди, уларнинг мактаблар ислоҳоти билан бошланиб, аста-секин жамиятнинг маданий-маънавий ҳаётини, кейинроқ ижтимоий-сиёсий соҳаларини қамраб олган ҳаракати учун эса «жадидчилик ҳаракати», даврни эса «жадидчилик даври» деб аташ расмий тус олди. Шу билан бирга бу даврни тарихий ва илмий адабиётларда «Миллий уйғониш даври» деб аташ ҳам 20-йилларда таомилга кирган эди. Айниқса, мунаққид Вадуд Маҳмуд мақолаларида бу истилоҳ куп қулланилади. Ҳатто мазкур ҳаракатнинг иштирокчиларидан бўлган Лазиз Азиззода шу даврни мавзу белгилаб, 20-йиллар миёнасида «Туркистоннинг миллий уйғониш тарихи» деб номланган салмоқли тадқиқот яратгани ҳам маълум².

Шундай қилиб, XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Туркистонда «жадидчилик» еки «миллий уйғониш даври» бошланди. Профессор Бегали Қосимов бу давр хусусиятларини урганиб, шундай хулосага келган эди:

«Туркистонни саводли ва маърифатли, туқ ва фаровон, озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда мустақилликка эришиш, мустамлакачилик исканжасидан халос бўлиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсад-вазифасини ташкил қилар эди»³.

Афсуски, бундай хайрихоҳ муносабат сунгги йиллардагина очиқ айтилмоқда. Жадидлар антиколониал мақсадларни кузлаб курашганлари учун ҳам Октябрь ўзгаришидан кейин большевистик истибод уларни кескин қоралаш ва ҳатто умуман тарих саҳифаларидан учуриш йулини тутди. Айниқса, 1927 йилда Тошкент ва Самарқандда утказилган маориф ва маданият ходимлари қурултойларида совет ҳукумати раҳбарлари жадидларнинг интилишларига сиёсий баҳо бериб: *«Ватан учун кураш миллий бойлар учун курашамиз, дейишдир. Ватан сузи — бойлар сузи. Миллатчилик учун кураш бойлар ҳокимиятини қурашамиз, дейишдир. Бизнинг маданиятимиз мана шу қилиқлардан тоза бўлиши керак»*, деган яқунга келадилар. Бу «фатво»га деярлик олтмиш йил давомида изчил амал қилинди. Ижтимоий фан соҳаларидаги юзлаб тадқиқотлар, рисола ва мақолаларда жадидчилик фақат қоралаб келинди. Адолат юзасидан яна бир ҳақиқатни тан олмоқ лозимки, жадид адабиёти ва унинг айрим намояндалари ижодини урганиш, маълум даражада тарғиб

¹ Қаранг: Б. Қосимов. Исмоилбек Гаспрали. Тошкент, 1992, 28-бет.

² Бу тадқиқот қўлёзма ҳолида Абу Райҳон Бегали номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланади.

³ Б. Қосимов. Жадидчилик. — Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Тошкент, 1993, 21- 22-бетлар.

этиш, мафкуравий тазйикларга қарамай, Ойбек, И. Муминов, С. Қосимов, А. Алиев, Б. Қосимов, Ш. Турдиев каби адиб ва олимлар томонидан давом эттирилди.

80-йилларнинг урталарида бошланган ошкоралик, қайта қуриш шабадалари аср боши адабиётимиз, ижтимоий тафаккуримиз тарихини урганиш зарур деган қарашларни юзага чиқарди. Шу мақсадда 1988 йили булиб утган икки илмий-амалий анжуман жадидчилик ҳаракатини урганишда алоҳида аҳамият қасб этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти январь ойи сунгларида утказган анжуманда республикамизнинг эътиборли ижтимоий-олимлари мулоҳаза ва музокаралардан сунг давр ҳаракатчилиги ва адабиётини кенг тадқиқ этиш, жадидизм атамаси урнига ҳаракатни маърифатчилик деб аташ, чунки улар фақат маърифий мақсадларни кўзда тутгандир (Э. Юсупов, С. Қосимов), жадидларни эса «революцион-демократлар» (Э. Каримов), «буржуача реформистлар» (Иззат Султон), «либерал буржуазия» вакиллари» (Р. Ёдгорова), «буржуа демократлар» (Х. Зиёев) сифатида баҳолаш лозим деган қарашлар уртага тушди. Айни чоғда мазкур ҳаракатнинг уз миллий қурилишини урганишда узоқ йиллардан бери тажрибалир орттирган озарбайжон, татар ва тожик олимлари иштирокида кенгроқ илмий суҳбат утказишга келишиб олинди.

1988 йил октябрь ойида яна Тил ва адабиёт институти ташаббусига кўра озар, татар ва тожик олимлари билан бирга «Жадидчиликнинг умумтуркий масалалари»га бағишланган «доира столи» ташкил этилди. Бу йиғинда ҳам жадидчиликни асосан маърифатпарварлик оқими деб баҳолаш, айни чоғда куп қатламли маърифатчилик (Г. Ашуров, И. Нуруллин), буржуа йуналишидаги маърифатчилик (Х. Воҳидов) каби талқинлар илгари сурилди.¹ Бизнингча, талқин ва баҳолар хилма-хиллиги, баҳсталаблигидан қатъий назар, жадидчилик масалаларини урганиш шундан кейин ғоят жонланиб кетди. Тарихчилар, адабиётшунослар, файласуф олимларнинг республика матбуотида унлаб мақолалари эълон қилинди. Аммо, таассуфки, холис ёндошув, ижобий баҳолар билан бирга, қарашларимиз кескин узгарган сунгги йилларда аввалги қатагон ва турғунлик даврлари ҳиди келиб турган мулоҳазалар ҳам уртага ташланди. Профессор Г. Ҳидоятовнинг Ўзбекистон мактаблари учун 1990—1992 йилларда жуда куп нусхада рус ҳам узбек тилларида чоп этилган «Менинг жонажон тарихим» номли китобида шундай фикр баён этилади: *«Жадидлар муҳим ижтимоий-сиёсий оқим булиб қолдилар. Уларнинг раҳнамолари ва ҳомийлари барча муаммоларини чор ҳукумати билан келишув ва ҳамкорликда ҳал этишга умид боғладилар. Улар рус давлати ҳокимиятига нисбатан хайрихоҳлик кўрсат-*

¹ Мазкур йиғилиш материаллари «Санъат» журналининг 1990 йил 12-ва 1991 йил 1-сонларида эълон қилинди.

дилар... Бу, миллий манфаатларга очиқдан-очиқ хиёнат эди». Ёки жадидчиликнинг маънавий отаси ҳисобланган Исмоилбек Гаспирли ҳақида «Романовлар хонадонининг содиқ хизматкори», «подшоҳпараст», «турк тилини сақлаб қолишни фақат уз миллиати манфаатлари учун яккаю-ягона восита деб қаровчи!» қабилдаги камситувчан фикрларни билдирадими, бу бутун дунё ва илғор қарашли кишилар Исмоилбек Гаспирлини «миллий қаҳрамон» атаб, 1991 йили 140 йиллигини миллий байрам сифатида нишонлаш арафалари айтилгани гоят таажжубли эди. Г. Ҳидоятгов, назаримизда, на жадидчилик ва на И. Гаспирлининг қарашларини жиддий урганмай фикр юритган куринади. Акс ҳолда у «усули жадид» мактабларида» диний фанлар ва туркий тилгина утиларди», деган мутлақо нотўғри тушунчани такрор-такрор таъкидламаган бўлар эди. Ваҳоланки, И. Гаспирли айнан шу тарздаги ўқитиш усулини, шунга асосланувчи эски мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш гоёси билан чиққан эди.

И. Гаспирли ёзади: «Онгни тилшунослик эмас, балки илмий асосдаги тарбия ривожлантиради... Ислоҳ этишимизнинг моҳияти, бизнингча, мадрасалар таълимга татар (турк) тилидаги элементар, бошланғич илмлар (қисқача жутрофия, тарих, табиий фанлар, арифметика, педагогика ва рус қонунчилиги асослари) киритилишидир».²

Юқоридаги нотўғри тушунчалар, аввалги ун йилликлардаги кескин айтилган фикрлар сингар, шуро мафкурасининг ҳануз сақланиб келаётган оқавалари бўлиб, жадидчилик масалаларини янада кенгроқ урганиш, жадид адабиёти намояндаларининг ижодий меросини нашр этиш ва тарғиб этиш қанчалик долзарб масала бўлиб қолаётганини билдирмоқда.

Жадидчиликнинг ижтимоий-сиёсий табиатига чуқурлашмай, урни билан бу масалаларга мурожаат этишимизни таъкидлаб айтмоқчимизки, ўзбек жадид адабиёти, жумладан, драматургиясининг пайдо бўлиши давр ҳаракатчилигига бевосита алоқадордир. Зеро, жадидчиликнинг сиёсий, тарихий масалалари, намояндалари ҳақида кейинги йиллари анчагина салмоқли рисола ва мақолалар яратилди³. Шулар-

¹ Ҳидоятгов Г. Моя родная история. Тошкент, 1990, стр. 293.

² Гаспирский И. Русское мусульманство, — журнал «Звезда Востока». 1991, № 4, стр. 117.

³ Б. Қосимов. Жадидчилик, — «Ешлик» журналы, 1990, 7-сон; Фидойилар. Қагагон қурбонлари ҳақида мақолалар, Тошкент, 1991; Б. Қосимов. Исмоилбек Гаспирли. Тошкент, 1992; Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Тошкент, 1993; О. Шарафиддинов. Истиқлол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. Тошкент, 1993; С. Аҳмедов. Мунаввар қори, — «Шарқ юлдузи» журналы, 1992, 5-сон; А. Алиев. Фитрат. Тошкент, 1993; «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш», «Мулоқот», «Звезда Востока», «Санъат», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ешлик» журналларида 1988—1994 йиллар оралигида эълон қилинган Ҳ. Зиёев, Б. Қосимов, Н. Каримов, Ш. Турдиев, Р. Шамсутдинов, М. Ҳасанов, Ҳ. Содиқов, С. Аҳмедов, С. Аъзамжўраев, Ҳ. Болтабоев каби олимларнинг қатор мақолалари ҳам масаланинг турли жиҳатларига бағишланган.

га қарамай, миллий уйқониш даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва, жумладан, адабий манзараси яхлит ҳолда илмий тикланганича йўқ. Академик И. Муминовнинг «Ўзбекистонда XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожланиши тарихидан» номли докторлик тадқиқоти (1950), Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг олимлари томонидан тайёрланган «Ўзбек адабиёти тарихи» беш томлигининг 5-томи (1980), профессор Ғ. Каримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (3-нашр, 1987) дарслигида ана шу мақсад қўйилиб, муайян таҳлил ва баҳолар амалга оширилган бўлса-да, улар шуро мафкураси ҳукмрон бир пайтда ана шу позициядан келиб чиқиб ёндошиш маҳсуллариدير. Шу боис уларнинг давр ҳақидаги тушунча ва хулосалари ҳам бутунги кун нуқтаи назаридан танқидий ёндошишни, қайта баҳолашни тақозо этмоқда.

Асримиз бошларидаги адабий мероснинг шеърят намуналари, адабий алоқалар, таржима асарлар, адабий танқидчилик махсус тадқиқотлар мавзуи сифатида урганилди. Бироқ наср ва драматургия соҳасида яратилган асарлар яхлит йирик тадқиқотларга муҳтож. Айниқса жадидчилик даври адабиётининг энг сермаҳсул ва оммабоп ҳодисаси бўлган драматургия алоҳида жанр сифатида махсус тадқиқот мавзусига айланмади. Ҳолбуки, айнан драматургик асарларда жадид қарашлари, мақсад ва интилишлари узга жанрлардан кура кўпроқ ва хушроқ ҳамда кенг миқёсларда уз аксини топди. Шеърят ва насрнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда айтиш лозимки, драматургик асарлар жадидларнинг халқ билан яқинлашуви, унинг маиший, маънавий дунёсига кириб боришини таъмин этди. Ғояларнинг ёйилиши, сингиши ва амалий натижалар беришида драматургия ва театр беқиёс таъсир кўрсатди. Шу боис ҳам жадидчилик ҳаракатининг аксарият йирик намояндалари драматургияга, театр ишларига алоҳида аҳамият бердилар, илк намуналарини яратдилар. Ҳақиқатан ҳам драматургия ва театр маърифат, миллат тараққиёти, озодлиги, маданияти, мустақиллиги ғояларини ташувчи энг асосий маънавий қуроқлардан бири бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам жадид драматургиясининг шаклланиш жараёнларини урганиш зарурдир. Бу аввало жадидчилик ҳақидаги қарашларимизни, тушунчаларимизни кенгайтиришга, ҳодисанинг мақсад ва қуламини тулароқ тасаввур этишга ёрдам берса, иккинчидан, Туркистонда янгича ижтимоий-эстетик тафаккурнинг шаклланиши ва тараққиётини кузатиш, адабий-бадиий савиянинг юксалишини аниқлашга имкон беради.

ЯНГИ УЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТАРИХИЙ ШАРОИТ

1. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТЕАТР САНЪАТИ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ДРАМАСИ

Буюк юнон мутафаккири Аристотель дунё адабиётшунослигининг ибтидоси булган «Поэтика» асарида «*драманинг узи ҳаракат, чунки у ҳаракат қилувчи шахсларни акс эттиради*»,¹ деган машҳур бир тушунча билан драманинг театр санъатига қанчалар муштарак ҳодиса эканини таъкидлаган эди. Шундан кейинги Ғарбда яратилган деярли барча «адабиётшунослик назария»ларида бадиий адабиётнинг драма тури ҳақида сўз юритилар экан, қонуний ҳолда театр билан боғлаб таъриф берилади. Замонавий узбек адабиётшунослик илмининг эътиборли нашрларидан булган профессор И. Султоннинг дарслигида ҳам драма шундай таърифланган: «*Театр сахнасида қўйиш учун... ёзилган адабий асарларнинг жами адабиётнинг уч асосий тури (жинси)дан бири булган драматик турни ёки, қисқа қилиб айтганда, драмани ташкил этади*».² Демак, ҳар қандай драма ёки драматургия ҳақида сўзлаш бевосита театр ҳақида сўзлашни ҳам тақозо этади. Шу боис узбек драматургияси тарихининг янги сифат босқичи ҳақида сўз юритилар экан, бунгача мавжуд булган шундай ҳодисанинг қурунишлари, бинобарин, у билан узвий боғлиқликдаги театр санъати ҳақида ҳам баъзи экскурслар зарурдир.

Қадимий Марказий Осиё сарҳадларида театр санъати тарихи, профессор М. Раҳмоновнинг археологик топилмалар асосида гувоҳлик беришича, йигирма икки асрдан мўлроқ ҳисоб билан улчанади.³

Милоддан аввалги биринчи минг йиллик урталарида Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларидаги қадимий шаҳарлар харобаларида ҳайвонлар ниқобини

¹ Аристотель. Поэтика, Тошкент, 1980, 10-бет.

² И. Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980, 257-бет.

³ М. Раҳмонов. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. Ташкент, 1981, стр. 23—71.

кийиб, турли ҳаракатлар қилаётган одамларнинг тас-
вирлари сақланиб қолган. Уларнинг турли тақлидий
қилиқлар билан муайян кучларга сажда қилаётганла-
ри ёки ов ва бошқа хил тирикчилик ташвишлари би-
лан шуғулланаётганлари акс этган. Ана шу тақлидий
ҳаракатлар ибтидоий театр шаклларини англатиб,
Марказий Осиёда унинг гоаят қадимий илдизлари бор-
лигидан далолатдир. Бу тақлидий ҳаракатлар кейинча-
лик ва ҳатто яқин-яқинларгача Сурхон воҳаси, Хо-
разм, Фарғона водийсидаги қизиқчи ва масхарабоз-
ларнинг айрим хатти-ҳаракатларида уз унсурларини
сақлаган. Масалан, «Айиқ уйин», «От уйин», «Эчки
уйини» кабилар. Маросим фольклори намуналаридаги
тотем тушунчалар билан боғлиқ жуда кўп қилиқлар,
куйлар, қўшиқлар уша ибтидоий театр аъналарини-
нинг баъзи кўринишлари ҳамдир. Айниқса, зардуш-
тийларнинг муқаддас китоби бўлган «Авесто»да Мит-
ра, Апахита, Жамшид каби мифологик образларга си-
гиниб, тақлид қилишлар, ёвузлик ва эзгулик худолари
Ахриман ва Ахурамазданинг мурасим курашлари
ҳамда китобдаги гот (гимн), яъни мадҳия қўшиқлари
ҳам қадимий театр ҳақидаги тасаввурларни уйғотади.
Ёки Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк»
асаридаги фасллар мунозараси билан боғлиқ парчалар
драма жанри моҳиятини белгиловчи конфликт эле-
ментлари билан театрни ёдга солади. Нафақат бу, бал-
ки «Девон»даги турли маросим-байрамлардаги ашула-
лар, уйинлар, қадим «Тумарис», «Широқ», «Зариадра
ва Одатид», «Сиевуш», «Афросиёб», «Рустам» номла-
ри билан боғлиқ эпос ва афсоналарнинг куйланиб,
турли ҳаракатлар билан ижро қилиниши ҳам томоша
санъати ва драматургияга алоқадор жиҳатларнинг
мавжудлигидан далолат. Рустам ёки Сиевуш каби қаҳ-
рамонлар қиёфаларига монанд қилиқлар ёки шу ном-
ларга нисбат бериб кейинроқ халқ театрларида томо-
шалар кўрсатилиши ҳам уша даврларда бу санъат мав-
жуд бўлганига ишорадир. Айниқса Сиевуш улими би-
лан боғлиқ таъзия маросимларининг муайян қодалар
асосида томошавий бир шакл олиб, мунтазам уткази-
лиши Наршахийнинг «Бухоро тарихи» ва С. Толстов¹
тадқиқотларида қайд этилади. Марказий Осиёда қа-
димдан театр ва оғзаки драма мавжуд бўлганига жуда
кўп асослар берадиган далиллардан бири ва энг

¹ С. П. Толстов, Древний Хорезм. Москва, 1948, стр. 261.

ишончлиси ханузгача моҳиятини йўқотмаган Навруз байрамидир. Табиатнинг уйғонишини бир неъмат, гойиб кучларнинг инъоми, деб тушунган халқ сайиллар уюштириб, қўшиқлар куйлаган, тақлидий уйинлар, енгил, кайфиятни кутарувчи томошалар, турли мусобақа ва курашлар уюштирган. Бу байрамларда масхарабоз ва муқаллидлар, қугирчоқбозу «от уйин»лари маросимнинг таркибий бир қисмига айланган.

Булардан ташқари, қадимий юнон тарихчилари милоддан аввал VII—IV асрларда Эрон ва Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Аҳоманий шоҳлар саройида куй-чолғу, хонанда-ю машшоқлар, раққос, қизиқчи ва муқаллидлар барча тантаналар иштирокчиси бўлганидан, улар ҳатто саройнинг махсус қаромоғида турганларидан огоҳ этадилар. Демак, *«Урта Осиё халқларининг ўзига хос театр санъати милоддан аввалги биринчи минг йиллик урталарида шаклланиб, Шарқнинг бошқа театрлари каби, диний маросим, мусиқа, тақлидий уйинлар, халқ қаҳрамонлик томошалари, кулгу ва паҳлавонлик уйинларида намоян бўлган».*¹

Марказий Осиёнинг милоддан аввалги IV асрга келиб юнон жаҳонгири Александр Македонский томонидан босиб олинishi, бу ерларда театр маданиятининг тамомила янги шакллари пайдо булиши ва ривожланиши учун йўл очди. Ҳар қандай фотиҳлик қурол билан, қон билан амалга оширилса-да, бу усул фотиҳлар галабасини барқарор қилади, дегани эмас. Маданияти ривожланган мамлакат ўзига нисбатан қолоқ ва заиф давлатни эгаллар экан, мавқеини мустаҳкамламоқ учун, албатта, ўз тили, адабиёти, маданиятини жорий қилишга ҳаракат қилади. Александр Македонский фотиҳликнинг айнан шу усулини кенг қўллаган тadbиркор жаҳонгирлардан эди. Балки шу боис ҳам у кейинги минг йиллик форс-тожик ва ўзбек адабиётининг мумтоз намуналарига эзгуликнинг тимсоли бўлиб муҳрланди.

Марказий Осиёдаги қадимий маданиятни, «Авесто» каби муқаддас китобларни йўқотиб, Македонский бу ерга юнон маданияти намуналарини олиб келиш ҳаракатига тушади. Юнон тили ва ёзуви, адабиёти шу тариқа маҳаллий аҳоли, зиёлилар орасида тарқала бошлайди. Юнон муаррихи Плутархнинг ёзишича, Македонский ерли аҳоли болаларидан уттиз мингта-

¹ М. Раҳманов. Ўзбекский театр, Ташкент, 1975, стр. 37.

сини юнон муаллимлари қўлига топшириб, уларга юнон тили ва ёзувини, ҳарб санъатини ургатишга буюрган. Ҳатто ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун маҳаллий қизга (Равшанак-Роксанага) уйланган.¹ Санъат ва адабиётга ғоят ихлосманд бўлган фотиҳ ўзи билан санъаткорларни ҳам олиб юрган. Уларнинг орасида созандалар, раққослар, куз бойлағич найрангбозлар ва қизиқчилар бўлган. Аскарларнинг оғир жанг ва юришлардан сўнг ҳордиғини чиқариб, кайфиятини кўтаришда санъатнинг аҳамиятини жуда яхши сезган лашкарбоши уларга алоҳида эътибор қўрсатган. Катта муҳорабалардан сўнг галаба қозонгач, сайил ва базмлар уюштириб, бу тадбирларга Юнонистондан қўшимча театр актёрларини чақиртирган. Хусусан, Мидияга келганда ана шундай тантаналар учун уч минг актёр олиб келинган.² Уша кезлар Юнонистонда машҳур бўлган Софокл, Эсхил, Еврипид трагедиялари шу санъаткорларнинг театр репертуарларини белгилаган. Македонский буйруғи билан юнон санъаткорлари Марказий Осиёда ҳам маҳсус томошалар қўрсатган. Улар учун эса юнон театрлари типидан айлана амфитеатрлар қўрила бошлаган. Бу ҳол Македонский вафотидан сўнг Осиёда ташкил топган Бактрия ва Парфия давлатлари ҳукмронлари томонидан давом эттирилган.

*«Урта Осиё совет республикалари сарҳадларидаги археологик топилмалар эътирозсиз аниқлик билан гувоҳ берадики, бу ерда нафақат Юнон-Бактрия давлатининг, балки ундан кейинги асрларда ҳам Урта Шарқнинг — Хоразм, Парфия, Сугдиёна... каби эллинистик давлатларининг қадимий юнон театрлари мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради».*³

Мазкур мулоҳаза 1975 йил француз археологи Поль Бернар бошчилигидаги олимларнинг қадимий Бактрия давлати тасарруфида бўлган Термиз шаҳридан бир неча чақирим нарироқдаги, Афғонистонга қарашли Ойхоним шаҳарчасида олиб борган қазилма ишлари вақтида тасдиқланди. Улар бу ерда қадимий юнон амфитеатри вайроналарини топганлар. Кейинроқ Туркменистоннинг жанубий томонларида (Нисо шаҳарчасида) яна шундай амфитеатрлар нишонлари, турли театр ниқоблари топилган. Демак, дадил айтиш

¹ Плутарх. Сравнительные жизнеописания. Москва, 1963, стр. 429—430.

² Плутарх. Сравнительные жизнеописания, стр. 440.

³ А. Корсакова. Узбекский оперный театр, Ташкент, 1961, 11-бет.

мумкинки, ҳақиқатан ҳам қадимий юнон театр маданияти Марказий Осиёда уз тарихига эга. Буни Америка ва Россия музейларида сақланаётган кумуш идишлардаги ҳар хил тасвирлар ҳам тасдиқлайди. Марказий Осиёда тайёрланган бу идишларнинг тасвирлари, олимлар аниқлашича, Еврипид трагедияларидаги сюжетларни эслатар экан. Еврипид трагедиялари изини Марказий Осиёдаги баъзи адабий-бадиий обидаларда ҳам кузатиш мумкин. Уғузларнинг кенг тарқалган «Дада Қурқут» эпосида Домрул исмли қаҳрамоннинг тангрига шак келтириб, улимга маҳкум этилиши ва нола-ю-илтижоларидан сунг яқинларидан бирор кишининг урнига уз жонини бермоққа рози бўлса, Домрулга ҳаёт ато этилажаги ҳикоя қилинади. На қари отаси ва на мункиллаган онаси жонларини беришни хоҳлашмайди. Фақат Домрулнинг суюкли, садоқатли хотинигина эри учун, фарзандларини етим қолдирмаслик учун ўз ҳаётидан воз кечишга тайёр эканини билдиради. Худди шу воқеани юнон мифологияси ва турмуш тарзи асосидаги Еврипиднинг «Алкеста» трагедиясида кузатиш мумкин. Америка олимлари аниқлашича, қадимий Бактрия давлати вайроналаридан топилган кузада айнан шу трагедия воқеаларига ишора берувчи тасвир акс этган. Бу сюжет уғуз эпосидан утиб, бир оз узгартирилган ва муайян халқ ҳаёти ҳамда психологиясига мос равишда аксарият Марказий Осиё халқлари дoston ва эртакларида учрайди. (Ҳатто шоир Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йул» драматик дostonи шу сюжет мотивлари асосида ёзилган.) Шунинг учун ҳам С. П. Толстовнинг «Агар юнонларнинг Марказий Осиёдаги ҳукмронлиги ерли халқларнинг мустақиллик учун қатъий ва қаҳрамонона курашлари натижасида таназзулга учраган бўлса, меҳнаткаш ва истеъдодли маҳаллий халқ юнон маънавий ва моддий маданиятига бошқача муносабатда бўлди. Парфия шоҳлари Марказий Осиё ва Эрондаги юнон ноибларини ҳайдаб юбориб, узларини юнонлар дусту, деб атадилар. Уларнинг саройларида юнон ва ерлик актёрлар юнон трагедияларини ижро этардилар»,¹ деган фикрига қушилмаслик мумкин эмас. Бу, уз навбатида, ушлаб асрлар утиб, тамомила бошқа замин ва таъсирларда шаклланган ўзбек жадид драматургиясида фожиаларнинг муҳим урин тутиши беихтиёр, ан-

¹ С. П. Толстов. Древняя культура Узбекистана. Ташкент, стр. 1948, стр. 25.

тик дунё билан генетик алоқалар ҳам бўлмаганмикан, деган фаразлар қўзғайди. Бу ҳақда баъзи гипотезаларни ўрни билан айтиб, муҳокама қилиб кўрамиз. Лекин шу нарса аниқки, Марказий Осиё қадимиятида ҳозирги шакллarga ухшаш профессионал театр бўлган ва ривожланган. Табиийки, юзлаб йиллар мавжуд бўлган бундай театрлар фақат юнон ёки Еврипид трагедиялари билан чекланиши мумкин эмас. Маҳаллий драматурглар этишиб, ўз ёзма трагедия ва комедияларини яратган бўлишлари керак. Зотан, юнон тарихчилари ҳам, совет даври олимлари ҳам таъкидлаганларидек, юнон актёрлари билан маҳаллий санъаткорларнинг узаро ҳамкорлиги бўлган. Ана шу ҳамкорлик ва юнонларгача Марказий Осиё халқларида масхарабозлик, тақлидий уйин каби театр санъатининг ибтидоий қуринишлари асосида профессионал маънодаги «халқ ёки фольклор театри» ва оғзаки драматургия шаклланиган.

Театршунос М. Раҳмонов зикр этилган китобида юнон театр системасининг икки қуриниши, яъни юқори табақаларнинг трагедия театри ва қуйи табақаларнинг демократик масхарабозлик театри Марказий Осиёда мавжуд бўлганини таъкидлайди ва ҳатто бизда асрлар оша ривожланиб борган профессионал масхарабозлик театр терминини ҳам лотин тилига нисбат беради. *«Қадимий қўлёмалардан маълумки, милоддан аввалги IV асрларга қадар Италиядаги халқ томошалари қадимий лотин тилида «маскара», «масхера» ва «маснера» деб аталган.*

Демак, ... «масхара» ёки «масхарабоз» дсб номланган қадимги ўзбек театри қадимий юнон даври театр системалари билан боғлиқдир».¹

Марказий Осиё тарихидаги театр санъатининг кейинги тақдири ва тараққиёти «масхарабозлик ва қизиқчилик санъати тарихидир. Бу санъат турли қуринишларда то ҳозиргача давом этяпти. Драматургиянинг жадид адабиётида ёзма намуналари пайдо бўлганига қадар кечган тарихи фақат ана шу масхарабоз ва қизиқчилар театрида ижро этиб келинган оғзаки драма қуринишларидан иборат. Табиийки, бу ўз-ўзидан ворислик бормикан, деган саволни туғдиради. Буни «Туркистоннинг маданий ҳаёти тарихи» номли рисоласида академик В. В. Бартольд ҳам қайд этган эди:

¹ М. Раҳмонов. Ўзбекский театр, стр. 46, 48.

халқ томошалари ... «драма адабиётининг ибтидоси сифатида қизиқиш уйғотиши ҳеч шубҳасиздир».¹

Масхарабозлик ва қизиқчилик театр шаклига профессор М. Қодиров шундай таъриф беради: «...бир замонлар бу тушунчалар «масхара», «муқаллид» шаклида ифода қилинган. Уларда ўзига хос драматургия бор, қаҳрамонлар қиёфасини ўз қобилияти, ақли, мижози, ҳиссиёти, танаши, ҳаракатлари билан гавдалантирувчи актёрлар бор, уларнинг уйинларидан завқлана оладиган томошабинлар бор — қўйингки, театр санъатининг барча аломатлари муҳайё. Бу театрнинг ҳозирги замон театридан айирмаси шундаки, унинг махсус биноси ва сахнаси йўқ, халқ актёрлари ўз спектаклларини истаган вақтда, турли шароитларда гир атрофи томошабинлар билан қўралган ўзига хос ҳалқа — «сахна»да курсатиб кетаверганлар... Аммо масхарабозлик ва қизиқчилик — бу халқнинг маросимлари, урф-одатлари билан туташиб кетган ибтидий шаклдаги театр эмас, балки оғзаки анъанадаги профессионал театрdir».² Шундай қилиб, драматургия ана шу профессионал театрнинг узвий бир қисми бўлиб, оғзаки шаклда давом этиб келди.

Драматургиянинг сўз ёки ҳаракатдан иборат уч кўринишини санаш мумкин:

БИРИНЧИСИ: масхарабозларнинг фақат ҳажв ва кулгидан иборат сўз уйинларига қўрилган диалоглари шаклидаги кўриниши;

ИККИНЧИСИ: муайян қиёфа ва қилиқларга тақлидан ҳаракатларни намоен қилувчи сўз воситаси ва ёки сўзсиз ижро этиладиган кўриниши;

УЧИНЧИСИ: турли ниқоблар билан ҳамда «чодир жамол», «чодир ҳасл» каби қўғирчоқ уйинлари пайтида ижро этиладиган шакли.

Албатта, бу бир-бири билан алоқасиз, қатъий чегараланган драматургик кўринишлар эмас. Театр санъатининг энг синкретик шакли бўлгани каби, оғзаки драма шакллари ҳам қоришиқ ҳолда бўлиши мумкин. Ҳар қалай, ижрочи ўз санъатининг томошабинга энг максимал таъсирини қай йўсин таъминлай олса, шу усулдан кенг фойдаланади. Бу диалоглар пайтида тақлидни ҳам ёки қўғирчоқ уйинларида жонли актёрлар иштирокини ҳам истисно этмайди.

¹ В. В. Бартольд. Сочинения, том II, часть I. Москва, 1963, стр. 349.

² М. Қодиров. Ўзбек халқ томоша санъати. Тошкент, 1981, 36—37-бетлар

Оғзаки драма намуналаридаги бош хусусият ҳажв ва кулгидир. «*Масхарабозлик ва қизиқчилик — уткир комедия, муқаллид, серзавқ ҳикоя, ҳажвий қушиқ, кулгили уйин дегани; бу ёмонларга нисбатан гурзи бўлса, яхшиларга оптимистик кайфият, кулги, ғайрат, роҳат бахш этувчи ажойиб халқ санъати... Масхарабоз, қизиқчи ва муқаллид — ҳажв ва танқид, ҳазил ва тақлид, қаҳқаҳа ва ханда устаси, демак. Зотан, уларнинг санъати комедик — ҳажвий йўналишга эга, асосий қуроли сатира ва юмордир*».¹

Бу санъат турининг тарихи қанча давр билан белгиланса, оғзаки драма тарихи ҳам шунча вақт билан улчанишини айтиб утган эдик. Бу шунчалик узвийлашиб кетган санъат ҳодисаларики, уларнинг яратувчиси ҳам ижрочиси — тарғиботчиси ҳам масхара ва қизиқларнинг узидир. Утган йигирма асрдан кўпроқ вақт давомида оғзаки драмаларнинг юзлаб намуналари яратилди, улкан ижрочилари яшаб утди. Санъатшунослик институти илмий ходимлари томонидан ёзиб олинган оғзаки драма намуналари юз элликдан ортиқроқ экан. Булар ҳам асосан XVIII-XX асрлар оралигида ижро этилиб, яқин йилларгача халқ актёрлари репертуарида муқим сақланиб қолган намуналар, холос.

Анъанавий халқ театри Марказий Осиёга араблар бостириб киргунга қадар узининг тараққиётини бошдан кечирган эди. VIII асрга келиб, янги дунёқараш ва ақидалар ҳукмронлиги бу санъатни эътироф этмади. Мутлақо йўқотиб юбормагани каби, ривожланиши учун ҳам имконият яратгани йўқ. Чунки ислом ақидаларига қўра, ҳаддан ортиқ кулги ва хурсандчилик инсонни имонидан айиради, Аллоҳ ҳидоятидан чалғитади. Шу тариқа масхарабозлар ва қизиқчилар театри Марказий Осиёда маълум даврларда аҳамиятини йўқота бошлади. Бунга асосий сабаблардан яна бири, бизнингча, янги эстетик шаклларнинг пайдо бўла бошлагани эди. Шу даврлардаги форс-тожик адабиёти, X асрдан бошлаб ривожланиш босқичига кирган туркий адабиёт инсоннинг ўзлигини, ижтимоий воқелик ва муносабатларни образли, бадиий ифодалашнинг беқиёс имкониятларини намоян қила бошлаган эди. У кулги ва ҳажвдан қўра маърифатни, панд-у одобни дин-у ақидаларни жамиятда устивор этиш

¹ Уша китоб, 36-бет.

учун майдонга чиққан эди. Бу ҳол ўз-ўзидан масхара-бозлар театридан кура, бошқачароқ ижро шаклларини тақозо этаётган эди. Қизиқчилик, муқаллид уйинлари қаторида ва улардан кура фаолроқ бир йусинда маддоҳлик, масалгуйлик, қиссахонлик, бадиҳагуйлик, надим ва воизлик тараққий топа бошлади, унинг етук намояндалари пайдо бўлди. Созанда-ю машшоқлар, ҳофиз-у раққослар санъати янги кўринишларда, араб дунёсидан кира бошлаган маданият кўринишлари таъсири ҳам сингишида ўзига хос шакллар топиб ривожланди. Урта аср туркий ва форсий манбаларда мазкур санъатларнинг юзлаб етук намояндалари зикр этилган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ», Алишер Навоийнинг «Ҳайрот ул-аброр», «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида, Зайниддин Восифийнинг «Бадосъ ул-вақоъ», Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларида ўзларига замондош санъат аҳллари ва улар санъати, санъат турлари ҳақида жуда кўп қимматли маълумотлар бор.¹

Темурийлар ва Шайбонийхон салтанатларининг емирилиши Марказий Осиё санъати, шу жумладан, томоша санъати тарихида ҳам муайян ўзгаришларни вужудга келтирди. Анъанавий ўзбек профессионал театри ва оғзаки драматургия янги бир ривожланиш босқичига кирди. Марказий Осиё сарҳадида таркиб топа бошлаган Қўқон, Хоразм хонликлари, Бухоро амирилиги саройларида, йирик шаҳарларда масхарабоз ва қизиқчиларнинг йирик профессионал труппалари пайдо бўлди. Масалан, Россия сайёҳ ва миссионер ўлкашунослари хабар беришича, Қўқон хони Худоёрхоннинг саройида 75 кишилиқ халқ чолгу асбоблари тудаси, 60 кишилиқ рақс дастаси, 30 кишилиқ актёрлар труппаси бўлган.² Бу актёрларнинг томошалари, репертуари ва умуман қизиқчилар театрининг Худоёрхон саройидаги аҳамияти ҳақидаги баъзи маълумотлар Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги айрим бобларда ҳам бадиий ифодасини топган.³ Фикримизнинг тасдиғини ўзбек театр арбобларидан

¹ Бу ҳақда қаранг: М. Раҳмонов. Ўзбек театри (Қадимий даврлардан XVIII асргача). Тошкент, 1975; М. Қодиров. «Бобурнома»ни варақлаганда. — «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1993 йил 12 октябрь.

² «Туркестанские ведомости» газетаси, 1982 йил 24 апрель.

³ Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. Тошкент, 1959, 35—36-боблар.

Гулом Зафарийнинг «Чигатой-узбек халқ театруси» номли мақоласида ҳам учратамиз: «Туркистоннинг энг улуғ хонларидан булгон Қизил Арслонхон қизиқ ва уйинчиларга зур аҳамият бериб, уз урдасида қизиқ ва уйинчилар сақлаб, шулар орқали беклар ва ҳокимларини танқид этдириб, ҳар бир келишмаган ишларни тузатмакка қолишгонлиғи, қулоқдан-қулоқга эшитилиб, сақланиб келган хабарлар ила собитдир».¹

Бу даврларда халқ театри ва драматургиясининг Бидиёршум, Зокир эшон, Ризо қийиқ, Саъди махсум, Усмон қизиқ, Рузи гов, Шомат қизиқ, Давлат қизиқ, Мизром масхара, Тула масхара, Қувват калта, Болтакул масхарабоз, Матёқуб кўр каби унлаб намояндалари етишган. Булар Қўқон, Бухоро ва Хоразм хонликлари Қашқар вилоятида ном қозониб, машҳур булган санъаткорлардир. Уларнинг узлари томонидан яратилиб, репертуарларида узоқ сақланган пьесаларидан айримларини Гулом Зафарий юқорида қайд этилган мақоласида келтирган. Масалан, «Мақтанчоқ киши» кичик ҳажмли кулгу пьесаси, «Эр ва хотун» ҳажвий айтишувининг матнларини келтириб, яна ун чоғлиқ пьесаларни санаиди. Кейинчалик Л. Троицкая, М. Раҳмонов, М. Қодиров ва бошқалар аниқлаган, ёзиб олган турли ҳажмдаги пьеса, айтишув, муқаллид уйинларини жамлаганда, ҳақиқатан ҳам уларнинг сони икки юзга яқинлашади. Шулардан энг машҳурлари қуйидагилар: «Мударрис», «Авлиё», «Хон ҳажви», «Заркокил», «Қаландарлар», «Дорбозлик», «Хатна», «Ёмон ука», «Чусти муқаллиди», «Қўйди-чиқди», «Улоқ», «Келин туширди», «Раис», «Духтарбозлик», «Оқсоқол», «Қози», «Судхур», «Лули», «Атторлик», «Хотин жанжал», «Баччабозлик», «Ҳаммом», «Мозор», «Ўлик сотди», «Сухмозор», «Уйланиш», «Бой ила мардикор», «Яна уйланаман», «Кафан угриси» кабилар. Бу пьесаларнинг аксарияти Фарғона анъанавий театрининг сунгги атоқли вакиллари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов труппаси томонидан ҳам ижро ва ижод этилган. Булардан ташқари, халқ кўғирчоқ театрининг ҳам уз репертуарлари булиб, уларда «Полвон качал саргузаштлари», «Саркардалар», «Икки масхарабоз», «Терговчи», «Тосбоз», «Маст бойвучча», «Мерган» каби қатор пьесалар ва кичик-кичик сахналар

¹ «Билим учоғи» журнали. 1923 йил, 2—3-сон, 62-бет.

ижро этилган. Булар кўпинча масхарабозлар театрларидаги каби, куй, қўшиқ ва рақслар журлигида намойиш қилинган.

Анъанавий ёки қадимий ўзбек театрида уйналган пьесаларни кенг таҳлил этиб, М. Раҳмонов уларни тематика жиҳатидан асосан икки туркумга бўлади.

1. Инсонга инсонлик ҳадя этувчи енгил, юмористик ва майший комедиялар.

2. Кучли социал тема кутарилган ва тарбиявий аҳамиятга молик бўлган сатирик пьесалар.¹

Албатта, бу таснифга қўшилиш мумкин, аммо масхарабозлар театрини онгли равишда ижтимоий интилишларни кўзлаган, дейиш мумкин эмас. Олим мазкур тадқиқотининг «Ўзбек буржуа театри» деб номлаган бўлимда жадид драматургиясига баҳо берар экан, «*ғоя жиҳатидан улар ҳатто қадимги халқ оғзаки традицион драматургиясининг ғоявий-эстетик позицияларидан ҳам тубан турар эди. Бидиёршум, Зокиржон, Юсуф қизиқ каби қадимий ўзбек театри намояндалари эксплуататор синфларни кескин фош қилганлари ҳолда ўзбек буржуа театри намояндалари бу темага тсгмай утидилар*»,² деб ёзади. Бу қарашга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Анъанавий театр ва оғзаки драматургия, аввало, соф томоша мақсадларини кўзлаган бўлиб, унда кулги, томошабин қайфиятини кутариш, ҳар қандай қилиқлар ва, ҳатто эротик хатти-ҳаракат ва ишоралар билан ҳам иш тутиш кузатилади. Иккинчидан, ҳажв, «фош қилиш» кабилар хусусий характерда бўлиб, уларда ижтимоий-адабий тип яратиш нияти бўлмайди. Учинчидан, ҳар қандай янги объектив ҳодиса унғача мавжуд ҳодисаларнинг инкори бўлиб, узида муайян тараққиёт унсурларини мужассамлайди. Бу оддий диалектика табиатни ҳам, жамиятни ҳам бошқариб турган қонуниятдир. Туртинчидан, анъанавий халқ театри ва драматургияси билан жадид театр ва драматургиясининг ғоявий-эстетик мезонларида шу қадар катта, ҳатто айтиш мумкинки, инқилобий даражадаги фарқ борки, бунинг ўзи алоҳида бир тадқиқот мавзуси. Бироқ бу мулоҳазалар анъанавий халқ театри ва драматургияси билан жадид театри ва драматургияси уртасига хитой девори барпо қилолмайди. Акс ҳолда икки минг йилдан ортиқроқ театр тарихимизга

¹ М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи. Тошкент, 1968, 64-бет.

² Уша китоб, 296-бет.

экскурдан қандай мантиқ бўлиши мумкин? Зоҳиран ҳам, ботинан ҳам кескин фарқлари яққол куришиб турган анъанавий халқ театри, драматургияси ўзбек жадид театри ва драматургияси шаклланишига муайян таъсир курсатди, унинг ривожига, ютуқлари мустақамланишига узига хос ҳисса қўшди ва баъзи умумий жиҳатлар ҳам касб этди. Бу нималарда куринади?

Аввало, ҳеч бир маданий тараққиёт ўз заминидан озиқланмаслиги мумкин эмас. Аксинча, унинг униб-усишга мойил бўлган прогрессив жиҳатлари қай бир тарзда кейинги жараёнларда узлашиб кетади. Бу азалий қонуниятни академик Н. И. Конрад шундай таърифлаганди: *«Мерос тушунчаси гоаят реал, аниқдир ва бу мерос ўтмиш давр асарларининг янги даврларда ҳам ҳаётйилигидагина эмас, балки айни чоқда уша асарларда акс этган эстетик қадриятлар кейинги авлодларнинг онгини бойитади, тулдиради. Ана шу асарлар оша утиб келадиган алоқа ва ворислик бутун адабий-тарихий жараённинг реал асосини ташкил этади. Худди шу эстетик жамғарма... тараққиётнинг моҳиятини белгилайди»*.¹

Иккинчидан, жадид драмаси Туркистон воқелигининг бадиий инъикоси эди. Анъанавий драмалар учун ҳам мавзу, гарчи жузъий ва хусусийроқ характерда булса ҳам, шу воқелик бағридан белгиланган

Учинчидан, жадид пьесаларининг аксарияти, айниқса кулги томошалари бевосита халқ анъанавий пьесалари асосида ёзилган.

Туртинчидан, масхарабоз ва қизиқчилар бир пайтнинг узида ҳам пьеса муаллифи, ҳам саҳналаштирувчи, ҳам ижрочи бўлганлари каби жадид театр арбоблари ҳам илк шаклланиш палласида худди шундай функцияларни бажардилар.

Бешинчидан, анъанавий театрнинг айрим вакиллари оврупоча шаклдаги янги ўзбек театри шаклланишида бевосита иштирок этдилар (масалан, Қўқон, Хоразм театр труппалари).

Хуллас, гоаявий-эстетик йуналишлари, шакли фарқ қилишига қарамай, анъанавий театр ва драматургия янги ўзбек жадид театри ва драматургиясининг майдонга келишига муайян таъсир курсатди. Бироқ ҳал қилувчи таъсирни ва намунани жадид драматургияси, театри намояндалари XIX асрнинг 70-йиллари

¹ Н. И. Конрад. Избранные труды. Литература и театр. Москва, 1979, стр. 12.

дан Туркистонга кириб кела бошлаган рус, озарбайжон татар зиёлилари ҳамда оврупоча театр шаклларида олдилар, ўргандилар ва ижодий узлаштирилди.

2. ТУРКИСТОНГА ОВРУПОЧА ТЕАТР ҲАМ ДРАМАТУРГИЯНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАР

XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган сиёсий воқеалар Туркистон ҳаётини буткул ўзгартириб юборди. Россиянинг Марказий Осиёни босиб олиши, Энгельс айтганидек, «маданийлаштириш» ролини эмас, аввало, руслаштириш йўллари кўзлаб амалга оширилган қонли-сиёсий бир ҳодиса бўлгани бугунги кунда сир эмас.

*«Мусулмонлар маорифининг асосида уларни руслаштириш,.. исломни бузиш,.. умумий диний жиҳатларини бузиш ётмоғи лозим». «Русиядаги мусулмон халқларига биронта ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ берилмаслиги керак».*¹ Бу сўзлар рус зиёлилари, «маданиятчилари» томонидан айтилган. Шу сиёсий маслақларни кўзлаган ҳолда рус маданияти рус ҳарбийлари ва ўқимишли кишилари билан бирга Туркистонга кириб кела бошлади. Александр Македонский истилоси муносабати билан таъкидланганидек, мустабид давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида халқнинг маданий, маънавий анъаналари урнига ўз маданияти ва маънавиятини жорий этишга ҳаракат қилди. Бунинг салбий моҳиятини сира ҳаспушламасдан, эътироф этмоқ лозимки, рус маданий тадбирларининг муайян ижобий таъсирлари ҳам бўлди. Туркистонда ижтимоий-эстетик тафаккур тараққиётининг тезлашувида узига хос урин тутди.

Чор ҳукуматининг мустамлака ўлкадаги расмий нашри афкори бўлган «Туркестанские ведомости» газетаси ёзишчиси, рус архитектори С. В. Леханов, унинг хотини М. Г. Леханова ва Н. Ф. Ульяновлар биринчи маротаба Тошкентда 1867 йили ҳаваскорлар драма тугарагини ташкил этганлар.² Кейинроқ, 1876 йили Самарқандда мусиқали драма тугараги, 1890

¹ Кучирмалар Б. Қосимовнинг «Исмоилбек Гаспранли» китобидан олинди, 20-бет.

² «Туркестанские ведомости», 1903 йил 23 июль.

йилда ҳаваскорлик жамияти тузилади. Қўқон хонлиги тугатилиши билан эса Қўқон шахрининг ўзида ҳам драматик санъат ҳаваскорлари тугараги ташкил булади. Бу тугарақлар қисқа фурсатда рус ва Овруро драматургиясининг мумтоз намуналарини саҳналаштиради. Жумладан, Тошкент тугараги А. Н. Островский асарларини, Самарқандлик ҳаваскорлар эса А. Н. Островский асарлари қатори Л. Н. Толстой пьесаларини ҳам саҳналаштирганлари маълум.¹

1877 йили 7 октябрда Ф. И. Надлер бошчилигидаги рус театр жамоаси Россиядан келиб А. Ф. Писемскийнинг «Машъум тақдир» пьесасини саҳна шаклида мослаштирилган «Военное собрание» биносида намойиш қилади.

Бу труппа 1880 йилгача шу ерда булиб, Туркистон шаҳарлари ҳарбий қисмларида спектаклар курсатади. Труппа спектакллари аксарият енгил комедия, мелодрама, фарс ва водевиль жанридаги асарлар булиб, гоҳида томошабин табақаларига қараб жиддий драма асарлари ҳам қўйилган. Бу жиҳатдан Н. И. Ржевский труппасининг гастроллари эътиборга лойиқ. Унинг труппасида Гоголнинг «Ревизор», Лермонтовнинг «Маскарад», Мольернинг «Тартюф» пьесалари ва ҳатто Гётеннинг «Фауст», Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романи асосидаги инсценировкалар қўйилган.² Умуман, утган асрнинг 80-йилларидан то 1917 йилгача Туркистонга Россиядан В. Васильев-Вятский (1890—1896), Н. Д. Кручинина (1894—1899), В. И. Яков (1900-1903), З. А. Малиновская (1903—1917), Н. П. Казанский (1904—1906), М. С. Кожевников (1907-1908), В. Ф. Комиссаржевская (1910), М. Шумская (1912—1913), А. С. Костаньян (1913), Д. Х. Южин (1916), Л. В. Собинов (1912, 1915) каби ташкилотчи ва санъаткорларнинг театр ҳамда концерт жамоалари келиб, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Хужанд, Марғилон, Ашхобод, Чоржуй каби шаҳарларда спектаклар курсатганлар, мусиқа кечалари ташкил этганлар. Бу театр-концерт жамоалари репертуарида Оффенбах оперетталари, Ж. Верди, М. Глинка, П. И. Чайковский операларидан тортиб А. Н. Островский ва А. П. Чехов водевиллари, Еврипид, Шекспир, Шиллер трагедиялари, А. С. Грибоедов, Н. В. Гоголь,

¹ В. П. Дьяченко. Русский драматический театр в Туркестанском крае. Ташкент, 1966, стр. 12.

² «Туркестанские ведомости», 1889 йил 17 октябрь.

А. С. Пушкин, А. Н. Островский, А. Н. Толстой, Г. Ибсен, Бомарше, Г. Гауптман, Л. Н. Толстой, А. В. Сухово-Кобилин, А. П. Чехов, А. М. Горький драма ва комедияларигача булган. Айрим рус театр жамоалари раҳбарлари ва бой савдогарлари Туркистоннинг йирик шаҳарларида театр бинолари қурганлар. Масалан, Н. Д. Кручинина Тошкент шаҳар боғида ёзлик театр биносини, Г. М. Цинцадзе «Колизей» концерт-театр биносини қурдирганлари маълум. Умуман, Туркистонга 1880—1917 йиллар оралигида юздан ортиқ театр ва мусиқа жамоалари гастролларга келган. Ғарб театр ва мусиқа маданиятининг Туркистонга келиши 1905—1907 йиллардан бошлаб шу қадар кучайганки, ҳатто 1907—1910 йиллар оралигида Гансельц раҳбарлигида итальян опера труппаси ҳам Тошкентга тўрт марта келиб, спектакллар намойиш қилган.¹

Туркистонга оврупоча театр ва драматургиянинг ёйилишида озарбайжон зиёлиларининг фавқулодда катта хизмати бор.

Озарбайжонда театр санъатининг янги шакли озар адабиётшуносларининг талқинларича, Мирза Фатали Охундов (1812—1878)нинг драматургик ижоди туфайли шаклланган.² Унинг юксак маърифатпарварлик руҳидаги «Қароқчини снган айиқ», «Ленкорон хонининг вазири», «Ҳожи қора», «Шарқ адвокати» каби сахна асарлари таъсирида Н. Вазиров, Ж. Мамадқулизода, Н. Наримонов, А. Ахбердиевдек озарбайжон жадид драматурглари етишдилар. Булар, уз навбатида, узбек жадид драматургияси ва театри туғилиши, ривожланиши учун беқиёс таъсир курсатдилар. Шу уринда мазкур масалаларни 30-йилларда урганиб, тадқиқ этган Миён Бузрук Солиҳовнинг бир мулоҳазасига эътиборни тортмоқчимиз. У озарбайжон театрининг Ўзбекистондаги таъсири хусусида сўз юритиб ёзади:

«Озарбайжон театруси 1915 дан бурун Ўзбекистонга таъсир курсатмади.»³ Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки мавжуд фактлар тамомила акс манзарани курсатади.

Озарбайжон актёрлари илк бор 1911 йилда Туркис-

¹ В. П. Дьяченко қайд этилган китобида рус театри, М. Раҳмонов «Ўзбек театри тарихи» монографиясида рус театр ва мусиқа жамоалари гастроллари ҳақида муфассал маълумот берганлар.

² Дж. Джафаров, М. Ф. Ахундов, Москва, 1962, стр. 68.

³ М. Б. Солиҳов. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. Тошкент, 1935, 64-бет.

тонга кириб келганлар. Аҳмадбек Қамарлинский, Сидқий Руҳилло, Наримон Наримонов, Ҳусайн Араб-линский каби етук озар актёрлари Самарқандда, Қуқон ва Чоржуйда, И. Тургеневнинг «Пулсизлик» (қайта ишланган) асарини ва Н. Наримоновнинг «Нодиршоҳ» тарихий драмасини, М. Ф. Охундовнинг «Ҳожи қора», Н. Везировнинг «Ёмғирдан қугулиб, селга...», «Мусибати Фахриддин», А. Ҳақбердиевнинг «Оға Муҳаммад шоҳ Ҳожар» спектакларини намойиш қилганлар.

Улардан сўнг озарбайжонлик актёр ва режиссёр Алиасқар Асқаровнинг Туркистонга ўз кичик труппаси билан келгани маълум. А. Асқаров Туркистон театри тарихида алоҳида ўрин тутадиган сиймолардан. У ўз труппаси билан озарча спетақллар қўйиш қаторида, ерли халқ вакилларини саҳна санъатига жалб этишда жонбозлик курсатди. Унинг режиссёрлигида «Падаркуш»нинг Самарқандда илк саҳна умри бошланган бўлса, кейинроқ Тошкент, Каттақўрғон, Қуқон, Наманган каби шаҳарларда саҳналаштирилган мазкур спектаклнинг ростлагувчи режиссёри ҳам А. Асқаров бўлди. А. Асқаров Туркистонга 1913 йилнинг иккинчи ярмида келган эди. Шу бўйи у икки йилдан ортиқ Туркистонда қолиб кетади. У ўз труппасида «Хур-хур», «Кухна Туркия», «Оч ҳарфли» каби озарбайжон тилидаги пьесаларни саҳналаштириш билан бир қаторда гастролга борган шаҳарларида ерли ҳаваскорларни йигиб, «Падаркуш»ни ҳам яна бошқа таржима асарларни ўзбек тилида саҳнага қўйиб беради.

Ана шу фаолиятини табриклар «Ойна» журнали 1915 йил 14-сонида ёзган эди: *«Наманган ёшларига ва мухтарам Алиасгар афандига ташаккур қилинур. Самарқандда ҳам биринчи турк тилинда қўйилган тиётруга уч-тўрт сана илгари Алиасгар жаноблари сабаб бўлиб эди. Туркистонда Алиасгар афандини тиётру қўймаган шаҳри оз қолди ва қолганларига ҳам гайрат этиб қўйса яхши булур».*

Куринадики, А. Асқаров миллий ўзбек театри вужудга келишида беқиёс роль уйнаган. Агар «Ойна» ҳайъати гапларини инобатга олсак, биз белгилаган сана ҳам бир-икки йилга сурилади, яъни А. Асқаров труппасининг Туркистонга келиши 1911 ёки 1912 йилларга тўғри келади. Шу билан бирга бу далиллар М. Б. Солиҳов мулоҳазасининг ҳам тўғри

эмаслигини исботлайди. У мулоҳазани инкор этади-ган яна бир гувоҳлик тагин уша «Ойина» мажалла-сида учрайди. Унинг 1914 йил 38-сонида «Самар-қандда мусулмонча театру» номи билан озарбайжон-лик артистларнинг Туркистон, хусусан Самарқандда бўлишига доир хабар босилган. Унда айтилишича, Самарқанднинг руслар яшайдиган қисмида 4 июль куни Бокудан келган Миракбар Хонталшинский «раёсатида бир неча армани ортистлари иштироки илан «Кухна Туркия» фожеси ила «Дошим-дошим» ва «Турсунали ва Баллибоди» мазахкалари мавқеъ томошага қўйилган». Айниқса «Кухна Туркия» фо-жиаси «туркистонли, эронли, тотор ва қофқози му-сулмон» томошабинлари томонидан олқишланиб, муваффақият қозонган.

Бундай далилларни «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталари саҳифаларида ҳам куплаб учра-тиш мумкин.

Озарбайжон театрларининг Туркистонда бўлиши ерли халқнинг 1915 йилдан бошлаб театр томошала-рига купроқ қатнашиши, яқинлашуви учун кенг йул очди, десак, тўғрироқ бўлади.

Шу йили Сидқий Рухилло бошчилигида мусиқий театр жамоаси катта дастур билан Тошкентга гастрол-га келади. Улар Узейир Ҳожибеков мусиқа басталаган «Лайли ва Мажнун», «Машоди Ибод» мусиқий спек-такллари, Н. Наримоновнинг «Нодиршоҳ», А. Хақ-бердиевнинг «Турсунали ва Баллибоди», Х. Ризаев-нинг «Жаҳолат» асарларини курсатадилар.

1916 йилда Сидқий Рухилло труппаси Туркистонга қайта келади. Бу галги гастроль репертуарида У. Ҳо-жибеков муаллифлигидаги мусиқий драмалар анчаги-на эди. Фузулий достони асосидаги «Лайли ва Маж-нун», «Асли ва Карам», «Аршин мол олан» каби опе-ра ва оперетта спектакллари узбек томошабинининг театр санъатининг янги жанрлари билан яқиндан та-нишувига ёрдам берди.¹ Бундан ташқари, озарбайжон санъаткорлари «Шарқ кечалари» номли театрлашти-рилган маърифий композициялар қўйиб, маҳаллий халқ маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилган-лар. (Булар ҳақида яна урни билан тўхталамиз.)

Туркистон зиёлиларини янги театр санъатини таш-

¹ Бу ҳақида қаранг: С. Алиев. Литературные связи и узбекская драматур-гия. Ташкент, 1975, 31—37-бетлар.

кил этишга илҳомлантирган омиллардан яна бири татар театридир.

Профессор М. Раҳмонов Туркистонда татар театрчилик ҳаракати татар труппалари Тошкентга келмасидан анча аввалроқ бошланганини қатор далиллар билан исботлайди. Жумладан, 1904 йилнинг 4 апрелида Тошкентда подполковник С. Г. Еникеев уйида Новмиқ Камолнинг «Ишқ балоси» спектакли Туркистонда яшовчи татар ҳаваскорлари томонидан намоиш қилинган. Бу намоишдан олдин Абубакр Диваев чиқиб, Оврупо театри ҳақида маъруза қилган».¹

Хонадон эгаси Соҳиб Гиреевич Еникеев асли бошқирдистонлик татарлардан бўлиб, собиқ Қўқон хонининг Санкт-Петербургдаги элчиси Мирза Ҳаким Парвоначининг татар хотинидан дунёга келган Саодатхонимга уйланган эди. Саодатхоним Тошкент гимназиясида ўқиб, оврупоча тарбия олган, рояль чалишни биладиган маърифатпарвар аёллардан булган. Унинг турмуш уртоғи чор армияси офицери С. Г. Еникеев эса 90-йиллар охирларида Асака ноиби бўлиб, Маъдалихон — Дукчи эшон кўзғолонига хайрихоҳликда айбланиб, кейинроқ истъфога чиққан². Ана шу зиёли хонадонидида мунтазам татар спектакллари, концерт ва «санойи нафиса» кечалари уюштириб турилган.

1909 йили Тошкентда маҳаллий татар ҳаваскорлари «Мусибати Фаҳриддин» ва «Қизлар қандай кулалар» номли спектакллар курсатганлар. «Туркистон вилояти газети» ёзишича, 1910 йилдан бошлаб Тошкентда доимий татар театр жамоаси иш бошлаган.³ Мазкур труппада озар, татар, рус драматургиясининг сара намуналари саҳналаштириб борилган.

Татаристон театр тудалари Туркистонга 1911 йилдан кела бошлайдилар. «1911 йилда Илсбек Ошқозорский раҳбарлигидаги профессионал татар труппасининг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухорода бўлиши ҳам улкада маҳаллий театрчилик ишларининг ри-

¹ М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 264-бет. Эслатма: Шу факт Миен Бузрук Солиховнинг «Узбек театри тарихи учун материаллар» номли 1935 йил нашр этилган китобининг «Татар театрусининг Узбекистонга таъсири» бобида Қозонда чоп қилинган «Татар театри» китоби асосида қуйидагича келтирилади. «...1905 да апрелнинг 4 ида полковник Абубакир Дивайовнинг уюштириши билан Тошкентдаги татарларнинг юқори оилалари учун бир ховлида татарча спектакл ясалиб, «Ишқ балоси» пьесасини уйнаганлар» (57-бет).

² Бу ҳақда қаранг: «Шарқ юлдузи» журнали, 1993 йил, 10—12-сон, 17—19-бетлар.

³ «Туркистон вилояти газети», 1910 йил 4 февраль.

вожланишига катга таъсир курсатади».¹ Илёсбек Ошқозорский ёки Илёсбек Қудашев-Ошқозорский² дустлари Соҳибжамол Иззатулина-Волжская ва Абдулла Қориев билан Қозонда 1906 йили биринчи татар профессионал театрини ташкил қилган эдилар. Улар гастролларда куп юрганлари учун узларини «Сайёр» труппа деб номлаганлар. Уларнинг репертуарида рус, озарбайжон таржима асарлари қатори «татар Островскийси» дея ном олган Алиаскар Камолнинг «Бахтсиз йигит», «Уйнаш», «Бизнинг шаҳар сирлари», «Банкрот», «Дажжол», Исҳоқ Богдановнинг «Камбагаллик айб эмас» номли А. Островский асари асосидаги «Хужа ва гумашта» комедияси каби пьесалар ҳам илк бор сахна умрини бошлаган.³ «Сайёр» труппаси ана шу спектакллари 1911 йили Тошкент, Бухоро ва Фаргона водийси шаҳарларида намойиш қилди. Орадан бир йил утгач, С. Иззатулина-Волжская Уфада «Нур» номли алоҳида театр гуруҳи тузиб, яна Марказий Осиёга келади. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Марв, Чоржуй шаҳарларида спектакллар курсатади.

И. Қудашев-Ошқозорский 1913 йили Тошкентда яна бир доимий татар труппаси тузишга ёрдам беради. Бу труппа 1914 йилдан Заки Боязитский ва Мустафо Мансуровлар режиссёрлигида ишлаган.

«Сайёр» труппаси 1913 йилда Туркистонга иккинчи қайта келади. Бу сафар Тошкент, Наманган, Когон ва Бухорода спектакллар қуйгани маълум. Умуман, татарларнинг ҳам маҳаллий, ҳам гастролга келувчи театр труппалари Туркистонда бу санъат турининг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим роль уйнади. Нафақат маънавий, айна чоғда бевосита амалий таъсир курсатди.

Шу уринда, Туркистонга турли сабаблар билан келиб қолган арман жамоаларининг ҳам узига яраша Оврупо типидagi ҳаваскорлик театр гуруҳлари булганини эслатмоқ лозим. Театршунос М. Раҳмонов «Ўзбек театри тарихи» китобида арман профессионал

¹ Б. Қосимов. Салом, келажак. Тошкент. 1986, 36-бет.

² М. Раҳмонов «Ўзбек театри тарихи» 266-бетида Қудашев ва Ошқозорскийни бошқа-бошқа шахслар, деб келтиради. Бу тўғри эмас. Аслида бу бир шахснинг номи булиб, 1913 йилда Тошкентда ташкил этилган доимий татар труппасининг асосчиларидан бири ҳам шу Илёсбек Қудашев-Ошқозорский эди. Бу ҳақда қаранг: Х. Губайдуллин. Татарский театр дооктябрьского периода (1887—1917). АҚД. Казань, 1964, стр. 7.

³ Қаранг: Х. Губайдуллин. Татарский театр дооктябрьского периода (1887—1917).

театри гастроллари Туркистон шаҳарларида 1903 йиллардан бошланганини қайд этади. Бу труппалар «Медея», «Отелло», «Трильби», «Номус», «Лиза», «Куз ёш водийси», «Жиноятчи оиласи», «Арслон боласи» каби арман ва дунё классик асарлари асосидаги спектаклларни намойиш қилган. Ҳатто арман ҳаваскорларидан С. Хачатуров, Н. Хачатуров, С. Жамшидян, Гоянэ, А. Саркисян, Акопянлар 1904 йилда доимий труппа тузганлар. Кейинроқ бу труппа рус ҳаваскорлари билан қушилиб кетган. Назаримизда, арман труппаси купроқ рус ва уз миллатдошлари учун спектакллар қуйиб, ерли аҳолини жалб этиш ниятида бўлмаган, уларнинг маданий таъсирларини курсатадиган жиддийроқ далиллар йўқ. Аксинча, купгина узбек жадид пьесаларида, айрим мақолаларда бу миллат вакиллари аксар маҳаллий миллатнинг бойликларини узлаштираётган айёр тadbиркорлар сифатида тасвирланади. Шу боис уларнинг бевосита маънавий таъсирлари ҳақида сўз юритиш мушкул.

Рус, озарбайжон, татар театрларининг эса маҳаллий зиёлиларга таъсири, амалий ёрдамлари алоҳида тухталишни тақозо этади. Зеро, бу таъсир ва амалий ёрдамларсиз узбек жадид театрнинг ҳам, драматургиясининг ҳам туғилиши мумкин эмас эди.

Адабий-маданий алоқалар ҳақида сўз юритилар экан, мавзуни яна XIX асрнинг иккинчи ярмидан, жараённинг илк давридан бошлашга тўғри келади.

Туркистонда Оврупо маданияти курунишларининг пайдо бўлиши илк паллаларда авомнинг ҳам, зиёли-ю уламоларнинг ҳам қаттиқ норозилигига сабаб бўлган бўлса, кейинроқ, шахсий ва амалий муносабатлар тўғрисида ижобий узгаришлар сезила бошлайди. Сатторхон Абдуғафоров, Саидрасул Саидазизий, Муҳиддинхужа Ҳакимхужа угли, Журабек Қаландар угли, Мирзо Абдуллоҳжи Исамуҳаммад угли, Мирзо Бухорий, Хожи Муҳаммад Зухур, Аҳмад Дониш, Комил Хоразмий каби Марказий Осиёдаги пешқадам зиёлиларнинг Россия марказий шаҳарларига қайта-қайта саёҳатлари, рус маданий ва маънавий ҳаёти билан яқинроқдан танишиш уларни янгича маданиятдан уз халқларини ҳам баҳраманд этишга даъват қилди. Айнан шу зотлар Марказий Осиёдаги илк оврупоча ўқитув системаларини, турмуш шароитларини, медицина ва техника ютуқларини уз ватанларида тарғиб ва ташкил қилишнинг ташаббускорлари булдилар; «Туркис-

тон вилояти газети»да мақола ва саёҳат хотиралари билан чиқишлар қилиб, янгича, замонавий илмларнинг афзалликларини тушунтиришга, аҳолининг онги, савиясини кўтаришга уриндилар. Зоҳиран қараганда, рус мустамлака сиёсатининг маккор «маданийлаштириш» дастурига хизмат қилаётгандек кўринувчи бу маърифатпарварлар, аслида, анъанавий илмларнинг ўзи билангина чекланиш, эски турмуш тарзини шу зайил давом эттириш мамлакатни янада қолоқ аҳволга солишини, халқнинг мустамлака исканжасидан қутула олмаслигини англаб етган эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг аксарияти кейинроқ тарихга «Тошотар воқеаси» деб кирган 1892 йил июнидаги Тошкент вабо қўзғолонининг — моҳиятан миллий, озодлик мақсадларини кўзлаган халқ ҳаракатининг ташкилотчилари ва раҳбарлари бўлиб чиққани, бежиз эмас. «...узоқ вақт йиғилиб келган норозиликлар натижаси бўлган вабо қўзғолони меҳнаткаш халқнинг чор мустамлака идора усулига ва амалдорлар зулмига қарши курашининг ёрқин ифодаси эди».¹ Бир қарашда рус маърифатчилигининг энг фаол тарғиботчиси бўлиб куринадиган рус-тузем мактабларининг ўқитувчиси ва шу мактабларда ўқитилган «усули савтия» асосидаги «Устоди аввал» алифбо дарслигининг муаллифи Саидрасул Саидазизий ҳам 1917 йилга келиб миллий мухторият учун курашган «Шурои исломия» ташкилотининг фаолларидан бирига айланади.²

Мавзуга қайтиб айтадиган бўлсак, оврупоча театр санъатини ҳам биринчилардан бўлиб ташвиқ этган зиёлилар уша биз зикр этган инсонлардир. Уларнинг орасида уч зиёли бу жиҳатдан алоҳида сўз айтишга лойиқ. Буларнинг бири бухоролик маърифатпарвар Аҳмад Дониш (1827—1897) бўлиб, у Бухоро амирининг элчиси сифатида уч қарра (1857, 1869, 1874 йиллар) Россия марказларида бўлиб, театр томошахоналаридан олган таассуротини машҳур «Наводир ул-вақое» китобида ёзиб қолдирган эди.³

Иккинчи маърифатли зиёли тошкентлик Ҳожи Муҳаммад Зухурдир. Илмий жамоатчиликка Фурқатнинг «Гимназия» манзумасидан таниш бўлган бу зот ҳам бир неча қайта хориж ва Россия буйлаб саёҳат-

¹ Ш. Юсупов. Фурқат йулларида. Тошкент, 1984, 170-бет.

² Бу ҳақда қаранг: «Фан ва турмуш» журнали, 1992, 5—6-сон, 18-бет.

³ Қаранг: Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. Тошкент, 1964, 238—257-бетлар.

ларда булган. Унинг 1894—1895 йиллардаги Россияга саёхат таассуротлари «Туркистон вилояти газети»нинг 1895 йил 17, 24, 25-сонларида эълон қилинган. Мазкур хотираларга кўра, Ҳожи Муҳаммад Зухур Петербургда театр томошасида булган ва у ердаги гаройиб ҳолдан худди Аҳмад Дониш каби бағоят таъсирланган. У сахнада уйнаган актёрлар, мусиқачилар, уларнинг кийим-бош ва ижро маданиятлари ҳақида тулқинланиб фикр юритган.¹ Агар бу икки зиёли Россиядаги театр маданияти ва унинг тартиботларидан сўз юритган булса, узга бир муборак инсон Туркистон худудидаги театр тамошаларидан баҳс очади.

Бу зот эса атоқли узбек шоири ва маърифатпарвари Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқатдир. (1859—1909). Фурқатнинг 1889—1891 йилларда Тошкентда булиб, рус гимназияси, кўрғазмалари, акт мажлиси, мусиқа концертлари ва, ниҳоят, театр томошоналарида булгани ҳақида куп ёзилган. Шу боис биз шоирнинг уша мавзудаги асарларининг яратилиш тарихи ва мазмуни таҳлилига тўхталмаймиз. Бунинг учун фурқатшуносликдаги эътиборли манбалар булган профессор А. Абдуғафуров ва профессор Ш. Юсуповларнинг тадқиқотларини эслатиш билан чекланамиз.² Фақатгина Фурқатнинг «Туркистон вилояти газети»да мунтазам босилиб турган хотираларига урни билан мурожаат этишимизни таъкидлаб, ҳозирча «Нағма хусусида» ҳамда «Суворов» манзумалари ҳақидаги айрим мулоҳазалар билан уртоқлашмоқчимиз, холос.

Фурқатнинг Тошкент даври адабий меросида «Тошкент шаҳрида булган нағма базми хусусида», «Нағма ва нағмагар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида» номли икки маснавийси булиб, улар шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида намойиш қилинган Оврупо усулидаги концертлар ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга, биз мазкур маснавийлар орқали шоирнинг ҳиссий олами, таассуротлари, нозик кузатишлари, мақсади ва диди хусусида ҳам тушунча ҳосил қиламиз. Аини чоғда Фурқатнинг турли оврупоча томошаларга мунтазам қатнашгани, жумладан, театр томошасига ҳам борганини эътироф этиб ёзган қуйидаги сатрлари алоҳида эътиборни тортади:

¹ Қаранг: Ш. Юсупов. Дустлик қалдирғочлари. Тошкент, 1983, 8—9-бетлар.

² Қаранг: А. Абдуғафуров. Зокиржон Фурқат. Тошкент, 1977; Ш. Юсупов. Фурқат йулларида. Тошкент, 1984.

На ерда нағмалик бўлса тамошо,
Қилур манзума бирла они иншо,
Тамошаларки, аввал неча ёздим,
Газет бирла они сизга чиқоздим.
Хусус ики тамошо, аввал, охир,
Бири нағма, бири эрди театр.
Яна неча тамошаларни этдим,
Ажойиб нағмаларни куб эшитдим.¹

Маълум бўляптики, Фурқат, айтганимиздек, томошаларга тез-тез бориб турган. Курганларини эса назмага солиб, дарҳол «Туркистон вилояти газети»да эълон қилиб борган. Бундан мақсад аввало халқни дунёда шундай маданий муассасалар борлигидан огоҳ этиш бўлса, иккинчидан, шоирнинг бош тилаги ҳам шу:

Аё, Фурқат, қулоқ сол забт этиб ҳуш,
Ки шояд *наслимиз солгай дебон гуш*.²

(Таъкид бизники — Ш. Р.)

Фурқат саъй-ҳаракатининг туб замирида ўсиб келатган авлод шундай санъатларга «забт этиб», урганмикан, биздан ҳам оврупоча куй-қушиқларни маромига етказиб ижро эта оладиган санъаткорлар етишармикан, деган орзу ётади. Шу орзусини шоир драматик театр санъати томошасидан олган таассуротлари билан яна бир қарра таъкидлайди. Бу томоша «1890 йил 5 октябрда Тошканд шаҳридаги театр иморатида бўлгон» Н. Куликовнинг «Суворов қишлоқда, Миланда ва яхши аёллар орасида» номли спектакли эди. Фурқат спектаклдан жуда мутаассир бўлган шекилли, оз фурсатда курганларини вазнга солиб, қоғозга туширади ва «Туркистон вилояти газети»нинг 1890 йил 44, 45 ва 50-сонларида эълон қилади. Асарнинг илк байтидаёқ ифодаланган ҳолат фикримизни янаям далиллайди. Яъни, одатда киши қаттиқ таассуротлар исканжасида қолганида, илмий тилда айтилгандай, лирик чекинишларга, қизгин ифода ва эҳтиросли даъватларга мурожаат этади:

Муганний, нағмани кел айлаб оғоз,
Уруш оҳангида қил нардасин соз!

¹ *Фурқат*. Танланган асарлар. Икки томлик. II том. Тошкент, 1959, 30-бет.

² *Фурқат*. Танланган асарлар. Икки томлик. II том, 33-бет.

(Навоий дostonларидаги шоирнинг муайян туйғулар жунбушга келганида, муганний, соқий ва уз-узига муружаатларини эслайлик.)

Театр базмини обод қилгил,
Тамоша аҳли кўнглин шод қилгил!
Суворовга муқаллид бир тамошо
Эрур бошдин-аёғи ҳайрат афзо.
Не ишким, қилди у ўтган замонда,
Анга булди муқаллид бул маконда.¹

Шоир «муқаллид» сўзини икки бор қўллаб, масхарабоз ва қизиқчилар анъанавий театри каби, тақлид маъносида ишлатади. Аммо асар сунгигача гуё тақлид деган сўзни унутиб, Фурқат воқеаларнинг драма конпликтига мос динамик ривожини ҳикоя қилади. Муқаллид театри зур берадиган энгил кайфият, юмористик кулги туйғуси ҳикояда мутлақо йўқ. Демак, Фурқат «муқаллид» сўзини ишлатгани билан, у тушунчани назарда тутмайди. Умуман, Фурқатнинг театр ва драматургия эстетикаси ғоят аҳамиятга молик. (Буни кейинроқ жаид театри ва драматургия эстетикаси муносабати билан алоҳида таҳлил қилиш мумкин.)

Хуллас, мавзудан чалғимамай, сўзни мухтасар қилдиган булсак, *«Маърифатпарвар шоир, биринчидан, газетани ўқувчи маҳаллий аҳолининг аксар қисми ҳали театр спектакли ҳақида тасаввурга эга эмаслигини ҳисобга олиб, иккинчидан, ўзининг шу руҳдаги асарларини ёзишдаги анъанасига содиқ қолиб, театр нималигини, унинг спектакллари қандай ташкил этилиши, қандай мақсадларга хизмат қилиши ва ҳоказолардан газетхонларни воқиф қилишдек ғоят ўринли мақсадни қўяди ва уни муваффақиятли бажаради».*²

Шу уринда яна бир мулоҳазани мушоҳада этсак. «Суворов» асарини фурқатшунослар жанр эътиборига кўра дoston, шеърӣй ҳикоя ёки оддийгина маснавий ва ё манзума, деб қайд этадилар. Мазкур қарашлардаги муайян асосларни ёдда тутган ҳолда мунозарага киришиб айтмоқчимизки, шеърӣй тақриз шаклидаги бу маснавий, бизнингча, биринчи навбатда, ўзбек театр танқидчилигининг илк намунаси, деб қаралмоғи лозим. Тавсиф ва таърифларнинг шеърӣй шаклда

¹ Шу китоб, 34-бет.

² Ш. Юсуповнинг қайд этилган китоби, 142-бет.

лиги эса бу умуман жаҳон тажрибасидаги юзлаб илмий трактатларнинг шеърий шаклда ёзилгани каби ҳодисадир. Бу антик дунёдан бошлаб давом этган ифода усули классик даврларнинг ҳаммасига хосдир. Шарқда Ибн Сино, Ибн Рушд, Умар Хайём илмий рисолаларидан тортиб, Фурқатга замондош Аҳмад Табибийнинг «Мажмуатуш-шуаро»сигача, Ғарбда Эвклид «Геометрия»сидан бошлаб Буало «Шеър санъатлари»-ю Ломоносов кўзгу илми ва минерологиясигача шеърий шаклда, вазнга солиб ёзилгани шундан далолат. Бунинг энг яхши таърифини эса яна уша адабиётшунослик ибтидоси Аристотель «Поэтика»сидан топамиз. *«Мабодо, медицина ёки физикага оид қандайдир рисолани вазнга туширган ҳолда нашр этсалар, муаллифни одатда шоир деб атайдилар. Бу уринда Гомер ва Эмпедокл (милоддан аввал V асрда яшган, «Табиат ҳақида» поэмасининг автори — таржимонлар изоҳи) билан вазндаги яқинликдан бошқа ҳеч қандай умумийлик йўқ, шу боисдан ҳар иккисини шоир дейишдан кура, биринчисини шоир, иккинчисини табиатшунос деб аташ адолатлидир»*.¹ Классик анъаналар адабиётининг сўнгги мумтоз вакилларида булган Фурқатнинг мазкур асарини ҳам шеърий шаклдаги тақриз, деб атаган маъқул куринади. Чунки у, биринчидан, мустақил бадиий асар сифатида яратилган эмас; иккинчидан, Суворов образи ва бошқа персонажларни Фурқат томонидан қайта бадиий идрок этилган, деб бўлмайди. Баъзи баҳо ва мушоҳадалар эса ҳар бир томошабиннинг қизиқарли томоша жараёнида кўнглидан кечадиган муносабати, кўрими ва мезонлари кабидир; учинчидан, бу асар Фурқатнинг бадиий салоҳияти даражасидаги юксак санъат намунаси эмас. Буни назарда ҳам тутмайди. Қолаверса, Фурқат лирикасидаги айрим мусаддас ва мухаммаслар, шеърий мактублар, саёҳатномаси, эълон қилинмаган диний манзумалари, хусусан, яқиндагина «Туркистон» газетасида босилган «Ҳажнома» асарлари шоирнинг эпик поэзия соҳасида ҳам юксак шукуҳлик санъаткор эканидан далолат беради.

Шоирнинг «Саргузаштнома»сидаги *«Мен ҳарнаким кўрдум фикрим юбориб ёздим, баъзи одамларга менинг ушандоқ мазмунларим («манзумаларим» булса*

¹ Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980, 8–9-бетлар.

керак — Ш. Р.) марғуб булмагандур ва лекин менинг кунглумдаги аҳвол булак одамларга маълум эмасдур ва менинг кунглумнинг ичидан хабардор булмаганларга ташқаридан қиёс бирлан бир нимарсага ҳукм қилмоқлари мушкилдур»,¹ деган ғоят пурмаъно изтироби, бир чети маърифатпарварлик манзумаларининг жанрини белгилаш муносабати билан ҳам тугилган сузлар эмасмикин? Чунки юксак бадиъати билан бутун Туркистон улкасида танилиб қолган шоирга маърифий манзумалар муносабати билан шеър нуктадонларининг танбеҳ ва таассуфи билдирилган булиши мумкин. Ваҳоланки, бу туркум асарларнинг шоир Фурқат бадиий салоҳиятини белгилай олмайдиган асарлар эканини жуда яхши англаганимиз ҳолда азбаройи шу ро мафқураси ва «катта оға» мулоҳазаларидан келиб чиқиб баҳо берганимиз сир эмас-ку! Нафақат «Суворов», балки барча маърифий манзумаларнинг яратилиш тарихи, мақсади ва вазифаларини яна қайта мушоҳада этиб, шоир ижодий имкониятлари юзасидан тош-тарозуга солиб куриш фурсати етмадимикан? Ҳар қалай, ана шу уйлар Фурқатнинг «Суворов» асарини шеърий тақриз, аниқроғи, илк ўзбек театр танқиди намуналаридан, деб баҳолашга туртки берди. Қолаверса, театр томошаларига шеърий шаклдаги тақриз, янаям аниқроғи, ташвиқий тақриз яратиш тажрибаси Фурқатдан кейин ҳам ва, бизнингча, бевосита унинг таъсирида давом этди. Жалид шоирларидан Тулаган Хужамёров — Таваллонинг 1916 йили чоп этилган «Равнақ ул-ислом» тупламидаги «Театр ҳақинда», «Театрга махсус» деб сарлавҳаланган ғазал ва мураббаъ шаклидаги бир неча шеърий таассурот ва тақриزلари мулоҳазаларимизга яққол далил була олади.

Юқоридаги шахсий мулоҳазаларни қўятуруб, фикрларимизни умумлаштирадиган булсак, шуни айтмоқ лозимки, янги давр ўзбек маърифатпарварларининг илк бугини вакиллари оврупоча театр санъатидан баҳраманд булдилар ва уни маҳаллий халқ ҳамда келажак авлод учун ғоят керакли тарбия учоғи деб қарадилар. Матбуот орқали, турли асарлар воситасида тарғиб ва ташвиқ этдилар.

Оврупоча театр санъатининг амалий таъсири XX аср бошларига келиб янги ва ғоят юксак бир босқичга кутарилди. Маънавий озиқланиш, тарғиб этиш бу

¹ Фурқат. Танланган асарлар. II том. 131-бет.

санъат турининг халқ руҳий дунёси ва ижтимоий-сиёсий онгининг шаклланишидаги беқиёс аҳамиятини англашга олиб келди. Натижада Туркистон шароитида ҳам миллий драматургия ва театр яратиш ғояси туғилди. Уни замонавий маърифатчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар йулидаги қудратли воситага айлантириш нияти пайдо бўлди. Бу қутлуғ орзу-ниятни эса уша юксак миллий уйғониш ғояларини кўзлаб тарих саҳнасиغا чиққан ўзбек жаҳид зиёлилари амалга оширдилар.

3. ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ШАРОИТ ВА ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбек жаҳид драматургияси ҳамда театрининг шаклланиши, аввало, ижтимоий ҳаёт тақозоси ва эҳтиёжи туфайли содир бўлди.

Тарихий жараён ва Россиянинг мустамлакачилик сиёсати мамлакатдаги мусулмон улкаларнинг, жумладан, Туркистоннинг том маънодаги миллий уйғониши учун вазият етилганлигини намоён қилмоқда эди. XIX асрнинг охирилари ва XX аср бошларига келиб жамиятнинг энг илғор фикрли қатламлари қарашларини акс эттирган миллий уйғониш муайян мафкура сифатида, биринчи навбатда, маърифатчиликда кўринди. Ана шу мафкуранинг жарчилари бўлган жаҳидлар эса кенг миқёсли амалий фаолият билан ўз ғояларининг жамият ҳаётида қарор топиши, мустақамланиши ва охир-оқибат улар кўзлаган миллий озодлик, сиёсий мустақиллик курашларига ушиб утиши учун замин ярата бошладилар. Бу бутун Туркистон халқининг ижтимоий-сиёсий тафаккури тараққиётида янги бир босқич эди. Бу босқични ҳар бир маданий ўтмишига эга бўлган халқ ўз бошидан кечирган. Чунки жамият тараққиётида маълум бир системанинг табиий равишда янги сифат ўзгаришига учраши ўзига хос маърифатчиликни тақозо этади. Туркий халқларнинг этник жиҳатдан шаклланиши IX—X асрларда Шарқ Уйғонишини белгилаган илм даҳоларининг етишиб чиқишига, бадиий ижодда эса дидактик таъмоилдаги асарларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўлса, XIX аср охирилари — XX аср бошларига келиб, бу жараён ғоят ривожланган бир кўринишда эскирган, қолоқ ва мустабиллик негизидаги жамиятни адо-

латли, эркин, маданий муносабатлар устивор булган жамиятга айлангириш мақсадлари томон йуналтирилди. Шу жиҳатдан биздаги бу маърифатчиликни XVII — VIII асрлардаги Оврупо, XIX аср ургаларидаги Туркия, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX бошларидаги япон, араб ва Эрон маърифатчилигига қиёслаш мумкин. *«Ривожланаётган қатор ҳодисаларнинг бир қанча умумий қонуниятларга эга эканлиги, бу ҳодисаларнинг табиати муштараклигидан далолатдир»*.¹

Умумжаҳон маърифатчилик ҳодисаларига чуқурлашмай, уларга ҳамоҳанг булган узбек жадид маърифатпарварлиги хусусида суз юритилар экан, уни майдонга келтирган ижтимоий-тарихий манбалар ҳақида бир оз мулоҳаза юритишга туғри келади.

Мазкур тадқиқотимизнинг кириш қисмида, «жадид» тушунчаси ва унинг оммалашуви билан боғлиқ баъзи маълумотларни келтирган эдик. Шу бобнинг юқоридаги икки қисмида эса жадид театри ва драматургияси учун бавосита ва бевосита омил булган узбек халқ анъанавий театри ҳам оғзаки драмаси, рус, озарбайжон татар театри ва драматургияси ҳақида хийла маълумотлар қайд этилди.

Булар, албатта, гоят муҳим омиллар. Бироқ биринчи навбатда, эстетик характердаги маданий-адабий омиллар. Хуш, унда бу ҳодисанинг манбаи қаерда? Унинг маънавий-мафкуравий асослари нима? Узбек жадид театри ва драматургияси, айтиб утганимизда, ижтимоий давр, ижтимоий эҳтиёжлар талаби билан майдонга келган эди. Шу мулоҳазани назарда тутсақ, демак, *«асосий манба тарихий шароит булди»*,² деб айтиш жоиздир.

Хуш, тарихий шароитнинг ўзи қандай эди? Утган асрнинг сўнгги чорагидаги бир неча халқ исёнлари чор маъмурлари томонидан қон билан бостирилгач, Туркистонда ҳам сиёсий, ҳам маънавий тазйиқ ва таъқиблар авж олди. 1892 йил июнида Тошкентда юз берган «вабо кўзғолони»дан кейин чор ҳукуматининг Туркистондаги энг етакчи миссионер идеологи Н. Остроумов уз дусларидан бирига йўллаган мактубида шундай деган эди: *«Куп жиҳатдан айб узимизда, албатта: уларнинг («сарт»ларнинг) фёъл-атворини ва*

¹ Н. И. Конрад. Избранные труды, стр. 13.

² Б. Қосимовнинг «Излай-излай тошганим» рисоласида ҳам 1905—1917 йиллар жадидлар шерииятининг асосий манбаи тарихий шароит, деб курсатилган (47-бет).

қонун-қоидаларини урганганимиз йўқ ва ҳали ҳам урганмаяпмиз».¹ Бу «урганиш» замирида руслаштириш сиёсатини кенг миқёсда жорий этиш учун замин тайёрлаш мақсади ётганини англаб олиш қийин эмас. Шу фикр тасдиғи улароқ исёнлардан сўнг Туркистонга Россиядан рус оилаларини кучириб келтиришга зур берилди. «Россия марказидан кучириб келтирилган деҳқонларни улкада жойлаштириш ва купайтириш тадбири бу ерда «рус давлатчилиги»ни мустаҳкам урнатишдан иборат буюк давлатчилик сиёсатига ҳам қурол булиш вазифасини бажариши лозим эди».² Биргина мисол: 1898 йилги Муҳаммадали халфа — Дукчи эшон номи билан боғлиқ Андижон қўзғолонидан сўнг генерал Корольков Россия ҳарбий вазирлигига мактуб ёзиб, исёнчиларга жазо бериш усули сифатида Мингтепа қишлоғи атрофидаги 30 чақрим масофада яшайдиган 3000 мингдан ортиқ оилани Россия жанубига, узлашмаган ерларга кучириб, улар урнига рус деҳқонларини олиб келиш режасини баён қилган.³

Шу тариқа бутун Туркистонга XX аср бошларида бир ярим миллион русларни кучириб келтириш мулжалланган эди.

Чор ҳукуматининг иқтисодий режасида эса аграр улка ҳисобланган мустахлак Туркистонни янада аграрлаштириш, айрим саноат корхоналарини темир йўлларни, биринчи навбатда, Россиянинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун барпо этиш кўзда тутилган эди. Улканинг йирик шаҳарларида қурилаётган унлаб пахта заводлари хом ашёни бирламчи қайта ишлов билан Россия енгил саноати марказларига арзимаган нархда етказиб бериш учун хизмат қиларди. Пировардида шу хом ашёнинг бир қисми Туркистоннинг узига тайёр маҳсулот булиб бир неча баравар қиммат нархда қайтиб келар эди. Фақат энди унинг тулақонли хужайини «катта оға» булар эди.

Мавжуд аҳволни кўзда тутиб Турор Рискулов «Янги Туркистон» номли мақоласида шундай дейди: «Иқтисодий жиҳатдан, чор Русиясининг эзиши икки йўл билан борди: Ерлик халқ манфаатининг зарарига пахта саноатини сунъий равишда тараққий қилдириш ва

¹ Кучирма Ш. Юсуповнинг «Фурқат йўлларида» китобидан олинди (170-бет).

² Ўзбекистон ССР тарихи. Тошкент 1974, 194-бет.

³ Бу ҳақда қаранг: «Шарқ юлдузи» журнали, 1993, 10—12-сон, 46—49-бетлар.

қозоқ-қирғизларнинг экиб тургон ерларини урус келгиндиларга олиб бериш... Туркистонда ишлатилмакда булгон ерларнинг 55 фоизи урус келгиндиларининг қулига утди...»¹

Маданий-маънавий ҳаётда эса «руслаштириш» режасини янаям жадалроқ амалга ошириш ҳаракати кетаётган эди. Рус-тузем мактаблари, гимназия, семинария, ҳарбий билим юртлари каби маърифий муассасалар очилиб, бу ерда рус болалари билан бирга ўзбек болалари ҳам ўқитила бошлади. Фақат уларни оврупоча ўқитишдан асосий мақсад чор ҳукуматининг жойлардаги садоқатли гумашталари, тилмочларни тайёрлашга қаратилганди. Ана шундай таълим курган тилмочларнинг моҳиятини умумлаштириб, Мустафо Чўқосв ёзади: «*Мустамлака ҳолида булган бир мамлакатда тилмоч маъмурлар у мамлакатнинг миллий манфаати нуқтаи назаридан энг зарарли, энг қурқинчли махлуқлардир... Орада уз юртдошларидан ришват олмоқчи булиб, идора бошлиғи билан биргалашиб уз халқини, юртдошларини қийнаб буғиш... кснг юртимизни миллионларча халқи билан мустамлака қилиб босиб утирган рус режими ҳақида мана шу уз халқимиз чиқиндилари — тилмочларга қараб ҳукм бериш мумкин эди*»²

Тугри, илк паллаларда, яъни утган асрнинг 80-йиллари урталарида рус-тузем мактаблари ўлка буйлаб кенг ёйила бошлаганда, маҳаллий зиёлилар бу ўқув юртида нажот кургандай булдилар. Чунки эски мактаб ва мадрасалар замона илмларидан шу қадар орқанда эдики, биргина руҳоний таълим билан мамлакатни олға силжитиб булмас эди. «*Улкан руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим*» деган нуқтаи назар билан иш тутувчи генерал-губернатор Розенбах (1884—1889) даврида чор ҳукумати билан бирга айрим мулкдор ерли бойлар ҳам рус-тузем мактаблари ташкил этишда жонбозлик курсатдилар. 1884 йил декабрида тошкентлик Саидгани Саидазимбой уйида маҳаллий болалар учун биринчи рус-тузем мактаби очилди. Бундай мактаблар йил сайин купайиб борди. Айниқса, ҳукумат маблағи билан бирга вақф йули билан ҳам шундай мактаб очиш

¹ «Туркистон» газетаси, 1923 йил 25 ноябрь.

² Мустафо Чўқай угли. Истиқдол жаллодарни. Тошкент, 1992, 16—17-бетлар.

мумкинлиги бир қатор ерли зиёлиларни руҳлантириб юборди. Сагторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизий, Шарифхужа қози, Муҳиддинхужа қози каби илгор фикрли кишилар бундай мактабларнинг уқитувчилари, ҳомийлари, фахрий нозирлари булдилар. Ўз фарзандларини рус-тузем мактабларига бердилар. Уни матбуот орқали тарғиб ва ташвиқ этдилар. Ҳатто уртада пул йиғиб, рус-тузем мактабларида камбағал болаларини ҳам уқишга жалб эта бошладилар. Академик В. В. Бартольд шаҳодатича, 1911 йилга келиб бундай мактаблар сони 89 тага етган. Аммо у ердаги уқитиш усули шу қадар саёз эдики, буни ҳатто рус зиёлиларининг узлари ҳам ошкора тан олганлар: *«вилоятдаги (Самарқанддаги — Ш. Р.) рус-тузем ва соф русча мактаблардан ҳсч бири русча ёзиш у ёқда турсин, ҳатто туғри уқий оладиган бирорта ҳам маҳаллий халқ кишисини стиштиргани йўқ»*. Бунинг сабабларини В. В. Бартольд чор маъмурларининг мактабларда ерли болаларга она тилларида кенг билимлар бериб қўйиб, уларнинг ўз адабиёти ва маданий хусусиятларини англаб қолишлари руслаштириш сиёсатига путур етказиши мумкинлиги туфайлидир, деб кўрсатади. Шунинг учун ҳам рус-тузем мактабларининг рус бўлимларида кейинроқ бориб барча дарслар фақатгина рус тилида уқитилган бўлса, маҳаллий болалар бўлимларида *«ерли мулла раҳбарлигида эскича савод ва мусулмончилик қондаларидан бошқа бирор машғулот утилиши мумкин эмас эди»*.¹ Шу фактни тасдиқлаб, кескинроқ фикрни Исмоилбек Гаспрали узининг «Русия мусулмончилиги» номли 1881 йили эълон қилинган асарида билдирган эди: *«Рус мактаблари татарлар учун бир улик муассаса кабидир — буни унинг назарий жиҳатдан қувватланган амалисти ҳам исбот этмоқда»*.

Маънавий устозининг фикрларига ҳамоҳанг мулоҳазани кейинроқ Маҳмудхужа Бехбудий ҳам айтади: *«Русский-туземний мактабларига уқитанлар зиёли туғул, хиёли ҳисобланмайдурлар. Улар фақат русча чала-савод кишилардир»*.²

Руслаштириш сиёсати маданий-маърифий соҳаларда шу қадар жадал кетаётган эдики, рус-тузем мактабларида асосий фанлар рус тилидан таржима қилинган дарслик ва қўлланмалар (масалан, Н. С. Ликошин-

¹ Кучирмалар В. В. Бартольд «Асарлари»нинг II жилд I-қисмидан олинди (308-бет).

² «Туркистон вилоятининг газети», 1909 йил 2 октябрь.

нинг ўзбек тилида 1906 йил чоп этилган рус тарихи дарслиги) асосида утилар, чор ҳукуматининг расмий нашри «Туркистон вилоятининг газети» эса «сарт тилида» зўр бериб рус маданияти ва санъатини тарғиб этар, айни пайтда бу ишга маҳаллий зиёлиларни ҳам жалб қилар эди. Рус театр ҳамда мусиқа санъатининг XIX аср сўнги чораги ва XX аср бошларида Туркистонда бу қадар кенг тарқалиши, унлаб ижодий жамоаларнинг йилларча гастролларда бўлиши, моҳият эътиборига кура, руслаштириш сиёсатининг мафкуравий курунишлари эди. Ана шу моҳиятни Россия мусулмонлари орасида биринчилардан булиб англаган кримлик мутафаккир Исмоилбек Гаспрати булди. Унинг «Русия мусулмончилиги» номли асари зоҳиран Россия ҳукмронлигини қувватлаб мусулмон халқларининг улар билан биродарлиги, оғанини эканлигини таъкид этса-да, ботинда ўз диндошларининг ўзига хос тараққиётини, утмиш шонли тарихи ва маданиятини, истиқболда ривож топган халқлар билан тенглаша олувчи қудратли, маърифатли, мустақил миллатга айланишини тарғиб этган ва кўзда тутган эди: *«Ақлни тилшунослик эмас, балки илмий асосдаги тарбия ривожлантиради: рус мусулмончилигига янги ҳаётни рус тили эмас, аксинча, унга энг осон ва ҳаққоний усулда сингдирилувчи илм-фан ато этади».*

И. Гаспрати қарашлари шу асар билан чекланмади. У 1883 йил апрелидан «Таржумон» газетасини чоп этиб, ўз қарашларини матбуот воситасида тарғиб эта бошлади. Унингча, энг муҳими мусулмонларнинг эски тартибдаги ёдлаб ўқишларига асосланган руҳоний илмларни ўрганишини ислоҳ этиб, товушлар асосида узлаштирилган алифбо билан оз фурсатда хат-савод чиқаришни жорий қилиш, маънавий илмлар қаторига замонага хос дунёвий илмларни кушиш, ҳуқуқлар-тартиботлар асосини эгаллаш кабилар эди. Товуш методини англаувчи «усули савтия» ёки «усули жадид» асосида Исмоилбек 1884 йили тажриба утказиб, қирқ кунда ун икки боланинг хат-саводини чиқаришга эришади. Ўз усулининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фавқулодда катта фойдасини ҳис этгач, уни кенг жорий қилиш чораларини излайди. Ўз атрофига хайрихоҳларни жамлайди, газетаси орқали тинимсиз ташвиқ этади. Тез орада Кавказ турклари, Туркистон мусулмонлари орасида «усули савтия»нинг унлаб тарафдорлари пайдо бўлади. 1884 йилнинг узида «Тар-

жумон» газетасининг 1000 кишилик обуначиларидан икки юзтаси Туркистонда экани,¹ бу усул ва И. Гаспрали гоъларининг улкамизда таъсир ҳам тарқалиш доираси нақадар кучли булганидан далолатдир. Бунга Тошкент жадиждларининг отаси ҳисобланган Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг қуйидаги сўзлари ҳам гувоҳлик беради: *«Жадид мактаби ташкил қилгонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қорихоналарнинг этиштирган кишилари эди. Улар елғиз Боғчасаройда чиқадургон Исмоил Гаспринскийнинг газетасини ўқидилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниб, китоблар олдираар эди».*²

Шундай қилиб, руслаштириш мақсадларини кузлаган рус-тузем мактаблари қатори «усули жадид» мактаблари ҳам пайдо була бошлади. Бу мактаблар ташкилотчилари эса «жадид» ёки «тараққийпарвар» номини олдилар. Жадид мактабларининг илк ташкилотчилари ҳам татар қардошлар булди. Чор ҳукуматининг туркистонликларни татарлар таъсиридан сақлашга булган интилиш ва чеклашлари табиий тарихий жараёни тухтата олмади.

XX аср бошларига келиб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ушлаб «усули жадид» мактаблари очилди. Унинг биринчи қалдирғочлари татар маърифатпарварлари қаторида ерли зиёлилардан Маҳмудхужа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддикий-Ажзий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Лутфулла Олимий, Муҳаммадшариф Суфизода, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний каби ушлаб атоқли зотлар булди.

Янги мактаблар Туркистонда жадид маърифатчилигининг илк куруниши булиши билан бирга то бу ҳаракат соф сиёсий қиёфа касб этгунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йуқотмади.

«Усули савтия» мактабларининг очила бошлаши уларни алифбо ва бошқа ўқув қулланмалари билан ҳам таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. *«1901 йилдан эътиборан Қуқон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқандда янги мактаблар очила бошлади. Бу мактаблар Туркистоннинг катта шаҳарларида сон жиҳатидан (тақлидий суратда) бир даража купайган булса*

¹ Б. Қосимов. Исмоилбек Гаспрали. Тошкент 1992, 24-бет.

² «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927 йил 7 июнь.

хам, 4-5 йилдан кейин яна камайиб, фақат баъзи тузуклари давом этди. Бунинг бир сабаби китобсизлик бўлса, бошқа сабаби уқитгувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди».¹ Бу вазифани ҳам янги мактаб ташаббускорлари уз зиммаларига олдилар. Худди И. Гаспирали шундай мактаблар учун «Хужаи сибён» («Болалар муаллими»), «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йулдош» номи дарслик ва қўлланмаларни тузиб бергани каби Туркистон жадидлари ҳам бирин-кетин «Устои аввал» (Саидрасул Саидазий), «Адиби аввал» (Мунаввар қори Абдурашидхонов), «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» (Абдулла Авлоний), «Таҳсил ул-алифбо» (А. Ибодий), «Раҳбари аввал» (М. Фахриддинов), «Таҳзиб ус-сибён» (Садриддин Айний) каби қатор алифбо ва дарсликлар ёзиб, нашр қилдирдилар. Нафақат алифбо, айни чоғда ҳисоб, жуғрофия, тарих, имло қоидалари, ислом дини тарихи, она тили ва адабиёти каби алоҳида предметлар буйича ҳам Бехбудий, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Авлоний, Айний кабиларнинг махсус дарслик ва мажмуалари тайёрланиб чоп этилди. Шундай китобларни чоп этиб, оммалаштириш мақсадида нашриёт ширкатлари, кутубхона ва қироатхоналар ташкил этила бошлади. Хусусан, Тошкентда «Умид», «Мактаб» кутубхоналари, Самарқандда «Бехбудия», «Зарафшон», Қўқонда «Ғайрат», «Мадора» каби китоб нашри ва тарғиботи муассасалари пайдо бўлди.

Жадидлар маслагининг амалга ошувида мактаблардан кейинги асосий уринни матбуот эгаллайди. «1904 йилда рус-япон уруши чиқиб, бизнинг ҳам кузимиз очилди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тулқини бизга ҳам зур таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз (жадидлар — Ш. Р.) сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кузни очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газета чиқармоқни муносиб куриб, уюшманинг ҳаракати билан узбек тилида газеталар чиқарилди».²

Дарҳақиқат, 1905 йил рус инқилоби ва унинг таъсирида кейинроқ подшоҳ Николай томонидан 17 октябрда эълон қилинган манифест Туркистон тарақ-

¹ Ҳожи Муъин. Узбекча алифболар тарихи. — «Маориф ва уқитгувчи» журнали, 1929, 2-сон.

² А. Авлоний. Таржман ҳолим. — Қаранг: «Миллий уйғониш ва узбек филологияси масалалари». Тошкент, 1993, 108-бет.

қийпарвар зиёлиларининг фаолиятлари кенгайишига бир оз имкон берди. Манифестдаги айрим демократик ислохотлар, яъни шахснинг даҳлсизлиги, виждон ва суз эркинлигидан фойдаланиб, миллий газеталар чиқаришга расмий рухсат олинди: *«Газета чиқариш умиди 1905 йил манифестидан илгари хаёл булиб юрган булса, бу гал ул қоронғи кунларнинг раҳмсиз жабрига йулиқмай борлиққа чиқади»*.¹ Шу зайилда жадидларнинг «Тараққий», «Хуршид» (1906), «Шухрат», «Тужжор» (1907), «Осиё», «Самарқанд» (1913), «Садойи Туркистон», «Садойи Фаргона» (1914) газеталари, «Ойина» (1913), «Ал-ислоҳ» (1915) каби журналлари дунё юзини куради. Илк миллий матбуотимизнинг бу намуналари турлича тақдирга эга. Аксарияти бир неча сонлари чиқиб улгурмай ҳурфикрлиги учун ёпиб қуйилди. Айримлари йилларча давом этиб (масалан, «Ойина» журнали) мактаб-маориф, илм-фан, ижтимоий-маданий тараққиёт, миллий тил ва тарих, сармоя ва тижорат, санъат ҳам адабиёт мавзуларини мунтазам ёрита бориб, ҳақиқатан ҳам «қора халқни оқартирмоқ ва кузини очмоқ» йулида беқиёс хизматлар килди.

Жадид зиёлиларимизнинг фаолият қирраларини кураб эканмиз, уларнинг том маънода Уйғониш даврлари даҳоларига менгзагулик қатор фазилатларидан огоҳ бўламиз. Миллий мактаб ва матбуот ишларини жонлантириб юборгач, уларнинг бир маромда давом этиб турмоғини ҳам таъминлаш лозим эди.

Маълумки, Туркистондаги мавжуд эски уқув системаси, асосан вақфлар ва мактаб шогирдларининг муайян туловлари билан маблағлантириб турилар эди. Жадид мактаблари эса узига туқ оилалар фарзандлари билан бирга камбағал болаларини ҳам уқитар, улар асосан бепул уқитилар эди. Оқибат маблағсизликдан баъзи мактаблар ёпилиб ҳам қоларди. Ана шу ҳолнинг олдини олиш, ночор оилалар фарзандларининг ҳам тулақонли илм урганишлари ҳамда уларни уқув қуроли ва дарсликлар билан таъминлаш ва, бундан ташқари, иқтидорли ёшларни тараққий топган хорижий давлатларга юбориб уқитиш учун маблағ топиб бериш мақсадларида «жамияти хайрия»лар ташкил этилади. Турли маданий тадбирлар билан пуллар йиғилиб, уларга кумак курсатилади. Айни чоғда, ав-

¹ *Зиё Саид*. Танланган асарлар. Тошкент, 1974, 33-бет.

вал маърифий-маданий мақсадларни кузлаб, кейинроқ сиёсий қиёфа касб этган яна қатор йирик жамиятлар таъсис этилади. (Тошкентда «Турон» жамияти (1911), Бухорода «Тарбият ул-атфол» (1908) каби.)

Лазиз Азиззода Беҳбудий ҳаёти ва ижодини ёрита туриб, «Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга — маориф..., матбуот ва жамиятга бўлиб, шу даврда катта роль уйнагонларни текширмоқ» фикрини илгари сурганида, жамиятларнинг ижтимоий ҳаётдаги урнини алоҳида қайд этган эди. Бу жамиятлар маърифий мақсадларни амалга ошира бориб, илғор тараққийпарвар кучларнинг бир гуруҳга бирлашуви, муайян партиявий кўринишлар касб этиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Турон» жамияти 1917 йил март-апрель ойларига келиб, Туркистондаги барча табақа мусулмон аҳоли манфаатларини узида акс эттирган «Шурайи ислом» ташкилотининг узагини ташкил этди.¹ «Тарбият ул-атфол» эса чиркин одатларга қарши курашиш, маориф ва мактабга ташвиқ этиш, ерли ешларни хорижга ўқиш учун юбориш, газета ва мажаллалар тарқатиш билан бирга амир ҳукмронлигини қупориб, демократик давлат қуриш учун сиёсий ҳаракатларни бирлаштирувчи ва йуналтирувчи марказ бўлиб қолди.

Мавзу маърифий фаолиятнинг бевосита сиёсий ҳаракатлар билан узвийлашиб кетишига бориб боғланиш экан, шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, сиёсий маслақлар етакчи жаҳид идеологлари қарашларида аввал бошданок мавжуд эди. Бу фикрга шубҳа билдирганларга қарата Мунаввар қори: «*Жаҳид мактаби очимизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берилмаганига таассуф билдиролмай ута олмайман — деб ёзган эди. — Наинки, биз жаҳид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ултириб насия ёзадургон ходимлар етказасак?*»² Абдулла Авлоний «Таржимаи ҳол»ида тилга олган «ташкилот» ё «уюшма» Россия мустамлака мусулмон улкаларидаги барча жаҳид зиёллар каби курашнинг революцион эмас, балки эволюцион йулларининг, табиий, маданий-мафкуравий усулларининг тарафдори эдилар. Бунини Беҳбудий 1909 йилдаёқ ёзиб чиққан эди: «*Яқин замонда қонунлар ва аксар ишлар бошқа рангга кирар ва кундан-кун мада-*

¹ «Фан ва турмуш» журнали, 1992, 5—6-сон, 18—19-бетлар.

² «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1927 йил 7 июнь.

дия бизни ихота эдур. Биз, энди керакки, уз дин ва миллатимизни, давлатимизни Миллат Мажлиси (Государственный Дума)да мудофаа этайлик».¹ Бу йул рус мустамлакаси қарор топгандан сунг юз берган унлаб халқ қузғолонлари қонга ботирилгач, тажрибада англаб стилган ягона йул эди. Бу йул эса уз навбатида сабр-бардош билан босқичма-босқич амалга оширишни тақозо қилди. Шу мақсаддаги илк босқич, таъкидлаганимиздек, маърифатчилик, маданийлаштириш ёки «оқартириш» булди. Бу фикр тасдиғини Исмоил Гаспирали ҳақидаги Ф. Амирхоннинг «Улуг миллатчи туғрисида кичкина бир хотира» мақоласидан ҳам топиш мумкин «...қизғин руҳли ёшларимиз миллатга хизмат этиб, анинг маданий даражасини устирсалар, ул вақтда биз синфий ихтилофлар туғрисида суйлашурмиз, фикр юритишурмиз. Маданияти йуқ бир миллатнинг саноати була олмас. Модомики, ул йуқ экан, ҳали синфий низоларга эрта. Бизнинг бутунги вазифамиз ҳозирча маданий усудан ва шунга йуллар ҳозирловдангина иборат».² Бу йул 1916 йил урталарига келиб табиий йуналишидан чиқиб кетди.

Император Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районларида ҳарбий иншоотлар ва, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур булган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш» ҳақидаги 1916 йил 25 июнь фармони Туркистон халқини галаёнга келтирди. «Эр ва болаларимизни мардикорликка бермаймиз», дея, Хужанд, Жиззах, Каттақурғон, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қўқон, Наманган каби шаҳарлар аҳолиси қузғолон кутардилар.

«Тош, гишт парчаси, таёқ, болта, темир-терсақ ва бошқа оддий нарсалар билан қуролланган оми омма милтиқ, тўппонча, қилич, пулемёт ва тўпларга эга булган империя қушинларига қарши узлари билганича кураш олиб бордилар»³. Натижада қузғолон бир ойлар чамаси давом этиб, яна қон билан бостирилди. «3000 уч (минг)дан ортиқ киши судга берилиб, улардан 347 таси осиб улдиришга ҳукм этилди».⁴

Мазкур ҳодисани миллий-озодлик ҳаракати сифатида баҳолаган деярли барча манбаларда жадид зиёли-

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1909 йил 2 октябрь.

² «Ёш ленинчи» газетаси, 1989 йил 5 август.

³ Х. Зиёев. Туфон. — «Шарқ юлдузи» журнали, 1992, 3-сон, 114-бет.

⁴ Шу мақола, 110-бет.

ларининг шу пайтдаги позицияси кескин қораланади. Улар миллат манфаатларига хоинликда айбланадилар.

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳаракатда жаҳид зиёлилари, асосан тескари йул тутдилар. Галаёнларни тинчлантиришга, аҳолини туқнашувлардан тутиб қолишга интилдилар. Бу манзара, илмий-тарихий адабиётлардан ташқари, Ойбекнинг «Қутлуг қон» романида ҳам аниқ ифодасини топган. Жаҳидлар ҳатто мардикорликка сафарбарликнинг барбод бўлиши чор армияси жазо отрядларининг шафқатсиз ваҳшийликлар қилиши учун қўл келишини сезиб, бу «кампания»ни ҳам маънавий, ҳам амалий йўллар билан қўллаб-қувватладилар. «Туркистон вилояти газети»да улар шу кунлари императорни олқишлаб шеър ва мақолалар эълон қилдилар, мардикорликка чорловчи хитобномалар тарқатдилар, «маҳаллий ёрдам комитетлари»ни тузиб, мардикорларни тўплаб жунатишга кумаклашдилар.¹

Табийй, савол тугилади: нима сабабдан миллий мустақиллик гоёси учун жонбозлик курсатиб, фидойилик қилган маҳаллий жаҳид зиёлилар пиравардида шу мақсадга йуналтирилган миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватламадилар, балки, аксинча, унга қарши бўлдилар? Бу саволни икки муҳим жиҳатга кўра ҳал этиш мумкин.

Биринчиси, юқорида мисоллар билан қайд этганимиздек, жаҳидлар курашнинг сиёсий-маданий йўллари кузлаган эдилар. Уларга аввалги халқ исёнларининг аччиқ тажрибаси сабоқ булган эди. Фитрат айтмоқчи: *«Зотан, қурол кучи билан бир миллатни йўқ этмак қулай, бор этмак мумкин эмасдир. Қурол кучи билан ҳеч бир жамоатни маданият сари жунатиб бўлмайди»*.²

Жаҳидларнинг қатъий ақидаси шу эди.

Иккинчидан, 1916 йил қўзғолони «стихияли, тарқоқ ҳолда» булган, дейилса-да, уни оловлантирган ўз «идеолог»лари ҳам бор эди.

1916 йил қўзғолони билан боғлиқ ҳужжатлар тўпламида Фарғона губернатори, подполковник Ивановнинг ҳисоботи келтирилади. У исён сабабларини изоҳлаб, шундай ёзади: *«...ерли халқнинг рус таъсирига сира тушмаган вакиллари — руҳонийларни ҳаракатлаб утишни вақтли ҳисоблайман. Бу группа*

¹ Шу манба, 104-115-бетлар.

² «Учқун» журнали, 1923, 1-сон, 4-бет.

мадрасаларнинг домла-муллалари, қориваччалари, сонсиз-саноқсиз мадраса ва мактабларнинг муаллимлар синфи, маддоҳлар, мусулмон курашчан суфизмининг вакиллари — эшонлар ва уларнинг муридлари, суфилари кирадилар. Бутун бу группа улканинг қулга олинишининг бошиданоқ мусулмонларнинг хурлигини йўқотганлиги, кофирлар ҳокимияти қулига қолгонидан фарёд қилиб келди».¹ Ана шу фарёд, 1898 йили «газовот» шиори билан Дукчи эшонни қузғолонга бошлагани каби, 1916 йилда ҳам «баҳонаи сабаб» руҳонийларнинг яна шу шиорни ўртага ташлашлари учун имкон яратди. Генерал А. Куропаткин, Бартольднинг қайд этилган китобида эслатишича, «Агар қандайдир ғалаёнлар руй берса, бу, албатта, аҳолининг фанатизмидан эмас, балки жаҳолатга асосланган муллалар раҳнамолиги (таъкид — Ш. Р.) туфайли бўлади»,² деб бежиз айтмаган эди. Ҳақиқатан ҳам, 1916 йилги қузғолонда руҳонийлар яқиндан иштирок этганлар: «Хужандда қузғолиш бир мулланинг халойиққа қилган мурожаатидан бошланган бўлса, Назирхужа (Жиззах), Қосимхужа (Зомин) каби эшонлар жойларда қузғолонга бошчилик қилганлар».³

Шундай эътирофни воқеаларнинг бевосита иштирокчиси, гувоҳи бўлган Лутфулла Олимий хотираларида ҳам уқиймиз: «Имомларнинг-да бир фикри бор: — Мусулмонларнинг душмани бўлгон подшоҳ бизнинг наслимизни қурутиб; ислом динини йўқотмоқчи. ...Йиғилгон халқ орасида суфийлар, зокирлар ҳам бор, улар зикри самоъ билан халқнинг диний ҳаяжонини ортдирадирлар».⁴

Жадидчилик ҳаракати тарихидан маълумки, руҳоний-уламолар билан жадид зиёлилар муносабати илк даврларидаёқ фавқулодда кескинлик билан давом этди. Деярли барча тараққийпарварларнинг матбуот орқали чиқишлари, бадий асарлари, амалий фаолиятларида эскилик тарафдорларига танқидий муносабат ошкора ифодаланди. «Қадим-жадид» муносабатлари шу қадар муросасиз тус олган эдики, ҳатто «муллаларга қарши уюшмамиз ҳам вужудга чиқди», деб ёзган эди А. Авлоний. Бир миллатнинг икки қутбдаги зиёлилари уртасидаги зиддият борган сайин мураккабла-

¹ «Шарқ юлдузи» журналі, 1991, 12-сон, 127-бет.

² В. В. Бартольд. Сочинения, стр. 391.

³ «Шарқ юлдузи» журналі, 1991, 12-сон 127-бет.

⁴ «Ер юзи», журналі 1926, 11-сон, 10-11-бетлар.

ша бориб, охир-оқибат 1917 йил феврал-октябрь оралигида Туркистоннинг кейинги етмиш беш йиллик тарихининг «қизил мустамлака» шаклида кечишига сабаб булди. Жадидлар, тараққийчилар «Шуройи исломия» ташкилотига, руҳонийлар эса «Уламо» жамиятига ажралишиб, асосий душман урнига узаро кураш-ни авж олдирдилар.¹

Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, 1916 йил кузғолонига руҳонийларнинг бош қушгани ҳам жадидларнинг бу ҳаракатдан четда туришларига сабаб булган. Аниқроғи, «қадимчи»лар халқни яна бир самарасиз қиргинга ундаган эдиларки, оқибат жадидларнинг сиёсий кураш усуллари ҳам таъқиққа учраб, улкада реакцион тартиблар урнатилиши мумкин эди. Шу боис тараққийпарварлар чор маъмурларининг сифарбарлик ҳаракатларига ёрдам қилдилар, ҳатто «бургага аччиқ қилиб, курпа куйдириш»га мойил бўлиб турган ҳарбийларнинг бирор баҳона топишларидан ёки руҳонийларнинг яна бир масъулиятсиз тадбирларидан эҳтиётланиб, бу ишларга бошчилик қилдилар. Зеро, бу, жадидларнинг узоқни кузлаб амалга оширган тактикалари эди. Олий мақсад муайян чора-тадбирларни оқлаганидек, истиқбол орзулари миллатни парокандаликка юз тутишдан сақлаб қолган эди. Шуларга қарамай, 1916 йил воқеалари беиз кетмади. Аксинча, сиёсий маслақларнинг шиддатли амалий тус олишига, ҳаракатнинг илк маърифатпарварлик босқичи янги ижтимоий босқич билан алмашинувиغا олиб келди. «Унинг кузи очилишида 1916 йилги миллий кузғолоннинг аҳамияти катта булди».² «Туркистон мусулмонларининг ҳам кузларин очуб, билмажбур ҳурриятчилар каторина киритди».³

Мана шундай тарихий шароитда юзага келган адабиёт ва санъатнинг урни, вазифаси қандай бўлиши мумкин? Албатта, ижтимоий воқелик тақозоси билан адабиёт, санъат ҳаётдан узилган, биқик бир муҳитга уралган ҳолда яшаши мумкин эмас эди. Иқтисодий ҳаётда, маориф, матбуот ва турмуш тарзида қарор топётган ислохотчилик кайфияти адабиёт ва санъатни ҳам четлаб утмади. Минг йиллик анъанавий йусинда-

¹ Бу ҳақда қаранг: Мустафо Чуқой угли. Истиқлол жаллодлари, 27-31-бетлар.

² «Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари», 38-бет.

³ Мунаввар қори, Мақбул қурбонлар, — «Нажот» газетаси, 1917 йил 26 март.

ги адабиёт урнига янги, замонавий адабиёт, янги адабий тур ва жанрлар, ҳатто янги адабий тил шакллана бошлади. Матбуот билан бирга турли соҳаларни қамраб олган публицистика, адабий танқид пайдо булди. Бадиий ижодда «жанровий» инқилоб содир булиб, бармоқ вазидаги ижтимоий, маърифий шеърят, роман, ҳикоя, драматургия майдонга келди. Янги адабиётнинг Бехбудий, Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муъин, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Сидқий Хондайлиқий, Фитрат, Садриддин Айний, Тавалло, Нозимахоним, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар, Суфизода, Иброҳим Даврон, Абдулла Бадрий, Нусратулла Қудратулла-Миллий, Хуршид, Чулпон каби унлаб намоёндалари стишиб чиқди.

Ҳатто анъанавий адабий шаклларда ижод этган Завқий, Нодим, Ибрат, Саидахмад Васлий, Каримбек Камий, Хислат, Мискин, Аваз Утар, Баёнийлар ижодида ҳам давр воқелиги, замонавий гоёлар аруз вазида уз ифодасини топди. Булар ҳам, тараққийпарвар ёшлар қатори, маърифатпарварлик қарашларини шеърга солиб ёки мақола шаклида матбуот саҳифаларида фаол қатнашдилар. Хуллас, мавжуд адабиёт шаклий, жанровий тафовутларидан қатъий назар, асосан давр гоёларига хизмат қилди. Шу уринда алоҳида таъкидламоқ зарурки, жадид адабиёти ҳаракат гоёларини акс эттирувчи бадиий ҳодиса булибгина қолмади. Балки шу ҳаракат замирида туғилди, унинг мақсад ва вазифалари тақозосига кўра майдонга келди. Унинг ижтимоий-маърифий, сунгроқ сиёсий манфаатлари учун мактаб, матбуот, театр каби маънавий восита булиб хизмат қилди. Буюк мафкуранинг таркибий қисмига айланди ва шу мафкура учун назарий ҳам амалий ҳаракатда булган фидойилар томонидан бунёд этилди. «*Жадидлар уз мафкураларини тарқатиш, уз идеялари йулида ташвиқот олиб бориш учун адабиёт яратдилар*»,¹ деб ёзган эди кейинроқ мунаққид Турсунқул. Бу унинг аҳамиятини сира пасайтирмайди. Аксинча, давр адабиётининг моҳиятини англашга, ундаги айрим мураккабликларни узига хос равишда тушунишга, баъзи жанровий ва бадиий заифликларни эса гоё ғарази, мақсад андишаси билан изоҳлаб, ҳар қандай ҳодисанинг туғилиши ва такомили билан боғлиқ

¹ «Маориф ва ўқитғучи» журнали. 1928, 3-сон, 39-бет.

Эволюцион ривожланишда тасаввур ҳам талқин этишни, холис баҳолашни тақозо қилади. Ана шу тарихий шароитда — жадидчилик ҳаракатининг илк босқичи булган маърифатчилик авжи қулоч ёяётган 10-йиллар бошида — унинг яна бир муҳим тармоғи, таркиби булиб жадид театри ва драматургияси майдонга келди.

И Б О Б

ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИ ВА ТЕАТР

XX асрнинг 10-йиллари Туркистон маданияти тарихига янги ўзбек миллий театрининг ҳам вужудга келиш даври бўлиб киради. Миллатни маърифат нури билан уйғотиб, озодлик ва тараққиёт тантанасини орзулаган жадид зиёлилар маслак йўлидаги буюк амаллардан бири театр, деб тушундилар ва шу йўлда саъй-ҳаракат бошлаб, қисқа бир муддатда гоёт шоён самараларга етишдилар.

Туркистонга рус, татар, озарбайжон театрларининг кириб келиши ўзбек миллий театр санъатининг антик даврларда шаклланган қадимий юнон театри кўринишидаги театр маданиятини орадан икки минг йилдан мудроқ давр утиб ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан кескин узгаришларга учраб, янгитдан тугилиши учун муҳим омил бўлди. Ижтимоий-тарихий жараёнлар тақозоси билан йўқолиб, уз ўрнини масхарабоз ва қизиқчиларнинг майдон томошаларига бушатиб берган эллин театр маданияти кейинги давр Оврупо театри тараққистига замин бўлиб, унинг таркибига сингиб, узгариб, улар воситасида узининг энг қадимий масканларидан бири бўлган Марказий Осиёга яна қайта бошлади. Бироқ, энди узининг қадимият илдизларидан тамомила узилган, ҳатто буни мутлақо тасаввур қилиб кўрмаган авлодлар учун ҳайрат ва ибрат намунаси, улуғвор мақсадларга етаклагувчи «улуғлар мактаби», «садои ватан» бўлиб қайтмоқда, қайта тугилмоқда, Ғулом Зафарий ибораси билан айтганда эса, «янги давр» бўлиб яралмоқда эди.

Туркистоннинг аср бошлари матбуотида оврупоча театр санъатининг миллий негизини барпо қилишга бўлган интилишлар бу санъат тури бизда 1913 йил расман шаклланмасидан бироз илгарироқ бошланганига оид далиллар учрайди. Ўзбек янги театри тарихини махсус ўрганган Б. О. Пестовский «Инқилоб» журналининг бир неча сонларида эълон қилинган катта мақоласида «Қорақул шаҳрига яқин бир қишлоққа 1909 йилда «ўзбек театри уйналди», деган хабар борганлигини қайд этган эди. «Туркистон вилоятининг га-

зети» 1910 йил январь сонларидан бирида эса «тез фурсатда Тошкент шаҳрида театр, яъни «муқаллид» уйини уйналатургон мусулмон жамияти (группа) очилур эмиш... Ул жамият мусулмон забонида «муқаллид» уйнар эканлар», деган хабар босилади. Бу хабардан беш-олти кун утиб, яна шу газетада ерли татар ҳаваскорлари доимий театр труппаси тузгани ҳақида ҳам кичик ахборот берилган. Балки аввалги хабарда «мусулмон жамияти» деганда мазкур татар ҳаваскорлари назарда тутилгандир? Аммо бундан қатъий назар, уша жамият спектакллари бевосита маҳаллий зиёлилар иштирокида утган. Агар «Ойина» журналидаги «Дохилия хабарлари» деб номланган рукни куздан кечирсак, театр ۶ концерт томошалари ҳақидаги хабарларда маҳаллий ҳаваскорлар татар театрчилари билан ҳамкорликда спектакллар қуйгани, аксарият миллий пьесалардан сунг татар пьесалари уйналгани, ҳар бир спектаклда татар ва узбек актёрларининг биргалашиб иштирок этганидан огоҳ бўламиз.

Умуман, театр масаласига эътибор 10-йилларда жуда кучли булган. Чор ҳукуматининг Туркистон улкасидаги расмий нашри афкори ҳисобланган «Туркистон вилоятининг газети»дан тортиб, «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталари, «Ойина» мажалласида шундай қизиқишни ифодаловчи оддий хабарлардан то спектаклларга тақриз-у театр танқидчилигига оид назарий мақолаларгача учратиш мумкин. Масалан, «Ойина» журнали 1913 йилги 8-сонида «Оврупода театру» номли мақола эълон қилиб, унда Фарбдаги йирик мамлакатлар театрлари, уларнинг миқдори ҳақида батафсил маълумотлар беради. Маданий тараққиёти юксак булган Англия, Италия, Испания, Франция, Германия каби давлатларда юзлаб театр томошахоналари борлиги, булар ёнида эндиликда синематугрофнинг ҳам пайдо булиб, ривожланаётгани айтилади. Бундай мақолалар маҳаллий зиёлиларни театрчилик ҳаракатига даъват қилса, авомни шундай маданият учоқларидан баҳраманд булишга тарғиб этар эди.

1. «ПАДАРКУШ» ПЬЕСАСИ ВА САМАРҚАНДДА ТЕАТРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

1911 йилда Маҳмудхужа Бехбудий «Падаркуш ۶худ Уқумаган боланинг ҳоли» номли «3 парда 4 манзарали миллий, биринчи фожиа»сини ۶зади. Асарни чоп

қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечади. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги руслар ғалабаси билан якунланиши 100 йиллигига бағишлаб, Тифлисдаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. «Матбуот ишлари Тифлис кумитаси цензори рухсати билан Кавказ улкаси сахналарида қуйиш мумкин» деган 1913 йил 23 март 19940-сон қарорига кура, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

«Падаркуш»нинг нашрдан чиқиши том маънода узбек миллий театрининг туғилишини белгилади. Шу йилнинг узидаёқ Самарқандда Бехбудий, Тошкентда Мунаввар қори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни сахналаштириш ҳаракатлари бошланади. «Ойна» ёзади: *«Самарқанднинг узбек ва татар ёш ва тараққийпарварлари бир бўлиб, узбекча «Падаркуш» ва татарча — «Олдадук ҳам олдандук» асарларини Самарқанд қироатхонаи исломияси нафъиға 1914 йил 15 январь оқшоминда Самарқандда қуймоқчи бўлдилар ва ҳам ушбу ғайратли узбек ва татарлар бирлашиб, Ҳуқанд ва Бухоро ва узга Туркистон шаҳарларинда миллий театрлар курсатмоқчидурларки, ният ва ғайратлари шоёни шукронадур. Идораға келган мактубларға қараганда, Ҳуқанд ва Тошканд ҳам «Падаркуш» фожиасини сахнада қуймоқ учун машқ қилмоқда эмишлар. Агарда ғайратлик ёшлар миллий театрга ривож берсалар, яна бошқа асарларда тартиб ва нашр қилинур».*¹ Шу кичкинагина хабардан бир қанча эътиборли маълумотлар жонланади. Биринчидан, хабар воқеа содир бўлмасидан муштарийларни муҳим бир маданий тадбирға тараддудлантирмоқда. Иккинчидан, спектакль намойиши кунини аниқ маълум қилмоқда. Учинчидан, юқорида айтган фикримиз далили улароқ, Самарқандда татарларнинг мустақил театр труппаси борлигидан огоҳ этмоқда (махсус татарча спектакль қўйилиши) ва миллий ҳаваскорлар билан илк палларданоқ ҳамкорлик қилаётганликлари англашилмоқда. Тўртинчидан, «Падаркуш»ни Самарқанд аҳолисига ҳали курсатиб улгурмасданоқ йирик шаҳарларда гастроль ўтказишни режалаштирмоқдаки, мақсад маблағ билан бирга янги санъат турини Туркистон буйлаб ташвиқ этмоқ, «ғайратлик ёшлар»ни миллий

¹ Самарқандда театру, — «Ойна» журнали, 1913, 10-сон, 234-бет.

театрга ривож беришлари учун даъват қилмоқдир. Бешинчидан, «Хуқанд ва Тошқанда театр труппалар ташкил бўлиб, улар ҳам «Падаркуш»ни сахналаштириш учун машқ қилаётганлари маълум бўлмоқда. Олтинчидан, спектаклдан тушадиган маблағни «Самарқанд қироатхонаи исломияси нафъига» бағишлаш кузда тутилмоқда.

Демак, «Падаркуш» пьесасининг эълон қилиниши бу Бехбудий ёки Самарқанд шаҳри зиелилари учун аҳамиятли бир ҳодиса бўлмай, бутун Туркистонда ижтимоий-маданий ҳаётнинг янада жонланмоғи учун, театр ҳаваскорлари негизда янги-янги маърифатчи жамоалар майдонга келиши учун туртки бўлган.

«Падаркуш» илк бор ҳаваскорлар томонидан 1914 йил 15 январь кuni Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида намойиш этилади. Шу муносабат билан «Ойна» мажалласининг 1914 йил 25 январь 14-сонида «Туркистонда биринчи миллий театр» ҳамда «Падаркуш» кетидан татар труппаси қўйган «Олдадук ҳам олдандук» номли татарча спектакль ҳақида 1 февраль 15-сонида «Самарқандда театр» номли давомли ахборот-тақризлар эълон қилинади. Унда «Падаркуш» фожиасининг «ниҳоятда яхши амалга қўйилгани» айтилиб, театр-ибратхонага минглаб халқ «ҳужум» қилгани, 320 ўринлик театр залига яна эликта қўшимча жой қилиниб, билетлар баланд нархларда аввалдан сотилгани баён қилинади. Бундан ташқари, яна маълум бўлишича, уч-турт юз киши қайтиб кетишга мажбур бўлган. Баъзилар уз билетларини икки баравар қимматига сотиб, фойдаланиб қолганлар, айримлар эса уч сўм бериб, тик турмоққа ҳам рози бўлган, аммо шунда ҳам бир парча ер йўқлиги, охиrqибат театр маъмурлари халқдан узр сўраб, «Падаркуш»ни яна яқин кунларда Эски шаҳарда мактаблар фойдаси учун қўйилиши ва билетлар баҳоси арзонлаштирилиб сотилишига ваъда берган. Мазкур тафсилотлар спектаклнинг улкан воқеа бўлганига яна бир далилдир.

Хабарда асарни сахналаштирувчи режиссёр ҳақида маълумот берилмайди. Лекин жадид театри тарихини биринчилардан бўлиб кенг таҳлил этган Миён Бузрук Солиҳовнинг ёзишича, «*Озарбайжонли Алиасқар Асқаровнинг сахнани тартибга солишда таъсири бўлган. Ҳатто унинг режиссёрлик вазифасини бажарганини профессор Абдулла Авлоний сузлаган эди. Иккинчи*

бир хабарга кура, режиссёрликни Маҳмудхужа Бехбудийнинг узи қилган эмуш».¹

Спектаклдаги ролларни Абдусалом Абдулрахим ўгли (Бой), Аббос (Хайрулла), Мардонқул Шомухаммад ўгли (Домла), Ездонқул Шоҳмуҳаммад ўгли (Бойвучча Тоштемир), Мирзо Нуъмон мулла Фозил муфти ўгли (Зиёли), Раҳимқул Муҳаммад Солиҳ ўгли, Мирҳошим Мирраҳим ўгли, Муҳиддин Журабой ўгли (майхонадаги буз болалар, йигитлар), Муҳаммад Аминжон Ниёзий (бойнинг биродари-укаси), Абдулла Бадриддин ўгли (бой хотини), татар актёрларидан Аҳмаджон Шамсуддинов (Пристав)лар ижро этган. Танаффус вақтларида эса Самарқанднинг машҳур ҳофизларидан Ҳожи Абдулазиз қушиқлар куйлаб турган. Ахборотнинг тақриз характерида экани шундан маълумки, унда ҳар бир парда ҳақида алоҳида маълумот берилиб, ижро ва воқсалар оқимига муайян муносабат билдириб борилади. Оралатиб спектаклда мусулмонлар қатори рус, яҳудий томошабинлари ҳам қатнашиб, таҳсин айтганлари, олқишлаганлари, театр маъмуриятининг 20 йилдан бери бундай воқеа бўлмаганини «таъриф этган»лари қайд қилинади. Бунинг сабабини эса театрда «ўқуйдургон абётлари номуносиб» бўлиб келганида, деб кўрсатади. Умуман, «Падаркуш»нинг намойиши маданий ҳаётдаги катта воқеа экани эътироф этилиб, мақоланинг 15-сонидagi «бақия»сида татар ҳаваскорлари спектаклига муносабат билдирилган. Татарча спектаклнинг энгил кулгу-комедия экани, ижрочилар нутқининг тезлиги ва русча сўзлар тез-тез ишлатилиши бир оз танқид ҳам қилинади. Тақриз сунгроғида «Падаркуш»нинг, татарлар спектаклига қараганда, ижро маданияти жиҳатидан ҳам юксак бўлгани руслар томонидан тан олингани қайд этиладики; шу гувоҳликларнинг узи узбек миллий театри шаклланиш паласидаёқ баъзи профессионал хусусиятлар намоён қилла олганига ишончли далилдир.

«Падаркуш»нинг илк муваффақияти бутун Туркистонга ёйилади. Кетма-кет барча йирик шаҳарларда сахналаштирилади. Айримларида ерли ёшларнинг уз кучлари билан мустақил ҳолда, баъзи шаҳарларда эса Самарқанд мушахислари томонидан ёки улар билан жойлардаги ҳаваскорларнинг ҳамкорлигида уйналади.

¹ *Миён Бузрук Солиҳов. Узбек театр тарихи учун материаллар. Тошкент, 1935, 71-бет.*

Бу ҳақдаги хабарлар «Ойна»нинг 1914 йилги сонларида мунтазам бериб борилади.

«Падаркуш»нинг илк саҳна муваффақияти Самарқанд театр ҳаваскорларининг ижодий жиҳтлашуви ва труппа шаклида уз фаолиятларини яна ривожлантиришлари учун мадад берди. Труппанинг Туркистон шаҳарларидаги гастроллари ҳам уларни театрчилик билан мунтазам шуғулланишга даъват қилмоқда эди.

1914 йил 15 январь томошасидан кейин Самарқанд аҳолисининг томошахонага киролмай, театр маъмурлари ваъдаси билан қайтиб кетганларини айтиб утган эдик. Ана шу ваъда ва томошабинларнинг талаби билан ёшлар яна ғайрат курсатиб, «Падаркуш»ни иккинчи қайта саҳналаштирадидлар. Бу ҳақда «Ойна» журнали 17 май 30-сонида ахборот босади. Маълум булишича, бу спектакль яна айнан уша актёрлар ижросида уйналган. Аммо бу сафар режиссёрликни Мулла Ориф Абулрахимзода бажарган.

Демак, 1914 йилнинг май ойларига келиб, Самарқандда мунтазам труппа мавжуд эди. Аммо бу мунтазамликни нисбий маънода (бир мартагина спектакль қилиш учун жамланиб, сунг тарқалиб кетадиган муваққат жамоалар ҳам буларди) тушунмоқ керак. Чунки спектакллар қуйиш ва актёрларни доимий иш ҳақи билан таъмин этиш учун ҳеч қандай моддий база мавжуд эмас эди. Аксинча, спектаклларнинг ўзи маърифий муассаса ва тадбирларни маблағ билан таъминловчи асосий манбалардан бири эди. Шунинг учун актёрлар ўзларининг асосий касб-корларидан буш пайтларидагина театр билан машғул булардидлар. Масалан, Абдулла Бадрий матбаада ҳарф терувчилик, Ҳожи Муъин муаллимлик, Ҳошимқул баққолчилик, Раббимқул машиначи-тикувчи, Абдусалом бойвачча рангфурушлик, Мардонқул турли ширкатларда коммерсантлик, Ақобир Шомансуров эса савдогарлик билан тирикчиликларини юргизардидлар. Улар спектаклдан тушган даромаддан ҳам бирор улуш олмас эдилар.

«Падаркуш»нинг 7 майдаги иккинчи намоёйиши ҳақидаги хабарда йиғилган маблағ ва унинг «масорифи» хусусида батафсил ҳисобот келтирилади. Спектаклга билетлар сотилишидан 384 сўм 50 тийин йиғилиб, шундан 184 сўм 50 тийини сарф-ҳаражатга: реквизиит ва бошқа спектакль ташкилий унсурлари учун кетган. Қолган 200 сўм фойданинг эса 110 сўми мактаб исло-

ҳига, 35 сум Жомбойда Бозорамин Уринхужа таъсис этган ва муаллим мулла Комил идорасидаги мактабга, 15 сум Богишамол мактабига, 15 сум Бухорий қишлоқдаги Мулла Журабой мактабига, «Подшоҳ(лик) городской училища» мактабидаги мусулмон уқувчиларга 25 сум, 35 сум эса муаллим мулла Абдулқодир мактабига ажратилган. Куринадики, даромаднинг сунгги тийинигача ҳатто ошиғи билан фақат ва фақат маърифий ишларга сарф булган. Демак, Туркистондаги илк театр труппаларини, шу жумладан, Самарқанд труппасини ҳам ҳозирги давлат таъминотидаги труппалар каби тасаввур этмаслик керак. Бу кунгилли ёшларнинг ишончли ақидалари юзасидан уз ҳаловатларидан кечиб амалга оширган саъй-ҳаракатлари, оврупоча театр санъатини тарғиб этиш йулидаги интилишлари бирлаштирган ижодий-маърифий жамоалар эди.

Самарқанд труппасининг нисбатан доимий, тулақонли иш юритиши учун тез-тез йиғилиб туришига монелик қилган сабаблардан яна бири миллий драматургиянинг суств ривожланиши билан боғлиқ. «Падаркуш» сахнада қуйилганидан сунг деярли йил давомида янги ўзбек миллий пьесаси яратилмади. Труппа шунда ҳам тамомила тарқалиб кетмай, баъзи-баъзида мустақил, баъзан эса татар ё озарбайжон труппалари билан биргаликда таржима спектакллар курсатиб турди. «Ойина»нинг 1914 йил 41-сонида 11 август куни Самарқанднинг Подшоҳлик чорбоғидаги театрхонада мусулмон мактаблари ва урушда мажруҳ булган аскарлар фойдаси учун мусулмон артистлари «Даҳоталар қурбони» фожиаси ҳамда «Қизлар шундай қизиқ айталар» ва «Адабиёт кечасида жанжал» комедиялари намойиш этилиши «мусулмон артистлари ҳайъати» номидан муаллим З. Музаффарий имзоси билан хабар қилинади. Бизнингча, бу асосан маҳаллий татар труппаларининг ерли ёшлар билан биргаликдаги спектакллари бўлиб, Самарқанд миллий труппанинг фаолияти давом этаётганидан шаҳодатдир. Бу пайтда шаҳарда «Мусулмон артистлари ҳайъати»нинг ҳам ташкил топгани театрчилик ишларининг анча ривожланиб борганини англатади.

Дарҳақиқат, театр ҳаракати 1914 йил ўрталарига келиб Самарқандда анча жонланиб қолди. «Падаркуш»нинг шу ернинг узида икки маротаба сахналаштирилиши маҳаллий ёшларни яна янги-янги миллий пьесалар билан бу ҳаракатни тараққий топтириш иш-

ларига йуналтирди. «Ойина»нинг 42-сони ва шу асосда «Садойи Туркистон» газетасининг 35-сонида берилган хабарларга кура, Самарқандда миллий драматургиямизнинг янги намуналарини яратишга бел боғлаган гайратли муҳаррир-драматурглар кўрина бошлади. Шу кезлари Туркистон турмушидан олиб, куйидаги пьесалар ёзилаётганидан огоҳ бўламиз:

1) «Аҳмад порина»; 2) «Туй»; 3) «Бой ила хизматкор»; 4) «Ислоҳ(и) мактаб ҳақида кенгаш мажлиси»; 5) «Эски мактаб ҳоли»; 6) «... эшигида қонли куз ёшларимиз»; 7) «Кукнори» (музҳаки).

Шундай қилиб, «Падаркуш» пьесаси билан Маҳмудхужа Беҳбудий бошлаб берган ташаббус кенг қанот ёзди. Гарчи янги миллий пьесалар яратилаётган булса-да, бир неча йилга қадар «Падаркуш» Туркистонда театрчилик ҳаракатлари учун туртки бериб турди. Асар шу қадар оммалашиб, шуҳрат қозонган эдики, пьеса нашри муқовасида муаллиф асарнинг ҳар бир постановкаси учун узидан ёзма рухсат олиниши зарурлигини махсус қайд этган булса ҳам, кўп жойларда бунга қарамай саҳналаштираверувчилар кўпайиб кетади. Беҳбудийнинг уз эътирофича, 1914 йилнинг январь-сентябрь оралигида «Падаркуш» 15 марта саҳнага қўйилган. Шундан еттитасига унинг розилиги олинган. Муаллиф ўз асарининг бунчалик эътироф топиб, ҳатто баъзи ерларда икки дафъадан қўйилгани учун мамнуният билдиргани ҳолда, баъзи масъулиятсиз узбошимчаликлардан хафаланганини ҳам изҳор этган эди. Гап шундаки, театрдан бирламчи мақсад янги, гоят таъсирчан санъат тури билан миллатнинг маърифий-маданий савиясини кўтариш, илм ва уқимоққа даъват этиш булса, иккинчидан, таъкидлаганимиздек, театр-томошалар воситасида муайян маблағ топиб, «усули савтия» мактаблари, бошқа хил ўқув юртлари, хайрия жамиятлари, матбуот ва бошқа маданий ишларга моддий ёрдам курсатиш эди. Уша давр газета ва журнал саҳифаларидаги жадид зиёлилар ташкил этган қайси бир театр ёки «санось нафиса» кечалари ҳақида босилган хабарни олиб қараманг, юқорида кўриб ўтганимиздек, уларнинг барчасида бу тадбирлар маърифий-маданий муассасалар очиш ё булмаса уларнинг моддий таъминотини яхшилашга қаратилганини англайсиз. Сузларимизнинг такрор ишоти сифатида яна бир характерли мисолга мурожаат этайлик: «Ойинанинг 21-сонида самарқандлик муша-

хисларнинг Қукон шаҳрига бориб «усули жадид» мактаблари фойдасига «Падаркуш»ни намойиш қилганлари айтилиб, давомига театр оқшомининг махсус мудир Ақобир Мансурийнинг батафсил «ҳисобот»и қўшимча қилинади. «Оқшом»да 1298 сўм 50 тийинлик билет, 33 сўмлик «пруғрам» сотилиб, жами 1331 сўм 50 тийин топилган. Шундан 727 сўм 10 тийин харажатларга (харажат рўйхати ҳам келтирилади) сарфланиб, 604 сўм 40 тийин мактаб фойдасига утказилгани айтилади. Шуниси қизиқки, сарф-харажатларнинг бу муфассал рўйхатида ҳам мушахислар ҳақи ҳақида бирор жумла йўқ. Уларнинг бориш-келиш харажатларигина кўрсатилган, холос. Демак, актёрлар чиндан ҳам фақат олижаноб мақсадларни кузлаганлари ва уларни муқаддас гоё манфаатигина бошқаргани шак-шубҳасиздир.

Бехбудий мана шундай саъй-ҳаракатларни қувватлаб, хусусий «бойлиқ» учун ё бошқа гараз билан пьесани сахналаштирувчилар узидан махсус ёзма рухсат олишларини талаб қилади: *«Баъзи тарафдан ёзилган хатларга қараганда, баъзи театрни мактаб ва ё жамият фойдасига қўйулуб, аммо ақчаси бар вақфи эълон сарф қилинмабдур. Ва театр оқшоми хилоф адаб баъзи ҳаракатлар булубдур. Онинг учун мажбуран эълон қилармизки, баъд ушбу фожиани қўймоқчи булган муҳтарам зотлар, аввалан муҳаррирдан когаз ила жавоб олиб ва нимани фойдасига қўймоқларин билдуруб, сўнгра ишга ҳаракат этсалар...»*.¹ Бехбудий миллий театрчилик тонгидаёқ бу санъат турининг моддий ва маънавий ҳалоллиги масаласини илгари сурган эди. Шунинг учун ҳам Бехбудий илк даврдан масалани қатъий қўйди. «Падаркуш» муаллифи энг юксак маънавий ақидаларидан келиб чиқиб, «ибратхона»да «хилоф(и) адаб» ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги учун курашди. Ғарбу Шарқ мамлакатларини кезиб, театрнинг гоҳ эрмак, гоҳ кўнгилочар маиший муассаса сифатида, гоҳо эса буюк ижтимоий-маънавий тарбия, тафаккур воситаси эканини кузатиб, у ана шу иккинчи йўлни танлади. Миллат истиқболи йўлида уни энг таъсирли, оммавий қуроёллардан бири, деб тушунди. Сафдошларидан ҳам шуни талаб қилди. Урни келганда шу ақидасини баъзи санъат кушандаларидан зукколик билан ҳимоя қила олди.

¹ «Ойна» журнали, 47-сон, 130-бет.

Беҳбудийнинг театрдан кузатган мақсади ва умуман жадидларнинг театр ва драма эстетикаси алоҳида, катта мавзу. Биз фақат бир оз олдинроқ утиб айтмоқчимизки, Беҳбудийнинг бундай қарашлари узига замондош ва айни шу пайтларда Россияда буюк театр ислохотини амалга ошираётган К. С. Станиславскийнинг қуйидаги ақидаси билан қай бир маънода яқинлик касб этади: «Одамлар театрга кўнгилхушлик қилиш учун келадилар, аммо улар бу ердан фикрмулоҳаза, уй билан чиқиб кетишлари лозим». Хуллас, келтирилган далиллар курсатадики, «Падарқуш» пьесасининг яратилиши ўзбек миллий театрининг пойдевори қурилишида беқиёс аҳамият касб этиб, унинг тараққиётини белгилади.

Ҳеч шубҳасиз, Қўқон, Каттақўрғон, Андижон, Наманган, Бухоро шаҳарларида ҳаваскор ижодий жамоаларнинг юзага келиши Самарқандда бошланган миллий театр яратиш ташаббуси билан бевосита боғлиқ. Аммо Туркистон генерал-губернаторлиги пойтахти Тошкентда миллий театрнинг ташкил топиши бу сирадан бошқачароқдир.

2. «ТУРОН» — БИРИНЧИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТЕАТР ТРУППАСИ

Абдулла Авлоний ўз «Таржимаи ҳоли»да шундай ёзади: «1913 йилдан бошлаб халқни кўзин очмоқ, маданиятга яқинлаштирмоқ учун театруга киришиб, театру ишларини йўлга қўювчиларнинг бошлуғу бўлб, Туркистоннинг бир неча шаҳарларига бориб ўзбеклар орасида театруга йўл очдим. ... «Турон» исмли театральни благотворительный жамиятни юзага чиқардим».¹ Авлонийнинг бу сўзини Миён Бузрук Солиҳов ҳам қайд этган: «1913 дан бошлаб ҳаваскор тусида тупланган бу тўда 1914 охирида расман «Турон тўдаси» номи билан утилади ва тобора ташкилий тус ола боради».²

Жадид адабиёти ва театр санъатининг билимдон

¹ «Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари», 110-бет.

² М. Б. Солиҳов. Ўзбек театр тарихи учун материаллар, 79-бет.

тадқиқотчиларидан Сирожиддин Аҳмаднинг «Мунаввар қори» номли эссесида шу маълумотларни тасдиқловчи янада аниқроқ далиллар келтирилган: «Мунаввар қори 1913 йилда иш бошлаган «Турон» труппасининг ташкилотчиларидан биридир. У дустлари Абдулла Авлоний, Илҳомжон Иноғомов, Комилбек Норбеков, Тулаган Хужамёров (Тавалло), Муҳаммад Пошшаҳужаев, Убайдулла Хужаев, Тошпулат Норбутабеков ва бошқалар билан бирга труппанинг барча ишларида қатнашди.

1913 йил июнь-июль ойларида «Турон» труппаси узининг норасмий спектаклини курсатади. Труппанинг ташкилий ва тарғибот ишларига Мунаввар қори фаол аралашади. Хусусан, труппанинг дастлабки спектакли ҳақида қуйидагича маълумот беради: «... шаҳар боғининг ёзлик театрусида бир мартаба спектакль қуйиб, олти юз сумга яқин фойда қилди, буни-нг устига, ушбу августнинг 8-куни рамазон муносабати-ла Шайх Хованд Таҳур боғида биринчи мартаба «Томоша кечаси» ясади, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа булди: сотилган билетлардан 1387 сум 54 тийин...».¹

Мазкур қатор гувоҳликлардан маълум бўляптики, Тошкентда биринчи миллий театр 1913 йилда ташкил топиб, шу йил ургаларидан ўз спектакларини курсата бошлаган. Фулом Зафарий ҳам «Ўзбек театру тарихи» номли мақоласида «Тошкент театру ҳаваскорлари «Падарқуш» ёзилгондан сунг 1913 йилда иш бошлаганлар»ини айтиб утган.² Шу уринда Миён Бузрук Солиҳов китобида келтирилган яна бир факт эътиборга молик. У татар театрининг ўзбек театрчилигига таъсири масалаларини ёритар экан, ишимизнинг аввалги булимларида эслатганимиз генерал С. Еникеев ва рафиқаси Саодатхоним хонадонидида 1909 йили татар ҳаваскорлари намойиш қилган Алиасқар Камолнинг «Биринчи театр» комедиясида бир неча ерли зиёлилар қатори Абдулла Авлонийнинг ҳам иштирок этганини қайд қилади. Демак, Абдулла Авлоний ва бошқа миллий зиёлилар ҳаёлида театр труппаси ташкил этиш гоёси уша даврлардан етила бошлаган бўлиши мумкин.

Хуллас, Тошкентда ҳаваскорлар труппа тузиб, иш

¹ «Шарқ юлдузи» журнали, 1992, 5-сон, 110-бет.

² «Ўзгаришчи ешлар» журнали, 1924, 2-сон, 10-бет.

бошлаган 1913 йил урталарида Туркистоннинг узга бирон шахрида миллий театр жамоаси пайдо булмаган эди. Ҳатто барча мутахассислар қайта-қайта биринчи дея таъкидлайдиган Самарқанд ҳаваскорлик миллий театр труппаси¹ ҳам 1913 йил ноябрь ойи урталарига қадар ташкил топмаган. Бунга Самарқандда ҳафтасига чиқадагидан «Ойна» журналининг узи гувоҳлик беради. Журналнинг 1913 йил 14 ноябрь сониде «Н.И.» имзоли муштарий номидан савол тушгани қайд этилади. Унда «Падаркуш» театру рисоласини ёзиб, нашр қилингани ва уйналмоққа руҳсат олинганига бир мунча вақт утган булса ҳам, асар хануз уйналмай турганининг сабаби суралади. Ҳайъат бу саволга қуйидагича жавоб қайтарган: «*Уйнайтургон одам йуқ. Азбаски, Туркистонда бекор одам йуқки, халқ учун ишласа ва беор киши йуқки, театру сахнасида чиқиб масхарабозлик қилса. (Чунки Туркистонда театруни масхарабозликдан айирмайдулар.) Қачондаким, мушахисслик заҳматини зиммасига олатургон ун киши топилса, уйналур. Самарқанд қироатхонаси нафъига Самарқандда уйналгон суратда мушахиссларга бир юз сўм харажат пули ҳам берилур*». Демак, Самарқандда ҳали миллий театрнинг урни-таги ҳам йуқ. «Жавоб»да бундан аламли таассуф билан бирга, уқувчиларни театрчилик ишига қизиқтириш учун уриниш ҳам сезилади (яъни «мушахиссларга бир юз сўм пул» ваъдаси билан).

Хулоса шуки, биринчи узбек миллий театр труппаси Самарқандда эмас, Тошкентда 1913 йил урталарида вужудга келган. Бироқ биринчи миллий асар асосидаги спектаклни сахналаштириб намойиш қилиш шарафига Самарқанд театр ҳаваскорлари муваффақ булдилар. Чунки Тошкент труппаси «Падаркуш»ни самарқандликлардан қирқ кун кейин расман сахнада курсата олди. Ваҳоланки, «Падаркуш» устидаги иш Тошкентда ҳам самарқандликлар билан параллел декабрь ойларида бошланган. Юқорироқда зикр этилган «Ойна» журналининг 28 декабрь сонидеги «Самарқандда театру» хабарини эслайлик. Унда «*Хуқанд ва Тошкентда ҳам «Падаркуш»ни сахнада қуймоқ учун машқ*» қилинаётгани хусусида мактуб келгани айтилади. Бу факт Миён Бузрук-

¹ Қаранг: М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 281-бет; С. Қосимов. Маърифат ёлкини. — «Нафосат» журнали, 1993, 7-8-сон, 27-28-бетлар.

нинг китобида ҳам «Турон» труппаси асосчиси Абдулла Авлоний билан суҳбатлари асосида батафсил баён этилади: «Тошкентда — 1913 декабрдан бошлаб «Падаркуш»ни сахнага қўйиш учун ҳозирлик кетади. Бу тўғрида Тошкент жадид муаллимлари актив роль уйнайдилар. Жумладан, профессор Авлоний, Муҳаммаджон қори, Низомхужаев, Шокир Рахимий ва бошқалар жиддий киришадилар. Профессор Авлоний айтуви бўйича, ҳозирлик кўрар вақтда Тошкент ҳаваскорларига Муҳаммадєров номли татар зиёлиси режиссёрлик вазифасини кўра боради. Лекин ҳозирликнинг бориши яхши бормай, театру қўйилиши судралиб кетади. 1914 февралда Алиасқар Асқаров Самарқанддан келиб Тошкент ҳаваскорларига узини танита олади ва режиссёрлик вазифаси унга топширилади. Бунинг билан оз кунда ҳозирлик битиб, 1914 февралда «Падаркуш» пьесаси — озарча «Хур-хур» комедияси билан бирликда сахнага қўйилмоқчи бўлади».¹ Демак, режиссуранинг ожизлиги спектаклни самарқандликлар билан бирга ёки улардан аввалроқ чиқариш имконини бермаган. Алиасқар Асқаровнинг Самарқандда спектакль постановкасини яқунлашини кутишга мажбур булинган.

1914 йил 27 февралда «Тошкент Янги шаҳаридаги «Колизей» театрининг 2000 кишилиқ томошахонасида кеч соат еттида «мусулмон жамияти имдодияси фойдасига» Тошкент театр ҳаваскорлари расман уз спектакллари намойишини бошлайдилар. Театр кечаси, Абдулла Авлоний мемориал музейида сақланаётган «маромнома» (афиша)дан маълум бўлишича, уч бўлимдан ташкил топган. Биринчиси — Маҳмудхужа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси асосидаги спектакль намойиши. Иккинчиси, — озарбайжон актёрларидан Алиасқар Асқаров, Гулузорхоним ва М. Шахбаловлар ижросида бир пардалиқ озарча «Хур-хур» кулгу-томошаси (С. Музагайни асари). Учинчи бўлим «Миллий ўқиш ва жўрлар» бўлиб, бунда саккиз номерлик концерт кўрсатилиши маълум бўлади. Концертда Мулла Тўйчи ҳофиз, машҳур раққоса Қурбонхон, Мулла Аҳмаджон тўра кабилар қатнашиши ва сўнгдан «Туркистон фарёди» ва «Тўй» номли Абдулла Авлоний қаламига мансуб манзумалар жўрликда айтилишидан огоҳ этилади. Маромнома сўнгида бутун ке-

¹ М. Б. Солиҳовнинг зикр этилган китоби, 74-бет.

ча учун мудири масъул Абдулла Хужа угли, режиссёр Алиасқар Асқаров экани қайд қилинади.

Илк парда очилишидан аввал сахнага Мунаввар қори Абдурашидхонов чиқиб, театрнинг «ибратхона» экани, унга енгил-елпи қарамаслик, актёрлар эса «бир табиби ҳозиқ мисоли» эканликларидан қисқача ваъз суйлаб, бутун жамоани буюк маданий ҳодиса билан табрик этади.

«Падаркуш»нинг Тошкент труппаси томонидан сахналаштирилиши кутилгандан кўра аълороқ натижалар берди. Бу воқеа Туркистондаги шу даврда мавжуд бўлган барча матбуот нашрларида ёритилган эди. Жумладан, «Туркистон вилоятининг газети»нинг ахбороти гоёт характерли: *«Туркистон вилояти тараққийлик Русия ҳукуматига тобе булганига ярим аср булиб, сартияларда бу уйин биринчи маротаба булиб ҳам шу даражада яхши ухшатдиларки, ҳар қайу театр ни куриб, театр ишига омил кишилар буларнинг, янги урганганларига инонмай, балки булар бир неча йил Оврупода машқ қилган одамлар, деб ҳаёл қилди... Русия ҳукуматига тобе булганига 300 йил булган татарлардан неча даража ортиқ деганда муболаға бўлмас. У муқаллид уйинида сартиялар, татарлар шу даража кўп бўлдиларки, ксйин келган одамларга билстетмай қолиб, театр ичида ва тепаларида одамлар муру малаҳдек қайнаб турдилар. Русиялар ҳам бўлдилар. Сартияларнинг бу тариқа кўп булганликлари театрға ишқлари ва тараққийға қадам қуйишларининг аломати булиб, театрдан тушган ақча Тошкент жамияти имлодияси фойдасига берилар экан».¹*

Демак, спектакль ҳамма жиҳатдан баланд савияда утган. Юқоридаги хабарни ёзган мухбир замонавий театр санъатидан анчагина маълумотлик шекилли, спектакль ва актёрлар ижросини Оврупо (асосан рус) ва татар театрларининг узоқ йиллик тажрибалари билан қиёслаб, ерли ҳаваскорларнинг санъатига юксак баҳо бермоқда. Бу баҳо, биринчидан, Тошкент ҳаваскорлари театр ишларига «Падаркуш» муносабати билангина икки-уч ойда киришмай, балки аввалроқдан тажриба ортириб юрганларини, иккинчидан эса, 1914 йилнинг февраль охирларига қадар муайян профессионалик касб этганларини англатади. Бу фикрни шу воқеа муносабати билан «Садойи Туркистон» газетаси-

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1914 йил 6 март.

нинг 1914 йил 16-сони ва, айниқса, «Ойна» журналининг 22-сонида босилган «Тошкандда миллий театр» номли батафсил ахборот-тақризлардан ҳам сезиш мумкин. Хусусан, Тузил Жонбосв имзоси билан «Ойна»да босилган ахборот-тақризда спектаклнинг ҳар бир пардаси алоҳида баҳоланиб, биринчи пардада Бой ролини Абдулла Авлоний, Домла ролини Зиебосв, Зиелини Асомиддин Хужасв, Хайруллани Хоний жаноблари; иккинчи пардада — майхона манзараси — Давлатзур ролини Хоний, Нор ролини Пошшоҳужасв, Тангрикул ролини Шоҳиноятов, Бойваччани — Бадриддин Аъламов; учинчи пардада Бой хотинини А. Зиебосв, Домла ролини Ҳусайний жаноблари, Пристав ролини Мирзахоновлар яхши ижро этганлари ва уларнинг сузлари томошабинларга жуда таъсир кўрсатиб, халқ уртасида овоза бўлаётгани айтилади.

Тошкентлик ҳаваскорларнинг катта муваффақияти, уларнинг шу йуналишдаги фаолиятлари янада кенгайтиши ва ривожланмоғи учун муҳим туртки бўлди. Агар Самарқанд труппаси «доимий саҳна кучларининг йўқлиги сабабли 1916 йилга келиб... тарқалиб кетган»¹ бўлса, Тошкент труппаси янги-янги ҳаваскорлар ҳисобига қувватланиб, Миён Бузрук Солиҳов ва Гулом Зафарийлар таъкидлаганидек, 1914 йил охирида расман «Турон тудаси» номини олиб, «шул тўда отидан ҳар чоқ театру ўйнаб келдилар».

«Турон» труппаси шаклланиши ва тараққиётида татар ҳамда озарбайжон режиссёрларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этди. Бошлаб татар режиссёри Муҳаммадёрв йўл-йўриқлари билан иш бошлаган труппа «Падарқуш»ни озарбайжонлик режиссёр Алиасқар Асқаров раҳбарлигида саҳналаштирди. А. Асқаров биринчи постановкадан сўнг, бошқа шаҳарларга ҳам таклиф этилиши муносабати билан, труппани тарк этади. 1914-1915 йилларда «Турон»га татар режиссёри Заки Боязидский ва Мустафо Мансуров ижодий жиҳатдан бошчилик қилиб турадилар. 1914 йил сўнгида труппа Ҳожи Муъин ва Нусратулла Қудратулланинг «Туй» драмасини саҳналаштиради. Спектакль худди аввалги «Падарқуш» каби муваффақият қозониб, «Садойи Туркистон» газетаси унга «Миллий театр» сарлавҳали махсус мақола бағишлайди. Мақолада пьеса мазмуни ҳикоя қилиниб, сўнг спектаклнинг саҳналаштирилиши, ак-

¹ М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 282-бет.

тёрлар ижроси ҳақида мулоҳаза юритилади. Асардаги қатор персонажлар талқинида А. Зиебоев, Б. Аъламов, Ш. Шоҳинойтов, М. Миразимов, Қ. Исматуллаевларнинг яхши ғайрат ва маҳорат курсатганлари айтилиб, айниқса Абдулла Авлоний талқин этган Олимбой роли алоҳида диққатга сазовор бўлгани қайд этилган: *«Олимбой роли сахнада бўлгон ролларнинг энг огири ва энг маънолисидир. Бу ролни миллий шоиримиз Абдулла Авлоний афанди уйнади ва Олимбой афанди булиши лозим бўлса, худди узини мужассам авлороқ куз олдиға келтуруб қуйди. Абдулла афандининг сахнада курсатган маҳорат ва истеъдодиға ташаккур қилмасдан утмакни виждоним қабул қилмайду»*. Бундан кейин репертуарида ана шу икки миллий спектакль ва бир неча усмонли турк, озарбайжон, татар тилларидан таржима қилиб қуйилган сахна асарлари билан труппа Фарғона шаҳарлари бўйлаб гастролга чиқади. Бир неча ой давом этган бу гастролдан мақсад, биринчи навбатда, маблағ топиб, моддий қийинчилик туфайли епилиб қолиши мумкин бўлган «Садойи Туркистон» газетасини сақлаб қолиш бўлса, иккинчидан, водий ёшларига маърифий-маданӣ хизмат кўрсатиб, уларни ҳам театр ишларига давват қилиш эди. Театр труппасининг гастроллари ҳақида мунтазам хабарлар босиб турган «Садойи Туркистон» ва «Садойи Фарғона» газеталарининг маълумот беришича, бу спектаклларга ерли зиелларнинг яқиндан ёрдам бераётганлари, Андижон, Қўқон, Хужанд каби шаҳарларда айрим ёшлар кичикроқ ролларга ҳам жалб этилганлиги баён қилинади.

Бундай хабарларни тасдиқловчи бир ҳужжат Абдулла Авлоний мемориал музейида сақланган. Бу «Турон» труппасининг Хужанд шаҳридаги гастроллари муносабати билан чиқарилган афиша булиб, унда 1915 йилнинг 1, 2 ва 3 июнь кунлари Тошкент ҳаваскорларининг хужандлик ерли ёшлар иштирокида «Падаркуш», «Туй» миллий пьесалари ҳамда «Бадбахт келин» номли усмонли туркчадан таржима қилиниб сахналаштирилган спектаклларни намойиш этишлари маълум қилинган. Мазкур афишада Хужанд ҳаваскорларининг иштирокидан ташқари, яна бир муҳим маълумот мавжуд. Яъни «Падаркуш» ва «Туй» спектакллари ҳақидаги тафсилотлар тагида уларнинг постановкачиси Низомиддин Асомиддинхужа ўгли, «Бадбахт келин» спектакли остига эса режиссёр Абдулла Ав-

лоний, деб ёзилган. Демак, «Падаркуш» ва «Туй»ни иккинчи маротаба сахналаштиришда Н. Хужасев режиссёрлик қилган. «Падаркуш» ва «Туй»дан ташқари, Н. Хужасев француз ҳаётидан олиб ёзилган «Қотили Карима» мелодрамасини ҳам сахналаштиргани маълум. Бу спектакль 1916 йил 10 майда Тошкент Эски шаҳаридаги Ёзлик театрда кўрсатилган. Айни пайтда Абдулла Авлонийнинг ҳам режиссёрлик билан шугуллангани «Турон» труппаси мисолида миллий режиссура санъати ҳам шакллана бошлаган эди, дейишимиз учун етарли асос беради.

«Турон» труппаси 1915 йилдан бошлаб таржима асарлари қатори миллий драматургиямизнинг янги-янги намуналарини мунтазам сахналаштириб боради. 1915-1916 йиллар давомида Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз кув», Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», Ҳожи Муъиннинг «Мазлума хотун» пьесалари труппа репертуаридан жой олади. Таъкидлаганимиздек, шу йиллари уз миллий режиссёрларимиз ҳам етиша бошлайди. Низомиддин Хужасев, Абдулла Авлоний, Бадриддий Аъламов кабилар бу соҳанинг илк қадирғочлари бўлди.

«Турон» труппаси шу йилларда театр санъатининг яна бир жанри — мусиқали драма (айрим манбаларда «опера» деб ҳам юритилади) театрининг ҳам пойдеворини қура бошлайди. Тошкентга Озарбайжоннинг машҳур трагик актёри, режиссёр, хонанда Сидқий Рухилло бошчилигидаги озар мусиқали театр труппаси гастролларга келади. Бу труппа озарбайжон мусиқий драмасининг асосчиларидан булган Узейирбек Ҳожибеков билан ҳамкорликда «Лайли ва Мажнун» (Фузулий достони асосида), «Асли ва Карам» (озар халқ миллий достони бўйича), «У улмасун, бу улсун» каби қатор мусиқий спектакллар яратиб, шуҳрат қозонган эди. Ана шу спектакллар билан улар Туркистоннинг йирик шаҳарларида томошалар, мусиқий кечалар утказадилар. Айниқса, Тошкентдаги гастроллари катта аҳамият касб этади. Ерли театр намояндаларидан Абдулла Авлоний Сидқий Рухилло билан ижодий ҳамкорликка киришади. Авлонийнинг оила аъзолари айтишича, Сидқий Рухилло маълум муддат уларнинг Сапёрлар кучасидаги 74-уйида яшаган. Бу ҳамкорлик натижаси улароқ 1916 йилнинг 30 декабрида «Колизей» театрида озар ва ўзбек актёрлари иштироки билан «Лайли ва Мажнун» мусиқий драма (ёки опера)си

намойиш этилади. Либреттони Авлоний озар туркчасидан узбек туркчасига табдил қилади. Спектаклни эса С. Рухилло сахналаштиради. Асосий ролларни Сидқий С. Рухилло (Мажнун), Дуррияхоним (Лайли), А. Авлоний (Малуъ), А. Муҳаррамов (Навфал), Н. Хужаев, Фарид Тоҳирӣ, Юсуф Алиев кабилар ижро этадилар. А. Авлоний мемориал музейида шу воқеа муносабати билан, худди шу куни, спектакль иштирокчилари грим ва костюмларида акс эттирилган тарихий сурат сақланади. Миён Бузрук Солиҳов қайд этилган китобида шу суратни илова этар экан, айрим ижрочиларнинг номларини келтириб, 4-рақамда Маъсумахоним деб қайд этади. Маълум булишича, бу аёл кейинчалик узбек сахна санъатининг машҳур намояндаларидан булган Ўзбекистон халқ артисти Маъсума Қориева экан. У «Турон» труппасидаги илк аёл актрисалардан эди. Демак, Тошкент театри жамоаси сахнага аёл актрисани олиб чиқишда ҳам биринчи бўлиб ташаббус курсатган.

Оқоридаги фактлар курсатадики, «Турон» труппаси мунтазам ишловчи, профессионал жамоа сифатида ижодий устиш, янгиликлар излашга ҳаракат қилди. Халқнинг маданий-маърифий савиясини кутариш йулида янги шакллар топишга уринди, дадил ташаббусларга журъат қила олди. Труппанинг мунтазам фаолияти ва профессионал асосларда иш юритишини расман эътироф этувчи муҳим бир ҳужжат ҳам мавжуд. Бу ҳужжат ҳозирда Абдулла Авлоний мемориал музейида сақланувчи «Тошкент шаҳридаги мусулмон драма санъати ҳаваскорларининг «Турон» жамияти Низоми» бўлиб, у 1916 йил 11 ноябрь куни ва 7176-рақамли ресстр билан нотариус Дм. Егоров томонидан тасдиқланган. 73 банддан иборат бу «Низом»да жамиятнинг асосий мақсад ва манфаатлари тула ифодасини топган:

а) аҳоли уртасида сахна ҳамда хайрия ишларига жиддий муносабатни устириш;

б) халқ учун спектакллар сахналаштириш, унга соғлом ҳордиқ бағишлаш;

в) Туркистон улкаси худудидаги моддий ва маънавий аҳволни яхшилашга муҳтож мусулмон эътиқодидаги кишиларга ёрдам курсатиш.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун жамият қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

— кечалар, концертлар, спектакллар ва шунга ухшаш оммавий томошалар ташкил этиш. Ўз номига клуб

ва мусиқа курслари очиш, уз кутубхонаси ва қироат-хонасига эга булиш;

— уз номига бошланғич мактаблар очиш ва таъминлаш ҳамда муҳтожларга нафақа бериш, шу жумладан, ўқувчиларга ва олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттиришлари учун стипендиялар таъсис этиш, шу билан бирга, мавжуд хайрия ва маориф муассасаларини, уларнинг расмий, хусусий, ижтимоий қандай табақада булишларидан қатъий назар моддий қўллаб-қувватлаш.

«Турон» жамиятига турли дин ва мазҳабдаги кишилар аъзолик бадалини мунтазам тулаб туриб, ҳақиқий аъзо булишлари мумкин эди.

Жамият фахрий, ҳақиқий ва Туркистон улкасида муқим нарсаларни сотиб олиш ҳуқуқига эга булган ижрочи аъзолардан ташкил топади. Ижрочи аъзо сифатида қабул қилинаётган шахс 13-бандда айтилишича, биринчи маротаба уз иқтидори (амплуа) доирасидаги кичикроқ ролда синаб курилиши лозим. Агар унинг иқтидори сезилса, шунга яраша роль берилиб, ижросидан сунг ҳайъат қарори билан жамият аъзолигига қабул қилинган. Бу банд труппага шунчаки ҳаваскорни эмас, балки муайян театр талабларига жавоб бера оладиган шахсларни, яъни профессионал хусусиятли шахсларни жиддий синов ва танлаш йули билан қабул қилинганини англатапти. Бу профессионал театрнинг муҳим шартларидан биридир.

Труппанинг мунтазамлиги ва қатъий ижодий қоидаларга биноан ишлашини қурсатувчи яна «Ижрочи аъзоларнинг мажбуриятлари» қисмида қуйидагича бандлар бор:

18) Ижрочи аъзолар жамият йил давомида уюштирувчи оммавий томошалар: концерт, спектакль, кечалар ва шунга ухшаш жамият ҳайъати ёки раис томонидан тақлиф этилган курикларда кам билан беш марта иштирок этиши керак. Иштирок этмаганлар аъзоларнинг умумий йиғилиши қарори билан ижрочи-аъзолар сафидан чиқарилади.

19) Ижрочи-аъзолар бирор спектаклда банд булса, белгиланган барча репетицияларга келиши ва режиссёрнинг ҳамма курсатмаларига амал қилиши мажбурийдир.

20) Эътиборли сабабсиз икки марта репетицияга келмаган ижрочилар муайян спектаклда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар.

21) Асосий репетиция ва уз иштирокларидаги спектаклга, режиссёрни камида бир кун аввал огоҳлантирмасдан, иштирок этмасалар, умуман спектакллардан четлаштирилишлари мумкин.

«Низом»нинг кейинги бандларида ижрочи-актёр, режиссёр, бошқа ижодий ва ташкилотчи аъзоларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва имкон ҳамда имтиёзлари белгиланганки, бу «Турон» жамиятининг қанчалик жиддий асосларда иш олиб борганини курсатади. «Низом»да профессионал театр ижодий ва ташкилий хусусиятларининг энг оддий деталларидан тортиб мураккаб жараёнларигача барча-барча жиҳатлари тулиқ акс этган. «Турон» «Низом»ини ҳозирги профессионал театрларнинг шундай ҳужжатлари билан солиштирганда ҳам 1916 йилда белгиланган қонун-қоидалар қатъийроқ ва жиддийроқ эканини англаш мумкин. Демоқчимизки, «Турон» труппаси гарчи 1916 йил ноябрида узига хос профессионал труппа эканини расмий қайд этдирган бўлса-да, аслида 1914 йилдаёқ қатъий ижодий қонун-қоида ва тартиб-интизомда иш юритувчи мустаҳкам негиздаги ижодий жамоа эди.

Бу жамоанинг ядросини ташкил этувчи мунтазам ижодий кучлари — актёр, режиссёр ва бошқа муқим хизматдаги ходимлари бор эди. Миён Бузрук Солиҳов «Узбек театр тарихи учун материаллар» китобида «Турон» труппасининг асос негизини ташкил этган актёрлар гуруҳининг қуйидаги руйхатини келтирган: Ҳасан қори, Эшонхужа Хоний, Самий қори (Абдусамий Зиебосв — *Ш. Р.*), Абдулла Авлоний, Бадриддин Аъламов, Шораҳим домла Шоҳинойтов, Низомиддин Хужасев, Шокиржон Раҳимий, Қудратулла Махзум, Муҳаммадхон Пошшоҳужаев, Башруллоҳон Хужасев, Абдуллазиз Хужасев, Эшонхужасев, Мусахон Мирзахонов, Умарқул Анорқулов, Фузаил Жонбоев, Салимхон Тиллахонов, Қудратулла Юнусий, Тулаган Хужамёров, Убайдулла қори Эргозиев.

Булар сафига 1916 йилдан Сулаймон Хужасев, Маннон Уйгур, Гулом Зафарийлар қушилган. Яна бошқа илмий манбаларда труппада Абдурахмон Акбаров, Юсуф Алиев, Саъдуллахужа Турсунхужасев, Мусо Азимов, Мирмулла Шермухамедов, Муҳиддин Шарафиддинхужасевлар ишлагани ҳақида маълумотлар учрайди.

Хуллас, «Турон» труппаси 1917 йилнинг суронли ҳодисаларига қадар утгизга яқин муқим актёрлар гуруҳи, Низомиддин Хужасев, Абдулла Авлоний, Бадрид-

дин Аъламов каби миллий режиссёрлари, қатъий «Низоми», миллий ва байналмилал характердаги мустаҳкам репертуари, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида узининг «қишлик» ва «ёзлик» сахнаси, ижтимоий-маданий мақсад ва вазифалари билан шаклланган, тараққий топиб бораётган ўзига хос, мустаҳкам профессионал театр труппаси эди. Унинг ижро, актёрлик маҳорати профессионализи ҳақида эса юқорида «Падаркуш» ва «Туй» спектакллари постановкаси билан боғлиқ ҳолда келтирилган матбуот хабар ва мақолалари керагича далиллар беради. Умуман, «Турон» труппаси нафақат Тошкент, айтиб чоғда бутун Туркистон улкасида турт-беш йиллик сана ичи оврупоча театр маданиятининг вужудга келиши ва мустаҳкам қарор топишини курсатувчи яққол намунадир.

3. ҚЎҚОНДА ТЕАТРЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА ФАОЛИЯТИ

Мазкур бобнинг бошланишида «Самарқандда театр» хабарини келтириб, унда самарқандлик ҳаваскорлар билан бир пайтда «Хуқанд ва Тошкентда» ҳам «Падаркуш»ни сахналаштириш учун ерли ёшлар «машқ» қилаётганлари хусусида маълумотлар берилган эди. Дарҳақиқат, Тошкентда янги театр пойдеворини барпо этиш жараёни муваффақиятли кечаётганини кўриб утдик. Аммо Қўқонда-чи? Ўзбек театр санъатининг тараққиётида жуда катта ва муҳим уринишгоҳ қилувчи Қўқонда театрчилик ишлари қачон ва қандай бошланди? Бу саволга доир аниқ жавобни яна «Ойина» журнали беради.

1914 йил 19 февраль 7-сонида «Ойина» идораси Қўқонда қуйилиши режалаштирилаётган спектакль ҳақида ўз анъанаси бўйича олдиндан шундай хабарни босади: *«Хуқандда мактаблар нафъига «Падаркуш» фожиасини 24 февралда сахнада қуймоқ учун Хуқанд тараққийпарвар ёшлари ғайрат этибдурлар. Хуқандда тургучи жаноб Ақобир Самарқандий Шомансур ўгли баланд даражалик Фарғона волисидан руҳсат олибдур. Самарқанд кунгуллиларидан бир нечаси Хуқандда бориб стмагон кераклик шахсларни Хуқандий биродарлардан тайёрлаб «Падаркуш» фожиасини сахнада қуймоқчидурлар».*

Ҳақиқатан, февраль урталарида Бехбудий бошлиқ

ун чоғли самарқандлик ҳаваскорлар — Абдулла Бадрий, Ҳожи Муъин, Ҳошимқул, Раббимқул, Абдусалом бойвачча, Мардонқул кабилар Қўқонга келиб, маҳаллий ёшлар ва зиёлилардан Мирзоҳид Мироқилов, Ашурали Зоҳирий, Ҳодихужа Ёқубхужа ўғли, Шарифжон ҳожи Солиҳ ўғли, Мулла Маҳмуджон қори, Мулла Ҳакимжон муаллимлар ёрдами билан «Падарқуш» спектаклини намойиш этадилар. Албатта, бунга қадар Қўқонда ҳам рус, озарбайжон, татар труппалари бир неча марта гастролларга келиб, қатор томошалар кўрсатишган, турли кечалар уюштириб, халқнинг янгича театр санъати ҳақидаги тушунчалари шаклланишига таъсир кўрсатган эдилар. Бироқ Қўқонда ҳам, бутун Туркистон шаҳарларидаги каби, 10-йиллар урталарида ўз миллий театр санъатини яратиш орзуси пайдо бўлган эдики, бу илк бор самарқандликлар билан ҳамкорликдаги «Падарқуш» спектакли намойишида яққол намойн бўлди.

Қўқондаги театрчилик ҳаракатининг атоқли намояндаларидан бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бу пайтда чет эл сафарларидан қайтиб, бир муддат Бокуда туриб қолган эди. Шоир биографларининг аниқлашича, у 1914 йилнинг феврали охирларида Қўқонга қайтган.¹ Хориж сафарига 1912 йил сентябрида йул олиб, Афғонистон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари ва Туркиядан Озарбайжон пойтахтига утиб келган Ҳамза бир йилдан ортиқ давр мобайнида жуда кўп янгиликларни кўрган, турли зиёлилар билан танишган эди. Шу кезларда фавқулодда шитоб билан юксалаётган озарбайжон театри, мусиқа санъати Ҳамзани бефарқ қолдирмагани аниқ. Чунки унинг Қўқонга қайтиб амалга оширган илк ижодий ишларидан бири халқ куйларини тўплаб, улар оҳангида ижтимоий-маърифий шеърлар ёзиш бўлган. Шу тариқа шоир 1915-1917 йиллар орасида 30 дан ортиқ халқ куйларига шеърлар ёзиб, «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» номи остида саккизта кичик тўпламлар — «Биринчи бўлим», «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул», «Яшил гул», «Сафсар гул», «Атир гул»ни тайёрлагани маълум. Ана шу тўпламларнинг энг биринчисидagi «Дилогон» оҳангида айтилувчи «Кузни очинг, қардошлар» шеърида қуйидаги сатрлар бор:

¹ М. Раҳмонов. Ҳамза ва узбек театри. Тошкент, 1959. 109-бет; Л. Қайюмов. Сайланма. 1-жилд, Тошкент, 1981. 127-бет.

Ташлаб Ниҳон кунгилда бўлган иллатни,
Кину бузгу адоват, фиску гийбатни,
Сунний, ший сўзларни барбодлашайлик,
Миллат йулин кўплашув ободлашайлик.
Улфатлашуб ёзлашуб ҳам қишлашайлик,
Театр ясаб, концертлар, олқишлашайлик¹.

1915 йилда тайёрланган тўпلامдан олинган бу шеър Ҳамзанинг театр санъатига алоҳида аҳамият курсатиши шу даврларга тўғри келади, дейиш учун асос беради. Бундан ташқари, Ҳамзанинг дўстларидан Мулла Аҳмадали қорига 1915 йил 12 ноябрда йўлланган мактубида ҳам театрга даъват қилувчи сўзлар бор². Унинг «Илм ҳидоят», «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» драматик асарлари ҳам 1915 йил маҳсули. Бироқ шуларга қарамай, Ҳамзанинг 1915 йилларда Қўқонда махсус театр труппаси тузгани ҳақидаги мулоҳазалар гоят шубҳали туюлади. Унинг ўзбек театр санъати соҳасидаги буюк хизматларини сира камситмаган ҳолда шубҳаларимиз учун асос берувчи айрим далилларга мурожаат этайлик.

М. Раҳмонов узининг «Ҳамза ва ўзбек театри» номли монографиясида 1915 йил санасига алоҳида эътибор бериб, ёзади:

«Ҳамзанинг революциядан илгариги биринчи ҳаваскорлар труппаси 1915 йилнинг иккинчи ярмида Қўқон шаҳрида ташкил топади.

Труппанинг состави Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Маҳмуд тараща, Абдулазиз, Ҳолмуҳаммад Охундий, Аъзамхужасв, Мирҳомид Мироқилов, Азимхужа Тошхужасв, Ҳасан Эрматов, Ҳусан Эрматов, Исоқ Содиқий, Абдуллажон ва бошқалардан иборат эди»³. Бироқ айнан шу муаллиф 1968 йилда эълон қилинган «Ўзбек театри тарихи» китобида узининг аввалги маълумотларига шубҳа билдириб, янги топган фактлари асосида: *«Кейинги вақтларда бу труппа (Қўқон труппаси — Ш. Р.) тўғрисида яна бир муҳим ҳужжат топилди. Бу 1915 йилда Тошкентдаги «Туркистон» труппасининг Қўқон гастроли муносабати билан босилган афишаси бўлиб, унда: «Тошкент ҳаваскорлари томонидан 1915 йил 7-январда «Туй» спектакли қўйлажаги ва унда Қўқон «драма» санъати ҳаваскорлари*

¹ Ҳамза. Тула асарлар тўплами, 2-жилд, Тошкент, 1988, 12-бет.

² Уша нашр, 5-жилд, 1989, 15-бет.

³ М. Раҳмонов. Зикр этилган китоб, 111-бет.

группаси ҳам қатнашажаги курсатилган. Бундан шу нарса маълум бўлдики, Ҳамза труппаси 1914 йилнинг охиридаёқ ташкил топган. Аммо труппанинг то «Заҳарли ҳаёт»ни сахналаштиргунча қуйган репертуари туғрисида етарли маълумотлар йўқ»¹ қабилдаги мулоҳазани илгари суради. Адабиётшунос олима Р. Иброҳимова «Ҳамза Ҳакимзода ва театр» номли мақоласида М. Раҳмонов мулоҳазасига ҳеч бир янги фактлар қушмасдан, уша фикрни айнан такрорлайди². Аммо бу мулоҳазани Ҳамзанинг ўзи ёзган «Таржимаи ҳол»и буткул инкор этади: «1914 йилнинг охирларида ҳозирги Фарғона газтасининг муҳаррири уртоқ Охундийларнинг ғайрати билан Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормай, Андреев исминдаги Скобел маориф раҳбари томонидан мажбурий ёпилди»³. Демак, Ҳамза 1914 йил охирларидан бошлаб саккиз ой давоми Марғилонда муаллимлик билан машгул бўлган. Буни, Ҳамзанинг «Таржимаи ҳол»идан ташқари, «Тула асарлар тўплами»нинг 5-жилдидаги қайдлари ва шу жилд сўнгидаги «Ҳамза ҳаёти ва фаолиятининг асосий саналари»га кирган маълумотлар ҳам тула тасдиқлайди. Шуларга кўра, Ҳамза 1915 йил август сўнглирига қадар ҳам Марғилонда истиқомат қилиб, ҳатто 28 августда Марғилоннинг Қудингар маҳалласидаги масжидда янги «усули савтия» мактаби очганидан хабар топамиз. Шу йилнинг сентябрида эса шоир Ҳолмуҳаммад Охундий билан Андижоннинг Шаҳрихонига борганини ҳам қайд этади⁴. Профессор Л. Қаюмов ҳатто «Ҳамзанинг бу фаолияти (Марғилондаги муаллимлиги — Ш. Р.) 1915 октябрь, ноябрь ойларигача давом этади,»⁵ деб ёзади. Бу фактлар, биринчидан, Ҳамзанинг сентябрь урталарига қадар театр труппаси тузишдек жиддий фаолият билан шуғуллана олмаслигини англатса, иккинчидан, унинг труппасидан деб қайд қилинган Ҳолмуҳаммад Охундийнинг ҳам буткул бошқа ишлар билан машгул бўлганини кўрсатади. Ҳуш, унда, М. Раҳмонов аввалги китобда айтганидек, Ҳамза балки 1915 йил урталаридан (сентябрь деб фараз қиламиз) махсус театр труппаси тузишга киришгандир? Афсуски, бу мулоҳаза ҳам Ҳам-

¹ М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 313-бет.

² «Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари». Тошкент, 1988, 95-бет.

³ Ҳамза. Тула асарлар тўплами. Тошкент, 1989, 4-жилд, 294-бет.

⁴ Ҳамза. Тула асарлар тўплами. 5-жилд. 185, 187, 352-353-бетлар.

⁵ Л. Қаюмов. Инқилоб куйчиси. Тошкент, 1962, 39-бет.

занинг на асарлари ва на ҳозиргача маълум булган архив материалларидаги бирор ишончли ҳужжат билан тасдиқланмайди. М. Раҳмонов келтирган далиллар эса А. Хужасев ва М. Мироқиловнинг шахсий хотираларидангина иборат, холос.

Таажжубланарлиси, ҳар икки хотира ҳам бирор ерда эълон қилингани маълум эмас. М. Раҳмонов изоҳича, бу хотиралар унинг қулида сақланади. М. Раҳмоновнинг ҳар икки китоби эълон қилинганига йигирма беш йилдан ошди. Шу давр мобайнида Ҳамзанинг қатор юбилейлари утди. 1979 йили махсус «Ҳамза замондошлари хотирасида» тўплами чоп қилинди. Аммо у муҳим хотиралар узга бирор бир манбада тула ҳолда ҳануз эълон этилган эмас. Иккинчидан, «А. Хужасев» шахси ким? Ҳурматли профессор китобларида у 1915 йилдаги Ҳамза труппаси қатнашчиси, деб курсатилди-ю, аммо труппа аъзолари руйхатида А. Хужасев деган ном келтирилмайди. Агар у Аъзамхужасев булса, бу актёрнинг исми Ҳамза руйхатларида 1923 йилдагина учрайди. Еки Азимхужа Тошхужасев булса, у ҳам 1920 йилга оид руйхатларда зикр этилган.

Миршоҳид Мироқилов хотиралари хусусида эса яна бирор мулоҳаза айтиш мушкул. Бу хотиралар М. Мироқиловнинг олим билан шахсий суҳбатларида ҳикоя қилинган бўлиб, бирор далилий ҳужжат шаклида эмас. Қолаверса, Миршоҳид Мироқилов 1915 йилларда 14-15 яшарлик ўспирин йигитча булган.

Яна бир ҳайрон қолдирадиган жиҳат «Ҳамза замондошлари хотирасида» тўпلامининг мундарижасига кирган хотиранависларнинг фактлар талқинидаги хотиралари хилма-хиллиги ва ҳатто баъзан буткул зидлигида ҳамдир. Масалан, Маннон Уйғур «Заҳарли ҳаёт»ни 1917 йилда ҳаваскорлар драма тугарагида сахнага қўйдик, деса, шу воқеа шоҳиди Ф. Бакиров 1918 йилнинг ёз кунларидан бирида «Заҳарли ҳаёт» қўйилди», дейди. Еки Ҳ. Усмонов Ҳамзанинг 1914-1915 йилларда Марғилонда муаллимлик қилганини хотирлаб, шу йилларда «Шуройи ислом» ташкилотининг масъул котиби жадид Эгамберди Мирзанинг бу мактабга қарши ҳаракатларидан сўз юритади. Ваҳоланки, «Шуройи ислом»нинг 1917 йил март-апрель ойлари ташкил топгани жуда яхши маълум. Умуман, мазкур хотиралар тўпламида ҳам Ҳамзанинг 1915 йилларда театр труппаси тузганига ҳеч бир далолат йўқ. Тўғри, хотиралар ҳам ҳодиса ва воқеалар моҳиятини англашда

муайян аҳамиятга эга. Бироқ унда кўпинча объективликдан кўра субъектив муносабат кучлироқ бўлиб, хотирловчининг мақсад ва манфаати устиворлик қилиб туради. Шунинг назарда тутиб, рус адабиётшуноси И. Г. Ямпольский қуйидаги мулоҳазани билдирган эди: «*Ҳар бир хотирловчи узи ҳикоя қилаётган ҳодисани ўз позициясидан баҳолайди ва утмишини бугунги кунни нуқтаи назаридан тасаввур қилади. Кўпинча бу позиция хотирловчи томонидан ё онгли, ё беихтиёр хиралаштирилади*»¹. Айниқса хотирланаётган зот шахсияти улуғланаётган ёки қораланаётган ва ёки унинг узи, қариндош-уруғлари маълум бир мавқега эга бўлса, хотирларга ноҳолис ҳам туқилган маълумотлар аралашуви шубҳасиз. Бунга қатагон даври ва турғунлик йилларидан унлаб, юзлаб мисолларни келтириш мумкин. Бинобарин, шахсий хотирлар хотирловчининг шахсияти, эътиқод ва ақидалари билан бир қаторда, муайян жамиятдаги муносабатлар, мавжуд «об-хаво»га ҳам боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ҳамза Ҳакимзоданинг 1929 йилда вафотидан сўнг ҳаёти ва ижодини сунъий равишда идеаллаштириш, уни ўз табиий муҳитидан ажратиб олишга уриниш, унинг асарларига «сайқал бериш» кучайиб кетди. Шахс ва ижодкорнинг асл қиёфаси урнига, уни шоҳона либос ва анвойи ранглар билан безаб, пардозланган мавҳум ва ҳаққониятдан йироқ образи яратилди. Оқибатда бадиий ижод табиатини белгилайдиган ички зиддиятлар, мураккабликлар урнини шоҳсупадаги якка-ю-ягона тимсол ва манфаат исканжасидаги илм эгаллади. Ана шу аҳволни кўзда тутиб, адабиётшунос олим Наим Каримов қуйидаги фикрни айтган эди: «...*нима учундир биз, ўзбек совет адабиёти тадқиқотчилари, тарих фактларини ҳам пардозлаб курсатишга уринамиз. Ана шундай пардозвозлигимиз орқасида Ҳамзанинг бир қанча асарларини китобхондан яшириб, ҳатто уларни «Мукамал асарлар тўплами»га ҳам киритмай, яна бу тенденциозлигимизни турли-туман далиллар билан «асослаб» келамиз. Биз 1929 йилда 40 ёшида ҳалок бўлган Ҳамза фақат шоҳ асарлар яратган, деб уйлаймиз ва бунга бошқаларни ҳам ишонтирмакчи бўламиз. ... Сайқалчилар ҳали ҳам Ҳамза асарларини асл манзараси билан курсатиш ишига тўсқинлик*

¹ Қаранг: И. И. Панасв. Литературные воспоминания. Москва, 1988. стр. 18.

қилмоқдалар. Ҳолбуки, янгича фикрлаш ва ошкора-лик даври биздан илмий объективлик ва ҳалолликни талаб этмоқда»¹.

Дарҳақиқат, сунгги йиллардаги узғаришлар жамиятга, мафкурага, адабиёт ва санъат масалаларига қарашларимизни ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Шу жумладан, узбек адабиётшунослигининг каттагина тармоғи бўлган ҳамзашунослик масалалари ҳам ўта муҳим муаммолар олдида турибди. Бу муаммолардан бири Ҳамза биографияси ҳамда унинг театр ва драматургик фаолияти билан боғлиқ масаладир. Ҳамза «Тула асарлар тўплами»нинг 5 жилдлиги нашр этилиши, «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архиви каталоги» икки жилдлиги ва унинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги кейинги пайтда чиққан бир қанча тўплам ва мақолалар шоир фаолиятидаги қатор нуқталарнинг ҳужжатлар асосидаги аниқ манзарасини равшанлаштирамоқда. Хусусан, «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди проблемалари» номли 1988 йилда босмадан чиққан тадқиқотлар тўпламида Ф. Муминовнинг «Ҳамза Ҳакимзода биографиясининг илк саҳифалари» ва «Ҳамза Ҳакимзода ижодини урганишнинг актуал масалалари» номли мақолаларида ҳамда шоирнинг ўз «қайд»ларида у 1917 йил май ойи охирида «Шуройи исломия» жамиятининг Қўқон булими озуқ-овқат шуъбасига ишга киргани, шу йил октябридан 1918 йил мартага қадар эса Туркистонда Саидносир Миржалилов хонадониде яшагани айтилади. Саидносир Миржалилов эса Туркистоннинг машҳур тараққийпарвар бойларидан бўлиб, 1917 йил 26-29 ноябрда Қўқонда барпо бўлган «мухторият» ҳукуматининг раҳбарларидан бири эди². Ҳамза шу хонадонда яшаб турган вақтида бу ерга Кабир Бакир, Фарид Тоҳируф, чиновник Диваюф, Мунаввар қори каби «Қўқон мухторияти» учун айнан шу кезлари фаол иш олиб борган зотлар келганини қайд этиб, улар билан учрашгани ва яқин муносабатда бўлганини ёзади³. Демак, у ҳам «мухторият» гоёсига тула хайрихоҳ эди. Буни шоирнинг 1918 йил 11 январиде «Улуғ Туркистон» газетасида босилган «Туркистон мухторияти» шеъри ҳам тасдиқ этади. Бу фактларни шунинг учун келтиряпмизки, профессор М. Раҳмонов «Ҳамза ва узбек театри» мо-

¹ Қаранг: «Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари», 58-59-бетлар.

² Н. Норқулов. Мухториятнинг тугатилиши, — «Фан ва турмуш» журнали, 1990, 8-сон, 9-бет.

³ Ҳамза. Тула асарлар тўплами, 5-жилд, 189-190-бетлар.

нографиясида драматургнинг 1917 йил урталарида ёзилган «Мухторият ёки автономия» сатирик комедиясини ҳали ташкил бўлмаган «Мухторият»нинг расвосини чиқарган¹ асар сифатида баҳолаб, унинг тақдири ҳақида Эргаш қурбоши шахсияти билан боғлиқ нотугри, уйдирма тафсилотлар келтиради ва бунда фақатгина уша А. Хужаев (?) деган кимсанинг хотираларига суянади. Ваҳоланки, Ҳамза мазкур пьесанинг қўлёзма-си титул варағида «Туркистонда ҳуррият булуви муносабати ила ешлар ва уламолар орасинда ихтилоф ула-роқ уламолар айрилиб кетувлари, руҳоний мажлисин тасвиридир», дея мутахассисларга жуда яхши маълум бўлган «жадид»-«қадим» низосининг 1917 йил февралидан кейинги воқеалари, яъни «Шуройи ислом» ва «Уламо» жамиятлари юзага келиб, улар уртасида муросасиз кескинлик билан ихтилофлар пайдо бўлганини назарда тутмоқда. «Мухторият ёки автономия» пьесаси фақат ва фақат шу ҳодисага бағишлангани бошқа қатор ҳужжатлар орқали ҳам исботини топиши мумкин. Бу ҳақда С. Аҳмедов «Санъат» журналининг 1990 йил 1-сонидаги «Асли тараққий дарғаси» номли мақоласида махсус тўхталиб, мулоҳазаларимизни тасдиқловчи асослар ҳам келтиради ва узи ҳам пьесанинг «Туркистон (Қуқон) мухторияти» ташкил топишига алоқаси йўқ эканини исботлайди. Демокчимизки, ана шундай далиллар бўлгани ҳолда, А. Хужаевнинг хотиралари мутлақо асоссиз ёки, таъкидлаганимиздек, ё хотирловчи, ё ёзиб олувчининг муайян манфаати маҳсули булиб чиқади.

Демак, Ҳамзанинг 1915 йил езида Қуқонда ҳаваскорлар труппаси тузгани ҳақидаги А. Хужаев гувоҳлиги бу уринда ҳам шубҳали ва ҳатто ишончсиздир. Буни яна шу факт ҳам тасдиқлайдики, Ҳамзанинг театрчилик фаолиятига бағишланган деярли барча катта-кичик тадқиқотларда ва айниқса Ҳамзанинг узи ёзган «Таржимаи ҳол»и, «қайд»ларида ҳам унинг 1915 йилда Қуқонда театр труппаси тузганига доир ҳеч қандай ҳужжат, ёзув, ҳатто ишора ҳам учрамайди. Баъзи тадқиқотлардаги иқрорлар ҳам айнан уша М. Раҳмоновнинг 1959 йилдаги ёки 1968 йилдаги монографияларидан кучирма ёки ишора, холос. Ҳамза биографиясини илмий асосда ёритиш буйича қатор йирик рисоалар муаллифи профессор Лазиз Қайюмов ҳам

¹ Қайд этилган китоб, 125-бет.

шоирнинг драматургик ижодига бағишланган махсус «Инқилобий драма» китобида 1918 йилларгача Ҳамза бирор театр труппаси тузгани ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Энг қизиғи, ҳаёти ва фаолиятидаги бағоят оддий, аҳамиятсиз сарф-харажатларгача кунма-кун, соатма-соат ёзиб юрадиган Ҳамза уз «қайд»ларида ҳаётидаги шундай улкан ҳодисага доир далил ё ҳеч булмаса ишора бермаслиги жуда таажжубланарли. Ва бу Ҳамза Ҳакимзода 1918 йилларга қадар мунтазам театр труппаси тузган эмас, дейиш учун тула асос беради. Аммо бундан Ҳамза инқилобга қадар театрчилик ишлари билан шуғулланмаган, дея хулоса чиқариб булмайди. Ҳамза, куриб утганимиздек, уз шеърларида халқни театр ва концерт «ясаш»га тарғиб этади, саҳна учун махсус «Илм ҳидояти», «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари», «Мулла Нормухаммад домланинг куфр хатоси», кейинроқ эса «Лошмон фожиаси»нинг биринчи бўлими, «Мухторият ёки автономия» каби «тиётр китоблари»ни яратади. Буларни китоб ҳолида нашр эттириш, саҳналаштиришга тавсия этиш билан шуғулланади. Мана, унинг уз иқрори: *«1917 йилгача асарларимни босдириш, асар ёзиш, газетга мақола ёзиш, Лошмон воқсалари ҳақида турли мажлислар қилиш билан давом этдим»*.¹

Пьесаларини саҳналаштиришга тавсия этиши шу билан изоҳланадики, «Заҳарли ҳаёт ёхуд «Ишқ қурбонлари» 1916 йилда китоб ҳолида нашр этилгунига қадар саҳнада қўйилган бўлиши эҳтимол. Хусусан, Қўқон ҳаваскор ёшлари томонидан.

Ҳақиқатан, Қўқон театр ҳаваскорлари 1915 йил 22 октябрда Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» пьесасини саҳнага қўйганлари хусусида ҳужжат бор. Бу ана шу спектаклнинг афишаси бўлиб, афиша фотонусхаси М. Раҳмоновнинг «Ўзбек театри тарихи» китобида келтирилади. Аммо бундан айнан Ҳамза тузган тулақонли театр труппаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин эмас.

Биз юқорида «Падаркуш» муносабати билан 1914 йил бошларидаёқ Қўқон ҳаваскор ёшлари орасида муайян ҳаракатлар бошланганини қайд этган эдик. 1914 йил 24 феввалида бу ёшлар Бсҳбудий бошлиқ Самарқанд «актёрлар»и билан ҳамкорликда Қўқон мактаблари фойдаси учун «Падаркуш»ни қўйган эдилар. Бу воқеа Қўқон жадид зиёлилари учун шунчаки

¹ Ҳамза. Тула асарлар туплами, 4-жилд, 295-бет.

уткинчи воқса булмагани аниқ. Чунки улар театр ташаббусини биринчилардан булиб кутариб чиққан эдилар. («Самарқандда театру» номли 10-сон «Ойина» журналидаги хабарни ёдга олайлик.) Мунтазам бўлмаса-да, бу ҳаваскорлар вақти-вақти билан йиғилиб, спектакллар қуйиб турганлари шубҳасиз. Ҳамзанинг Марғилонда мактаб очишига кумаклашган зиёлилардан Холмуҳаммад Охундий «Ойина» журналининг Фарғона водийсидаги жамоатчи мухбирларидан бўлиб, у мажалланинг 1915 йилги 16 май 14-сонида озарбайжонлик режиссёр Алиасқар Асқаровнинг Наманганда ва бошқа «ҳар қайлар»да ерли ёшлар билан усмонли турк, озарбайжон пьесаларини сахналаштириб юрганидан маълумот беради. Ва шу хабарида «тиётру натижаси» улароқ «миллий ташаббусларга ... ҳаракатлар булаётганини айтиб, «бир зот янги бино қилган бир иморатини мактаб очмоқ учун инъом этганидан укувчиларни огоҳ этади. Бу иморатда яна «Аҳмадия» унвони билан жаид мактаби очилиши ҳам кутилаётганини эслатиб утади¹.

Демак, тахмин қилиш мумкинки, А. Асқаров Қуқонда ҳам уша «Падаркуш»да қатнашган ҳаваскор ёшлар билан спектакллар қуйган. Мазкур труппанинг кейинги фаолиятига маълум даражада таъсир курсатган. Зеро, Х. Охундийнинг «Ойина»даги уша хабарига илова қилиб, тахририят, аввал зикр этганимиздек, «Туркистонда Алиасқар афандининг тиётру, қуймагон шаҳри оз қолди ва қолганларига ҳам ғайрат этиб қуйса яхши булур эди», деган истакни билдиради. Шундан келиб чиқиб, Қуқонда, Ҳамза хориждан қайтмасидан бурунроқ, ҳаваскорлар труппаси пайдо бўлиб, улар 1914-1915 йилларда вақти-вақти билан спектакллар уйнаб турганлар, дея хулоса чиқариш мумкин. 1915 йил январида Ҳамза Марғилон шаҳрида муаллимлик билан машғул бир пайтда Қуқонга гастроль сафари билан келган Тошкентнинг «Турон» труппаси уз спектакллари, шу жумладан, «Туй» спектаклини ҳам ана шу аввалдан мавжуд «Қуқон драма санъати ҳаваскорлари труппаси» билан ҳамкорликда намойиш қилган.

«Садойи Туркистон» газетаси 1915 йил 21 январь сонида «Турон» труппасининг Фарғона гастроллари ҳа-

¹ Бу Марғилондаги Ҳамза 1915 йил августидан ишлаб бошлаган «усули савтия» — «Мактаби Аҳмадия» эди.

қида ахборот босиб, Қуқонда группага ёрдам берган ёшлар қаторида Мирзоҳид Мироқилов номини зикр этади. Мирзоҳид Мироқилов 1914 йил февралда самарқандликлар қуқонли ёшлар кумагида қуйган «Падаркуш» спектаклида ҳам фаоллик курсатганлар руйхатида қайд этилган эди. Аммо «Садойи Туркистон»нинг ташаккурига сазовор булган қуқонликлар орасида Ҳамза Ҳакимзода номи учрамайди. Демак, «Қуқон драма санъати ҳаваскорлари труппаси» деганда, уша 1914 йил февралдан майдонга кела бошлаган зиёлилар ижодий жамоасини назарда тутмоқ лозим. Бу труппа ҳақида М. Муҳаммаджонов ҳам ўз хотираларида хабар берган¹.

«Заҳарли ҳаёт» спектакли масаласига келсак, бизнингча, бу асар 1915 йил 22 октябрда худди уша Қуқон труппаси кучлари билан қуйилган. Ҳамза ўз асари сахналаштирилаётгани учун бу жараёнда яқиндан иштирок этган бўлиши керак. Чунки у хориж сафарларида оврупоча театрни, унинг айрим хусусиятларини кузатган ва ўз тажрибасини қандайдир маънода қўллаган бўлиши мумкин. Аммо Ҳамза бу даврда янги театр труппаси тузди, дейиш ишонарли гап эмас. Бунга монелик қиладиган мулоҳазалар ҳам талайгина. Биринчидан, Ҳамза сентябрь урталарига қадар Марғилонда булган ва шу ой ичида Ҳолмуҳаммад Охундий билан Шаҳрихонга бориб келган. Сентябрь-октябрь оралиғидаги бир ойда бутун бир театр труппаси тузиб, тўрт пардали фожиани сахналаштириши ва унинг кетидан 2-булимида «Миллий концерт» тайёрлаши реал иш эмас. Иккинчидан, юқорида қайд этилган Мулла Аҳмадали қорига 1915 йил 12 ноябрдаги таклиф мактубида ҳам (агар М. Раҳмонов айтганидек, «Заҳарли ҳаёт»ни кейин яна намойиш қилиш имкони туғилганидан келиб чиқсак) Ҳамзанинг бу томошага «рахнамолиги» сезилмайди: «эрта жумъа куни 13 нуёбрда Ҳуқонда тиётру қуюлур экан. Умид мактуби етгач, соат 4 даги «скорий»да етуб келсангиз, туғри ҳовлига келурсиз». Куриняптики, Ҳамзанинг Марғилондаги яқин дўстига намойишдан бир кун аввал хабар юбориши ва «қуюлур экан» қабилида жумла қўллаши унинг спектаклга унчалик алоқадор эмаслигини билдириб қўйяпти. Учинчидан, ҳар бир янги театр труппаси, миллий

¹ М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. Тошкент, 1969, 125-бет.

асар, спектакль ижтимоий-маданий ҳаётдаги воқеа ҳисобланиб, бутун Туркистон матбуотида бор тафсилотлари билан ёритилиб турилгани ҳолда, бирор газета ё журнал Ҳамза труппаси ва миллий спектакли ҳақида кичкинагина хабар ҳам босмаслиги гоят таажжубланарли ҳол. Буни М. Раҳмонов эътироф этадию, аммо ҳеч бир далилсиз «Садойи Фаргона» ношири Обиджон Маҳмудов «xabар босишга рухсат бермаган», дейди. Ваҳоланки, бу пайтда «Садойи Фаргона» газетаси ёпилган эди. Аммо Тошкентда расмий нашр «Туркистон вилоятининг газети» мунтазам чиқиб турарди. Мазкур газета эса ҳар қанча тарафкаш бўлишидан қатъий назар, улкадаги катта-кичик ҳар бир маданий ҳодисани ёритиб борар эди. Труппа аъзоси ва спектаклнинг роль ижрочиси дейилган Ҳолмуҳаммад Охундий ва, қолаверса, Ҳамзанинг ўзи ҳам бир қатор матбуот нашрларининг жамоатчи мухбирларидан булганлари эса давр ҳужжатларидан яхши маълум.

Афиша ва айрим хотираларга кўра эътироф этилаётган «катта маданий воқеа» ҳақида тугал бир фикрга келиш ва қатъий ҳукм айтиш мушкул. Аммо, бизнингча, шу нарса аниқки, спектакль Қўқондаги аввалдан мавжуд ҳаваскор труппа томонидан қўйилган. М. Раҳмонов даъво қилганидек, Қўқонда бир-бирига қарши булган «жадид ҳаваскор труппа»си ва Ҳамзанинг «пухта тайёрланган», «гоявий-бадийий жиҳатдан мусобақадош» иккинчи бир труппаси ҳақидаги фикрлар ҳужжатлар билан тасдиқланмайди. Аксинча, мавжуд ҳужжатлар Ҳамзанинг қўқонлик театр ҳаваскорлари билан яқин алоқаларидан далолат беради. Хусусан, «Ойина» журналида тилга олинган қўқонлик ёшлардан Пулатбойвачча Зокирбой ўғли Ҳамзанинг «Янги саодат» романи нашри учун 1914 йилда маблағ йиғганлар рўйхатида учрайди. Мирзоҳид Оқилий, Ҳодихужа Яъқубхужа ўғли, Мулла Маҳмуджон қори, Ашурали Зоҳирийлар билан эса Ҳамза 1915 йил 12 июнида «иттифоқ мажлиси» (жамияти хайрия) ташкил қилишда бирга булганлигини қайд этади. Балки ана шу мажлис йиғилишларида «Заҳарли ҳаёт» пьесасини яратишга муайян даъватлар булгандир (ҳамзашунослар асарнинг саҳнага қўйилган даврини кузда тутибми, 1915 йил кузида ёзилган, деб курсатадилар) ёки асар бу пайтларда ёзилган булса, саҳналаштириш фикри тугилгандир. Нима булганда ҳам, пьесанинг

сахнавий тақдири бу ишда тажриба орттириб қолган уша театр ҳаваскорлари билан Ҳамза ҳамкорлигининг натижасидир.

Хуллас, Ҳамза хориждан қайтгунича Қўқонда ташкил топган театр ҳаваскорлари гуруҳи билан яқиндан алоқа боғлади, ижодий ҳамкорлик қилди ва муайян пайтларда узи ҳам спектаклларда иштирок этди*. Бироқ унинг бу пайтдаги асосий фаолияти маърифатпарварлик жабҳасининг бошқа қирраларига қаратилган эдики, бу ҳақда Ҳамзанинг ўз эътирофидан кура ишончлироқ бошқа бир далил келтириш мумкин эмас. Шоир Марғилонда саккиз ойча муаллимлик қилиб қайтгандан сунгги фаолияти ҳақида ёзади: «Ундан яна Ҳўқанд келиб, бир қанча узимга яқин кишилар туплаб, уларнинг ёрдами билан йўқсул болалар учун пулсиз ўқутуш мактаби очдим... Ундан сунг кечки курс давом эттируб юруб, 1915 йилда яна мажлис чақириб, китобхона, қироатхона каби масалаларни ҳал қилиб, «Ғайрат» исминда китобхона очдирдим. Бундан мақсад бутунгача ёзилгон асарларимни баъзиларин уз сармойам билан босдиргон булсам ҳам, улар майдароқ бўлуб, бошқаларин шул китобхона исминдан босдириш эди»¹.

Ҳамзанинг 1917 йилгача бўлган театрчилик фаолиятига яқун ясар эканмиз, азбаройи адолат юзасидан яна бир фактга изоҳ бериш лозим, деб ўйлаймиз. М. Раҳмонов «Ҳамза ва узбек театри» китобида «1915 йилда Қўқонда Ҳамза ташкил қилган труппа ҳаваскорлари» деган изоҳ билан бир фотосурат келтирган. Муҳтарам олимнинг бу суратни қасрдан топгани бизга қоронгу. Аммо мазкур сурат биринчи марта эълон қилинган М. Б. Солиҳовнинг зикр этганимиз китобида изоҳ тамомила бошқача, яъни: «Турли шаҳарда ҳаваскор бўлиб сахнага чиққан зиёлилардан бир гуруҳ...»².

Умуман олганда, Қўқонда маҳаллий зиёлилардан иборат театр ҳаваскорлари труппаси 1914 йил бошларидан мавжуд бўлиб, бу труппа Самарқанд ёки «Турон» труппаси каби мунтазам характерга эга эмас эди. Улар вақти-вақти билан спектакллар қўяр, купроқ га-

* «Заҳарли ҳаёт» пьесасининг 1915 йил 22 октябрда қуйилгани масаласи ҳали талайгина далиллар билан тасдиқланиши кераклигини ҳам унутмаслик лозим.

¹ Ҳамза. Танланган асарлар туплами, 4-жилд, 294-295-бетлар.

² Зикр этилган китоб, 81-бет.

стролга келган тудалар билан ҳамкорликда ёки Алиаскар Асқаровга ухшаган режиссёрлар ташриф буюрғанида бунга муваффақ бўлар эдилар. Қўқонда Ҳамзадек миллий драматургнинг етишуви бу труппа фаолиятини анча жонланишига ва янги-янги ижодий кучлар билан кенгайтишига туртки берган бўлса, ажаб эмас. Оқибатда «Падаркуш», «Туй» каби миллий асарлар, «Эски Туркия», «Оч ҳарфлар» каби таржима пьесалар қаторида Ҳамза асарлари ҳам унинг репертуаридан жой ола бошлаган булиши мумкин.

4. ТУРКИСТОННИНГ БОШҚА ШАҲАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ТЕАТР. ТАЗЙИҚ ВА ТАҲДИДЛАР. ҒОЯВИЙ КУРАШ

Миллий театр ғояси 10-йилларнинг урталарига келиб, бутун Туркистон шаҳарларидаги зиёли ёшларнинг фикри-ёдини қамраб олди. Миллатнинг нажотини маърифатда қўрган жаҳид тараққийпарварлари ўз қарашларининг кенг миқёс касб этишида, халқ уртасида оммалашиб, уларнинг «басират кузлари» очилишида театрнинг беназир аҳамиятини тобора чуқурроқ ҳис этмоқда эдилар. Айниқса, «Падаркуш» спектаклининг Самарқанд ва Тошкентда фавқулодда муваффақият қозониши турли шаҳарлардаги ёшларни гайрат «от»ига миндирди. Ўз театр труппалари, ўз миллий пьесалари ҳақидаги орзу-уйларни қалбларига жо қилди. Қолаверса, спектакль намоёишларидан тушадиган маблағ жойларда моддий қийинчиликдан қийналиб ва ёпилиб қолаётган «усули жаҳид» мактабларини керакли ўқув анжомлари билан таъминлаш учун ҳам зарур эди.

Агар хронологик тартибда оладиган бўлсак, Тошкент, Самарқанд, Қўқондан сўнг Каттақўрғон, Бухоро, Андижон, Наманган шаҳарларида труппалар ташкил топиб, театрчилик ҳаракатининг кейинги тараққайишига замин ҳозирлаб борилди. Кейингиларини, албатта, мунтазам, қатъий репертуар асосида фаолият юритувчи доимий труппалар, деб айтиб бўлмайди. Бироқ, бундан қатъий назар, муваққат театр труппалари ҳам сахна санъатининг халқ уртасида мавқе топиши, миллат маданий ва маънавий ҳаётининг узвий бир қисмига айланмоғи учун муҳим таъсир курсата олди.

Уларнинг ҳар бир қадамини интиқлик билан кузатиб, хайрихоҳ муносабат ва ташаккурлар изҳор қилиб борган «Ойина» таҳририяти театр хабарларига алоҳида эътиборини қаратди. Жойлардаги сахна ишларининг энг оддий тафсилотларидан тортиб ташкилий, ижодий муаммоларигача унинг саҳифаларида ёритиб берилди. «Ойина»чилар ўзларига ҳамқадам «Садойи Туркистон» ва «Садойи Фарғона» каби, театр санъатининг ҳам маърифат гоёси, миллий ижтимоий онг ва пировардида истиқлол туйғулари шаклланиши ва мустақкам қарор топиши учун катта минбар эканини, мактаб, матбуот ва турли жамиятлар қаторидаги гоёят зарур майдон эканини яхши англаб иш тутардилар.

Мажалланинг 1914 йил сонларидан иккитасида Фарб театр санъатининг аҳволи ва аҳамиятига оид статистик материаллар босилади. Биринчиси «Оврупода театрулар» номли хабар мақола булса, иккинчиси схема шаклига солинган «Турли мамлакатларда театр» номли маълумотдир.

Биринчи мақолада ун учта Оврупо мамлакатларида театрлар сони ва айни пайтларда янги театрлар очиш бир оз тухтаб қолгани, чунки унинг урнини синематугроф эгаллаб бораётгани айтилади. Журналнинг 23-сонида эса ана шу маълумотлар янада кенг-роқ, яъни ҳар бир мамлакатнинг неча минг аҳолисига қанча театр туғри келиши қўшиб борилади. Оврупонинг етти марказий давлатларида театрлар миқдори ва аҳоли сонига нисбатининг келтирилиши бу шунчаки маълумот мақсадидагина бўлмаса керак. Бинобарин, мақсад Туркистонда театрчилик ҳаракатини кучайтириш, ҳар бир шаҳар ва вилоятларда ўнлаб театрлар очилишини тиламоқдир. Франция ёки Италиядек давлатларда 66—65 минг аҳолига биттадан театр туғри келиб, жами 596 ва 544 сахна жамоалари булгани ҳолда, Туркистонда миллионлаб аҳолига икки-уч миллий театрнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳам янги-янги миллий асарлар билан тўлақонли изга тушиб кета олмаётгани таҳририятни ташвишлантиргани аниқ.

Аммо бундан қатъий назар, Туркистонда театрчилик ҳаракати шаклланиб, муайян ривожланиш босқичига кириб бормоқда эди. Бу саъй-ҳаракатларда, шубҳасиз, «Падаркуш» асари бир маёқ вазифасини ўтади. Юқорида батафсил куриб ўтилган Тошкент, Самарқанд ва Қўқондан сўнг, асар Каттақўрғон шаҳрида намойиш қилинди.

«Ойна» журнали, аввал ҳам куриб утганимиздек, театр намоишлари ҳақида олдиндан хабар (эълон эмас) босар ва бу билан муштарийларини маданий тadbирларда фаолроқ булишга чорлар эди. Айни чоғда бу хабарлар театр ишига таҳририятнинг алоҳида эътиборидан ҳам далолат эди. Шу маънода журналнинг 1914 йил 22 февраль сониди уқиймиз: «Каттақурғонда тотор ва узбек ёшлари бирлашуб, «Тоторлар мактаби» фойдасига «Падаркуш» фожиясини сахнада қўймоқчи бўлиб, шунинг учун ҳозирда ҳафтада 2—3 маротаба машқ қилмоқдаурлар. 1—2 ҳафта ичинда ҳукуматдан рухсат олуб, театр қўйилса керак». Бу хабарда диққатга молик нуқта шундаки, Каттақурғонда мустақил труппа шаклланиб, «Падаркуш», айрим театр тарихчилари айтганидек, Самарқанд труппаси томонидан гастролга келиб намоиш этилган эмас. Аксинча, Каттақурғон шаҳрининг ўз зиёлилари ташаббус курсатганлар. Ҳаваскор кучларнинг ҳали заифроқ бўлгани учунми ёки режиссура мақсадларидами, Самарқанд труппасидан айрим кишилар таклиф этилган. Шу таҳлит спектакль март ойи бошларида тайёр булган.

Каттақурғонда спектакль театр биносининг торлиги ва томошабин кўплиги сабабли икки кун 2—3 март кунлари уйналади. Бу ердаги намоиш том маънодаги ҳамкорлик самараси бўлди. Чунки спектаклда татар ҳаваскорлари ва ерли зиёлилар қатори Самарқанддан келган актёрлар ҳам қатнашадилар. Масалан, 2 март куни спектаклдаги бой ролини Самарқандда муваффақиятли ижроси билан тилга тушган Абдусалом Абдурахим угли уйнаган бўлса, 3 март куни Каттақурғонда муаллимлик қилиб турган Ҳожи Муъин ижро этади. Бошқа бир неча ролларни татар ва Каттақурғонлик мушаххислар бажарадилар. «Миллий шева»даги «Падаркуш»дан кейин татар труппаси ўз тилида «Эрим қайтди» комедиясини ҳам қўйиб берган. Намоиш айниқса биринчи куни муваффақиятли утган. Буни ерли халқдан ташқари руслар ҳам эътироф этганлар. Аммо татар мушаххисларининг кўп сўзларни ўз шеваларида баён қилгани таассуротни бир оз бузган. Умуман олганда, спектакль натижасидан қониқиб ҳосил қилган маҳаллий ёшлар «Падаркуш»ни Каттақурғонда яна қўйиш истагини билдирганлар. Сабаби, аввало, сахна ишларига Каттақурғонда ҳам ривож бериш бўлса, иккинчисидан, улар шаҳар «қироатхона»сини очишга ҳукуматдан расмий рухсат олиб,

шунинг ҳаракатида эдилар. Спектаклни ана шу мақсад учун маблағ топиш ниятида қайта қуйишни мулжалламоқда эдилар.

Каттақурғондан сўнг «Падаркуш» Бухоро шаҳрида намоиш этилгани маълум. Урта аср тартиботлари билан янги давр тушунчалари қоришиб, мураккаб бир маиший-маданий манзара касб этган амирлик Бухорода театр ишлари асосан татарлар томонидан юритилиб турилган эди. Булар аксарият Қозон ва Самарқанддан узоқ муддатли гастроллар билан келган татар труппалари бўлиб, ўз спектаклларига маҳаллий татар ва ўзбек, тожик ҳаваскорларини ҳам ижрочи ёки ташкилотчи сифатида жалб этишга уринардилар. Шу тариқа, асосан Бухорода яшовчи татарлар томонидан янги бир труппа ташкил этилиб, татар, озар ва усмонли турк пьесалари саҳналаштириб турилди. Бу труппага Ҳусайн Нажиб исмли татар зиёлиси бошчилиқ қилган. Мазкур «мудир масъул» Бехбудийга мурожаат этиб, ундан «Падарқуш»ни саҳналаштириш учун рухсат сўрайди. Спектаклдан тушадиган фойданинг фақир «устудентлар»га тарқатилишини назарда тутиб, Бехбудий розилиқ беради. Шундан сўнг бу труппа 1914 йил 5 март куни Бухоронинг «Торикистон» синематуғрофи биносига «Падарқуш»ни намоиш этади. Спектаклга талабгорлар жуда кўп бўлиб, бир неча юз киши киролмай ҳам қолади. Бироқ Туркистон ҳаётини тасвир этган пьеса татар тилида ижро этилгани ва мушаххислар тажрибасизлиги боис томоша у қадар муваффақият қозонмаган. Айни пайтда татарлар ўз «муҳаррир»лари Алиасқар Камолнинг «Биринчи театр» комедиясини ҳам ижро этганларки, бу аввалдан уйналиб юрилгани учун анча қизиқарлироқ ва томошабоп бўлган.

Бухородаги татар труппаси «Падаркуш»ни иккинчи маротаба қуйгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Хусусан, «Ойина» 1915 йил январь сонига «Бухорода турғучи муҳтарам татар биродарлар» биринчи жаҳон урушида мажруҳ бўлган аскарларга ёрдам жамияти барпо қилганларини ёзади. Бу жамият «муслмон сайёр хастахонаси»ни ташкил этган бўлиб, «хастахона» нафъи учун Бухоро труппаси яна «Падаркуш»ни намоиш этишга рухсат сўрайди. Жамият номидан Тўқдор Жалолиддин ўгли Самарқандга келиб, Бехбудийдан ижозат олади. Мазкур тадбирда шу кезлар Бухоро жаҳидларининг етакчилари-

дан булган Абдурауф Фитратнинг ҳам қатнашганлигига доир гувоҳликлар бор. Фитратнинг ДХҚ архивида 4269-рақам билан сақланаётган «иш»идаги материаллардан шу нарса маълум буладики, у 1914 йилда Бухорода ҳаваскор театрчилик ишини йулга қуйган, сахнада роллар уйнаган. Тушган пулларни 1914 йил урушида жабрланган мусулмонлар фойдасига утказган. Бундай ишлар учун Бухоро қушбегисидан мартаба олиб, элга довруги ёйилган¹.

Демак, хулоса чиқариш мумкинки, татар труппасига Бухоронинг ерли ёшлари ҳам қушила бошлаган. Ва ҳатто Фитрат етакчилигида янги миллий ҳаваскорлар труппаси тузилган булиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки Фитратнинг драматургик фаолияти 1917 йилгача бошлангани яхши маълум. Гарчи соф драматик асар сифатида баҳолаб булмаса-да, 1909 йилда ёзилган «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи» (1912) асарларидаёқ Фитратнинг драматургик истеъдоди буй кўрсатган эди. 1916 йилга келиб, «Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Муслим» пьесаларининг ёзилиши бежиз булмай, муайян театр труппаси билан ҳамкорлик натижаси эканлиги тайин. Қолаверса, ўзбек драматургиясининг шоҳ намуналарини яратган Фитрат 1909—1913 йилларда Туркияда таҳсил олган кезлари оврупоча театр билан яқиндан танишган булмаслиги ва узи ҳам юртга қайтгач, бу ерда кечаётган театр жараёнларига бсфарқ қараган булиши мумкин эмас.

Хуллас, 10-йилларнинг урталарида Бухоройи шариф ҳам сахна санъатидан баҳраманд булиб, татар ва ерли ёшлар ҳамкорлигидаги театр труппасига эга эди.

1914 йилнинг 6 июнида Андижоннинг «Люкс» театрида ҳам «Падаркуш» фожиаси уйналади. Бу спектакль ташаббускорлари Андижоннинг ўз кунгилли ёшлари булиб, улар орасида Эшонхон махзум, Мулла Эргаш ҳожи, Зиейиддин каби кишилар бор эди. Бу труппа яна уша озарбайжонлик актёр ва режиссёр Алиасқар Асқаров етакчилигида тузилиб, фаолият курсатди. Унинг «Падаркуш» спектаклидан тушган маблағи «Садойи Туркистон» жаридасининг 20-сонида ёзилишича, 1500 сумни ташкил этиб, шундан бир қисми Андижонда қурилаётган «қизлар гимназия-

¹ Қаранг: Б. Қосимов. Фитрат, — «Санъат» журнали, 1991, 12-сон, 11-бет.

си»га берилган, қолган қисми эса бошқа хайрли ишларга сарфлаш мақсадида банкка қуйилган. Хабарда бошқа тафсилотлар келтирилмайди. Лекин тушган маблагнинг миқдорига қараганда, спектаклга жуда кўп томошабин қатнашган.

«Ойина» журналининг 1914 йил 40-сониди ва «Садойи Фарғона» газетасининг 20 июль сониди Наманганда ҳам «Падаркуш» спектакли ерли ёшлар ташаббуси билан қуйилиб, «ниҳоятда муваффақият» қозонгани хабар қилинади. Демак, Наманганда ҳам 1914 йил урталарида театр труппаси мавжуд эди, дейиш мумкин. Бу труппа, назаримизда, бир қадар мунтазамликка эга бўлган. Чунки, унинг 1915 йил мартида ҳам спектакллар қуйгани маълум. Чунончи, Қўқондаги театрчилик ҳаракатлари муносабати билан қайд этганимиз Ҳолмухаммад Охундийнинг «Ойина»га юборган мактубига қараганда, Алиасқар Асқаров Андижондан Наманганга утиб, маҳаллий ёшлар билан «Эски Туркия» фожиаси ва «Оч ҳарфлар» комедиясини сахналаштирган. Ва бу ҳол Наманган ижтимоий-маданий ҳаётида улкан воқеалардан бири бўлган. Намангандаги театр труппасининг нисбатан мунтазам характердалигини исботловчи яна бир далил Муминжон Муҳаммаджоновнинг «Турмуш уринишлари» хотиралар китобининг 1926 йилги биринчи ва 1969 йилги қайта ишланган 4-нашрларида ҳам учрайди. *«Намангандаги ҳаваскор ёшлар билан бирга «Падаркуш» пьесасини биринчи марта сахнага қуйдик. Мен Нор ролини уйнадим. Ундан кейин «Туй» пьесасини ҳам сахнага қуйдик»,* деб хотирлайди муаллиф. Бу хотиралар тахминан 1915 йил урталарига тўғри келади. Демак, даядил айтиш мумкинки, Наманган ҳам шу йилларда ўз ижодий труппасига эга эди.

Агар, аввал эслатганимиздек, Хужанд ёшлари ҳам «Турон» труппасининг 1915 йил июнь бошларидаги гастролларида яқиндан ҳамкорлик қилганини назарда тутсак, айтиш мумкинки, Туркистон улкаси 1913 йилдан бошлаб, 3—4 йил оралиғида оврупоча театр маданияти шаклланиб тараққий топа бошлаган илғор Шарқ мамлакатларидан бирига айланиб бормоқда эди. Бу жараён миллий жадид зиёлиларининг саёй-ҳаракатлари натижаси бўлиб, халқимизнинг маърифий савияси юксалиб борганидан далолатдир. «Падаркуш» пьесасининг яратилиши ва ундан кейин ёзма миллий драматургиямизнинг янги-янги намуналари

Эълон қилиниши бу жараённинг тобора қизгинроқ кечишида асосий омиллардан булди*.

1917 йил февраль-октябрь оралигидаги театр труппалари масаласи ҳам алоҳида тадқиқот мавзуи. Фақат тасаввур ҳам тушунчаларнинг тула булиши учун шуни илова қиламизки, бу даврда «Турон» труппаси фаолияти Тошкентда бирмунча давом этгани ҳолда, аввалгидай фаол эмас эди. Чунки бу пайтда труппанинг асосий кучлари жуда қизгин тус олган сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар билан машғул эди. Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги труппалар эса буткул тарқалиб кетган эди. Шунга қарамай, 1917 йил февралидан кейин ҳам Самарқандда озарбайжонлик актёр ва режиссёр М. Хонталшинский томонидан ерли узбек ва татар ҳаваскорлари ҳамкорлигида «Туркистон театр, музыка ва адабиёт дастаси» тузилгани маълум. Улар аввалги жадид театр труппалари илгари сурган гоёларнинг ворислари булгани ҳолда, давр билан ҳамқадам кўпроқ ижтимоий-сиёсий йўналишларга урғу берганлар. Улар репертуаридаги «Хуррият қурбонлари» (М. Хонталшинский асари, 1917 йил 23 июнда труппа томонидан намойиш этилган), «Ақлли девона» (бир пардали пьеса) каби оригинал асарлар, «Эски Туркия», «Султон Ҳамиднинг ҳоли» номли таржима пьесалар туркчилик гоёлари билан сугорилган сиёсий спектакллар эди.

«Турон» труппаси фаолияти сушлашган инқилобий йилда Тошкентда муқим татар труппасининг ҳаракатлари анча жонли кечаётган эди. Улар умумтуркчилик гоёсини байроқ қилиб кутарган Нуширавон Ёвушевнинг «Чингизхон» тарихий пьесасини сахналаштирган эдилар.

* Тадқиқотимизнинг мавзу доираси ва даврий чегараси 1917 йилгача булган драматургия ва театр масалалари булгани учун биз шу даврларда шаклланиб, узига хос йусинда ривожланган миллий концерт ва мусиқа ижрочилик томошалари ёки «Шарқ кечалари» сифатида оммалашган маданий тадбирлар ҳақида батафсил тухталмадик. Зеро, бундай кечалар тор мутахассисликдаги махсус тадқиқотларга муҳтож. Чунки 10-йиллардаги концерт кечалари ва спектакллар намойиши сунгида ҳамда «парда» оралигида ижро этилган куй-қушиқлар, журавозликдаги хор ва шарқийлар куйлаш каби қатор санъат ҳодисалари ҳам шу йилларда сахна ва ижрочилик маданиятининг юксалиб борганининг фаолият қирраларидан яна бирини ташкил этиб, улар мисолида овропача бастакорлик, хормейстрлик санъати ҳам майдонга келганини кўрсатади. Қолаверса, мазкур журавозлик — хорлар учун (бу ҳодиса аввало «усули савтия» мактабларида бошланган) Авлоний, Ҳамаза, Таъалло, Мирмуҳсин-Фикрий каби шоирлар махсус шеърини шаклдаги асарлар яратганларки, бу, уз навбатида, узбек шеърятининг янги-янги замонавий жанрларга мурожаат этиб, бойиб, юксалиб борганини кўрсатади.

Мазкур труппалар ва уларнинг спектаклари, репертуари, тақдири каби масалаларнинг батафсил тадқиқи, таъкидлаганимиздек, кейинги давр ва келгуси изланишлар объектидир.

Туркистон ҳудудида театр ва драматургия ривожини янада жадалроқ одим олиши ҳам мумкин эди. Афсуски, бу жараёнга жуда қаттиқ қаршилик қилган кучлар пайдо бўлди. Саҳна санъатимизнинг, жадид зиёлилари орзулаганидек, бир неча минг аҳоли сонига туғри келадиган қатор театр-ибратхоналари вужудга келишида энг катта тусиқнинг бири мустамлака истибдоди бўлса, иккинчиси диний жаҳолат ва мутаассиблик эди. Рус маъмурлари Туркистондаги театрчилик ҳаракатига, миллий драматургия тараққиёти ва тарғиботига ҳам ташкилий-маънавий, ҳам моддий тусиқчилик қилишга уриндилар. «Падаркуш» пьесаси ёзилганидан сўнг икки йилгача нашрга рухсат берилмагани ва, Туркистон генерал-губернаторлигининг ўз цензорлари бўлгани ҳолда, Тифлисидаги матбуот қўмитаси цензорига мурожаат этилгани бунга яққол намуна. Бехудий рус-француз муҳорабасининг юз йиллигига махсус бағишлов сўзларини қўлёзманинг илк саҳифасига қайд қилиши расмий идораларга таъсир кўрсатиш учун қўллаган чора — «ҳийла» экани сир эмас. Чунки у асарни тўлалигича рус тилига ўгириб, сўнгра цензорга юбормоғи шарт эди. Нафақат «Падаркуш», айни чоғда ҳар бир янги миллий пьесани расмий ҳукумат тасдиғидан ўтказиш учун рус тилига ўгириш мажбурий эди.

Пьесаларни саҳналаштиришдаги мураккабликлардан яна бири шунда эдики, цензура рухсатидан ўтган асар, қайта намойиш этилганда ёки бошқа шаҳар труппалари саҳналаштирилганда, яна такроран маҳаллий ҳокимиятдан рухсат олиш зарур ҳисобланган. «Падаркуш»ни саҳналаштириш мақсадида турли шаҳарлардан юборилган қайси бир хабарни кўрманг, албатта, «ҳукуматдан рухсат олуб» ёки баланд даражалик Фарғона волийсидан рухсат олуб» деган жумлалар учрайди. Ёки ҳар бир миллий спектакль афишаси «Ҳокимларнинг рухсати билан» деган ёзувдан бошланади. Ҳатто француз ҳаётидан олиб ёзилган «Қотили Карима» мелодрамасининг «Турон» труппаси спектакли афишасидаги ҳам биринчи жумла «Ҳокимларнинг ижозати ила» деган сўзлар билан бошланади. Шу труппанинг ташкилотчиларидан Абдулла Авлоний «*Садойи Туркистон*»

газетасининг 1914 йил 2-сонида «Театр уйновчи кишилар жаноб губернатордан ижозат олуб, бош ҳокимларнинг фармойишлари ила сузлайдургон сузларини эълонномага ёзуб чиқаруб, ҳар кимга маълум ва ошкор қилиб сузламишлар», деб ёзган эдики, бу ҳам тараққийчи ёшларнинг нақадар қаттиқ маънавий исканжада иш тутганларидан гувоҳликдир.

Чор маъмурлари пьесалар нашри, спектакллар ёки «Шарқ кечалари»га рухсат берар экан, албатта, уларнинг мазмуни, маромномаси ва ижро этиладиган номерлар дастури билан жиддий қизиққан. Керак ҳисоблаганда қисқартирган ёки таъқиқлаган. Концерт номерларидаги шеърӣ матнларга эса махсус эътибор берилган. Ана шу шароитда зиёлилар турли айланма йулар топишга мажбур булганлар. Хусусан, пьесаларни таржима қилганда, айрим ижтимоӣ кескин уринларни бошқачароқ — юмшатиб, баъзи шеърларни эса алмаштириб русчага уғирганлар. Баъзан бу «ҳийлалар» маълум булиб қолиб, маъмурий ва моддий жазоланиш, спектаклларни намойиш уртасида тухтатиб қуйиш каби воқеалар ҳам юз берган.

Чор маъмурлари маънавий тазйиқларнинг ўзи билан чеklangанлар. Айни пайтда улар моддий жиҳатдан ҳам миллий театрчилик ишларига зиён етказганлар. Айрим пьесалар нашри ва спектакль ижроси учун рухсат берилмаса, маъмурларга «ришват», яъни пора беришга мажбур булинган. Бундан ҳам зиёлироғи, ҳукумат ҳар бир томошадан тушган маблағнинг эллик фойизигачасини уз фойдасига утказишни талаб қилган. Биз юқорида келтирган «масориф» иловаларида, ҳукумат рухсати учун туланган маблағлар миқдори ҳам кўрсатилган. Хуллас, мустамлака маъмурияти миллий маданиятнинг жонланиши учун тазйиқ ва таъқиқнинг турли шаклларида кенг фойдаланган. Бунинг яна бир мисоли, узаро миллий адоватга йул очиб бериш, диний мутаассибликнинг авж олиб, жоҳил руҳонийлар томонидан жаид зиёлиларининг аксарият ҳаракатлари, жумладан, драматургия ва театрчилик ишларининг ҳам турли таъқибларга учрашини лоқайд кузатиш ва балки руҳлантиришдан иборат эди.

«Қадим» ва «жаид» низоси янги усул мактабларидан сунг, театр масаласида гоят кескин тус олди. «Театр синоати масаласига «Куръон»нинг қарашини нотўғри англамоқ ва уламоларда булгон таассуб му-

сулмонлар орасида театр синоатининг Такомилига зур зиёнлар берди»¹.

Дарҳақиқат, мутаассибона қараш эндигина шаклланаётган театрчилик йулидаги жиддий гов эди. Бу гов ҳам маънавий, ҳам ташкилий-жисмоний куринишда эди. Қадимий халқ томоша санъатини тубан масхарабозлик деб тушунган уламо ва руҳонийлар, оврупоча театрни ҳам худди шунинг узи, деб билдилар. Агар қизиқчи ва масхарабозларга улар фақат кунгилхушлик ва эрмак воситаси, катта зарар етказмайдиган бекорчи машгулот деб бирмунча эътиборсиз қараган бўлсалар, янгича театрнинг омма орасида кенг тарқалиб, халқ онги ва қарашларига жиддий таъсир курсатаётганини сезиб, қолаверса, бу иш билан уқимишли-зиёли кишилар шугулланаётганидан чучиб, ошқора кураш йулини тутдилар. Бу курашни, мақсад ва манфаатлари ҳамда йуналишига кура, икки тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифа ёки куринишдаги кураш соф жоҳилона қиёфада бўлиб, бунда театрчилик ҳаракати намояндалари «қадим»чиларнинг купроқ жисмоний тазйиқ ва таъқибларига учрадилар. Хусусан, М. Муҳаммаджонов ўз хотираларида буни шундай ҳикоя қилади: «Қуйган театрларимиз купчиликка ёққан бўлса ҳам, мутассиб уламолар ва чор ҳукумати амалдорлари бизга ёмон кўз билан қарар, ҳатто бизларга «падаркушлар» деб ном ҳам қуйилган эди. Уша кунлари халқ орасида «падаркушлар» ҳукумат томонидан қамалар эмиш, деган гаплар тарқалди.

Наманганда Абдилқодирхўжа деган катта бир бой жуда ҳаддидан ошиб, халқни Наманган ёшларига қарши қайраб солди. Театр уйнаган ёшларга боққоллар ва бошқа дукондорлар ҳеч нарса сотмасинлар, сартарошлар уларнинг сочларини олмасинлар, деган мазмунда масжидларда фотиҳа олди»².

Театр намояндаларини бундай ҳақоратлаш фақат Намангандагина бўлмай, маданий ҳаёти анча юқори бўлган Тошкентда ҳам авж олди. «Турон» труппасининг 1914 йил 27 февраль томошаси ҳақидаги афишасини ўчириб, «Падаркуш» ва «Хур-хур» номлари устига «отангни ўлдириб е-е» деган сўзларни ёзиб қуйишди³. Мазкур томошани ташкил этишда жонбозлик

¹ «Инкилоб» журнали, 1922, 3—4-сонлар, 36-бет.

² М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари, 126-бет.

³ М. Б. Солиҳовнинг қайд этилган китобидан, 74-бет.

кўрсатган Абдулла Авлоний «масхарабоз булди» деб уз мактабидан қувилди¹ «Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам театрчи зиёлилар «падаркушлар» деган лақаб оладилар. Жадидлар «падаркушлар», «масхарачилар» яна шунга ухшаш сўзлар билан аталиб, ҳатто элнинг нафратига ҳам учрадилар, бунга сабаб кубрак муллалар булди².

Бу далиллар тараққийпарвар ёшларнинг ҳаракат ва интилишлари ҳаётлари учун нечоғлик хавfli вазиятда кечганини кўрсатади. Бу вазиятни чор маъмурлари лоқайдлик билан кузатиб турдилар. Ёшларнинг чор маҳкамаларига қилган мурожаатлари мутлақо таъсир кўрсатмади. Балки, аксинча, Ғ. Зафарий таъкидлаганидек, улар мутаассиб кимсаларга ён босиб, «булмагон нарсаларни кўрсатиб, тўғаноқлар ташладилар». Вазиятнинг янада кескинлашувини кутиб, икки уртада жанжаллар чиқишини, қонли тўқнашувлар булишини кутдилар. Бундай фожианинг юз бериши эса, уларга миллий-маърифий ҳаракатларни буткул таъқиқлаш учун асос берар эди. Агар жаҳолатнинг бу қуриниши «қадим» ва «жадид» низоларининг аввалроқдан давом этиб келаётган ошқора бир шакли булса, миллий театр масаласига мутаассибона қарашнинг иккинчи тоифа қуриниши маълум даражада жадидлашган зиёлиларнинг унғ қанот вакиллари томонидан асосан маънавий-мафкуравий ва ҳатто жисмонан маҳв этиш тарзида намоён булди. Бу жиҳатдан М. Б. Солиҳов «Турон» труппаси мисолида келтирган маълумотлар гоят аҳамиятлидир.

Тошкентда «Падаркуш» фожиасини саҳналаштириш йулидаги ҳаракатлар «жадид мактаблари» очилишига хайрихоҳ булиб, «хайрия жамиятлари»га аъзо бўлган айрим кишилар томонидан кескин қаршиликка учрайди. Тулаган Охун домла, Вали ҳожи, Мирдадабой, Мирзараҳим ҳожи каби анча ислоҳпарвар уламолар зиёли ёшларнинг мактаблардаги муаллимлик нуфузларига путур етишидан қўрқиб, уларни театр ишларидан сақланишга даъват этдилар. «Падаркуш» спектакли намойишидан «жамияти имдодия» фойдаси учун топиладиган 1500 сўм маблағни ҳатто узлари йиғиб бермоқчи булдилар. Аммо театр томошаси ёш зиёлилар наздида фақат маблағ топиш воситаси булмай,

¹ «Миллий уйғониш ва узбек филологияси масалалари», 111-бет.

² «Узғаришчи ёшлар», 1924, 2-сон, 12-бет.

биринчи навбатда, миллат маданияти ва санъатининг тараққиёти учун, халқнинг умуммаърифий савияси юксалмоғи, ижтимоий онги ривож топмоғи учун буюк аҳамиятга лойиқ ҳодиса эди. Авлоний уз «Таржимаи ҳоли»да «...*бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру булса ҳам ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди*», деб бежиз айтмаган. Шу сабабдан ҳам ёшлар: «Модомики, эълон қилдик ва, модомики, билет сотдик — қуямиз, деб уз мақсадларидан қайтмадилар. Авлоний хотирлашича, уларни ниятларидан маслаҳат ва тайёр маблаглар бериб қайтара олмаган баъзи кимсалар ёшларнинг жонларига суиқасд қилишгача бориб етганлар. Мирдадабойнинг ҳовлисида очилган усули жаҳид мактаби муаллимларининг дарсдан бушаган вақтларига мулжаллаб қандайдир бир аёл бир баркаш сомса ташлаб кетади. Муаллимлар шубҳаланиб, сомсани аввал итга едирадилар. Ит уша заҳоти жон беради. Қолган сомсаларни текширтириб кўрганларида, уларнинг заҳарлангани маълум булди. Бу муаллимлар «Турон» труппасининг илк ташкилотчилари булиб, улар ҳатто шу воқеадан кейин ҳам уз мақсадларидан қайтмайдилар. Ана шундай ҳодисалар таъсирида булса керак, «Турон» труппаси аъзоларидан Тулаган Хужамёров-Тавалло «Кимики саҳнада кўрсанг, они жасорати бу...», деб ёзганида тамомила ҳақ эди.

Таъкидлаганимиздек, жаҳид зиёлиларининг театр масаласидаги узаро ички зиддиятлари маънавий-мафкуравий йўсинда кўпроқ намоён булган. Бу хусусда энг асосий мафкуравий мўхолифот Сайидахмад Васлий билан Маҳмудхужа Бехбудий уртасидадир. Улар баҳсига батафсил тўхталиш «Жаҳид театри ва драма эстетикаси» деб номланиши мумкин булган катта бир тадқиқот учун асос беради. Бундай тадқиқотни келгусига қолдириб, фақат бир масалани алоҳида қайд этмоқ лозим; яъни шу даврдаги матбуотда босилган унлаб мунозарали мақолалар, муаллифлар доирасининг кенглигидан қатъий назар, зикр этилган икки мутафаккирнинг адабиёт, театр ва бошқа санъат турлари ҳақидаги фикрий муҳоҷасалари атрофида жамланиб, уша икки қараш билан моҳиятан бирдир. Фақат айрим жузъий мисол ва асосларда муайян фарқли хусусиятларга эга, холос. Шунинг учун Васлий ва Бехбудий мунозарасидаги айрим ихтилофларни қайд этиш билан чекланиб, драматургия ва театрчилик ҳа-

ракатига нисбатан баъзи бир маънавий тазйиқларни-
гина куриб утмоқ мақсадга мувофиқдир.

Маҳмудхужа Бехбудий биринчи ўзбек драматурги
ва театр амалиётчиси бўлиш билан бирга, бу санъат
турларининг назарий асосларини ҳам махсус тадқиқ
этган илк аллома эди. Унинг «Ойина» журнали 1914
йил 29-сонидаги «Театр надур?» мақоласи жаҳид театр
ри ва драма эстетикасини урганишда асосий дастур
була олади. Тугри, Бехбудийгача «Осиё», «Туркистон
вилоятининг газетаси», «Садойи Туркистон» газетала-
рида театр санъатининг фойдаси, хусусиятлари, ай-
рим туркигуй улкалардаги аҳволи хусусида муайян ку-
затишлар, мақолалар босилган. Лекин буларда қараш-
лар ё жузъий, ё тарқоқ ва ёки уткинчи характерда
булиб, махсус «Театр нима?» деган савол бор кулами
билан қуйилмади ва унга батафсил назарий нуқтадан
ёндошилмади. Бу вазифани биринчи булиб Бехбудий
амалга оширди. У жаҳид театрининг бутун моҳиятини
«ибратномадур» деган тушунчага жо қилди. Уни
«ваъзхона», «таъзир(и) адабий», «ойина» каби сифат-
лар билан таърифлади. «Тараққий қилмоқни энг би-
ринчи сабаб ва боисларидан бири театрлардур», деди.
Уни «қабиҳ» одатларни тарк этиб, «яхшиликни зиёда»
қилувчи «улуғлар мактаби», деб атади. Муаллиф дра-
матургия жанрлари масаласига алоҳида тухталиб, тра-
гедия, комедия, драмага таърифлар берди. Унинг
маънавий аҳамиятидан ташқари, моддий манфаатини
таъкидлаб, бу манфаат миллат, халқ манфаатларига
хизмат қилмоғи кераклигини уқтирди. Айни чоғда,
театр санъати унсурлари ичида мушаххислик, яъни
актёрлик санъатини баланд рутбага қуйиб, у алоҳида
мактаблар воситаси ила тарбият қилинувчи «муалли-
ми аҳлоқ», «кибор ва муҳтарам синфлар қаторинда»ги
соҳа, деган мулоҳазани билдирди. Бехбудий фикрича,
муҳаррир, яъни драматург «чуқур уйлагувчи зариф ва
назокатли» шахс бўлиши керак. Танқид «бойси ис-
лоҳ», яъни асарни мукаммаллаштиришга хизмат этув-
чи ҳодиса сифатида гоят зарурдир. Шу боис драма-
турглар танқиддан туғри хулосалар чиқармоқлари ло-
зим. Хуллас, Бехбудийнинг театр тушунчаси шундай.
У амалий фаолиятида ҳам фақат шу ақидаларига амал
қилди.

Аммо, мударрис Сайидахмад Васлий бу ақидани
мутлақо инкор этади. У «Садойи Фарғона» газетаси
1914 йил 83-сонидаги «Шариати исломия» мақоласида

ва «Ойина» журналига йўллаган мактубида (1915 йил, 7-сон) театр «анвои уйун ва лаъбиётлар» каби «ҳаром-дур», деган фикрда собит. Унингча, «театр куп замондан бери Миср каби ислом шаҳарларинда ривож топмоқда» булса ҳам бирор исломий фикр китобларида ҳалоллигидан исбот қилгувчи далолат йўқ. У «вақт ва умрни беҳуда утказиб, вазоифи башариядан» чалгитувчи «исрофи молдек бало ва жафолар»дан булак нарса эмас. Бинобарин, «шаръийи шарифтдан... мамнуъ» қилгувчи куфрона ишдир. Уни «мақтаб, одоб ном қўйуб, ҳалол эътиқод қилуб ривож бермаклари» ҳаёлпарастликдир. Агар театрни моддий манфаат деб билсалар, унда «фаҳшиёт» ҳам манфаатсиз эмас-ку! Демак, «бора-бора» они ҳам нафъига қараб равнақ ва ривож берилиши мумкин. Агар театр ибрат булса, «ибрат сотилурми?»

Васлий уз даврининг энг закий уламоларидан эди. Уни «қадимчи» ёки «жоҳил руҳоний» дейиш мутафаккир шахсининг мавқеи, аҳамияти ва илмий, адабий асарларидан беҳабар кишининг адолатсиз нодонлиги булади. Васлийнинг XX аср бошлари Туркистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида узига хос катта урни бор. Уни мусбат ва манфий мезонларнинг яранглигида баҳолаш жунлик булади. Аксинча, қарашларидаги жадидона тараққийпарварлик, санъат ва адабиёт масалаларидаги консерватив тушунчалар унинг дунёқараши махсус эътиборга ва таҳлилга лойиқ эканини англатади. Айни келтирилган мулоҳазаларида ҳам билимдонлик ва мантиқ яққол намоён булган. Шунинг учун ҳам унинг қатъий мушоҳада ва хулосаларидан келиб чиқадиган маънавий зарба эътиқоди суст кишиларни эсанкиратиб қўйиши ва жойларда театрчилик ҳаракатларига тамомила чек қўйилиши ҳақиқатдан узоқ эмас эди. Шу кезлар Васлий билан жуда яқин алоқада булган, унинг 1914 йил сентябри охирларида Фарғонага саёҳат қилиб, уз хонадонида меҳмон булганидан бағоят таъсирланган Ҳамза Ҳакимзоданинг унга махсус шеър-мадҳия ёзиб, «Садойи Фарғона» газетасида эълон этгани тасодифий эмас. Қолаверса, Ҳамза 1915 йил январидан чиқа бошлаган ислохотчи уламоларга мансуб унг қанот жадидлар органи «Ал-ислоҳ» билан ҳамкорлик қилган¹. Бу журнал

¹ *Зие Санг*. Танланган асарлар, 45—47-бетлар.

эса айнан шу даврда театр масаласида уламоларнинг еш тараққийпарварлар билан кескин мувоҳасалари майдони эди. Бу мулоҳазадан қатъий назар, Васлийнинг мантиқли зарбаларини қайтармоқ ва энди тугилиб, ривожланаётган театрчиликни мафкуравий тазйикдан халос этмоқ учун ҳам унга лойиқ билимдон муҳолиф зарур эди. Худди шу вазифани яна Маҳмудхужа Бехбудий бажарди.

Бехбудий Васлийнинг «Шариати исломия» мақола-сига жавобан «Ойина»нинг 1915 йил 5-сонида «Театр, мусиқа, шър» мақоласини эълон қилди. Унда мударрис жанобларининг «ҳар навъ лаъбиёт ва уйун ҳаром» деган сўзларини мунозара қилиб, уларнинг баъзи қисми ҳаром ва баъзиси ҳатто «шаръан лозиму савобдур», деди. Бехбудий кенг дунёқарашли, теран илмли аллома улароқ, Васлийнинг фикрларини унинг уз талаби буйича ҳадис, диний ривоят ва пайгамбаримиз ҳаётларидан иқтибослар келтириб инкор этди. Зарба қувватини кучсизлантирди. Масалан, нағма ҳаромлиги ҳақидаги Васлий даъвосига жавобан Бехбудий Муҳаммад алайҳиссаломнинг Абу Бакр билан биби Ойшанинг ҳузурига кириб, доира чалаётганлари устидан чиққанини ва Абу Бакрнинг норозилигини: «Қуйинг, Абу Бакр! Зероки, айёми ийдур», деган сўзлари билан изоҳладик, бу уз муҳолифига тенг даражадаги жавоб эди. Бунга ҳам қониқмай эътироз жавоби билан «Ойина» ҳаёياتига мурожаат этган мударрис афандига муфти Маҳмудхужа Бехбудий аввалгидан ҳам мантиқлироқ жавоб қайтарди. Аниқроғи, Васлийнинг кинояли «Ибрат сотилурму?» саволига «дарс, фатавий, таълим, имомат ва эшонлик учун пул олинурму?» дея янада киноялироқ савол билан жавоб қайтарди. Ва кейинги замонларда бу ишлар учун «ажро олмоқ»қа «уламо маслаҳати фатавий» берганлари каби, оврупоча театр ҳам ислом дунёсида «янги нимарсалиги учун эски фикҳ китоблариндан ҳалол с ҳаромлиги бобинда табиий бир нимарса топилмайдур. Аммо театрда ваъз, насиҳат ва ибрат ва оддий мусиқийга тааллуқ нимарсадан бошқа гуноҳлик нимарсалар булмас. Театр дуруст, балки ваъз ва маслаҳат, оммага стишли сўзлардан баҳс булгани учун (яъни бидъатлар) ҳукмига кириб савоб булур... Мадоҳили (яъни даромади — Ш. Р.) яна миллий ва диний эҳтиёжларга сарф булур», деб жавоб қайтарди. Бехбудий

жавоб сунгларида узининг «Театр надур?» мақоласидаги назарий қарашларини давом эттириб, уз театр ақидасини яна шундай конкретлаштирди: *«Бизча, театр уйин эмас. Балки мажлис(и) ваъз ва дарсхонаи ибратдир. Театр бир ойинадирки, жамиятга оид булган ноқису олатларни мужассам курсатур. Боиси танбия ва сабаби таомилу ислоҳ бултур»¹.*

Куринадики, театрчилик ҳаракати ғоят жиддий мафкуравий кураш сабабларидан бири булган. Янги театр маданиятини яратиш амалда қанчалар мушкул, хавфли бир таъқиб ва тазйиқ билан кечган булса, янги театр эстетикасини барқарор этиб, миллат маънавиятининг узвий бир булагига айлантириш ундан кам булмаган таққир ва ғоявий курашларга дучор булди. Васлий қарашлари гарчи жуда асосли эътироз билан инкор этилган булса-да, шу билан барҳам топмади. Унинг турли даража ва куламдаги давомчилари пайдо булди. Шу жиҳатдан «Ал-ислоҳ» журнали 21-сонидаги марғилонлик Фазлулваҳҳоб қорининг Васлий қарашларига ғоят ҳамнафас фикрларини мисол келтириш мумкин. У ҳам уйин-кулгу, мусиқанинг барча турларини ҳаромдан олиб, гуноҳга солади.

Бундан маълум буладики, театр ва драматургия масалалари шаклланишидан то росмана оёққа тургунига қадар ҳам ташкилий-жисмоний, ҳам маънавий-мафкуравий зиддиятлар гирдобида булди. Зур қийинчиликлар ва зиддиятлар ёш, тараққийпарвар жадидларнинг фақат фидойилик, жасорат ҳам журъатлари туфайли бартараф этилди.

Хуллас, мазкур бобни яқунлаб, хулоса қиладиган булсак, айтиш жоизки, 10-йиллардан бошлаб Туркистонда миллий драматургия, театр вужудга келди ва маълум маънода миқёс касб этиб, ривожланди. Театр санъатининг ривожини том маънода илк узбек миллий драмаси булган Маҳмудхужа Бехбудийнинг «Падаркуш» асари белгилади. «Падаркуш»ни, улка ижтимоий-маданий воқелигида тутган урни ва аҳамиятига кура, 10-йиллар Туркистон тарихининг буюк ижтимоий-сиёсий ҳодисаларидан бири, деб баҳоламоқ лозим.

«Падаркуш» таъсирида театр труппалари ташкил топганидек, Ҳожи Муъин, Абдулла Бадрий, Нусратул-

¹ «Ойна», 1915, 7-сон, 158-бет.

ла Қудратулла, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода, Абдурауф Фитрат, Чулпон, Мирмуҳсин Шермухамедов, Хуршид, Гулом Зафарий каби унлаб миллий драматургия намояндалари ҳам биринкетин етиша бошладилар. Улар аксарият адабий-бадий ижод жараёнини амалий театрчилик фаолияти билан биргаликда олиб бордилар. Асарларида замонанинг маиший-маърифий муаммоларидан то ижтимоий-сиёсий масалаларигача қамраб олдилар. Шу маънода миллий драматургиямизнинг 10-йиллар сўнгидаги улкан воқеаларга қадар кечган шаклланиш жараёнларини кузатиш, тадқиқ этиш давр ижтимоий-маданий ва адабий ҳаёти манзараларини тўлароқ тасаввур этиш учун имкон беради.

ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ ШАКЛ- ЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. ЖАДИД ДРАМАТУГИЯСИНИ ДАВРЛАШТИ- РИШ МАСАЛАСИ

Асримиз бошларида туғилган ёзма миллий драматургия узининг ибтидо, тараққиёт ва таназзул тарихига эга. Бу тарихни эса ижтимоий-сиёсий воқелик тарихидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини юқорида батафсил кўрдик. Бинобарин, жадиद адабиёти, театри ва унинг эстетикаси ижтимоий гоё тақозоси ва талаби билан вужудга келди ҳамда унинг қарор топтоғи учун хизмат қилди. Шу боисдан ҳам унинг мавзу ва гоёвий мақсадларида, масалаларнинг қўйилиши ва ечимида жади� зиёлиларининг шу даврдаги мақсад ва интилишлари тула тажассумини топган. Аниқроғи, жади�ларнинг кўзда тутган конкрет ислохотчилик позициялари, ижтимоий муносабатларни узгартириб, тараққий этган жамият барпо қилиш ва миллий онг таркиб топгач, мустақил давлат учун кураш маслағи улар яратган сахна асарлари мавзу доирасини белгилади. Демак, жади� драматургиясининг шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичлари ижтимоий-тарихий жараён билан параллел таснифий хусусиятлар касб этади. Бинобарин, ижтимоий гоёнинг тадрижини аниқлаш айна чоғда жади� драматургиясига ҳам тааллуқлидир.

Аввалги бобларда куриб утилган ижтимоий характеристикаларга қўшимча қилиб, яна таъкидлаш лозимки, Туркистонда маърифатчилик Овруро маърифатчилигидан фарқли улуроқ икки асосий йуналишда кечди. Агар Овруро маърифатчилиги антифеодал қарашлар маҳсули бўлиб майдонга чиққан бўлса, Шарқ маърифатчилиги, жумладан, Россия мусулмон улкалари маърифатчилиги унга ёнма-ён антиколониал кайфиятни ҳам ифода этди. Хусусан, Туркистонда маърифатчиликнинг бу икки кўриниши биз аввал қайд этган жади�чилик масалаларига доир икки маҳсус илмий анжуманларда ва йирик тадқиқотчиларнинг асарларида батафсил баён этилган. Уларга қўшимча қилиб айтиш мумкин, моҳиятан антифеодал ва антиколониал негизга эга бўлган маърифатчилик

илк паллаларда, асосан феодал қолоқ тартиботларга қарши кураш хусусиятини намоён қилди. Чунки мустахлақ ҳукмронлигига қарши қуруқ диний эҳтирослар ва фақат хусусий фидойилик билан курашиш мумкин эмаслиги қатор стихияли қўзғолон ва исёнларнинг аччиқ тажрибасидан, қолаверса, жаҳон тарихи сабоқларидан яхши маълум эди. Шу боис, аввало, ижтимоий-миллий онг шаклланмоғи учун энг катта тусиқ булиб турган диний мутаассиблик, жаҳолат, қолоқ турмуш тарзи, иқтисод, маданият ва маънавиятнинг чиркин қуринишларига қарши кураш жорий мақсадга айланди. Уқув системаси, диний ҳамда бошқа мафкуравий институтларни ислоҳ қилиш ҳаракати кенг миқёс касб этди. Айни шу давр адабиети ва, жумладан, драматургияси уша кайфиятни ифодалади, уни омма орасига сингдиришга хизмат қилди. Шу жараён билан боғлиқ ҳолда янги-янги санъат турлари, адабий жанрлар шаклланди. Бу жараён ижтимоий-тарихий воқеалар тадрижга кура XIX аср сунгларидан то 1916 йил урталарига қадар давом этди. Албатта, бу даврни ҳам ўз ичида тарихий жиҳатдан, яъни ҳаракатнинг тугилиши ва ривожига қараб муайян босқичларга булиш мумкин. Аммо XIX аср сунгларидан 1916 йил урталарига қадар маърифатчилик ҳаракатида антифеодал мақсад ва интилишлар умумий стакчи кайфият булди. Антиколониал кайфият бу даврда нисбатан жузбий қуринишларда булиб, 1914 йил биринчи жаҳон уруши бошланганидан сунг ёрқинроқ қиёфа касб эта бошлади ва 1916 йил ёзидаги халқ озодлик қўзғолонларидан сунг тамомила оловланиб, стакчи тенденция тусини олди. Бунга А. Қодирийнинг «Таржимаи ҳол»ида шундай гувоҳлик учрайди: «*Айниқса 1916 йил рабчий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйгонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди*»¹. Жараён 1917 йил Россия Февраль инқилоби билан шитобланиб, маърифатчиларнинг деярли барчасини миллий истиқлол курашчиларига айлантирди, ҳаракат узининг мутлақ сиёсий либосига кирди.

«Урта Осиёда... маърифатпарварлик ҳаракати... XIX аср охири ва XX асрдан бошланди. Бу ҳаракатни 1905 йил рус революциясининг мафкураси тезлаштирди. Бу, бошланиши. Унинг охирини 1917 йил деб

¹ Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. Тошкент, 1969, 206-бет.

аташди, менинг нуқтаи назаримча, 1916, йил. Бу халқ қўзғолони йилидир. Бу қўзғолон Умумтуркистон характериға эға бўлиб, унда Туркистонда яшовчи барча халқлар ва элатларнинг вакиллари қатнашган. 1916 йилдан бошлаб маърифатпарварлик ҳаракатида ва маърифий-фалсафий тафаккурида бухрон кузға ташланади. Ана шу икки сана ибтидо ва интиҳодир. Мазкур қўзғолон, Февраль ва Октябрь инқилобларидан сўнг содир бўлган воқеалар қандайдир даражада маърифатпарварлик — жадидчилик ҳаракати билан боғлиқ бўлса-да, аммо мафкуравий жиҳатдан фарқ қилади. Замон узға мақсад ва бошқа талабларни қўймоқда эди, ана шу пайтдан эса янги давр бошланди»¹.

Филология фанлари доктори Э. Каримов илгари сурган бу мулоҳаза бизнинг нуқтаи назаримизни тасдиқлагани ҳолда, 1916 йил халқ қўзғолонидан кейинги миллий тафаккурда юз берган бухронни «мафкуравий жиҳатдан» фарқлайди. Дарҳақиқат, янги давр янги мафкурани юзага чиқарди. Аммо бу мафкура четдан экспорт қилинган ёки шу кунларда туғилган бўлмай, у уша жадидчилик ёки маърифатчиликнинг антифсодал ҳаракат босқичи кейинги қаторға сурилиб, колониал тузумға қарши кураш куриниши ошқора бошланганидан, олдинги қаторға чиққанидан далолат эди. Нима учундир бизнинг ижтимоий-фалсафий фикр тарихимизни ёритишда кўпгина олимлар ҳанузгача маърифатчиликни тор ислоҳотчилик билан чеклаб, унинг 1916 йил охирларидан бошланувчи кейинги даврини назардан соқит қилдилар. Ваҳоланки, кейинги, сиёсий тусдаги курашларнинг марказида айнан уша маърифатчиларнинг ўзлари турдилар, уюштирдилар. Буни мунаққид Отажон Ҳошим бадий адабиёт мисолида 20-йиллардаёқ қайд этган эди: «*Жадид адабиёти икки катта даврни босиб ўтди. Биринчиси, инқилобдан илгариги, чор ҳукумати вақти давридаги, иккинчиси инқилобдан кейинги пролетариат ҳокимияти вақтидаги даврдир*»² Маърифатчилик деган истилоҳни туғридан-туғри ўз узак маъноси билан торайтириш бу уринда ножоиздир. Жаҳон маърифатчилик даврлари тажрибасида кузатилганидек, бизда ҳам бу ҳодиса ижтимоий-маърифий ислоҳотлар талабидан миллий озодлик, мустақил давлат, тараққий топган янги

¹ «Санъат» журнали, 1991, 1-сон, 13-бет.

² Отажон Ҳошим. Жадид адабиёти тўғрисида, — «Қизил қалам» мажмуаси, Самарқанд—Тошкент, 1929, 17-бет.

муносабатлар учун сиёсий кураш маслагига усиб утган Оврупо маърифатчилиги XIX аср урталаридаги буржуа инқилоблари учун замин ҳозирлаганидек ёки Россия маърифатпарварлиги XVIII асрлардан бошлаб XIX аср иккинчи ярмида революцион-демократия даражасига усгани ва оқибат 1861 йил крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилишдек инқилобий аҳамият касб этган ҳодисани майдонга чиқарганидек, Туркистон маърифатчилиги ҳам 1916 йилнинг иккинчи ярмидан узининг антиколониал сиёсий моҳиятини тамомила инкишоф қилиб, улкадаги курашларнинг авангардига айланди. Демак, жадидчиликнинг ижтимоий-тарихий тадрижидаги биринчи давр аниқ — XIX аср охиридан 1916 йилнинг урталаригача. Бинобарин, жадид адабиёти, жумладан, драматургиясининг ҳам шаклланиш чегаралари шундай.

Хуш, иккинчи давр-чи? Яъни 1916 йил урталаридан қувват ола бошлаган жадидларнинг озодлик ва истиқлол учун очиқ сиёсий курашлари қачонгача давом этди? Адабиёт ва театр бу даврда ҳам жадид ғояларининг тажассуми бўлиб қолдими, йўқми? Гарчи тадқиқотимиз мавзуи шаклланишдан сунгги босқичларни уз доирасига олмаса-да, умуман жадид драматургиясининг кейинги тараққиёт манбаларини белгилашда ва, қолаверса, айрим ноаниқликлардан асраниш маъносидан баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш фойдадан ҳоли эмас.

Аввало, ҳаракатнинг кейинги даврига бир оз ойдинлик киритсак: 1916 йил ёзида руй берган стихияли умумхалқ қўзғолони жадидларнинг аксар эътирозига сабаб булган эса-да, уларни лоқайд қолдирмади. Чунки улкада қон тўкилаётган, миллатнинг навқирон фарзандлари қиргин ва қатагонларга учраётган эди. Аввалроқ эслатганимиздек, тараққийпарвар зиёлилар бемаъно қиргиннинг олдини олиш учун халқни тинчлантиришга ва чор маъмурларининг кескин ҳарбий ҳаракатларини тийишга уриндилар. Биринчи навбатда ўзлари бош бўлиб, мардикорликка сафарбарликни уюштиришга киришдилар. Махсус «маҳаллий ердам қўмиталари» тузиб, сафарбарликни адолат билан амалга оширишга ва ҳатто воқеалар иштирокчиси А. Қамчинбек ёзганидек, «турончиларнинг уз кишилари саналган Мусахонуф» (Мусахон Мирзахонов, «Турон» театр труппасининг аъзоси) каби вакилларини мардикорларга қўшиб Россия шаҳарларига жунатди-

лар. Айни пайтда жадидлар қўзғолон иштирокчилари тақдирини уйлаб, маъмурларнинг шафқатсиз ваҳшийликларининг олдини олиш учун Россия Давлат Думасига бир неча бор мурожаат қилдилар. Туркистондаги ҳақсизликларни урганиш учун махсус комиссия тузилишини талаб этдилар. Ниҳоят, Убайдулла Асадуллахужаев ва Вадим Чайкин ҳаракатлари билан А. Ф. Керенский бошчилигида Давлат Думасининг тафтиш комиссияси аҳволни урганиб, адолат қилиш учун Туркистонга келади ва ҳақиқатан ҳам қонунсизликлар руй берганини расман эътироф этади. Ҳамза Ҳакимзода шу муносабат билан қуйидаги сатрларни битган эди:

Улмамишдир жаҳон ичра бу хил фожиа ҳеч,
Яъни қаҳвораи маъмурлара ҳар жисм эди кеч,
Бу ватандан икки уғлон туғуб озоду укинч,
Тиз букуб шаҳ қошида қилди бу ҳолатлари реч.
Яша, Чайкин! Яшасун чун ватан угли Хужасв!
Яшасун соянгиз ила баравж ёшларимиз¹.

Россияда инқилобий воқеаларнинг авж олиши қўзғолон таассуротидан ҳали беғоналашиб улгурмаган халқ ва зиёлиларни янги сиёсий буронлар гирдобига ташлади. Дума йули билан илк бор ижобий натижага эриша олган жадидлар қиргин-баротсиз сиёсий кураш усулларидан фойдаланишда давом этдилар. 1917 йил Февраль инқилобидан сунг «Турон» жамияти негизидан улканинг барча табақа вакиллари қамраб ололган «Шурои ислом» ташкилоти тузилди. Бироқ кўп ўтмай, «қадим-жадид» низоси янада зурайиб, муросасиз тус олди. Руҳонийлар ажралиб, «Уламо» жамиятини барпо этдилар. Бир миллат вакиллари узаро адовати охир-оқибат Октябрга келиб, ҳокимиятнинг большевиклар қўлига ўтиб кетишига имкон яратди. Шундагина Туркистоннинг янги — қизил шаклдаги истибдод комига яна тортилаётганини кўрган уламо ва тараққийлар ҳақиқий душман киму унга қарши курашиш чораларини муштараклаштириш лозимлигини англаб етдилар. 1917 йил ноябрь сунгида Қўқонда «Туркистон мухторияти» деб номланган иккинчи бир ҳокимият таъсис этилди. Умутуркистон манфаатларини ўзида акс эттирган бу ҳукумат тўла қонуний бўлиб,

¹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами, 2-жилд, 65-бет

жадидчилик ҳаракати антиколониял йуналишининг табиий натижаси, алалхусус, авж нуқтаси эди. Кучлар нисбатининг тенг эмаслиги ва буткул барҳам топмаган ички ихтилоф боис бу ҳукумат 1918 йил февраль урталарида большевиклар томонидан ваҳшиёна тугатилди. Айрим раҳбарлари отилди, қамалди, баъзилари эса қочиб қутулди. Яна бир қисми ва жойлардаги хайрихоҳлари қуролли тудалар тузиб, турли зарбалар беришга, халқни советларга қарши оёқлантиришга уринди. Аксар жадид зиёлилари маориф ва мафкура, жумладан, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида кескин ғоявий курашни давом эттирдилар. Бунинг яна бир сабаби Совет ҳокимияти урнатилгач, большевистик зуровонликнинг, талон-тарож ва очликнинг авж олиши эди. 20-йилларнинг бошларида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси булган Қайғисиз Отабосов бу ҳолни шундай изоҳлаган эди: «Бизнинг «Йуқолсин эски дунё, йуқолсин буржуазия!» деган шюримиз ҳаётга тахминан қуйидагича жорий этилди: биз эски дунё деганда, барча мачит ва мадрасаларни тушундик ва уларни бекитиб қуйдик; қози ва уламоларни ҳибсга олдик; диний хурофотга қарши курашимиз шундай уз ифодасини топдики, Маргилонда Совет ҳокимиятининг вакиллари мусулмонларнинг муқаддас китоби булмиш Қуръонни еқиб юборишди; Андижондаги жомеъ масжиди мусулмон отрядларининг қуналғаларига айлантирилди ва у ерда баччавозлик авж олиб кетди.

Бизнинг отрядларимиз масжидларга ҳужум қилиб, намоз уқиб утирган эшон ва уламолар устига бомбалар ташлашди. Натижада уламо ва эшонларнинг ҳаммаси босмачилар томонига утиб кетишди. Маҳаллий бойларни овруп буржуазияси қаторида ҳисоблардик ва ҳибсга олиб, авахта қилдик...

Шулар билан мувозий равишда галла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти каби тадбирларни амалга ошира бордик, натижада барча деҳқон ва хунармандлар совет тузумига, совет тартибларига қарши қузғалди ва босмачилар тарафига утиб кетди, ...бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шунини таъкидлаш лозимки, 1919—1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки узига хос халқ исёни вужудга келди.

4 йил мобайнида биз бу ҳаракатга тугри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ қузғолони булган ҳолда

*биз уни босмачилик дсб атадик... Ва алал-оқибат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон-бир жиҳатини тутата олмадик».*¹

1922 йилнинг 18 июлида Туркистон Марказий Ижроия Қумитасининг IV пленумида айтилган бу сузларнинг инкор этиб булмас далилларга асосланганини таъкидлаб, Қ. Отабоев берган баҳо таҳрирталаб эканини айтмоқ лозим. Чунки 1918 йилдан бошланиб, ун олти йил давом этган ва «босмачилик» аталиб келинган халқ миллий-озодлик кураши аввалги йиллардаги шундай ҳаракатларнинг мантиқан давоми бўлиб, унинг мафкуравий негизида жадидчилик ҳаракатининг антиколониал моҳияти ҳам ётади. Жадидлар «*Чуқосфнинг раҳбарлиги остида кетиб, Қуқон мухторияти туздилар. Босмачиликни ташкил қилиш Чуқосфнинг қули билан будди. Бу чиқиш сиёсий чиқиш бўлиб, бундан тилак Шуро ҳукуматини ағдариш эди*».² Дарҳақиқат, 1922 йилгача «босмачилик» ҳаракати антиколониал мақсадларда уюшган йирик сиёсий ҳаракат сифатида бутун Туркистон улқасини жунбушга келтириб турди. Фақат большевикларнинг айёрлик билан «сопини узидан чиқариш» усуллари, яъни халқнинг муайян қисмини моддий манфаатдорлик билан уз томонига ағдариб олиб, уларни уз ватандошларига қарши қуйишлари, ёлгон ваъдалар билан йирик тудалар ўртасига нифоқ солишлари, бу йўлда айрим уламо ва руҳонийлардан актив фойдаланишлари ҳаракатнинг миқёс ва мақсадлари торайишига, майда гуруҳларга булиниб, кучсизланишига олиб келди. Худди шу даврларда СССРнинг ташкил топиши, бир оз ўтиб яхлит Туркистон улқасининг парчаланиб, миллий-худудий чегараланишнинг амалга оширилиши мустақиллик учун давом этаётган амалий ва мафкуравий сиёсий ҳаракатларнинг илдизига болта ура бошлади. Ҳаракат парокандаликка юз тутди. «Босмачи» тудалари тоғу-тошларда яшириниб, ғоят қаттиқ жисмоний таъқиблар туфайли тобора тугатилиб борилган бўлса, жадид зиёлилари мафкуравий-маънавий тазйиқ остига олинди. 20-йилларда жадид ғоялари асосан бадий ижодда, айниқса драматургияда кенг ва тулақонли ифодасини топди. Фитрат, Чулпон, Ҳамза, Ғози Юнус, Хуршид, Абдулла Авлоний, Ҳожи Муъин, Аб-

¹ «Ешлик» журнали, 1990, 5-сон, 76-бет.

² «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927 йил 6 июнь.

дулла Бадрий, Гулом Зафарий пьесаларида, шеърларида, Абдулла Қодирий романларида, «Чигатой гурунги» аъзоларининг адабий ва танқидий чиқишларида жадид маърифатчилигининг феодал тартиб ва қолоқликларга қарши шаклланиш даври мавзу ва гояларидан то озодлик, эрк, адолат, тенглик ҳақидаги юксак сиёсий маслакларгача турли усул ва услубларда, хусусан, рамзий-мажозий ёки «усули таъриз» шаклида тасвирланганини кузатиш мумкин.

20-йилларнинг урталаридан жадидчилик идеологияси ва намояндаларини маънавий тазйиқ қилиш кучайди. Аввал матбуотда мунозарадек бошланган жараён расмий тус ола бориб, сиёсий ёрлиқ епиштириш билан яқунланди. 1927 йилда жадидчиликка совет идеологиясига қарши аксилинқилобий ҳодиса ва ҳаракат, деб расман сиёсий баҳо берилди. Намояндалари «зиёли» эмас, «зиёнли» деб қораланди. 1929 йил урталаридан эса уларни жисмоний таъқиб этиш бошланди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хужаев, Салимхон Тиллахонов, Саидносир Миржалилов, Қаюм Рамзон кабилар ҳибсга олиниб, сургунга маҳкум этилдилар. Бирор тасодиф ва айрим сабабларга кура таъқибдан омон қолганлари маънавий тазйиқ ва таҳдидлар хавфида совет идеологиясини қабул қилиб, шу позицияда фаолият курсатмоққа мажбур булдилар. Аммо бу ҳам кўпга бормай, 1937 йилнинг умумиттифоқ қатагон компаниясида батамом барҳам топди. Жадидчилик ҳаракатининг ҳар қандай куриниши сунгги вакиллари билан бирга буткул тугатилди.

Ана шу факт ва мулоҳазаларга кура, 1916 йил иккинчи ярмидан то илк жисмоний таъқиб ва фикрий тушқунлик юз берган 1929 йил оралигини жадидчилик ҳаракатидаги иккинчи давр, деб ажратиш лозим.

Демак, жадидчиликнинг ижтимоий-тарихий тадрижини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. XIX аср охирларидан то 1916 йил урталаригача.
2. 1916 йил иккинчи ярмидан то 1929 йилгача.

Агар буни конкрет истилоҳлар тилига кучирадиган булсак, биринчи даврни, аввало, турли соҳалардаги феодал қолоқликка қарши кайфият етакчилик қилган *маърифатчилик* даври; иккинчисини эса антиколонналь йуналиш бошлаб амалий ва кейинроқ маъмурий таҳдидлар дуфайли мафкуравий-маънавий шаклда давом этган *сиёсий кураш даври*, деб айтиш мумкин.

Таъкидламоқ керакки, биринчи давр ўз ички ри-

вожланиш босқичларига эга бўлганидек, иккинчи давр ҳам турли кўриниш ва ички бўлинишларга эга. Масалан, жадидларнинг ижтимоий-сиёсий воқеликдаги амалий фаоллиги яққол намоён бўлган муддатни 1916 йил иккинчи ярми — 1922 йиллар оралиги, деб курсатиш мумкин. Буни Тошкент округ маданиятчилари қурултойида Мунаввар қори ҳам эътироф этган эди.¹ Мана шу йилларни айрим жузъий фарқлар билан Б. Қосимов,² Э. Каримов,³ С. Аҳмедов⁴ каби тадқиқотчилар ҳам алоҳида ажратиб курсатадилар.

1929 йилгача бўлган кейинги даврда жадидлар амалий-сиёсий фаолиятдан асосан четлаштирилди. Чеккачеккадан уларга «мафкуравий» тошбўрон бошланди. Бу гоҳо жисмоний тазйиқлар билан ҳам қушиб борилди. Унинг илк кўринишларидан бири 1921 йили Тошкентнинг Эски шаҳарида рўй берди. У ерда Садриддинхон Маҳзум, Ориф Каримий, Юсуфбек Қурбонбоев ва бошқа кишилар устидан «ватанпарвар, хаёлпараст оқ зиёлилар» деган ёрлиқ билан суд жараёни ўтказилди. 1923 йил урталарида Мунаввар қори бир муддат қамаб қўйилди. Шу йил 23 июнида Бухоро коммунистларининг пленуми Бухоро ҳукуматининг беш аъзоси — Фитрат, Аминов, Отахужаев, Сатторхужаев, Ёқубзодаларни партиядан учириб, ишдан олиш ва юртдан бадарга этишга қарор чиқарди. Суфизода қийин-қистовга олинди. Кейинроқ Абдулла Қодирий, «раҳбар ходимларни обрўсизлантириш»да айбланиб, уч ой суроқ берди. Шу кезларда Турор Рисқулов, Низомиддин Хужаевлар ҳам давлат ишларидан четлаштирилдилар. Хуллас, жадидчилик ҳаракати вакиллари турли таъқиб ва тазйиқлар исканжасига солиниб, 1929 йилдан «синф сифатида» жисмонан тугатилишга маҳкум этилди.

Кўринадики, жадидчиликнинг иккинчи тарихий даврида ҳам узига хос ички тадрижий бўлинишлар мавжуд.

Хуш, ҳаракатнинг шу қисқача тарихидан сунг, унинг талаб ва тақозоси бўлган бадиий адабиёт, жумладан, жадид драматургиясини ҳам шу таҳлит тасниф этиш мумкинми? Бизнингча, мумкингина эмас, зарур ҳамдир. Чунки жадид драматургияси, аввал айтгани-

¹ Қаранг: «Қизил Ўзбекистон», 1927 йил 7 июнь.

² Б. Қосимов. Жадидчилик, — уша манба, 23—39-бетлар.

³ «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1990, 6-сон, 14-бет.

⁴ «Шарқ юлдузи» журнали, 1992, 5-сон, 116-117-бетлар.

миздек, шаклланиш давридан то ривожланиш босқичларига қадар ижтимоий воқелик акс-садоси булиб келди. Шунга кура, ёзма драматургиямизнинг илк намунаси яратилган 1911 йилдан то 1929 йилгача булган даврни ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиши ва тараққиёти даври деб аташ ҳам тарихий, ҳам адабий реалликка мувофиқдир. Уни юқоридаги ижтимоий-тарихий мулоҳазалардан келиб чиқиб, драматургиядек йирик адабий турнинг узига хос жанровий куринишлари, такомилли, мавзулар доирасининг усиб, кенгайиб бориши, гоёвий-эстетик ўзгаришлари, бойиши каби жиҳатларига кура, уч асосий даврга ажратиш лозим.

Биринчиси, том маънодаги шаклланиш даври булиб, у 1911—1916 йилларни ўз ичига олади.

Иккинчиси, 1917—1924 йиллар оралигидаги тараққиёт босқичи булиб, бу даврда драматургия умуман ўзбек адабиётининг ётакчи жанри булиб қолди ва унинг энг сара намуналари майдонга келди. Фитрат, Чулпон, Ҳамза, Гулом Зафарий, Хуршид, А. Бадрий, Ҳожи Муъин, А. Авлоний, Ғози Юнус каби драматургларнинг бадиий мумтоз, гоёвий уткир, жанр эътиборига кура гоёят муваффақиятли сахна асарлари шу даврда яратилди ва сахналаштирилди. Бу давр ута қизгин театрчилик тажрибалари билан ҳам характерланадиган ҳақиқий юксалиш йиллари булиб, ўзбек театри тарихига киришга ҳақли.

Учинчи даври, 1925—1929 ва маълум даражада ундан кейинги йилларни ўз ичига олиб, бу давр фикрий тушкунлик, коммунистик мафкуранинг драматургияга кириб келиши, жадидчилик гоёлари таназули билан изоҳланади. Гарчи номлари зикр этилган ётакчи драматургларимизнинг аксарияти бу даврда ҳам ижод этган булсалар-да, уларнинг асарларида жадидона қарашлар билан бир қаторда миллий истиқболдан умидсизлик кайфияти ёки шуро идеологияси тазйиқи остида уларнинг мақсад ва манфаатларини ифода этиш, беихтиёр мақташ таъмоийллари устиворлик қилади. Социалистик реализм методининг драматургиямизда барқарор уринилиши, коммунистик гоёвийликни ижодининг бош принципи деб белгиланган ёш драматургларнинг кириб келиши ҳам шу даврга тўғри келади.

Хуллас, йигирма йилча давом этган жадид драматургияси шу қисқагина вақтда тугилиш, тараққиёт ва

таназзул даврларини босиб утдики, ҳар қандай табиий ҳодисалар сингари, унинг ҳам узига хос ижобий, мақтовга лойиқ, намунавий жиҳатлари билан бирга, муайян ожизликлари ҳам бор. Аммо шу нарса аниқки, 20-йиллар урталаридан бошланган турли тазйиқлар, сунъий тусиқлар булмаганида, жадид драматургияси Фитрат, Чулпон, Ҳамза, Ҳожи Муъин, Гулом Зафарий каби улкан истеъдод соҳиблари мисолида янада тараққий топиши ва охир-оқибат маърифий-миллий тамойил ва маслаклардан мураккаб умуминсоний мавзуларга, фалсафий умумлашмаларга, психологик теранлик ва янада юксакроқ бадиий шаклларгача ушиб бориши шубҳасиз эди. Афсуски, тезлаштирилган тарихий жараёнлар табиий тараққиётни уз узанидан чиқариб юборди. Лекин шунга қарамай, жадид адабиёти минг йиллик умумузбек адабиётининг муҳим бир таркибий қисми булиб, миллий эстетик тафаккуримиз тарихига салмоқли бир ҳодиса, давр ўлароқ кирганидек, ўзбек жадид драматургияси ва театри ҳам ўзбек саҳна санъати ва саҳна адабиётининг ибтидоси, балки энг мумтоз даври булиб муҳрланиб қолди. Ана шу мумтоз намуналарнинг сарчашмаларини аниқлаш, ўрганиш, тадқиқ этиш жадид драматургиясининг бутун манзараси ва мураккаблиklarини тула тасаввур қилиш учун зарурдир.

2. ЖАДИД ДРАМАТУРГЛАРИ ВА ИЛК ПЬЕСАЛАР

Ўзбек жадид драмалари ҳақида сўз юритиш унинг муаллифлари ёки, уша давр тушунчаси билан айтганда, мусанниф ё муҳаррирлари ҳақида ҳамда саҳналаштирилиши ёки чоп этилишидан қатъий назар яратилган пьесаларнинг миқдор-салмоғи хусусидаги айрим тафсилотларни тақозо этади. Чунки, аввал айтганимиздек, бу давр драматургиясига беписанд қараш ёки фақат Ҳамза ижодини ажратиб олиб, қолганидан куз юмиш ё эътиборсиз қолдириш адабиётшунослигимизнинг ҳам, театршунослигимизнинг ҳам катта камчиликларидан эди.

Туркистондаги янги адабиётнинг маркази деб Самарқандни кўрсатган академик А. Н. Самойлович қарашидан фарқли 1911—1916 йиллар оралигида улканнинг барча йирик шаҳарларида бадиий адабиёт тараққий топаётган, шу жумладан, драматургия майдонга келган ва драматурглар стишаётган эди. Йилдан-йилга

драматурглар сафи кенгайиб, сахна асарларининг сон ва салмоғи ошиб борди. Самарқандда Маҳмудхужа Бехбудий, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муъин Шукрулло, Нусратулла Қудратулла; Тошкентда Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ғуллом Зафарий; Қўқонда Абдулрауф Самадов — Шаҳидий, Ҳамза Ҳакимзода Ниезий; Андижонда — Абдулҳамид Сулаймон-Чулпон, Шамсиддин Шарафиддинов — Хуршид;¹ Бухорода Абдурауф Фитрат каби қатор мусаннифлар етишган ва етишиб келмоқда эди.

Беш-олти йил ичида яратилган пьесаларнинг миқдори ҳам шу пайтгача келтирилган руйхатлардагидан анчагина кўп. Бундай руйхат илк бор академик А. Н. Самойловичнинг зикр этилган «Драматическая литература сартов» номли 1916 йил ёзилган мақоласида учрайди. У жами 7 пьесани санаб, уларга қисқа шарҳлар беради. Булар Бехбудийнинг «Падаркуш», Нусратулла Қудратулланинг «Туй», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Абдулла Бадрийнинг «Жувонмарг», «Аҳмоқ», Ҳожи Муъиннинг «Кукнори», «Эски мактаб — янги мактаб» асарларидир.²

Айнан биз кузда тутаётган давр драматургиясига тегишли иккинчи махсус руйхат Миён Бузрук Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» китобида келтирилади. У юқорида қайд этилган пьесалар қаторида А. Шаҳидий-Саматовнинг «Маҳрамлар», Ҳожи Муъиннинг «Мазлума хотин», «Жувонбозлик қурбони», «Бой ила хизматкор», «Қози ила муаллим»; Нусратулла Қудратулла углининг «Кенгаш мажлиси»; Ҳамза Ҳакимзоданинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари», «Илм ҳидояти», «Мулла Нормухаммаднинг «Куфр хатоси»; Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?» асарларини санайди ва жами 17 пьеса ҳақида қисқа изоҳлар келтиради.³

Учинчи батафсил руйхат профессор М. Раҳмоновнинг «Ўзбек театри тарихи» китобининг 8-иловасида берилган. У аввалги тадқиқотчилар руйхатига А. Фитратнинг «Ҳиндистонда бир фаранги билан бухоролик бир мударриснинг мунозаралари»; Ҳамзанинг «Лош-

¹ Хуршид биографларининг езишича, у Тошкентда туғилиб, шу ерда яшган бўлса-да, 1910—1918 йиллар орасида хизмат тақозоси билан Андижонда истиқомат қилган. Шу боис унинг шу йиллардаги асарлари Андижонда яратилган, дейишга асос бор. М. Мухаммадзонов ҳам «Турмуш урунишлари» китобида Хуршидни андижонлик ёшлар қаторида санайди.

² Қаранг: Б. Қосимов. Илмай-илмай топганим, 43-бет.

³ М. Б. Солиҳов. Зикр этилган китоб. Тошкент, 1935, 82—83-бетлар.

мон фожиалари»нинг биринчи қисми, Ҳожи Муъин Шукруллонинг «Ислоҳ ва мактаб ҳақида кенгаш мажлиси»; Абдулла Авланийнинг «Пинак» асарларини қўшиб, 1911—1916 йиллар оралигида ёзилган пьесаларни 18 та деб курсатади. 4 пьеса қўшилгач, рўйхат 21 та бўлиши керак эди. Лекин муаллиф М. Б. Солиҳов китобидан хабардор бўлгани ҳолда, ҳеч бир изоҳсиз «Бой ила хизматкор», «Қози ила муаллим» асарларини тушириб қолдиради, «Ислоҳ ва мактаб ҳақида кенгаш мажлиси»ни эса Ҳожи Муъинга нисбат беради. Умуман, М. Раҳмонов «илова»сида жами 26 пьеса рўйхати келтирилган. Яъни қўшимча 8 таси 1917 йил билан белгиланиб, қуйидаги тартибда саналган: Ҳамза — «Мухторият ёки автономия»; А. Бадрий — «Угай ота», «Бойбачча»; А. Фитрат — «Бегижон», «Қон»; номаълум муаллиф — «Аҳмад пари», «Эски мактаб ҳоли», «Ёшлиқда қонли куз ёшларим»¹.

Дарҳақиқат, Ҳамзанинг «Мухторият ёки автономия» асари мавзу эътиборига кўра ҳам, шоир тадқиқотчилари аниқлашича ҳам 1917 йил урталарида ёзилган. Унинг «Лошмон фожиаси» кўп қисмли асарининг биринчи бўлими ҳам 1916 йилги «мардикор олиш» воқеалари билан боғлиқ халқ кўзғолони мавзуида бўлиб, биз назарда тутаётган «жадид драматургиясининг шаклланиш» (1911—1916 йил биринчи ярми) даврига тааллуқли эмас. Қолаверса, «Лошмон фожиаси»нинг 1-бўлими айнан 1916 йилда яратилгани ҳақидаги мулоҳазалар ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ М. Раҳмонов 1917 йил деб қайд этган бошқа асарлар ҳам, у тушириб қолдирган икки пьеса ҳам 1916 йил урталарига қадар ёзилган бўлиб, бунга аниқ далил ва маълумотлар бор.

Аввало, тушириб қолдирилган пьесалар хусусида. «Бой ила хизматкор», «Қози ила муаллим» асарлари М. Б. Солиҳов китобида келтирилган даврда Ҳожи Муъин ҳаёт бўлиб, бу рисоладан хабардор эди ва ҳатто муаллифга айрим мулоҳазаларини билдириб, «икки узун мактуб» ёзгани маълум. Иккинчидан, Ҳожи Муъин 1937 йил июлида ёзиб, чоп этишга улгурмаган «Ижодий таржимаи ҳолим» номли дастхат рисолачасида ҳар икки пьеса «Босилмай қолган асарлари» рўйхатида келтирилади.² Учинчидан, «Бой ила хизмат-

¹ М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 410—411-бетлар.

² «Узбек тили ва адабиёти» журнали, 1992, 1-сон, 50-бет.

кор» асари 1914 йил 42-сон «Ойна» журналида, сунгра ундан кучириб «Садойи Туркистон» газетасининг 35-сонида босилган хабарларда Самарқанд ёш муҳаррирлари томонидан ёзилаётгани махсус қайд этилган. Дарвоқе, худди шу хабарларда М. Раҳмонов «автори маълум эмас», деб 1917 йилга нисбат берган асарлар руйхати ҳам келтирилган. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг муаллифлари айтилмаган. Аммо уларнинг асл номлари бир оз бошқачароқ булиб, 1914 йил август ойларида ёзилаётгани маълум қилинган.

Мазкур хабарнинг яна бир диққатга сазовор ери шундаки, таҳририят Бехбудийнинг «Падаркуш»идан сунг драматургияга қизиқиш гоят кучайганини қайд этиб, купгина ёшлар «театр рисоалари» яратишга бел боғлаганлари ва қисқа даврда янги-янги асарлар майдонга чиқишини мамнуният билан билдиради ва бизга таниш ҳам нотаниш 7 пьеса номини санайди. Мана, уларнинг номлари: 1) «Аҳмад порина»; 2) «Туй»; 3) «Бой ила хизматкор»; 4) Ислоҳи мактаб ҳақида кенгаш мажлиси; 5) «Эски мактаблар ҳоли»; 6) «...эшигида қонли кўз ёшларимиз»; 7) «Кукнори» (музҳаки). Демак, юқоридаги М. Б. Солиҳов руйхатини яна учта оригинал асар билан тулдириш мумкин. Шу уринда М. Раҳмонов «Аҳмад пари» деб қайд этган, аслида эса «Ойна» ва «Садойи Туркистон»нинг зикр этилган сонларида «Аҳмад порина» деб аталган пьеса хусусида ҳам баъзи мулоҳазаларни айтмоқ мумкин.

Ҳожи Муъиннинг «Кукнори» номли бир пардали кулгу пьесасида кукнорихур персонажлардан Бобошариф рус банкларидан пул кредит олиб бойиган ва бу пулларнинг беҳосиятлигидан касбу кор аъмоли таназули топиб, синган кишиларни тилга олиб, уларни «Аҳмад порина» булиб қолибдур», деган жумлани айтади. Демак, Самарқанд ёки унинг атрофларида уша йиллари Аҳмад деган кимса билан боғлиқ молиявий можаро юз берган. Бу воқеа анча машҳур булган шкилли, баъзи банкротга учраган кишиларни Аҳмад порина аҳволига қиёс қилганлар. Мазкур ҳодиса Ҳожи Муъин асарида қайд этилгани учун шу ном ва мавзудаги 1914 йилда ёзилаётган пьесанинг ҳам муаллифи унинг ўзи эмасмикан, деган мулоҳаза тугилади. Айни чоғда етти саҳна асарининг учтаси, яъни «Туй» (Нусратулла Қудратулла билан ҳамкорликда), «Бой ила хизматкор» ва «Кукнори» пьесалари ҳам, аниқ маълумотларга кўра, Ҳожи Муъин қаламига мансуб

экаи фикримизни далиллайдигандек туюлади. Ҳар қалай, «Аҳмад порина» пьесасининг 1914—1915 йилларда яратилгани факт, бироқ унинг матни ва муаллифи ҳақидаги қатъий хулосани аниқлаш — келгуси изланишлар мавзуи.

Фитратнинг икки драма асари ҳақидаги М. Раҳмонов келтирган сана ҳам шубҳа уйғотади. Кейинги йилларда Фитрат ҳаёти ва ижоди ҳақида талайгина мақолалар чиқди. Ҳатто М. Раҳмоновнинг узи «Санъат» журналининг 1991 йилги 3-ва 4-сонларида «Фитрат драматургияси ва унинг саҳна тарихи» номли каттагина тадқиқотини эълон қилди. Аввалги қарашларига тамомила зид улроқ Фитрат шахсияти ва ижодини тула ижобий баҳолагани ҳолда, яна бирор далилу исботсиз «Қон», «Бегижон» пьесаларини 1917—1918 йилларга нисбат берди. Бизнингча, ҳурматли олимнинг саналар хусусидаги аввалги фикри ҳам, кейингиси ҳам тўғри эмас. Негаки, 20-йиллар матбуоти, жумладан, Б. О. Пестовский ва Уктам мақолаларида Фитрат пьесалари алоҳида тилга олиниб, ёзилиш йиллари ҳақида аниқ хулоса чиқариш учун асослар учрайди. Б. Пестовский 1922 йилда «Қон» асарининг энди ёзилётганидан хабар беради.¹ Уктам эса орадан икки йил утиб, «Саҳна адабиёти» мақоласида уни «янги ёзилгонлар» қаторида санайди.² Агар Пестовский уз мақоласини муаллифлар, хусусан, Фитрат билан шахсий мулоқотларига суяниб ёзган бўлса, Уктам (Қайюм Рамазон) Фитрат етакчилигида бир оз аввалроқ ташкил этилган «Чигатой гурунги» жамиятининг фаол аъзоси эди. Табиийки, у уз устозининг драматик асарлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлган. Фитрат ҳаёти ва ижодини сўнги пайтларда жиддий урганиб, қимматли фикрларни аниқлаётган Ҳ. Болтабоев «Ёшлик» журналининг 1990 йил 4-сониди адибнинг «эълон қилинган ва нашрга тайёрланган асарлари рўйхати»ни келтиради. Унинг ишончли далиллариға кура ҳам «Қон» беш пардали фожиаси 1920 йилда ёзилган, аммо нашр қилинмаган. Шу рўйхатға кура, «Бегижон» Фитратнинг илк драматик асари саналиб, ёзилиш санаси 1916 йил курсатилган. 20-йиллардаги зикр этилган мақолаларда ҳам бу фактни тасдиқлайдиган айрим ишоралар учрайди.

¹ «Инқилоб» журнали, 1922, 3—4-сон, 39-бет.

² «Туркистон» газетаси, 1924 йил 21-июнь.

Хуллас, М. Раҳмонов келтирган Фитрат пьесаларининг бири — «Беғижон» «шаклланиш» даврига мансуб бўлса, «Қон» — 1920 йил маҳсули. Шу уринда олим драма асарлари қаторида санаб утган Фитратнинг яна бир асари «Ҳиндистонда бир фаранги билан бухоролик бир мударриснинг мунозараси» хусусида ҳам баъзи мулоҳазаларни айтмоқ уринли. Чунки М. Раҳмоновдан бошқа ҳеч бир тадқиқотчи бу асарни драма намунаси ҳисобламайди. Аввало, асарнинг аниқ номи «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усул(и) жаид хусусида қилган мунозараси» бўлиб, уни қисқача «Мунозара» деб аташ фитратшунослик таомилига кирган. Асар 1913 эмас, 1909 йили форс тилида ёзилиб, Истамбулда нашр этилган. Унинг 1911 йил рус тилида Москвада, 1914 йил Бокуда чиққани ҳам Ҳ. Болтабоев руйхатида қайд этилган. «Мунозара»нинг узбек туркийсига таржимаси Ҳожи Муъин томонидан бажарилиб, у аввал 1911 йилда таржимоннинг баъзи изоҳлари билан «Туркистон вилоятининг газети»да босилди. 1913 йили эса шу таржимада Тошкентда «Туркистон кутубхонаси» ноширлигида В. М. Ильин типолитографиясида алоҳида китоб бўлиб чиқади. (Китобча сунггига «Мунозара»нинг газетадаги нашри муносабати билан Маҳмудхужа Беҳбудий ёзган мақола илова қилинган.)

«Мунозара» диалог шаклида ёзилган, бироқ саҳна санъатининг асосий талабларига мутлақо жавоб бера олмайди. Муаллифнинг узи ҳам бирор уринда саҳнавийлик қоидаларига мувофиқ унсурлар: роллар, парда ҳам куринишлар, ремарка ва ҳоказоларни қайд этмайди. Асар соф маърифий публицистика руҳида бўлиб, Фитрат ижтимоий-маърифий масалаларнинг бутун жиддияти ва долзарблигини сақлаб, укувчига кучли таъсир курсатиш ниятида диалог усулидан фойдаланади. Унинг сарлавҳадаёқ «Мунозара» деб аталиши ҳам шунга ишора. Таъкидлаганимиздек, Фитрат тадқиқотчилари асарни драмалар қаторига киритишмайди. Ҳ. Болтабоев руйхатида ҳам у Фитратнинг насрий асарлари сирасида. Қолаверса, М. Раҳмонов ҳам узининг аввалги фикридан қайтган шекилли, Фитрат драматургияси ҳақидаги кейинги тадқиқотида «Мунозара»ни ҳатто бирор уринда қайд ҳам этмайди.

Фитрат драмалари хусусидаги далилий баҳсларни яқунлаб, унинг яна айрим саҳна асарлари биз кузда

тутаётган даврга тааллуқли эканини айтмоқ зарур. Фитрат 1916 йилда, «Бегижон» фожиасидан ташқари, «Мавлуди шариф», «Або Муслим» деб номланган драмалар ҳам ёзгани маълум.¹ Бу нашр этилмаган асарларнинг ёзилиш санаси хусусидаги мулоҳазаларни Б. Пестовский, Уктам мақолаларидан ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, Б. Пестовский «Або Муслим»ни «Фитратнинг илгариги ёзувларидан бўлгон» асар, деса, Уктам уни «Бегижон» қаторида сахналарда аввалдан «куп ўйналгон» пьесалар қаторида санайди.

Хуллас, ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш даврида Фитратнинг ҳам уч сахна асари яратилган. Афсуски, буларнинг бирортаси чоп этилмагани учун матни сақланган эмас ёки ҳозирча топилмаган.

Шаклланиш даврида нисбатан куп пьесалар яратган мусаннифлардан яна бири Абдулла Авлонийдир. Юқоридаги «руйхатлар»да адибнинг икки асари «Адвокатлик осонми?» ва «Пинак» қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам, А. Авлоний мемориал музейида сақланувчи мазкур асарларнинг қўлёзмалари сунгида уларнинг ёзилган вақти аниқ келтирилади. Ҳар иккала асар ҳам бир пардалик кулги бўлиб, биринчисига 1914 йил, иккинчисига эса 1915 йил 25 февраль санаси қўйилган.

А. Авлонийнинг турли муносабат билан турли йилларда ёзилган еттита «таржимаи ҳол»и мавжуд бўлиб, уларда 1917 йил Октябрь инқилобигача ёзилган театр асарларининг сони ҳақида икки хил маълумот учрайди. 1932 йил 26 ноябрь нусхаси асос қилиб олинган «Таржимаи ҳол»да А. Авлоний «10 га яқин озарбайжон пьесаларини ўзбекчага таржима қилиб сахнага қўйдим. 3 пьеса ёздим...», деб айтса,² 1933 йили узи тўплаб, нашр эттирган «Адабиёт хрестоматияси» китобидаги таржимаи ҳолида тўрт театр китоби» ёзганидан гувоҳлик беради.³ Дарҳақиқат, Авлоний адабий меросида тўртта тугал драма асари, хусусан, саналганларига қўшимча «Биз ва сиз» ҳамда «Португалия инқилоби» пьесалари мавжуд. Буларнинг барчаси ўз вақтида сахналаштирилган, бироқ бирортаси ҳам чоп этилган эмас. Фақат 1979 йилга келиб, Авлоний таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб нашр этилган «Тошкент тонги» номли адиб асарлари тўпламида «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва сиз» пьеса-

¹ «Ешлик» журнали, 1990, 4-сон, 38-бет.

² «Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари», 110-бет.

³ *Авлоний*. Тошкент тонги. Тошкент, 1979, 374-бет.

лари илк бор эълон қилинди. Турт пьесадан ташқари, Авлоний архивида «усмонли турмушидан олингон» 2 пардалик «Икки севги» номли ниҳоясига етмаган фо- жиа ҳам бор. Демак, Авлонийнинг «турт театр кито- би» ҳақидаги маълумоти туғри булиб чиқади. Аммо «Португалия инқилоби» ва тугамаган «Икки севги» пьесалари жадидчилик ҳаракатининг 1916 йил иккин- чй ярмидан авжланган сиёсий маслак ва курашлар руҳига мос. Бири изоҳлаганидек, «1910 йил 11 уктабр- да бирдан бошланиши воқсий инқилоб», яъни Порту- галияда монархистик тузум тугатилиб, республика барпо этилиши ҳақида булса, «Икки севги» 1908 йил- даги ёш турклар инқилоби воқсаларига бағишланган. Ҳар иккала асарда ҳам миллат озодлиги, адолат, ҳур- рият, мустабидлардан қутулиш гоёси лейтмотивдир. «Португалия инқилоби»да ҳатто қизил байроқ кута- риш ҳақидаги эҳтиросли хитоблар бот-бот тилга оли- нади. Қолаверса, қулёзма муқовасида «1921 йил 22 январда ёзилди», деган муаллиф қайди ҳам учрайди.

Профессор Б. Қосимов мазкур қайдни назарда ту- тиб, «20-йиллар адабиётимизда «жаҳон революцияси» деган гап кенг тарқалган пайт эди. Шу жиҳатдан бу- ни («Португалия инқилоби» пьесасини — *Ш. Р.*) ҳам шу йилларда ёзилган, деб тахмин қилиш умуман мум- кин. Лекин муаллифнинг таржимаи ҳолидаги фикри («турт театр китоби» ёзгани — *Ш. Р.*) ва унинг 1917 йилдан бошлаб театр ишларидан узоқлашгани бизни уйлантириб қуйди. Биз буни ҳам 1916 ёхуд 1917 йил- нинг бошларида ёзилган, деб тахмин қиламиз»¹ қабили- даги мулоҳазани билдиради. Бизнингча, олимнинг пьеса 20-йиллар маҳсули ҳам булиши мумкин, деган тахмини ҳақиқатга яқин. Чунки, биринчидан, асарда акс этган воқеа ва гоё Туркистондаги 1917—1918 йил- лар ва ундан кейинги даврларга ҳамоҳанг; иккинчи- дан, муаллиф муқовада қайд этган сана фақат матн- нинг кучирилган пайтигина булмаса керак. Акс ҳолда асар воқсаларини изоҳлаган драматург у билан кетма- кет санани ҳам назардан четда қолдирмаслиги керак эди. Учинчидан, 1917-1924 йиллар оралиғидаги жадид драматургиясида, сиёсий-мажозий усулдан фойдала- ниш яққол кузга ташланади. (Масалан, Фитратнинг шу орада ёзилган «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилар- и» пьесаларини эслашнинг узи кифоя.) Авлоний ҳам

¹ Б. Қосимов. Излай-излай топганим, 245-бет.

Португалия инқилоби воситасида ўз воқелигимизни назарда тутгани асарнинг ҳар бир кўринишида англашилиб туради. Туртинчидан, Авлоний 1917 йил ижтимоий-сиёсий фаолияти муносабати билан театр ишларидан узоқлашган бўлса-да, 20-йилларда, яъни Афғонистондаги консуллик вазифаларидан бушаб, Тошкентга қайтгач, яна маърифий-маданий ишлар билан қизғин шуғуллангани маълум. Хусусан, адибнинг мемориал музейидаги шахсий архивида унинг Сирдарё вилоят-шаҳар қўмитасининг таклифи билан турли маданий-маърифий муассасаларда маъруза ўқиб беришини сўраб ёзилган мактублар сақланади. Жумладан, 145-инвентар рақами билан сақланувчи шундай мактубда 1921 йил 13 июлида спектакль олдидан маъруза қилиб бериши сўралган. Мазкур архивда яна Авлонийнинг 1922—1924 йиллар орасида Улка ўзбек эрлар билим юрти ва ўзбек хотин-қизлар билим юртида мудирлик ва ўқитувчилик қилганига оид ҳужжатлар бор. «Португалия инқилоби» асари биринчи мартаба айнан ана шу икки билим юрти шоғирдлари томонидан 1924 йил 16 октябрда Ленинград ишчилари фойдаси учун «Колизей» театри биносида ўйналган. Спектакль афишасининг фотонусхаси ҳам музей фондида 117-инвентар рақами билан сақланган. Демак, спектакль ташаббускори ҳам, ташкилотчиси ҳам Авлонийнинг ўзи бўлгани аниқ. Ана шу далил ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Абдулла Авлоний 20-йиллар бошларида ҳам театр ишлари билан қизиққан ва шуғулланган, дейиш мумкин. Бинобарин, «Португалия инқилоби» пьесасини ҳам драматургнинг 1917 йилдан кейинги ижоди маҳсули, деб қараш лозим. Туркия инқилоби ҳақидаги тугалланмаган «Икки севги» пьесасини ҳам, бир мунча ўхшаш жиҳатларига қура, яна шу даврга нисбат берса бўлади.

Авлонийшуносликда гоҳ «Съезд»,¹ гоҳида «Сиз»² деб қайд этилган пьеса илк бор Б. Қосимов томонидан нашрга тайёрланиб, унинг тўла ва аниқ номи «Биз ва сиз» экани айтилди.³ Мазкур пьесанинг автографи сўнгида 1923 йил санаси кўрсатилиб, муаллиф имзоси қўйилган. Профессор Б. Қосимов бу асарни ҳам «1917 йилга қадар ёзилган»,⁴ дейди. Олим кейинроқ ёзган мақоласида бу мулоҳазасини шундай асос-

¹ М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи, 351-бет.

² А. Бобохонов. «Совет Ўзбекистони санъати» журнали, 1978, 9-сон, 14-бет.

³ А. Авлоний. Тошкент тонги, 378-бет.

⁴ А. Авлоний. Тошкент тонги, 378-бет.

лайди: «Туркистон турмушиндан олинуб ёзилгон «бу турт пардалик фожа»нинг сунгидаги «1923 йил 28 июнь, Тошканд», деб қўйилиши кўчирилган муддатдан бошқа нарса эмас, албатта. Унинг устига асарда революциягача булган ҳаётимиз акс этган. У куп жиҳатлари билан «Захарли ҳаёт»ни эсга туширади».¹ Муҳтарам олимнинг фикрларига қўшилиб, фақат асардаги шубҳа уйғотиши мумкин булган бир нуқтага диққатни қаратмоқчимиз.

Пьесанинг бош қаҳрамони Камолнинг биринчи парда бошланишидаги монологда шундай сузлар бор: «*Ун йил ичинда Еврупода укуб юргон вақтимда Туркистон аллақанча узгаргон, (унда) маданий ҳаёт урнашгон, деб эшитгон эдим. Африқо, Амриқонинг ваҳшийлари маданият, янги турмуш орқасидан чолишгон ҳолда бизнинг Туркистон болалари ҳам унчамунча йулға киргон, узгаришлар орқасида тараққийга қадам босгондур, деб уйлагон эдим. Ҳайҳот, бу фикримда зур янглишгонман, хато уйлагонман. Узгариш бизнинг элнинг кучасидан утгон. Фақат узгариш (биз чиздик — Ш. Р.) кучадагина булгон. Аммо турмушда, уй ичида зигирча ҳам узгариш йуқ*».²

Уша йиллар матбуотида, зиеллари тилида «узгариш» сузи 1917 йил инқилобларига нисбатан берилувчи «истилоҳ» сифатида қўллангани яхши маълум. Ҳатто 20-йиллар урталарига қадар бу истилоҳ расман қўлланиб келинган. Авлонийнинг қайд этилган «Таржимаи ҳол»ида ҳам 1917 йил Февраль инқилоби кузда тутилиб, «1917 йил узгариш бошланиши билан...» деган жумла учрайди³. Агар шу мулоҳазадан кслиб чиқсак, пьесадаги воқеа 1917 йил февраль-октябрь оралиғи ёки ундан кейинги даврлар билан боғлиқ булиб қолади. Демак, пьесанинг «1917 йилга қадар ёзилган»лиги шубҳа туғдиради. Ваҳоланки, «Биз ва сиз»да на Февраль ва на Октябрь узгаришига алоқадор бирор нуқта учрамайди. Асар сюжети эса «Захарли ҳаёт»га қиёс этилганидек, Туркистон маиший турмушидан олинган. Агар пьеса уша «узгариш»дан кейин ёзилган булса, ижтимоий-сиёсий воқелиқдаги улкан ҳодисалар асар воқсаларининг счимида, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати ва, ҳеч булмаса, сузларида қай бир тарзда акс этиши

¹ Б. Қосимов. Салом, келажак, 80-бет.

² А. Авлоний. Тошкент тонги, 333—334-бетлар.

³ «Миллий уйғониш ва узбек филологияси масалалари», 111-бет.

керак эди. Аммо бу ҳол ушанда кузга мутлақо ташланмайди.

Бизнингча, «узгариш» истилоҳи фақат 1917 йил билангина боғлиқ булмай, 1905—1907 йиллардаги инқилобий буронларга ҳам тааллуқлидир. Россия подшоҳининг 1905 йил 17 октябрь манифести бутун мамлакат сиёсий ҳаётида узгаришлар юз беришига сабаб булган эди. Бу узгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятидан қатъий назар, шу йилларни ҳам «узгариш» деб аташ илмий-бадий адабиётда куп учрайди. Хусусан, М. Б. Солиҳовнинг ҳам қайта-қайта зикр этилган китобида 1905 йилдан кейинги «маҳаллий буржуазия узгаришчилари» жумласи учрайди. Демак, Авлоний пьесаси қаҳрамони кузда тутаётган «узгариш» 1905—1907 йилларга тегишлидир. Чунки айнан шу йиллардан жадид маърифатчилиги кенг қанот ёзиб, тараққийпарварлик фаолияти миқёсли амалий тусга кирган эди. Хуллас, «Биз ва сиз» пьесасини мавзу, воқеалар ечими, персонажлар хатти-ҳаракати ва сўзларига кура, 1916 йил урталаригача ёзилган асарлар қаторига қўшиш мумкин.

Театршунос М. Раҳмонов Абдулла Авлоний драматургияси ҳақида сўз юритар экан, унинг совет давридаги сахна асарлари қаторида «Чуқбурон» пьесасини ҳам санайди.¹ Гарчи совет даври драматургияси тадқиқот мавзуимизга кирмаса-да, айтиб утиш лозимки, бу номдаги пьеса А. Авлоний архивида ҳам, таржимаи холи ёки бошқа мақола ва қайдларида ҳам учрамайди.

Шундай қилиб, Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак» бир пардали комедиялари ва «Биз ва сиз» тўрт пардали фожиаси жадид драматургиясининг илк даврига мансуб пьесалар руйхатидан урин олади.

20-йиллар матбуотида миллий драма ва драматурглар хусусида, таъкидлаганимиздек, жуда куп мақола ва тақризлар босилган. Афсуски, уларнинг аксариятида пьесалар ҳақида сўз юритилади-ю, бироқ асарларнинг ёзилиш саналари кўрсатилмайди. Энг ёмони шуки, уларнинг купчилиги нашр этилмай, қулдан-қулга утиб, йуқолиб кетган. Ҳатто айрим чоп этишга тайёрланганлари ҳам, турли сабабларга кура, ҳанузгача топилмаган. Бунинг яққол мисоли Ҳамза Ҳакимзода. Ҳамза ҳаёти ва ижоди унинг вафотидан сўнг бир оз

¹ М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 351-бет.

утиб, кенг урганила бошлангани ва мунтазам тарғиб қилиб борилганига қарамай, асарларининг жуда кўпи изсиз йўқолган. Уларнинг номларигина маълум, холос. Жумладан, 1915—1916 йилларда ёзилиб, «ношир-га мавқуф» булган «Илм ҳидояти» ва «Мулла Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси» пьесалари. Тўғри, бу асарларнинг қисқача мазмуни айрим хотиралар ва нашрга муҳтожлиги ҳақидаги аннотацияли эълонлардан маълум. Бироқ улкан драматургнинг ижодий эволюциясини урганишда асарларининг умумий сюжети билан оригинал матн уртасида сру осмонча фарқ бор, албатта. Шунга ўхшаш қисмат Абдурауф Фитрат, Абдурауф Шаҳидий-Самадов, Гулом Зафарий, Мирмуҳсин, Хуршид, Ҳожи Муъин, Абдулла Бадрий, Чулпон драматургик меросларига ҳам тааллуқли. Бунга қарамай, 1911—1916 йиллар оралигида ёзилганлигига аниқ шаҳодат бера олувчи далилларга суяниб, баъзи пьесаларнинг номларини санаш мумкин.

Мунаққид Уктам сахна адабиётимизнинг тарихини 1912 йилда Бехбудий «Падаркуш»и билан бошланишини айта туриб, «ушал замонларда Ҳамид Сулаймон (Чулпон — *Ш. Р.*) нинг «Бой» деган пьесаси... ёзилган булса-да, босилмай қолғони»ни қайд этади.¹

Б. Ф. Пестовскийнинг мақоласида Гулом Зафарийнинг 1914 йилда «Бахтсиз шогирд» исмида драма ёзғон»и маълум қилинади.² Бу шохидликларга ишонмаслик мумкин эмас. Чунки ҳар икки танқидчи-олим ҳам муаллифларнинг узи билан яқиндан таниш, ҳамсуҳбат булган кишилардир. Мақолалари ҳам бевосита мулоқотлар асносида ёзилган. Иккинчидан, Чулпоннинг ҳам, Гулом Зафарийнинг ҳам адабий фаолиятлари 10-йиллар урталаридан бошлангани яхши маълум. Агар Гулом Зафарий 1915-1916 йилларда «Тошкентдаги «Турон» труппасининг ҳақиқий аъзоси булганини, Абдулҳамид Чулпоннинг эса 1914 йиллардан «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Ойина» каби миллий матбуотда, илк адабий машқларидан ташқари, театр масалаларига оид ахборотлар билан ҳам қатнашиб турганини назарга олсак, уларнинг драматургик фаолияти 10-йиллар биринчи ярмидаёқ бошланганига шубҳа қилмаслик мумкин. Учинчидан, ҳар икки му-

¹ Уктам. Сахна адабиёти, — «Туркистон» газетаси, 1924 йил 21 июнь.

² Қаранг: «Инқилоб» журнали, 1922, 6-сон, 28-бет.

саннифнинг Октябрь узгаришидан кейин ёзилиб, шуҳрат топган илк пьесалари жанр талабларига кура анча пишиқ ва эътиборлики, уларгача муаллифлар муайян адабий-ижодий босқични утамаган бўлишлари мумкин эмас.

Драматургик ижоди 1917 йилга қадар бошланган ижодкорлардан яна бири Шамсиддин Шарафиддинов — Хуршиддир. Биографларининг аниқлашича, у эллик йилдан зиёд ижодий фаолияти давомида 30 дан ортиқ пьесалар яратган.¹ Албатта, уларнинг аксарияти совет даври маҳсули. Хуршиднинг драматургик фаоллиги, Октябрдан кейин, айниқса, 20-йилларда яққол кузга ташланади. Бу даврда у жамоатчиликка яхши маълум етакчи драматурглардан бўлиб қолган эди. Ҳар қандай камолотнинг илк паллалари булганидек, Хуршид ҳам шундай босқичларни босиб ўтган.

«Ойина» журналининг 1914—1915 йилги сонларида «Хоиб» тахаллусли шоир шеърлари учрайди. Маърифат гоёлари билан йугрилган бу шеърлар «Хоиб» тахаллусли билан ижод этувчи Шамсиддин Шарафиддинов — Хуршид² қаламига мансуб бўлиб, шоир бу пайтда Андижонда истиқомат қилган. Хуршид асли тошкентлик, хизмат тақозосига кура, 1910—1918 йилларда Андижонда яшайди ва шаҳар ижтимоий-маданий ҳаётида яқиндан иштирок этади. Жумладан, М. Муҳаммаджоновнинг хотирлашича, Хуршид каби Тошкентдан бориб, Андижонда дукондорлик билан машғул ёшлар анчагина бўлиб, улар Андижоннинг илғор фикрли ёшлари билан «Падаркуш» спектаклини қуйганлар. Шу боис улар шу ернинг мусулмонлари томонидан «падаркушлар», деб от кутарган эканлар.³

1915 йилдан бошлаб Хуршиднинг «Турон» труппаси билан алоқада бўлганлигига доир мулоҳазалар ҳам мавжуд. Хусусан, труппа шу йили Фарғона бўйлаб қилган ижодий сафари давомида Андижонда ҳам бўлиб, у ердаги ёшларни ўз спектаклларига жалб этган. Шу жумладан, Хуршид ҳам «Туй» спектаклида кичикроқ бир роль ижро этган. Шундан сунг у Тошкентга келиб-келиб юрган даврларида «Турон» труппаси билан мустақкам алоқа ўрнатган. Хуршиднинг сафдош

¹ Б. Насриддинов. Хуршид, Тошкент, 1975, 116-бет.

² «Хуршид» исми ҳам тахаллус. Фақат оммалашган ва шоир умрининг охиригача қўллаган тахаллус.

³ М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари, 314-бет.

дустларидан Ўзбекистон халқ артисти Музаффар Муҳамедов, театршунослар М. Раҳмонов ва Б. Насриддиновлар гувоҳлигича, адиб 1916 йилда «Турон»нинг бошқа спектаклларида ҳам роллар ижро этган. Масалан, 1916 йил декабрида «Колизей» биносида озарбайжонлик Сидқий Рухилло кумаги билан сахналаштирилиб, намойиш этилган «Лайли ва Мажнун» мусикий спектаклида Хуршид эпизодик роллардан бирини сахнага олиб чиққан.¹ Бу маълумотларни келтиришимиздан мақсад шуки, ҳам бадиий ижод, ҳам театрчилик билан шуғулланган ва кейинроқ атоқли драматургларимиздан бири булиб танилган Хуршид 10-йиллар, яъни ижодининг илк паллаларидаёқ драматургик машқлар қилмаган булиши мумкин эмас. Дарҳақиқат, Б. Насриддинов, унинг шу йилларда ёзилган, аммо нашр этилмаган уч сахна асари ҳақида маълумот беради. Шулардан биринчиси «Безори» бир пардали пьеса, иккинчиси «Бечора волида ёхуд Савдогар хотини» мусикий пьесаси булиб, бу асар 1912 йили ёзилиб, 1913 йилда драматург томонидан қайта ишланган ва «Ориф ила Маъруф» тарзида қайта номланган; учинчиси эса ҳинд ҳаётидан олиб ёзилган «Қора хотин» пьесаси.² Гарчи мазкур асарлар чоп этилмаган бўлса-да, уларнинг 1911—1916 йиллар орасида ёзилиб, жадид маърифатчилиги ғояларини тарғиб қилишга йуналтирилганлиги шубҳа уйғотмайди.

Адабиётшунослигимизда ёзилиш саналарига кўра аниқ бир ҳулосага келинмаган сахна асарлари ҳам қайд этилган. Уларни баъзилар биз кузда тутаётган 1911—1916 йилларга нисбат берсалар, баъзи олимлар кейинги давр маҳсули, деб қарайдилар. Ихтилофга асос берадиган жиҳат шундаки, бу асарларда ҳам маърифат масаласи бош ғоя булиб, воқеалар ечими, персонажлар, муносабати ва айрим адабий-бадиий унсурлар худди илк пьесалар билан умумийликка эга. Масалан, Абдулла Бадрийнинг «Уғай ота», «Бой-бачча», «Хуш келдинг — хуш кетдинг», «Ман ҳам худонинг бандаси», «Мамадана», «Миркомилбой», «Қозихонада», Мирмуҳсин-Фикрийнинг «Гимназист», «Жувон ва жувонбоз», «Эски табиб», Ғулом Зафарийнинг «Баҳор», «Бинафша» пьесаларидир. Албатта, буларнинг матни ҳам ҳозирча топилган эмас. Бизнинг

¹ Б. Насриддинов. Хуршид, 79-бет.

² Шу китоб, 76—80-бетлар.

улар ҳақидаги мулоҳазаларимиз сарлавҳалари ва сюжетига доир айрим тафсилотлар асосидаги тахминлар, холос. Шу боис ударни жадид драматургиясининг шаклланиш даври пьесалари рўйхатига қатъий ишонч билан киритиб бўлмайди. Булардан ташқари, махсус эътиборни талаб этадиган ва «шаклланиш» саналари билан белгиланган яна бир асар мавжуд. Бу Ҳамза Ҳакимзоданинг тугалланмаган «Уч» драмасидир. Бу асар ҳақида профессор Л. Қаюмов «Инқилобий драма» рисоласида махсус тухталиб, автографда унинг номи ва ёзилган йиллари курсатилмаганини айтади. «Уч» сарлавҳаси эса асар мазмунидан келиб чиқиб, тадқиқотчилар томонидан қуйилган шартли номдир. Ҳамзашунос олим пьесани мавжуд 11 саҳифалик кулёзма асосида урганиб, таҳлил этар экан, уни 1911—1912 йилларда ёзилган, деб тахминлайди. Ва «Асарнинг сиёсий актуал темаси, бу темани ҳал қилиш уша давр узбек драматургияси учун тамомила янгиликдир»,¹ деган хулосага келади. Дарҳақиқат, илк узбек миллий драмаси «Падаркуш» билан деярли бир пайтларда яратилган, деб фараз қилинаётган асар жадид драматургиясининг гоёвий-эстетик йуналишларидан тамомила ажралиб турадиган мазмунга эга. Қолаверса, Ҳамзанинг гоёвий ва ижодий эволюциясида, 1911—1912 йиллардаги ижодида «сиёсий актуаллик» кузга ташланмайди. Бошлаб диний ақидалар билан онги шаклланиб, сунг жадид маърифатчилиги йулини тутган Ҳамза шу йилларда «усули савтия» мактаблари очиш ва «ёрдам жамиятлари» ташкил қилиш билан машғул эди. Унинг онгида бойкамбағал айирмасидан кура, миллат болаларини маърифат ва маданиятдан баҳраманд этиш тилаги барқарор эди. Ана шу ниятлари билан боғлиқ фаолият Ҳамза «Таржимаи ҳоли»да аниқ муҳрланган. Бинобарин, ҳали ошқора «сиёсий актуаллик» ҳақида сўз юритиш тўғри эмас.

Ҳамза «Тула асарлар туплами»нинг «Уч» драмаси эълон қилинган 3-жилди изоҳларида бир неча асослар келтирилиб, пьесанинг 1911-1912 йилларга тааллуқли деган тахмин инкор этилади ва «пьеса 1915—1917 йиллар оралиғида яратилган»,² деб айтилади. Бизнинг фикримизча ҳам, шу кейинги курсалар

¹ Л. Қаюмов. Инқилобий драма, 47—50-бетлар.

² Ҳамза. Тула асарлар туплами, 3-жилд, 1988, 270-бет.

тилган сана ишончлироқ. «Уч» пьесасининг мазмунидан келиб чиқиб, биз ҳатто асар 1916 йил халқ қўзғолони воқсалари муносабати билан ундан кейин ёзилган, деган хулосани айтишга журъат қиламиз. Чунки пьесанинг мавжуд парчасидан 1916 йил воқсаларини эслатадиган исён туйғуси, халқнинг стихияли ҳаракатларини курсатиш мақсади англашилади. Ҳамза «қайдлари»да ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар ёзиб қўйилгани фикримизни тасдиқлайдиган далил бўлиб туюлади: «22-да шанба кун Аравон чорсидаги қишлоқлар Иброҳимжон мингбошини Сотиболди одами... мирзоси била улдурдилар, ҳужумчилардан бир киши улди, 300 киши миқдори банди бўлуб, иккинчи кун саккиз кишидан бошқаси озод қилинди.

24-душанба кун Ганжиравон мингбошини ёлгон сабабли юзар киши банду бўлуб келтурулди ва ҳам шу кун бозорларда ҳийла туфолонлар булди.

24-да Рошдонда шул ҳодиса булди. 1916.»¹

Демак, «Уч» пьесаси аксарият жадид зиёлиларининг қизгин сиёсий фаолиятлари куч олган 1916 йил ёзилган асар бўлиб, «Лошмон фожиаси»нинг биринчи бўлими билан ҳамоҳангликда Ҳамза гоёвий қарашларининг ҳам жадидчилик ҳаракати йуналишларига мутаносиб усиб борганини курсатувчи яққол далилдир.

Жадид драматургиясининг шаклланиш даври билан боғлиқ муаммолардан яна бири илк миллий пьеса масаласидир. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падарқуш» пьесаси саҳнага қўйилган даврдан бошлаб матбуот саҳифаларида «биринчи миллий драма» деб эътироф қилинган бўлса-да, бу факт 20-йилларнинг иккинчи ярмидан баъзи бир баҳсларга сабаб булган. Бу баҳсни биринчи бўлиб Чулпон бошлаган эди. У «Ўзбек халқ календари» тўплами учун 1927 йилда ёзган «Ўзбек саҳнаси» мақоласида биринчи ўзбек пьесаси деб Абдурауф Самадов-Шаҳидийнинг «Маҳрамлар» драмасини курсатади.² Абдурауф Шаҳидий-Самадов Қўқонда яшаб, фаолият курсатган татар зиёлиларидан бўлиб, Исоҳқон Ибрат таклифи билан Наманганга келиб, 1908 йиллардан унинг «Матбааи Исоҳқия»сида хизмат қилган. Илғор фикрли

¹ Ҳамза Ҳакимзода Ниезий архивининг каталоги, Тошкент, 1990, 1-том, 312—313-бетлар.

² Қаранг: М. Б. Солиҳов. Ўзбек театри тарихи учун материаллар, 69-бет.

маърифатчилардан булган А. Шаҳидий 1911 йилда «Фалокатзада» номли воқеий қисса ёзиб, шу матбаада чоп эттирган. Унинг «Маҳрамлар» 3 пардали драмаси ҳам 1911 йилда ёзилган ва «Матбааи Исоҳқия»да 1912 йили босилиб чиққан. (М. Бехбудийнинг «Падаркуш» асари эса 1911 йилда ёзилиб, 1913 йилда нашр этилганини аввалги булимларда батафсил айтган эдик.) Куринадики, ҳар иккала асарнинг ёзилиш йиллари бир санага туғри келяпти. (Фақат нашр саналарига кура, «Маҳрамлар» бир йил аввал эълон қилинган.) Агар «Падаркуш» ҳақидаги 20-йилларда ва 80—90-йиллардаги қатор мақолаларни ҳам кутарадиган бўлсак, асар 1912 йиллардан бошлаб оммалаша бошлаганидан гувоҳлик берувчи далилларни учратамиз. Хусусан, Б. Пестовский, Уктам, Ғулом Зафарийларнинг аввал зикр этилган мақолаларида «саҳна адабиётимизнинг тарихи 1912 йилда Бехбудий «Падаркуш»и билан бошланадур» каби мулоҳазаларга дуч келамиз. Бу унинг ёзилиш эмас, балки оммалашини санасидир. М. Б. Солиҳов ушбу масалага махсус тўхтаб, аниқлик кiritган эди: «...бу пьеса 1911 йилда ёзилиб, баъзи аҳил кишилар ораларида фикрлашув йулига кирган бўлса-да, унинг босилишига ва саҳнага қўйилишига 1913 га келгандагина рухсат булади».¹

Биринчи миллий драма масаласида эса аксарият олим ва эътиборли манбалардаги фикр бир хил — Маҳмудхужа Бехбудийнинг «Падаркуш» асари. М. Б. Солиҳов шу фикрни исботлаш учун ҳатто «Маҳрамлар»ни «биринчи мартабада ўзбек турмушидан олиниб, ўзбекчада ёзилган бир асардир, буни унутиб бўлмайди», дея эътироф этгани ҳолда, А. Самадовни «ўзбекча пьеса ёзишга бошлаб хизмат курсатган ёзувчи булиб қолади. Чунки бу уртоқ «Ўлуклар» (Жалил Мамадулизоданинг «Ўлуклар» драмасидан бошқа) номи билан ёзган татарча пьесасини «Маҳрамлар» номи билан ўзбекчада ёзиб, 1911 йилда бостира олган»² қабиллидаги мулоҳазани билдиради. Олим фикрларини давом эттириб, охири шундай хулосага келади: «Лекин масала бу ерда биринчилик шарафини бир асарга бериш устида эмас, балки маҳаллий театру кучларининг ушини ва етишини тарихларини ифодалаш устида-

¹ Қаранг: М. Б. Солиҳов. Ўзбек театр тарихи учун материаллар, 69-бет.

² М. Б. Солиҳов шу уринда янглишган. «Маҳрамлар», айтганимиздек, илк бор 1912 йили Наманганда босилган.

дир. Шу ҳолда «Маҳрамлар» пьесасини маҳаллий кучлар тарафларидан ёзилган ва биринчи пьеса, деб тақдим қилиб булмайти. Чунки бу пьеса узбек маҳаллий кучлари томонидан «Падаркуш» пьесаси қуйилгандан сунгра саҳналаштирилган.¹

Демак, «Маҳрамлар» хронологик тартибда «Падаркуш» билан бир санада яратилган булса-да, узбек ёзма драматургияси илк намунаси була олмайди.

Жадид драматургиясининг бошланғич намуналаридан булган «Туй» пьесаси билан ҳам боғлиқ айрим изоҳларни мазкур бўлимда айтиб утиш мақсадга мувофиқдир.

Шу пайтгача деярлик барча илмий-адабий манбаларда «Туй» турт пардалик драмаси «Миллий» тахаллуси билан ижод қилган Нусратулла Қудратулла уғлига нисбат бериб келинади. Зеро, пьесанинг 1914 йилги биринчи нашри муқовасида «муҳаррир ва ношири»дан сунг қавс ичида «Ҳожи Муъин афандининг муованат қаламияси ила таҳрир улинди», деган изоҳ бор. Бундан маълум буладики, асарнинг ёзилиш жараёнида Ҳожи Муъин ҳам иштирок этган, яъни ҳаммуаллифликда яратилган. Аммо негадир «Туй» пьесаси хусусида гап кетганда, фақат Нусратулла Қудратулла номи тилга олинади. Ваҳоланки, асарнинг ярмидан кўпи Ҳожи Муъин қаламининг маҳсули. У 1915 йили «Ойина» журналининг 7-сонида «Туй» пьесасидаги ножоиз лавҳа ибора учун билдирилган бир танқидий мулоҳазага жавоб бериб, муаллифлиги масаласида қуйидаги маълумотларни келтиради: *«Мазкур «Туй» рисоласининг ярмидан зиёдаси маним шикаста қаламим ила ёзилуб, қолғони ҳам узимнинг ислоҳ ва тасҳиҳим ила тартиб қилинганлиги учун бу тўғридаги (ножоиз лавҳалар учун — Ш. Р.) адабий масъулият маним устимга тушса керак»*. Ҳожи Муъиннинг мардонавор туриб, масъулиятни ўз зиммасига олиши, ҳақиқатан ҳам, уни биринчи муаллиф сифатида қайд этишни тақозо қилади.

Юқоридаги барча аниқлик, изоҳ ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, узбек жадид драматургиясининг 1911—1916 йиллар миёнасида кечган шаклланиш жараёнида қуйидаги пьесалар ёзилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин:

¹ Зикр этилган китоб, 69—70-бетлар.

Муаллифлар

Пьесалар

- | | |
|---|--|
| 1. Маҳмудхужа Бехбудий | «Падаркуш» |
| 2. Абдурауф Самадов-
Шаҳидий | «Маҳрамлар» |
| 3. Ҳожи Муъин, Нусра-
тулла Қудратулла | «Туй» |
| 4. Ҳожи Муъин | «Бой ила хизматкор» |
| 5. Ҳожи Муъин | «Кукнори» |
| 6. Ҳожи Муъин | «Мазлума хотин» |
| 7. Ҳожи Муъин | «Жувонбозлик қурбони» |
| 8. Ҳожи Муъин | «Қози ила муаллим» |
| 9. Нусратулла Қудратул-
ла | «Кенгаш мажлиси» |
| 10. Абдулла Бадрий | «Жувонмарг» |
| 11. Абдулла Бадрий | «Аҳмоқ» |
| 12. Ҳамза Ҳакимзода | «Заҳарли ҳаёт» |
| 13. Ҳамза Ҳакимзода | «Илм ҳидояти» |
| 14. Ҳамза Ҳакимзода | «Мулла Нормухаммад
домланинг куфр хатоси» |
| 15. Абдулла Қодирий | «Бахтсиз куёв» |
| 16. Ҳожи Муъин | «Эски мактаб — янги
мактаб» |
| 17. Абдулла Авлоний | «Адвокатлик осонми?» |
| 18. Абдулла Авлоний | «Пинак» |
| 19. Абдулла Авлоний | «Биз ва сиз» |
| 20. Гулом Зафарий | «Бахтсиз шогирд» |
| 21. Абдуҳамид Сулаймон-
Чулпон | «Бой» |
| 22. Абдурауф Фитрат | «Беғижон» |
| 23. Абдурауф Фитрат | «Мавлуди шариф» |
| 24. Абдурауф Фитрат | «Або Муслим» |
| 25. Хуршид | «Безори» |
| 26. Хуршид | «Ориф ила Маъруф» |
| 27. Хуршид | «Қора хотин» |
| 28. Номаълум автор | «Аҳмад порина» |
| 29. Номаълум автор | «Эски мактаблар ҳоли» |
| 30. Номаълум автор | «Эшигида қонли куз ёш-
ларимиз» |

Келтирилган рўйхатни мутлақо тугал деб даъво қилолмаймиз. Чунки, юқорироқда зикр этилганидек, қатор асарлар матни ҳозирча топилмаган ва ёзилиш саналари аниқланмагани учун мазкур рўйхатга киритилмади. Бундан ташқари, бизга номаълум яна бошқа

пьеса ва манбалар булиши мумкин. Жадид драматургиясини, жумладан, унинг илк даврини атрофлича, холис урганиш энди бошланмоқда. Демак, келгуси изланиш ва тадқиқотлар биз таклиф этган руйхатни янада тўлдирса, ажаб эмас.

Илк пьесалар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги ушбу мулоҳазаларни яқунлаб, айтиш лозимки, ўзбек ёзма драматургияси беш-олти йиллик шаклланиш паллаларидаёқ сон жиҳатидан гоят унумли ва салмоқли булиб, давр адабий ҳаракатчилигида стакчи жанрлардан бирига айланди.

ХУЛОСА

Жадидчилик Туркистонда уттиз йил нари-бериси давом этди. Жадид театри эса ундан ҳам камроқ — йигирма йилга стар-стмас. Тарих, жила курси, инсоният тарихи олдида ҳам бу муддат заррачалик эмас. Бироқ шу қисқагина давр катта бир халқнинг миллат сифатида шаклланишига, ижтимоий онги уйғонишига, дунёқараши узгашиб, эстетик диди камол топишига имкон яратди.

Жадид адабиёти, жадид театри санъатнинг азалий ва абадий вазифаси булган инсон руҳиятининг теран бадиий тадқиқини бош мақсади қилиб белгиламайди. Чунки руҳият инкишофи учун уни аввало гафлат уйқусидан уйғотиш, мутсликдан, қулликдан халос этмоқ керак эди. Жадидлар шу тилак билан тарих саҳнасига чиқдилар. Миллатни маърифат нури билан қайта жонлантириб, илму урфон орқали истиқболга, истиқлолга стишишни кузладилар. Бу йулда мактаб-маориф, матбуот, хайрия жамиятлари қатори бадиий ижод ва театр санъатининг ҳам буюк аҳамиятини англаб етдилар. Улар оврупоча театр ва адабиётнинг янги-янги жанрларини Туркистон маданий ва маънавий ҳаётига жорий этар эканлар, халқ оғзаки драмасининг муайян шаклларида баҳраманд булдилар. Аммо озарбайжон, турк, татар ҳамда рус театри, драматургияси ўзбек жадид театри ва драматургиясининг шаклланишида бош омиллар булиб хизмат қилди. Мирза Фатали Охундовдан Наримон Наримонов, Жалил Мамадқулизодагача, Алиасқар Асқаровдан Сидқий Рўхиллогача булган озар драматурглари ва театр намояндалари. Навмиқ Камолдан тортиб Алиасқар Камолгача булган усмонли турк ҳам татар адиблари, Заки Боязи-

дский ва Мустафо Мансуров, Соҳибжамол Иззатулина ҳамда Илёсбек Ошқозорскийдек татар театр арбоблари ўзбек миллий драматургияси ва сахна санъатининг тамал тошини қуйишда ҳам билвосита, ҳам бевосита хизмат қилдилар.

Ўзбек сахнасида татар ёки озарбайжонлик қардошлар билан ҳамкорликда Шекспир, Шиллер, А. Островский, И. Тургенев каби Оврупо ва рус драматургларининг қаҳрамонлари жонланди. Шундай ҳамкорлик самараси бўлиб «Лайли ва Мажнун» «опера»си «Колизей» театри биносиди жаранглади.

Албатта, қардош биродарларнинг илк ўзбек миллий драмаси яратилиши ва сахналаштирилишидек муҳим маданий тадбирнинг амалга оширилишида хизматлари улкан. Бироқ бу амалий ҳаракатларга қадар Туркистонда маърифат байроғини баланд тутган Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдуғаффаров, Саидрасул Саидазизий, генерал Журабек, Ҳожимуҳаммад Зухур, Комил Хоразмий, Аҳмад Дониш каби зиёли зотларининг оврупоча театр, драма, мусиқа ҳақидаги таассурот ва ташвиқий асарлари ҳам самарасиз кечмади. Жадид зиёлиларининг театрчилик ҳаракатлари юзага келишида уша зотларнинг ҳайрат ва куйинчаклик билан ёзилиб, матбуот саҳифаларига кучган кузатишлари, мулоҳазалари ҳам маълум даражада аҳамият касб этди, миллий тафаккурни шунга тайёрлади, йўналтирди. Ўзбек жадид драматургияси ва театри ана шу ва ижтимоий-тарихий воқелик белгилаган, тақозо этган талаблар омухталигида дунёга келди.

Биз турли архив ва фондларни урганиб, фақатгина 1911-1916 йиллар оралиғида яратилган сахна асарларининг уттиздан ортиғини аниқлай олдик. Ҳали сана ва муаллифлари ҳақидаги маълумотлар тулиқ бўлмаган яна талайгина театр рисоалари мавжуд. Сон салмоғининг узиёқ Туркистон маданий ҳаётида асризмнинг иккинчи ун йиллиги театр ва драма соҳасида буюк кутарилиш бўлганини англатади. Бу кутарилишнинг, маънавий юксалишнинг ибтидосида эса Маҳмудхужа Бехбудий ҳазратлари турибди.

Шаҳид кетган бу зоти шарифнинг улими муносабати билан Садриддин Айний:

Сани мундин буён Турон кўролурму, кўролмасму?
Санинг мислингни Туркистон тополурму,
тополмасму?

деб ёзганида мутлақо ҳақ эди. Халқ пешонасига юзлаб йилларда битадиган Бехбудий каби зотлар миллат тафаккурини бир неча поғона юксалтириши мумкин экани — тарихий ҳақиқат. Бу ҳақиқат «Падаркуш» асари мисолида яққол кузга ташланди, десак, муболага эмас. Бор-йўғи бир неча саҳифа асар забун Туркистон маданий дунёсини жунбушга келтирди. Бошлаб Самарқандда, сўнг Тошкент, Қўқон, Каттақўрғон, Бухоро, Андижон, Наманган шаҳарларида саҳналаштирилган «Падаркуш» пьесаси, аввало, миллий драматургия ва янги театр санъатининг илк намунаси бўлса, иккинчидан, уша шаҳарларда нисбатан мунтазам ва муваққат театр труппаларининг ташкил топишини белгилади. Учинчидан эса, ҳаваскорлик труппалари мисолида янгича қарашдаги зиёли кучларнинг бирлашишига ва шу негизда ҳар хил уюшма, жамиятлар барпо булишига замин яратди. Туртинчидан, театр воқитасида маърифат гоёсини халққа кенг ва таъсирчан шаклда ёйиш, сингдириш имконини берди. Бешинчидан, томоша орқали маблағ топиб, маориф, матбуот, хайрия ва бошқа ислоҳотчилик ишларини йўлга қўйиш, ривожлантиришга ёрдам берди. «Падаркуш» асари туфайли руй берган ижобий ҳодиса ва силжишларни яна унлаб санаш мумкин. Буларнинг ичида энг аҳамиятлиларидан бири, таъкидлаганимиздек, ёзма миллий драматургиянинг шитобланиши бўлди. Қисқа фурсатда Самарқандда Ҳожи Муъин, Абдулла Бадрий, Нусратулла Қудратулла; Тошкентда Абдулла Қодирий, Абдулла Авланий, Фулом Зафарий, Хуршид, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Ғози Юнус; Бухорода Абдурауф Фитрат; Қўқонда Ҳамза Ҳакимзода, Абдурауф Шаҳидий; Андижонда Абдулҳамид Чулпон каби Бехбудий издошлари етишди. Булар, ўз навбатида, ўзбек драматургиясининг қалдирғоч намуналарини яратиб, миллий адабиётимиз ва театримизнинг тараққиёт йўлини белгилади. Мана шу жиҳатларга кўра, «Падаркуш» асари Туркистон воқелигининг йигирманчи аср унинг йилларидаги буюк маданий ҳам ижтимоий воқеаларидан бўлиб қолди.

Дунёда ҳеч бир янгилик осонликча рўёбга чиққан эмас. Инчунун, мустабидлик салтанати ҳукм сурган юртда миллат қайғуси билан яратилган янгилик ҳатто ниш урмоғи ҳам душвор. «Падаркуш» ва ундан сўнг пайдо бўлган асарларнинг барчаси неча-неча чиғириқлардан утказилди. Чор цензурасининг қайта-қайта

текширувлари, маъмурларнинг инжиқликлари, йўқ ерлардан баҳоналар топиб, асар нашри ёки спектакл намойишини тўхтатиб туриш ва ҳоказолар миллий театр тараққиётига жиддий тўсиқлар эди. Айни замонда ўз миллатдошларимизнинг мутаассибона муносабати янада огирроқ эди. Театрни беҳуда, бемаъни кўнгилхушлик деб тушунган айрим уламолар уни «ҳаром» дейишгача борганлар. Жаҳолати авж олган баъзи бирлари эса жадид зиёдиларини «падаркуш», яъни ўз оталарининг кушандалари, дейиш даражасида ҳақоратлайдилар. Бу, аслида, азалдан давом этиб келаётган «қадим» ва «жадид» низоларининг театр масаласидаги кўриниши эди. Таассуфки, кўп ҳолларда парокандалик, ноиттифоқлик туфайли забун бўлган Туркистон бу масалада ҳам ўз фарзандларининг кину кудурат ва адоватларига гувоҳ бўлди. Миллат бахтига, Беҳбудийдек зотларнинг борлиги янги тугилган чақалоқни бешикдаёқ бўғизлашдан асраб қолди.

Беҳбудий «Ойна» саҳифаларида театр, бадий ижод ҳақидаги принципиал, гоят далилли мақолалари, назарий, мантиқли мулоҳазалари билан санъатнинг Туркистонда энди куртак ёзаётган янги турини ҳимоя қилди, унинг мустаҳкамланиб, ривож топишига мақбул муҳит яратди. Бу унинг Ватан тарихидаги яна бир буюк хизмати эди.

Жадидлар театрни ибрат мактаби, ибратхона, драматургияни эса «таъзири адабий», деб тушундилар ва фақат шу тушунчага қатъий амал қилдилар. Шу мақсадда саҳна асарларида бачкана, нораво қилиқлар, бепарда иборалар, тубан манзаралар бўлмаслиги учун курашдилар. Дарҳақиқат, «ибратхона»да беадаб хаттиҳаракат ё сўзлар бўлиши ҳеч бир мантиққа тўғри келмас эди. Буни илк театр арбобларимиз эстетик принцип даражасига кўтарган эдилар. Балки шунинг учун ҳам халқ театрни муқаддас даргоҳ, деб билди. Бу масканга бориш ва ибратли томоша кўриш эса ҳаяжонли бир воқеадек қабул қилинди. Шу таҳлит илк миллий саҳна асари янгича миллий театрнинг тугилишини белгилаганидек, ўз навбатида, театр ҳам драматургиямизнинг шаклланиб равнақ топишида гоят муҳим бир манба вазифасини ўтади.

Шундай қилиб, кўҳна Туркистонда янгича театр санъати майдонга келди, драматургия шаклланди. Театр, драматургия жадидчилик ҳаракатининг ва жадид адабиётининг бағоят муҳим жабҳаларидан бўлга-

ни учун ҳаракатнинг маърифий, ижтимоий ҳамда сиёсий маслақлари томон йўналтирилди, шу билан мутаносиб ривожланди. Ана шу хусусиятга кура, драматургия ҳам мувофиқ тадриж касб этди. У 1911 йилдан, яъни илк миллий драма — «Падаркуш» яратилгандан то 1916 йил урталарига қадар шаклланиш даврини, 1916 йил иккинчи ярмидан то ҳаракат маънавий ҳам илк жисмоний тазйиқларга учраган 1929 йилгача ривожланиш босқичларини кечирди. Натижада, ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкинки, ўзбек адабиёти ўз тарихида драматургия жанрининг энг гуллаган, фавқулодда юксалиш палласини намойиш этди. Айтганимиздек, фақат шаклланиш давридаёқ драматургиямизнинг сон-салмоғи уттиздан ошди. Шу факт ва мулоҳазаларга кура ҳам ўзбек жаҳид драматургияси яна каттакатта илмий тадқиқотлар ва тадқиқотчиларга муҳтож бўлиб турибди.

Асримизнинг улкан санъаткорларидан Георгий Товстоногов айтган эди: *«Саҳна узунасига уттиз, энига йигирма қадам, баландлиги пардаси баробар унча катта бўлмаган бир макон... Унга кичикроқ уй ёки чоғроқ боғни жойлаштира булади. Бироқ бу маконнинг пардалари очилгач, унга утмиш ҳам, бутун ҳам, келажак ҳам сивиши мумкин... Бу ерда дунё яратиш мумкин...»*

Дарҳақиқат, театр — дунё, дунё эса томошахона. Саҳна айлангани каби дунё ҳам ҳамиша айлана ҳаракатда. Келажакни кўзлаган одам утмишни, кечмишни уйлаши, бугунини ростлаши зарур. Келажак утмишдан бошланиши маълум гап. Мустақил давлат пойдеворини тиклар эканмиз, утмишдан, хусусан яқин тарих — жаҳид боболаримиз сабоқларидан ибрат олмаслигимиз мумкин эмас. Улар ибрати қилган ишларида ва айтган сўзларида қолди. Уларнинг миллат гамида айтган сўзлари, дарду изтироблари эса шёр бўлиб, ёлқинли мақолалар, миллий рўмон, ҳикоя бўлиб ва яна «театр рисоалари» деб аталмиш саҳна асарларида қолди.

МАҲМУДХУҶА БЕҲБУДИЙ

ПАДАРКУШ ЁХУД
ЎҚИМАГАН БОЛАНИНГ
ҲОЛИ



*Туркистон маишатидан олинган ибратнамо
3 парда 4 манзара
миллий биринчи фожиадур*



АШХОС-КЕРАК ОДАМЛАР

Б о й — 50 яшар.

Т о ш м у р о д — бойни уғли, ун беш ё 17 яшар.

Д о м л а — янги фикрлик бир мулло, 30-40 яшар.

З и ё л и — (Оврупо либосига) урусча уқуган, миллатчи мусулмон.

Х а й р у л л а — бойни мирзо ва маҳрами, 18-20 яшар.

Т а н г р и қ у л — бойни қотили } муштарак киссалари-га 4 сўм қадар майда керак.

Д а в л а т

Н о р — буз болалар

Л и з а — рус хотуни, кабиҳа шаклинда.

А р т у н — армани майхоначи.

П р и с т у ф — икки политсайский, 2 қаровул, 3 нафар эркак, бойни ҳамсояси.

Б о й б у ч а — бойнинг хотуни, 35-40 яшар.

КЕРАК НИМАРСАЛАР

Бир лаъли шароб, нон, дастурхон.

Чойнак, пиёла, чилим.

Мехмонхонага кераклик гилам, кўрпа-ёстук.

Бойни ётоқ асбоби ва каравот.

Бир калтак, 1 қул кишани, 1 қанаб, 1 хуштак, 1 шиқишқа.

Бир ун шиша сув ва квас.

Беш-олти истақон.

Бир сандуқ.

Бир ҳамён, ичиға пулға ухшаш нимарса.

Бир қатга пичоқ.

Бир таппонча.

Сандуқни очатурган темир асбоб.

Мукамал пристуф либоси, 2 политсайский мукамал либоси, 2 қоровул калтаги.

БИРИНЧИ ПАРДА

Б о й меҳмонхонада ултурар Х ай ру л ла и ла.

Д о м л а (*кирар*) — Ассалом алайкум.

Б о й — Ваалайкум ассалом, марҳамат қилсунлар.
(*Туриб мулоқот қилиб, домлага жой кўрсатиб, ултурар.*)

Д о м л а — Бой давлатини, олло таоло, мундан ҳам зиёда қилгин. (*Фотиҳа қилар.*)

Б о й — Нафас муборак, иншоолло дуолари қабулдур.

Д о м л а — Балс, жума оқшоми дуони қабул вақтидур.

Б о й — Хуш келдилар, тақсир!

Д о м л а — Саломат, саломат. (*Қулини куксига қилиб.*)

Б о й — Хайрулла! Чой ва лаъли келтур.

Х ай ру л ла — Хуп. (*Чой ва лаъли келтурар. Хайрулла чой сузар, алар тановул айлар. Тошмурод кирар, саломсиз, бедабона.*)

Т о ш м у р о д — Ота! Томошага борарман, пул беринг.

Б о й — Уғлум, ким ила борарсан?

Т о ш м у р о д — Турсун акам ила.

Б о й (*кисасидан пул бериб*) — Албатта, вақтлик келинглар ва ёмон жойларга борманглар!

Т о ш м у р о д — Хайр, хайр, хай куб гапирарсиндия. (*Чиқиб кетар. Домла бой ва Тошмуродга бадбинона боқиб, бошини соллар.*)

Б о й — Сузлашиб ултурунг, тақсир!

Д о м л а — Хуб-хуб, бойбачча катта бўлубтур. Худо умр берсун, усули жадида мактабиғами укуйдур ёинки эски мактабга?

Б о й — Иккисига ҳам укумайдур.

Д о м л а — Ўз ҳавлингизда ўқутатургансиз?

Б о й — Йук, йук. Ман уғлумни ўқутмоқга уйлаганим йук.

Д о м л а — Ажойиб, сабаби надурки, ўқутмайсиз? Ваҳоланки, укумоқ қарз ва ҳам илм сабаб иззат дунё ва шарофат охиратдур.

Б о й — Мани хаёлимга дунёни сабаб иззати

бойлик. Охиратга булса, худони қилган тақдири булур. Чунончи, биз курармизки, одамлар бойни мулладан зиёда иззат қиладурлар. Хусусан, мана, банклар кўпайди, катта бойлар чилон булур, ҳар ким чилонларни иззат, ҳатто иши тушатурганлар чилон молини қиймат олур. Азбаски, чилон илтифотга олмагон одамларга банклар пул бермайдурки, сунгра муомаладорлар синиб, майда-майда булур, билдин-гизми?

Д о м л а — Бу сузларингиз ҳозирги замонга маъқул, лекин чилон ва бойларни иззатлари вақтинча ва халқни кузи очилгунчадур. Ҳолбуки, аларни иши тушганлар иззат қилар. Муллани булса, барча халқ иззат қилар, яъни муллони илмини иззат қилинадур.

Б о й — Бизни ҳам бойлигимизни иззат қилинадур. Ҳатто мусулмонлар нари турсун, урус ва арманилар-да иззат қилур.

Д о м л а — Иззатни нари қўйдук. Агарда углингизни уқутсангиз, дафтارينгизни ёзар, намозисини ва мусулмончилигини яхши билар ва ҳам сизга савоб булур.

Б о й — Мирзолик осон, мана Хайруллага ойинда етти сўм берарман, кундузлари мирзолик ва оқшомлари меҳмонхона ишини қилар ва ҳатто келгунча ходими қилар, китоб ҳам уқуб берар.

Д о м л а — Шариат илми ва заруриёт динни билмоқ учун бойваччани уқутмак, албатта, сизга лозимдур.

Б о й — Шариат илмини уқутмак не лозим, чунки ани муфти ё имом ва муаззин қилмоқчи эмасман. Азбаски, давлатим анга етар.

Д о м л а — Заруриёти динияга на дерсиз?

Б о й — Ман узум беш вақт намозни кераклик дуолари ила биларман. Узум ургатурман.

Д о м л а — Хат ва саводга на дерсиз? Ҳолбуки, саводи йўқ одам ҳеч нимага ярамайдур.

Б о й — Бу фикрингиз галат, чунки мани саводим йўқ, бовужуд шул шаҳримизни катта бойларидандурман ва ҳар ишни биларман.

Д о м л а — Сиз илгари замонда бир навъи ила бой булубсиз, аммо энди бой булмақ учун илм керак. Курармизки, йигирма-уттиз йилдан бери барча савдо ишлари армани, яҳудий ва бошқа ажнабийлар қўлига утди. Муни сабаби бизларни уқумоғонимиздур. Уқумаган бойбаччаларни курармизки, ота молини барбод

этар ва охири хору зор булур. Бинобарин, уғлунгизни уқутмакни сизга таклиф қиларман.

Б о й — Ҳой, домла! Сиз манга таҳқиқчими? Уғул маники, давлат маники, сизга нима! Уқутанни бири — сиз, смоқга нонингиз йуқ. Бу ҳолингиз ила манга насиҳат қиларсиз. Хайрулла, меҳмонхонани қулфла, уйқум келди.

(Хайрулла лаъли ва асбобларни жамълаб мунтазир турар).

Д о м л а *(одамларга қараб)* — Уқумак ва мулло булмак учун пул керак. Бадавлатларимизни ҳоли бул. Бас, бу кетиш ила наубилла дунё ва охиратга расво булурмиз. Уқумак барча мусулмонга, эркак ва ё хотун булсун, фарз энди. У қанда қолди! Оҳ, вой бизни ҳолимизга. *(Бойга қараб.)* Бой! Ман сизга амри маъруф этдим ва манга шариат буйунча лозим булган ишни буйнумдан соқит қилдим. Иншоолло, муйлаб чиқариб, алифни таёқ демайтургон уғлунгиз ҳолини кўрармиз. Ва ҳам уқутмаганингиз учун гуноҳкор булурсиз. *(Домла нос чекар.)*

Б о й — Ҳой, домла! Манга насиҳатчи керак йуқ. Безор қилдингиз, *(одамларга қараб)* ишимдан, уйқумдан бу одам мени қолдурадир. Хайрулла! Меҳмонхонани қулфла! *(Домла аразлаб чиқиб кетар, бойни думоғи куйуб ултурар.)*

(Зиёли мусулмон кирар, пальто ва асосини миҳқа кўяр. Бой ола-ола қарар, хоҳламас.)

З и ё л и — Ассалом алайкум.

Б о й *(караҳт ила)* — Ва алайкум ассалом, Хайрулла! Курси келтур. Бу киши ерга ултура олмайдур.

(Келтурар. Зиёли ултуруб папирос чекар.)

З и ё л и — Жаноб бой, сизни кайфсиз кўрарман. Мумкинми сабабини билсам?

Б о й — Бир мулло меҳмон келиб эди, уғлунгни уқутмайсан, деб жуда жонимни олди. Қувлагандек қилиб зурга кутулдим, фақат мушлашмадуг.

З и ё л и — Оҳ-оҳ, қизиқ ва интерсний ҳодиса эмиш. *(Одамларга қараб.)* Бу шаҳарда бойларга амри маъруф қилатурган мулло бор экан, худога шукур. Ул жаноб ҳаққоний домлани топиб, зиёрат қилмак керак, бой афанди! Сизга малол келмасун, ушбу тўғридан мен ҳам сизга қачонлар бир неча сўз айтмоқчи эдим. Ва аммо соати ушбу дақиқага шукуф экан, энди сиздан илтимос қиламанки, биринчи да-

кика манга кулоқ берсангизки, илм нафъи туғрисинда сузлайин.

Б о й (*ола-ола қараб*) — Энди билдим, сиз ҳам углунгни уқут, деб мани қисар экансиз. (*Одамларга қараб*). Буқун чаб қулим ила турганман. Уйламаган ишлар олдидан чиқар. Мазмуни: қордан қутулуб, ёғмурга учраймиз. Хайрулла! Чилим келтур!

(*Тарафайн суқут. Чилим келар. Бой чекар, йуталар.*)

Б о й — Хайрулла!

Х а й р у л л а — Лаббай, тақсир!

Б о й — Жойимни ташла, уйқум келди. (*Ҳамёза торгар.*) Эртага ишлар куб, вақтлик ётмақ керак. (*Яна ҳамёза.*)

Х а й р у л л а — Хуш, тақсир.

З и ё л и (*жиддият ила*) — Бой афанди! Мен сизга дедимки, миллатга кераклик илмлар туғрисинда сузламоқчиман, аммо сиз мани сўзумни эшитмоқга хоҳламайдурганга ухшайсиз! Иккинчи дафъа айтарманки, кулоқ беринг ва бу сузлар сизни ва миллатни нафъидур!

Б о й — Сузингизни жабр ва зур ила эшиттурарсизми? Ва ё мани азоб бермоқгами келдингиз?

З и ё л и — Йуқ, мен асли бошқа иш учун келиб эдим ва лекин илм баҳсини устидан чиқиб қолдим, ушбу сабабли муддаони табдил қилиб, илм туғрисидан сизга баён қилмақни қасд этдим, шоядки, жонобингиздек бойлар миллат болаларини уқутмоқига саъий қилсалар.

Б о й (*халқга қараб*) — Кошки домла ҳикоятини айтмаса эди. Хуб, модомики, қуймайсиз, эртароқ суйлаб тамом қилинг, уйқим келган. (*Ҳамёза.*) Одамлар боласини уқут, дейдур-о.

З и ё л и — Ҳозир янги ва бошқа бир замонадур. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қулидан кетгандек, ахлоқ ва обрӯви ҳам қулдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф булур. Бунинг учун биз, мусулмонларни уқумоқга саъий қилмоқимиз лозимдур. Ваҳолонки, дини шарифимиз ҳар навъ нафълик илм уқумоқни бешиқдан мазоргача бизларга фарз қилгандур. Бу ҳукм — ҳукми шариятдур. Биз, мусулмонларга, алалхусус, бу замонда икки синф уламо керақдур: бири олими диний; дигари олими замоний; олими диний: имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти булуб, халойиқни диний ва ах-

лоқий ва руҳоний ишларини бошқарар, бу синфга киратурган талабалар аввало Туркистонда ва Бухорода илми диний ва адабий ва бир оз русча ўқуб, сунгра Макка, Мадина, Миср ۽ Истамбулда бориб, улуи динийяни хатм қилсалар керак. Токи комил мулла булсунлар. (*Бой мудрайдур.*) Онгладингизми, бой?

Б о й (*бошини кутариб*) — Ҳа, ҳа, айта беринг. Қулоғим сизга.

З и ё л и — Олими замоний булмақ учун болаларни аввало мусулмоний хат ва саводини чиқариб, заруриети динийя ва ўз миллатимиз тилини биладургандан сунгра ҳукуматимизни низомий мактабларинда бермоқ керакдур: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқуб тамом қилганларидан сунг Петербурк, Маскав дорилфунунлариға юбориб, дўқтурлик, зақунчилик, инжирнерлик, судялик, илми тижорат, илми зироат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқутмақ лозимдур. Русия ватанина ва давлатина билфеъл шерик булмақ керакдур. Ва давлат ва мансаблариға кирмақ лозим. Токи маишат ва эҳтиёжи замониямиз туғрисида ватан ва миллат исломға хизмат қилсинса. Ва подшоҳлик мансаблариға кириб, мусулмонларға нафъ еткурулса ва ҳам давлати Русияға шерик булинса, ҳаттоки шул тариқа ўқуган мусулмон болаларини Фарангизстон, Амрика ва Истамбул дорилфунунлариға тажриба учун йибормақ керакдур. Ҳазрати пайғамбаримиз: илм Хитойға ҳам булса талаб қилингиз, демадибларму? (*Бой уйқуда*). Бул ишлар булмаса, магар пул ила ва сиздек катта бойларни ҳиммати ила, чунончи, Кафказ, Урунбурк ва Қозон мусулмонларини бой ва аҳли хайриети илм йулиға қуб пуллар сарф этарлар ва камбағал болаларини ўқутдурарлар. (*Бойға қараб.*) Албатта, сузларимға тушунгансиз, жаноб бой! Бой! Бобо бой!

Б о й (*мудрайдур; бош кутариб, эснаб.*) — Ҳа, ҳа.

З и ё л и — Алоҳо, биз Туркистон халқиға бир ямон одат борки, бир киши русча ўқуб, подшоҳлик ишиға кириб, расмий фурма кийса, они айб қиладурлар. Ё бир мусулмон боласи низомий мактаб фурма-сида юрса, масхара қиладурлар. Агар извошчик ва ё қаро меҳнаткаш булуб, оврупойиларни эски либосини кийса ва ё жавонбача булуб, уюнчилар либосини кийса, ҳеч ким бир нима демайдурки, бул камоли нодонлик ва дунёдан хабарсизликдур. Шундай эмасму, амаки бой?!

Б о й (ултирган еридан бир тарафга оғиб ётиб) —
Хур-хур-хуро-хуро...

З и ё л и — Илоҳо, худоё! Уммати исломияга,
хусусан биз, туркистонлиларга раҳминг келсун.
(Руймоли ила куз ёшини артиб, чиқиб кетар.)

(П а р д а э н а р)

ИККИНЧИ ПАРДА

Пивахона манзараси: бойбача ила уч нафар ултурарлар.

Т а н г р и қ у л — Бу оқшом билмайман, нима
учун ичкилик мани тишламайдур. Намоздигардан бе-
ри бир дюжина шишани бушатдим. Даъюсни пиваси
қулогимни қизитмади. Тулдур, ичайлук!

(Нор қадаҳларни тулдурар.)

Х а м м а с и — Тошмуродбойбачани саломатлиги-
га, ура! Ура! Ура!

(Ичарлар.)

Д а в л а т — Журалар! Майни ичтим, энди ёдимга
Лизахон тушди. Оҳ, Лизажон!

Х а м м а с и — Оҳ, Лизажон, вой, Лизажон,
қайдасан!

Н о р — Золим фалак фироқиға куйдирди мани.
Биллоки, келмаса бумийди.

Д а в л а т — Бу дарду бедод ила ҳеч нима булмас.
Хужайинни чақирармиз. Отам улди базм қилармиз.

Н о р — Қулингини бер эй, номард, тобтинг (қу-
лини сиқар), булди.

Д а в л а т — Ой, тутабрут, Тангриқул! Даминг
чиқмайдур. Шунча одам сүзини угурлаб ултурарсан.
Эрга навбат — шерга навбат. Габ бериб ултур ё бу
одамларни писанд қилмайсанми? Бизларни ҳам ёни-
мизга беш тангалик ақчамиз бор. Жура! Бу мастлик —
ростликдур. Қувогингни очиб ултур.

Т а н г р и қ у л — Журалар! Сизлардан яширатур-
ган сүзимиз йуқ. Тугрисини десам, майни ичтим, қу-
логим қизиган; сан Лиза дединг, энди ўзум шунда
булсам-да, ҳушум Лизага; то Лизани келтурмасанг, ма-
ни гапуртуролмайсан. Аммо габ келтурганинга. Дав-
лат зўр!

Д а в л а т — Гам ема, муддаонг Лиза булса, шул
замон ёнинга қурарсан, келмасами? Бошини оларман.

Н о р — Бойбача — баришнага таъбингиз борми?

Т о ш м у р о д — Майли, одам юборинглар, ба:
қизисун.

Т а н г р и қ у л — Габ, габ ила вақтни утказарси
лар. Буюратурган булсанглар — буюринглар. Эртаре
келсун, кайф қилайлук.

*(Давлат қунғироқ чалар. Артун армани майхонач,
кирар.)*

А р т у н — Нима дейсан?

Д а в л а т — Лизага бировни буюр, келсун!

А р т у н — Бунда?

Д а в л а т — Ҳа, мунда келтурмасдан, мозоргам:
кестурадинг?

А р т у н — Извинит қиласан, сурушдум-да.

Д а в л а т — Бул, бул. Бировни юбор.

А р т у н — Бох, на вор қиларсан! Лиза бана
демишки, ун беш манотсиз бана киши гундурма! Ҳа
ун беш манат-да ва файтун пули-да вергилин, Нико
лайи гундурайим. Лиза улмаса, бошқасин гутурсен,
кайфингни чек.

Д а в л а т — Аввал келтуруб, сунгра пулни олсанг,
булмасми?

А р т у н — Давлат зур! Бан сана демишки, Лиза
перут оқча олмайинча келмас, бана на! Сан узунг
биларсанки, уговар қизи банимки дегил?

*(Мастлар бир-бирлариға хайрон қарарлар, киссалари-
ға қул соладурлар.)*

Т а н г р и қ у л — Ортун! Бир оз тухта, пул
бсарармиз.

А р т у н — Бош устина ҳозирам. *(Чиқар. Жура-
ларни кайфлари учуб, сукут этарлар).*

Д а в л а т — Суз, ичайлик.

(Нор сузиб, қуяр.)

Т а н г р и қ у л — Пулни пешаги талаб қилгани
ишни белини синдурди.

Д а в л а т — Иш аксига олса, шундай булур.
Пулларинг борми? Ҳаммаларинг чиқаринг.

(Ҳаммаси чиқарар, Давлат санар. Беш сумга етмас.)

Д а в л а т — Буминан ҳеч нима булмас, бир
иложини тобмоқ керак.

Н о р *(тамасхур ила)* — Ой, бойбача! Бизлар-ку
камбагал, сизга нима! Кисангиздан пул чикмайдур.
Ана, бойбачани шакли. *(Қули ила курсатар.)*

Д а в л а т — Парво қилма, Нор! Ман бир нимарса
уйлардим. Агар бойбача кунса.

Т а н г р и қ у л — Нима экан? Нима?

Д а в л а т — Тухта, нима эканлигини биларсан. Аввал бойбачани саломатликига ичайлук. *(Тангриқул сузар, ичарлар бойбачани саломатликига.)* Бойбача! Бу кечадек чаҳоршанба саври ойда йилда бир булар ё йук, бир кеча минг кеча булмас, агар қабул қилсангиз, Тангриқулни сизга қушарман. Бирга бориб, отангизни сандуқини кўрсатурсиз. Бошқа ишни Тангриқул бажарадур.

Т о ш м у р о д — Тангриқул ака, борарсизми?

Т а н г р и қ у л — Улфатлар буюрса, у дунёга борарман. У-ку сизни ҳавлингиз.

Д а в л а т — Сан нима дерсан, Нор?

Н о р — Мен ҳам қўбни бири, бор десанг, борарман.

Д а в л а т — Йук, иккови бас, курганлар бадгумон булмасун. Букунни эртаси бор.

Н о р — Бойбача! Отангиз сандуқининг жойини биларсизми?

Т о ш м у р о д — Отамни ётатурган уйинда.

Д а в л а т — Ётатурган уйини неча эшики бор?

Т о ш м у р о д — Уч.

Д а в л а т — Қайси эшикдан кирарсизлар?

Т о ш м у р о д — Эшикни бири онамни уйиндан очилур; ман кириб ҳавли тарафдаги эшикни очарман, сунгра Тангриқул акам кирар.

Д а в л а т — Боракалла! Илгари ҳам угурлуқ қилганга ухшайсиз. Нор, Тулдур, ичайлук. *(Нор тулдурар, ичарлар. Тангриқул ва Тошмуродга қараб.)* Энди боратургансизлар?

Т а н г р и қ у л — Албатта, бормай нима булбдур.

(Давлат тапончасини бойбачага берар. Нор этик соқидан пичоқни олиб, Тангриқулга берар. Алар эҳтиёт қилиб турарлар.)

Д а в л а т *(иккисига қараб.)* — Йул булсун, ботирлар?

Т а н г р и қ у л — Олгани.

(Давлат, Тангриқулни бир четга олиб, ишорат ва хуфия маълумот ва амр берар.)

Н о р — Омин олло.

Ҳ а м м а с и . Олло акбар

(Давлат фотиҳа берар.)

(Тангриқул ва Тошмурод чиқар. Давлат ва Нор ичар ва уқур.)

(Парда энар)

УЧИНЧИ ПАРДА

Одат буйича Б о й етар каравот устига уйқуда; уйни бир тарафига сандуқ. Тошмурод бир эшикдан оҳисталик ила кирар, бу тараф — у тарафга қараб, бошқа бир эшикни очар ва бир четга турар.

Т а н г р и қ у л кирар, қулига калид ва темур асбоб, белига пичоқ; сандуқ тарафига бориб, калид солар. Сандуқ очилмас, Тошмуродга қарайдур. Ишорат ила маслаҳат сурайдур. Тошмурод сандуқни темур асбоб ила синдурмоқга амр берар.

Тангрикул темур асбоб ила сандуқни синдурар. Сандуқни овози ила Бой уйғонур.

Б о й (чуп-чуп турар, калтакни олиб). — Вой-вой!!!
(Тангрикулга қараб югурар.)

Тошмурод калтакни келиб ушлар.)

(Тангрикул пичоқ ила бойни қултуғига урар.)

Б о й (тарақлаб йиқилар). — Вой, жоним! (Жон узар. Типирлар, хириллар.)

(Тангрикул сандуқдан танга халтасини кутарар. Пичоқ ва темур асбобни узига беркитар. Ташқаридан бир неча одам товуши эшитилур.)

О д а м л а р — Нима габ, биров дод деди.

(Бир неча эркак ила бой хотуни кирарлар. Тангрикул ила Тошмуродни курашлар.)

Т а н г р и қ у л — Тошмурод, от!

(Тошмурод ҳавога таппонча отар, қочарлар ва ҳозир кишиларга салоҳ курсатиб.)

Б о й б у ч а — Вой, золим дастидан, бу қандай кун эди, вой, дод-ей! (Чапак чалар... Бой устига узини ташлар, юзу сочинни юлар.) Ҳей, жувонмарг Тошмурод! Қон қус, қошки чечакга кетайдинг. Ҳай, падаркуш Тошмурод. Вой, дод-с-й!

Д о м л а (кирар). — Онажон! Сизга сабрдан бошқа чора йуқ. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб жаҳолат ва нодонликдур. Беилмлиқ ва тарбиясизликдур. Уйингизни нодонлик бузди. Сизни беилмлиқ хонавайрон қилди. Уғлунгизни беилмлиқ Сибирга, жонингиздан азиз фарзандинузни тарбиясизлик балоси сиздан умрий ажратадур. Болангизни отаси тарбия этмади, укутмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар йулдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат булдингиз.

Б о й б у ч а (тулганиб.) — Эй, вой, вой, болам. Вой, бойим, оҳ вой-й-й-й.

Д о м л а — Бойингиз-да маслаҳатга қулоқ солмади. Ва охири ушбу ямон ҳодиса пайдо булди. Энди сизга аччиғ сабрдан бошқа илож йуқдур, онажон! Олло сизга сабр берсун!

Б о й б у ч а (*камоли бетоқатлик илан оҳ вовайло этар*). — Дод, вой, болам. Вой, бойим. Иккисидан ҳам айрилдим. Эримни мозорга, боламни Сибирга юборарлар. Вой, вой, вой-й-й.

(Парда энар)

ТҲРТИНЧИ МАНЗАРА

Иккинчисининг айни, майхона.

Н о р, Д а в л а т ичиб, ашула айтиб ултурар. Тангриқул ва Тошмурод пишиб-хориб кирар, таптонча ва қонлик пичоқни бир четда ташлар, ҳаминни чиқариб, устал устида отар, ултурарлар.)

Т а н г р и қ у л — Чилим келтур, ой!

(*А р т у н чилим келтурар, чекарлар. Артун кетар.*
Тангриқул Давлатни бир тарафга олиб, хуфия, бўлган ишларни суйлар, ишоратлар қилар. Давлат Бскора, деб хуфия суйлаб, ишорат ила хотиржамъ қилдурар.)

Д а в л а т (*ҳаминни очиб куруб, суюнар. Тангриқул ва Тошмуродни слкасига қоқар*) — Боракалла, боракалла.

(*Занг чалар, А р т у н кирар*).

А р т у н — На буюарсиз?

Д а в л а т — Ма, пулни ол, тезлик илан Лизани келтур.

А р т у н — Бош устина. Ҳозир келур. (*Пулни олар, ичарлар.*)

Л и з а (*кирар*) — Добри вечерим! (*Ҳаммасила курушар.*)

Д а в л а т — Ис приездим, испасиба, прихал.

Л и з а — Мерси. (*Ултурар.*)

Д а в л а т — Суз! Лизани саломатликига.

Н о р (*сузар, чуқунтуруб*) — Лизани саломатликига, ура, ура (*ичарлар*).

(*Давлат, Нор ашула уқур. Ташқаридан хуштак садоси келар. Оёқ товушлари эшитилур. Мажлисдагилар саросима, ҳайрон булурлар. Салоҳлик политсаяс-кийлар, пристуф, қаровуллар босиб кирарлар. Лиза қочар.*)

(*Политса тўрт нафарни ушлар, баъзиси мужримларни ва ҳар тарафни ахтарар. Қонлик пичоқ ва тапончани топар. Тапончани пристуфга тобшулар. Искаб курар ва уқини бушатар.*)

(*Тангриқул ва Тошмурод қочар. Қаровуллар ушлар.*)

(Тошмурод йиглар, хунгир-хунгир, бетоқат булур.)
(Приступф ишорат қилур. Қул кишани келтуруб,
Тангриқул ва Тошмуродға урарлар. Бошқа иккисини
қули боғланур.)

(Гуноҳкор ва қаровулларни саф қилдурур.)

З и ё л и (кирар. Гуноҳкорга қараб афсус қилар.
Одамларга қараб) — Илм ва тарбиясиз болаларни
оқибати шулдур. Агарда буларни отаси уқутсайди, бу
жиноят ва падарқушлик алардан содир булмас эди ва
булар ичкиликни буйла ичмасди, хун бағир ҳақ қил-
мас эди. Умри борича Сибир ва бандга ва қиёматга,
жаҳаннамга қолмас эди. Агарда булар ичмаса эди,
дунё ва охиратда альёулабад азоб ва меҳнатда қолмас
эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни улдурган ва йигитларни азо-
би абадийга гирифтор қилган беилмлиқдур. Бизларни
хонавайрон бачагирён ва беватан ва банди қилган
тарбиясизлик ва жаҳолатдур, беватанлик, дарбадар-
лик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар ҳама илм-
сизлик ва бетарбияликни меваси, натижасидур. Дунё-
га тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий
қилади. Асир ва забун булганлар-да беилмлиқдан. Мо-
домики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни уқут-
маймиз, бул тариқа ямон ҳодисалар ва бадбахтликлар
орамизда доимо ҳукмфармо булса керак. Бу ишларни
йуқ булмоқиға уқумақ ва уқутмақдан бошқа илож
йуқдур. Олло таоло бошқаларга чашми ибрат ва сиз-
ларга сабр бергай.

П р и с т у ф (амирона) — Ҳайда, турма, марш!
(Жуналадур.)

(Парда энар)

Т а м о м

НУСРАТУЛЛА
ҚУДРАТИЛЛА
ҲОЖИ МУЎИН
ШУКРУЛЛА

ТЎЙ



*Туркистон маишатидан олинган
4 парда ва 4 манзаралик театр рисоласи*



КЕРАКЛИК АШХОС АСБОБИ:

Б о й — 50 яшар.

А б д у л а ҳ а д — бойнинг маҳрами, 20 ёшда.

И м о м — 30 ёшда, бир оз басир тиллик, аҳли илм.

О қ с о қ о л — бой маҳалласининг элликбошиси, 50 ёшда.

Б о б о Х и т о б — буз болаларнинг бобоси, 40 ёшда.

Э ш н а з а р — кубкоритозларнинг бобоси, 35 ёшда.

Х и д и р б о й — бойнинг жураси, 60 ёшда.

Ҳ о ж и б о й — бой маҳалласидан бир муйсафид, 80 ёшда.

М и р з о — банкнинг хизматкори, 25 ёшда.

Ж у в о н — 16 ёшда.

А ш у л а ч и — жувоннинг ҳамроҳи, 25 ёшда.

Б о й б а ч а — бойнинг хатни қилинадургон угли, 12 ёшда.

Г а д о й — 60 ёшларда, кийимлари йиртиқ, ифлос, тиланчи.

О р з и қ у л — 25 ёшда, жуда ғаюр, буз бола.

Ў л м а с — 25 ёшда, шурапушт олуфта.

Т е ш а — 20 ёшларда, буз болаларнинг жураси.

Меҳмонхона ашёси: гилам, кўрпача, дастурхон, сочик.

Туй лавозими: 3 лаъли ширавор, 16 дона нон, чойнак-пиёла, 3 табақ ош, 8 калла қанд, 8 тун.

Базмга кераклик нарсалар: бир тоғора, 3-4 шиша мусалласга ухшаган нарса, 3-4 дона 3 сўмлик қоғоз, пичоқ.

Дукон ашёси: 3-4 туп ҳар хил чит, галадон, 5-6 тангалик майда пул, дафтар.

Судибний пристуф кийуми, полиска либоси.

БИРИНЧИ ПАРДА

«МАСЛАҲАТ ОШИ»

Парда кутарилганда, меҳмонхона манзараси куринур. Меҳмонхонада туй қиладургон бой ила маҳрами ҳам маҳалла имоми ва оқсоқоли чой ичишуб ултурарлар.

Б о й (*қичқирар*) — Абдулаҳад!

А б д у л а ҳ а д — Лаббе.

Б о й — Дарров бориб, маҳалла буз болаларини каттаси Бобо Хитоб купкоритоз Эшназар ҳам Хидирбой журам ила Ҳожи бобони чақириб кел. Туйнинг маслаҳатини қилармиз.

А б д у л а ҳ а д — Хуб, жоним билан. (*Чиқиб кетар.*)

(Бир оз фурсатдан сунг тайинланган одамларни бирга олиб кирар. Меҳмонхонада утурганларнинг ҳаммаси урунларидан турарлар.)

Б о й — Марҳамат. Марҳамат. (*Жой курсатар, булар «Сиз утунг!» дсб бир-бировларини қул ва этакларидан тортишув утурарлар.*)

Д о м л а (*қул кутариб фотиҳа уқур*) — Худованди карим бойимизни катта туйларга еткурсун!

М е ҳ м о н л а р — Олло акбар. (*Қулларини юзларига суртарлар.*)

Б о й — Иншоолло, дуолари қабулдур.

Д о м л а — Албатта! Уч кишидан зиёда бир мажлисда қилинган дуони худо қабул қилур эмиш, дсб куб катта муътабар эски китобларга ёзилгандур.

Б о й — Ҳа! Албатта, ҳеч шак йук, азизлардан ургулай. Алардан ҳеч гап қолган йук. Ҳаммасини китобларга ёзиб кетгандурлар. (*Урнидан туруб.*) Ҳаммалари хуш келубдурлар!

М е ҳ м о н л а р (*нимзех булуб ва қулларини куксиларига куюб*) — Саломат, саломат!

Б о й (*қичқирар*) — Абдулаҳад!

А б д у л а ҳ а д — Лаббе, хуш! (*Эшиқдан кирар.*)

Б о й — Дастурхон кетур, чой ва лаъли олиб кел!

А б д у л а ҳ а д — Хуш. (*Ҳаммасини кестуруб қуяр. Бобо Хитоб чойни олиб сузар. Алар нон ва ширавордан тановул қилурлар.*)

Б о й (*меҳмонларга қараб*) — Худога шукур, қулба-чаларингиз катта бўлубдур. Шул ойда хатна туйини қилуб, буйнумиздан соқит қилайлук, деб уйлаб туруб-миз. Нима маслаҳат берасизлар?

Д о м л а (*бойга қараб*) — Ҳе, ҳе, муборак булсун. Худо ҳамма бандасиға шундай кунларни насиб қилсун!

Б о й — Худой хайр, муборак қилсун.

О қ с о қ о л — Бой бобо! На тариқа туй қилмоқчимиз? Кичикроқ, камбағалворми? Ёки овоза чиқаратургон бой зебми?

Б о й — Ушбу туғруда бирон маслаҳат беринглар, деб сизларни чақирдим. Ҳар нима булса, сизлар маҳаллани каттакони, шаҳримизнинг урф-расмини биласизлар. Маним ихтиёрим сизларгадур. Баҳарҳол бир маслаҳат берингларки, бошқа бой жураларимиз айб қилмайтургон туй булсун. Агар мумкин булса, бизники аларникидан ҳам бир парда зиёд булсун.

О қ с о қ о л — Албатта, ман маҳалла тарафидан тайинланган элликбошидурман. Шаҳарни ҳар гушасида туй ва ё аза булса, боруб бир ун қадоқлик қанд ёки бир газлик йиртиш олуб юргандурман. Сиз ушбу маҳаллада катта бой бўлуб туруб, агар кичкина туй қилсангиз, халойиқ айтадурки, фалончи бойни курдунгларми? Кичкина туй қилуб, бизларга қанд бермади. Ваҳоланки, ушал бойнинг маҳалласидаги оқсоқоли бизни туйларимиздан то бир ун қадоқлик қанд олмагунча кетмас эди. Дарвоқе, шундайдур. Агар катта туй берсангиз, бойлигингиз маълум булуб, овозангиз чиқар. Ва ҳам бизни обрўйимизни оласиз. Шундай эмасми, жаноб бой?

Б о й — Боракалла, оқсоқол! Худ кунглумдагича маслаҳат бердингиз-о, раҳмат! Хайр, сизники-ку маъқул, (*домлага қараб*) жаноб домла, тақсир! Сиз нима маслаҳат берасиз?

Д о м л а — Бой амак! Оқсоқолни сузларидан маълум булдики, туйингиз жудо катта ҳам овозалик булур экан. Худо ёмон кўздан сақласун, бул туйингизга жаноб қози, муфти, мударрис ва катта уламоларни таклиф қилуб, бир донадан яхши заррин тунлардан бермоқингиз лозимдур. Чунки, «Уламо варасаи анбиъ», демишлар. Уламони иззат қилсангиз, пайгамбарни иззат қилгандек буласиз ва ҳам бу эҳсонингиз абас кетмас, сизга дастгири охират булур.

Б о й — Ҳа, тақсир, рост дейсиз! Охиратни нари

қуяйлук. Бу ишимизни бу дунёда ҳам қанча манфаати борлиги маълумдур. Чунончи, бизни одамлар устига қуюб ёткан насияларимиз ҳам жуда куб. Насияхурлар ила қозихонада мурофия ва жанжал қилишганимизда, қози ва муфтиларимизнинг бизнинг нафъимизга ҳаракат қилишлари мумкин булур. Булардан бошқалари кучада туғри келганда, манга таъзим қилуб салом берурлар. (*Табассум қилуб*). Ана, муни куруб баъзи одамлар: «Бой жуда муътабар одам булган экан», деб гумон қилурлар.

Д о м л а — Албатта, бой бобо! Агар жанобингизга малол келмаса, яна бир маслаҳат бермоқчи эдим.

Б о й — Йуқ, йуқ, асло малол келмайдур, гапураверинг. Сиздек катта уламони маслаҳатиға қулоқ солмасак, кимни маслаҳатиға қулоқ соламиз, тақсир?

Д о м л а — Туй — худони хазинаси, дерлар. Яъни, худони хазинасидан ҳар қанча олинса, кам булмайдур. Ҳозир сиз гуё худонинг хазинаси устиға утурубсиз. Ана шундай ғанимат вақтда мадраса, масжид, мазорлар, хонақоҳларда тупроқ ялаб ётгон бечора толибул илм муллабаччаларға ҳам ушал уч сумлик арзон баҳо тунлардан инъом қилсангиз, хайрингиз ниҳоятда урунли булуб тушар эди.

Б о й — Уху! Сизни маслаҳатингизга қарасак, қучаларға ишсиз, фақат оти «уқуймиз» деб юрганларга тун бермоқ лозим экан-да! Тақсир! Биз бу йил боғимизга тун экканимиз йуқ. Тун ила деҳқончилик ҳам қилмаймиз. (*Одамларга қараб.*) Тун, тун, тун, индамай турсам, гадойларға ҳам тун бер, дейдур-о! (*Домлага қараб.*) Хайр, тақсир! Сизни бу сузингиз ҳам бутун синмасун. Сизнинг хотирингиз учун ушал айткон муллабаччаларингизни баъзи одамшавандасиға 8 тангалик тунлардан берамиз. Ҳеч ишимиз тушмаса ҳам майли-да!

Д о м л а (*қулини куксиға қилуб*) — Қуллук, қуллук, қуллук. Сизни бу хизматингизга ушал муллабаччалар тарафидан ташаккур қиламан.

Б о й (*Бобо Хитобга қараб*) — Оқсоқол ила домлани берган маслаҳатлари тамом бўлди-ку, энди сиз нима дейсиз, Бобо Хитоб?

Б о б о Х и т о б — Оқсоқолни маслаҳатлари тузук, домланикини қуяверинг. Ушал нафи тегмайдургон муллабаччаларға берилатургон тунларнинг пулиға уз маҳалламизни буз болалариға базм ва майхурлик қилуб берсангиз, яхши эмасму? Мани хаё-

лимға буз болаларимизни кунглини топсангиз, узингизга ҳам яхши булур. Чунончи, кечаларда угрилардан курқмасдан бахузур тинчгина етарсиз; узингиз еки бола-чақаларингиз улганда, буз болалар улукларингизни кутарарлар. Булардан бошқа ҳам бошингизга иш тушканда, масалан, бирав ила урушканингизда еки угулларингизга бирон олуфта емон куз ила қараганда, буз болаларимиз тарафингизни олуб, сизни ҳимоя қиларлар. Ана, бой бобо! Мани берган маслаҳатимни сизга 72 жихатдан фойдаси бор!

Б о й — Сизнинг сүзингиз ҳам тузук-ку-я, лекин домлаимизни кунгли қолмасин, деймиз-да! Домлаимиз ҳам бизга кераклик одам, чунки, улсак, жанозамизни укурлар ва ҳам пешнаомозимиздурлар. (*Домлага қараб.*) Тақсир! Сиздан бир масала сұрайман: шул майхурликни китобларга нима деб езган булсалар?

Д о м л а — Яхши масаладан сұрадингиз, бой бобо! Сиз сұрамаганда ҳам ҳозир бу мажлисда сүзни мавқеи келган учун бу тугруда шаръий масалаларни баён қилуб, тўйингизда буладургон базм ва майхурликни манъ қилмоқчи эдим. Бизнинг шариати исломияда фоҳишабозлик ҳаром булганидек, жувонбозлик ҳам мутлақ ҳаромдур. Майхурликнинг ҳаромлигини баён қилмоқ ҳожат ҳам эмас. Чунки бунинг ҳаромлиги ҳаммага маълумдур. Ҳар ким ҳаром ишни қилса, тонгла қиёматда мустаҳиқ алоб буладур. (*Бойга қараб.*) Албатта, мундай базм-мазмни тўйингизга йул берманг, бой бобо! Мунга исроф қилинатургон ақчангизни мактаб йулига еки камбағал муллабаччаларга хайрот қилсангиз, яхши булмасми?

Б о б о Х и т о б (*аччиғланиб, домлага қараб*) — Тақсир, нима дейсиз? Базм ва майхурлик, ҳаром, дейсизми? Бизлар қирқга кириб, ҳалигача бу ишларнинг ҳаромлигини ҳеч уламодан эшитканимиз йуқ эди. Ҳақто бу ишларни Бухоро қози калони ҳам манъ қилмайдур. Энди сиздака нима есирак муллалар манъ қиласизларми? Эҳтимолки, сиз ҳам янги чиққан жадидчилардан булсангиз.

Д о м л а — Йуқ-э! Ман жадид-падидни билмайман, аз рўйи шариат тугрисини айтдим-да. Энди хоҳ қилинг, хоҳ қилманг. Ман уз вазифамни буйнумдан соқит қилдим.

Б о б о Х и т о б — Ҳа! Тақсиржон! Ман сизни муддаоингизни биламан. «Дарди кампир — гоза», дерлар. Сизни ҳам дардингиз тунда! (*Жойидан туруб,*

аччиглануб.) Куб яхши, ана ман ҳозир боруб буз бола-ларга: базм ва майхурликни бой қабул қилди, аммо домла имомимиз бу иш шаръий эмас, деб қуймади, дейман. Алар бу сўзни эшитуб, албатта, сизни имоматчиликдан бекор қиларлар.

Д о м л а (*қурқуб*) — Йук, йук, боруб мундоқ деман-э! Утурунг жойингизга, утурунг! Биз билмасдан сузлабмиз. Тавба қилдук, минбаъд мундай демаймиз-э, эшон бобо! (*Бойга қараб.*) Бой бобо! Энди бизга ижозат беринг, хуфтоннинг вақти ҳам булди, масжидга боруб, қавмимизни намозини уқуб берайлук. Худо хоҳласа, яна туйга келуб, хизмат қиламиз. (*Фотиҳа уқуб, чикиб кетар. Ҳеч ким урнидан турмас.*)

Б о б о Х и т о б (*домланинг орқасидан ола-ола қараб, сунгра юзини бойга қилиб*) — Бой амаки! Домла имомингизни берган маслаҳатини курдингизми? Агар бу гоҳ домлани сузиға кириб, базм қилиб бермасангиз, ҳаммадан айрилиб, беобру буласиз. Туйингизга маҳаллангиз кирмайдур. Қайси кун қулогимга чалинди: буз болалар айтар эмишларки, «Агар бой туйига базм ва майхурлик қилуб бермаса, бойни маҳалладан чиқаруб, туйига бормаймиз. Улса, уликини ҳам кутармаймиз». Дарвоқе, маним курсатган маслаҳатимга қараб иш қилмасангиз, маъракадан сунгра, эҳтимолки, бошингизга ёмон ҳодисалар пайдо булса, бой, бой амаки!

О қ с о қ о л (*ҳам бойга қараб*) — Албатта, албатта. Бобо Хитобни сузлари тугри. Сизга неча жиҳатдан фойдаси бор! Хоҳ букун, хоҳ бошқа кун ҳеч вақт сизни ишингиз маҳалласиз битмайдур. То шуларга риоя қилуб, қулларига нухтангизни бермасангиз булмайдур.

Б о й — Сизни сузингизга қараганда, биз эшак булуб нухтамизни буларга берар эканмиз-да. Эй бале-э, оқсоқол! (*Ҳаммалари кулишарлар.*)

О қ с о қ о л — Худо қилмасун, шухийлик қиламиз-да! Мундай хурсандлик кунларда (*қули ила курсатуб*) шулар ҳар нима қилса ҳам, майли, зарари йук.

Б о й — Ҳа! Худога шукур, яхши ва некбахт бандалардан эканмизки, шундай кунларга етдук. Энди шулар ҳар нима қилса ҳам, шукур қиламиз. Хуб, Бобо Хитобники ҳам маъқул. (*Эшназарга қараб.*) Эмди сиз гапуринг-э, Эшназарбой, қани, сиз нима маслаҳат берасиз?

Э ш н а з а р — Бизни десангиз, ота! (*Қули билан курсатуб.*) Бу томони Шаҳрихонгача боруб улоқ чоп-

қанмиз. Хайр, бу Шахрисабз, Бухоро, Каттақургон, Карминаларда булса, бизни қулимиздан улоғ чопмаган кубкори қолган йуқ, десак, шу нонингиз урсун, ишонингиз, ёлгон эмас. Ҳамма чоғондозлар мани фалончи бойни чоғандози, деб биларлар. Бу туйингизни овозасини эшитуб, албатта, ҳаммалари келарлар. Бизларни тарафларимизга мундоқча катта туйлар улоқсиз булмайду. Воқсан улоқсиз туй туй ҳам эмас-да, бой отажон! Сиз бу туйингизда ҳеч булмаганда, уч кун жудо катта дангиллаган кубкори берсангиз керак. Тўдадан улоқ олиб чиқаратургон чоғандозларга лоақал туя, от, эшак, жуда хасислик қилганда, тўн бермоқингиз лозим. Ҳа! Охир бечора чоғандозларни ҳам думоги чоғ булуб кетсун-да! Сизни давлатингиздан кам қиладими? Яна муни устига овозангиз чиқади. Обруй пайдо қиласиз.

Б о й (суюниб) — Ҳа, агар туйимга шундай кубкори берсам, овозам ҳали бу дунёни қуйунг, у дунёга кетадур-ку-я, лекин шу чоғандозларни улоғ олуб чопганда, «Ху, қизини», деб сукуб юборгани ёмон-да!! Майлими, Эшназарбой!

Э ш н а з а р (кулуб) — Э, бой ота! Содда экансиз, уша кун ўзингиз ҳавлида ўтурунг. Кубкориға боруб ҳам нима қиласиз? Хизмат булса, бизлар қиламиз. Асло парво қилманг! Уларни сукканини ўзингиз эшитмасангиз булгани. Одамлар катта-катта кишиларни орқасидан сукарлар, ҳали бизу сиз-ку!

Б о й — Воқсан рост дейсан, Эшназар углум! Биз ҳавлида чоғандозларни ҳақиға дуо қилуб утурармиз. Илоҳи, худони ўзи сақласун-ку, лекин мабодо биронтаси отдан йиқилуб буйни синмаса, туйим азага айланмаса, деб қурқаман.

О қ с о қ о л (бойга қараб) — Э! Иншоолло, ҳеч офат йуқ. Биласизми, бой бобо! Кубкоритозларни пири жуда зур! Хайр, бирон касофат булуб 3—4 таси улганга ҳам нима? Улса, ўз ажали билан уладурди-я. Сизни кубкорингиз улдурадими? Ваҳоланки, ажали етмаган одам минордан ҳам йиқилса, улмайду, дейлар.

Б о й — Рост, рост. (*Эшназарга қараб.*) Қандингни е-э, Эшназар, берган маслаҳатинг билан! Сани шунча мийанг бор экан-у, мани хабарим йуқ-а!! (*Кулишарлар. Хидирбой журасиға қараб.*) Сиз муғамбирлик қилиб бизларнинг сўзимизни ўғурлаб утурубсиз-а! Эмди маслаҳат сизга, нима дейсиз? Охий, суйлашуб утурунг, жура!

Х и д и р б о й — Маслаҳатчиларингизни берган маслаҳатларини ҳаммаси жойига тушти-ку! Аммо ма-ни ҳаслимга ҳалиям бир камчилиги бор, агар бемалол булса, айтар эдим.

Б о й (*таажжуб ва табассум қилуб*) — Утган ма-шойихлар айтган эканларки, «Маслаҳатлик тун қисқа келмас»; ман сизларни маслаҳат ошига чақирганим-дан муддаом туйим камчиликсиз булсун эди! Икки соатдан бери маслаҳатлашуб утурубмиз. Ҳалиям кам-чилиги бор экан-да? Хайр, қани гапурунг, бу азизлар билмаган камчилиги қасрда экан?

Х и д и р б о й — Жура! Бу улуг туйингизни биз майда шаҳримизни жувонлари ярамайдур, туғрисини айтсам, шаҳримизда яхши жувон ҳам қолган йуқ. У, бизу сиз, буз болалик вақтимизда базм қиладургон яхши жувонларни ҳозирги жувонлар тушларида ҳам курулмайлар. (*Бошини соллаб, қули ила тиззасига уруб.*) Хайф, шундай замонлар утиб кетди-я! Лекин, жура, ушал вақтларда бизларга ҳазрат Хизир қараган экан-да! (*Яна бошини соллаб, бир оз уйлаб тургандан сунг.*) Ҳали ман туйингизни бир камчилигини айтмоқ-чи эдимо. Суздан сўз чиқиб, шунча гапуруб кетубмизу хабаримиз йуқ. (*Еқасини ушлаб.*) Э, тавба! Одам қариса, лаққа булур, дерлар. Воқсан биз ҳам лаққи бу-лубмиз... (*Ҳаммалари бир-бирига қараб табассум қи-лурлар.*) Эшитаманки, Бухоро, Тошканд ва Фарғона тарафлариға бир қултум ҳаром сув билан ичатурган жуда паричеҳра жувонлар бор экан. Ана уша жувон-лардан 5—6 тасини тилигром билан чақириб кетур-сангиз, шу базмингиз ҳам базмжон булади-да, жура! Шу икки кунлик дунёда бизу сиз яна шундоқ кунлар-ни курамиз ё йуқ. Дам ганимат — дийдор ганимат. Шу вақтда кунглингизда ҳар қанча орзу-ҳавас булса, қилиб куйганингиз яхши.

Б о й — Э, офарин ақлингизга, жура! Туғрисини десам, булар берган маслаҳатлари бир тараф, якка узингиздики бир тараф булди-эй!

Х и д и р б о й (*жуда хурсанд булуб*) — Жура! Каттани ақли бошқа ва кичкинани ақли бошқа! Била-сизми? Бизлар бу (*соқолини ушлаб курсатар*) соқолни олуфталик кутига оқартурган, ҳали биз лаққи булуб қолган булсак ҳам, бу охир замон буз болаларини юзтасини ақли бизга бор.

Б о й — Рост, рост. Узингиз ҳам 32 гулахга олов куйган-да, жура! (*Ҳаммалари кулишарлар.*)

О қ с о қ о л (*Ҳожи бобога қараб*) — Сиз ҳеч гапурмайсиз, Ҳожи бобо! Бизларни маслаҳатимизни хоҳладингизми? Ҳар нима булса, сиз дунё курган; ҳаж тарафларини туйи қандақа буладур? Гаплашуб утурунг.

Ҳ о ж и б о б о — Ушбу йил Каъбатуллога бораётганимда, Истамбулда йигирма олти кун қолдим. Бир кун тахтдан тушурилган султоннинг икки угулчасини хатна қилмоқчи эканлар. 3—4 рафиқларим билан биргалашуб томошасиға бордук. 8 ошёналик бир катта ҳавлини тагига боруб стканимизда, рафиқларимнинг бири: «Ана шу ерда туй буладур», — деди. Дарвозаси тагига қоровул бўлуб турган бир турадан рухсат олуб, ичкари кирдук. Брути олунмаган бир турк бизларни 4-ошёнаға олиб чиқди. Қарасак, тахминан 30—40 киши Туркия амалдору аскарларидан ҳаммалари курсиларға утурубдурлар. Бизларға ҳам курси олуб келдилар. Лекин бизлар хушёрлик қилиб, «Курсиға утурмоқ дуруст эмас», деб ерга утурдук. 5—6 дақиқадан кейин ҳаммамизға бир истакандан чой бердилар. Чойни ичиб бўлуб эрдуки, болаларни ётқузуб келдилар. Сунгра ҳаммалари бирта-бирта чиқиб кетдилар. Бизлар ҳам шу ишга ҳайрон бўлуб чиқиб кушхонамизға келдук: сунгра баъзи одамлардан сурушдуруб билдикки, у ерларда туй ва базм, кубкори деган нарса йук экан.

Б о й — Худога шукур-э! Бо, узимиз нескбахт бандалардан эканмиз. У ерни одамлари дунёни фаҳмиға ҳам бормас эканлар-да!..

(Шул аснода ташқаридан «тақ-тақ» товуши келур.)

Б о й — Абдулаҳад! Ташқари қара! Ким келди.

А б д у л а ҳ а д (*ташқарига чиқиб келиб*) — Бонкни мирзоси эмиш. Бойға ишим бор, дейдур.

Б о й — Айт! Келсун.

(Абдулаҳад чиқиб, бонк мирзосини бирга олуб кирар.)

М и р з о — Ассалому алайкум!

Б о й (*хоҳламай, қовоқ солиб*) — Ваалайкум ассалом. Ҳа! Нима учун келдингиз, гапурунг?

М и р з о — Букун бонкага Пешовардан сизни отингизға Болтабой деган бир одам тарафидан беш минг сўм пул келди. Мана шуни повесткасини кетурдим. Дафтарға қул қуйуб олинг. *(Қултуғидан дафтари-ни олуб бир жойни очиб, бой тарафиға узатар.)*

Б о й — Эшон Мирзо! Мани танымдан узингиз қул қуя қолинг. Мани қулум йук.

М и р з о — Нимага ёлгон суйлайсиз. (*Қули ила курсатуб.*) Мана шу қулларингиз узингизники эмасми?

Б о й (*табассум қилуб*) — Э, Мирзажон! Яъни хат битолмайман, деганимиз-да!

М и р з о — Жанобингиз умрингизда мактаб деган жойни ҳам курганингиз йуқ эдими?

Б о й — Йуқ, йуқ-э! Биз ҳам ун йил ризат тортиб мактаб гардини еган. Лекин (*пешонасини туртуб курсатар*) бу пешонамизга тақдир ёзмаган эканки, ҳеч нима булмай келдук! Мирзо ука!

М и р з о — Бой бобо, беҳуда айбни пешонангиз илан тақдирни буйнига қуйманг. Айб домлангизни нодонлигида экан. Агар домлангиз уқутмоқлик тариқасини яхши билса эди, сиз турт йилда бутун хат-савод чиқариб, яна жуғрофия, ҳисоб, тарихи ислом деган илмлардан ҳам хабардор булур эдингиз.

Б о й — Эмди билдук сиз ҳам жадидчилардан экансиз. Қуюнг, куп гапурмай, тезроқ дафтарга қул қуюб беринг! (*Мирзо димоғи қуюб дафтарга қул қуяр.*) (*Бой истеҳзо ила меҳмонларга қараб.*) Жуғрофия, тарихи ислом нима? Хайр, ҳисобни булса-ку, худога шукур, узимиз биламиз. Ҳалигача ҳеч бир ҳисобига дар қолгонимиз йуқ. (*Ёқасини ушлаб.*) Тавба қилдим худоё! (*Мирзо кайфи учуб чиқиб кетмоқчи булар.*)

Б о б о Х и т о б (*қичқириб*) — Мирзо ака, (*бир пиёла чойни узатиб*) утурунг, бир пиёла чой ичиб кетинг!

(*Мирзо зур ила утуруб ичар.*)

О қ с о қ о л — Ана, бой! Айтмадимми туйни пулини худони узи сткурар.

Б о й — Ҳа! Бу ҳам худонинг марҳамати-да! Бу пул саккиз йилдан бери қуюб ёткон эди. Ана, баччагар туйхурларни насибасига қарангки, муни худо тепа туйнукдан ташлади. Биз туй харожотиға ун минг сўм пулни тугунлаб қуйган эдук! Бу пул билан энди ун беш минг сўм булди.

М и р з о — Бой амак! Ҳали сиз туйингизда ун беш минг сўм харожот қилмоқчи булдингизми? Қилатурган туйингиз хатна туйими, никоҳ туйими?

Б о й (*бир оз аччигланиб*) — Хатна туйи қиламиз. Ҳа! Сизни хаёлингизда шунча пул ҳам озлик қиладурми? Биз сизни маслаҳат ошиға чақирган йуқ эдик-ку, Мирзо ука!

М и р з о (*жойидан оёққа туриб, бир оз шиддат ила*) — Ман бу ерга уз хизматим учун келдим. Сизға

маслаҳат бермоқ учун келган булмасам ҳам, лекин «Муъмин бародари муъмин», деган сўзни мазмунига амал қилиб, сизга хайрихоҳлик юзидан бир-икки оғиз гапурмоқни узумга лозим биламан. Бой амак! Хатна қилмак суннатдур. Бир суннатни бир жой кетурмоқ учун ун беш минг сўм харажот қилиб туй бермоқлик лозим эмас. Яъни киши хатна учун туй бермаган ила гинакор булмайду. Туй ва азаларда пул исроф қилмоқ одати фақат бизнинг Туркистонда расм буллуб қолубду. Бошқа мамлакат мусулмонлари мундай аҳмоқликни асло қилмайлар. Шунинг учун алар кундан-кун бой буллуб, бизлар эса бу исрофкорлик сабабидан мулк ва молимиздан айрилиб, гадой ҳолига тушмақдамиз. Бой бобо! «Дуст ачитиб айтаду, душман кулдур», дерлар. Ман сизга холис дуст булганим учун айтарманки, қанча машаққатлар куруб топкан оқчангизни беҳуда срга исроф қилманг. Охири пушаймон булурсиз. Шу ун беш минг сўм оқчадан беш минг сўмини сарф қилиб уғулларингизни уқутсангиз. Ҳам уғулларингиз одам буладур ва ҳам қолган ун минг сўми киссангизда қолур.

Б о й (*жуда аччиғланиб*) — Э, Мирзо! Сан бир қатра жонинг билан манга насиҳат берасан. Ман сандан ҳали туй масаласини сураганим йуқ. Шунча ота-бобомиздан қолган урф-русумни сани бир оғиз гапинг билан барҳам берамизми? Бор, сан насиҳатингни узунга қил! (*Меҳмонларга қараб.*) Узи бошига шапка қуюб, яна одамларга насиҳат берадур-а!?

О қ с о қ о л — Мирзо! Шу қилган беодабчилигинга бор, сени маҳалладан чиқардук! Эмди на тирикинга борамиз, на улукинга! Омин, (*ҳаммалари*) оллоҳ акбар. (*Фотиҳа уқурлар.*)

М и р з о (*бойга қараб*) — Хайр, бой бобо! Иншоолло, улмасам, охир ҳолингизни кўруб салом бераман. (*Чиқиб кетар.*)

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

Ҳовли манзараси, Бир тарафда 3—4 стулга б о й, о қ с о қ о л, д о м л а имом ва хатна қилинатурган б о л а утурарлар.

Д о м л а — Жаноб бой! Одамларни соат нечага хабар қилгон эдингиз?

Б о й — Баъзиларини соат саккизда, баъзиларини соат унда. Соатингизни кўрунг, неча буллубду?!

Д о м л а (култуғидан соатни чиқаруб) — Соат саккиз булбдур.

Б о й — Ҳа! Булмаса, одамлар ҳозир ксларлар.

(Шул аснода бир жувон ва бир ҳофиз (ашулачи) ксларлар. Салом бериб, ҳаммалари оёққа турарлар. Жувон бой ила кучоқлашуб қурушар, аммо бошқалари ила кул беруб қурушар.)

Б о й — Марҳамат қилсунлар, юқорига утсунлар!

(Жой курсатар. Жувон ила ҳофиз утуруб, фотиҳа укурлар.)

Ҳ о ф и з — Худо бой давлатларини зиёда қилуб мундан ҳам каттароқ туйларга сткурсин! Туйингиз муборак булсун, бой бобо!

Б о й — Куллуқ, қуллуқ. Хуш келубдурлар.

Ҳ о ф и з — Ж у в о н — Саломат! Саломат!

Б о й (кичқирар) — Абдулахад!

А б д у л а ҳ а д — Лаббе!

Б о й — Буларни олдиға бир чойнак чой кстуруб қуй!

Эрмак қилуб утурсунлар! Ҳали ош тайёр булгани йуқ.

А б д у л а ҳ а д — Хуш! (Кста туруб қуяр.)

Б о й (углиға қараб) — Уғлум, жувон акангни қошларига боруб утур! (Боруб утурар.)

Ж у в о н — Келинг, бойбачча! (Илтифот қилуб, бир писла чой берар.)

Ҳ о ф и з (жувонга қараб) — Бойбаччаға чойқанд қилиб беринг!

(Жувон бойбачча қулидан пислани олуб, узи бир култ ичиб, яна қайтаруб берар.)

Б о й (оқсоқол ва домлага қараб) — Бекор утурманглар! Жувонга хушомад қилинглар! Чойқанд қилдируб ичинглар!

(Бой бир писла чойни жувонни олдиға олуб кслар.

Жувон бир қулини бойни буйниға солган ҳолда чойқанд қилиб берар. Бой жуда севинуб, чойни ичиб маза қилар.)

Д о м л а (жувонга қараб) — Садағангиз булай, қайси кун сизни кучада куруб, диққат булуб салом

бердим. Дуруст илтифот қилмай, базур лабингизни пичирри қилиб утдингиз-о! Шундоқ келиб қулимга тушар экансиз-ку! Энди қалайсиз?

Ж у в о н (кулуб) — Эй, тақсир! Сиз уламо бўлуб шундайчин гапирасиз, айб эмасми?

Д о м л а — Эй дардингиз урсун! Тегишамиз-да, биз жувонбоз эмас, яъни рубоз. Фақат наззора қиламиз-да! *(Оқсоқолга қараб.)* Оқсоқол бобо! Бу офтобчага қаранг! Худони қудратидан ургулай, шундоқ паричехраларни яратубдур-о! Китобларга айтибдурларки, то одамга ишқи мажозий бўлмаса, ишқи ҳақиқийга асло етуб бўлмас экан.

О қ с о қ о л (бошини соллаб) — Ҳа, тақсир, албатта! *(Бир пиёла чойни олуб, жувонни қошига борар, қулини жувоннинг буйнига солуб, чойқанд қилдуруб олар. Яна жувоннинг юзидан упар. Ҳаммалари кулишурлар. Чойни ичиб, мазза қилар.)* Ҳо, лекин тоза қанд бўлубдур-дия!

(Шу аснода 3—4 нафар шаҳарнинг бой ва аъёнлари салом бериб кирарлар. Ҳаммалари жойларидан туриб, «Марҳамат, марҳамат», деб аларни уткузарлар, алар утуруб, фотиҳа ўқурлар.)

Б о й — Хуш келубдурлар!

М е ҳ м о н л а р — Саломат, саломат! Туй муборак булсун!

Б о й — Қуллуқ, қуллуқ!

(Абдулаҳад дастурхон, нон, ширавор, чой кетурар. Оқсоқол дастурхон солар, нон ва лаъли қуяр. Узи ҳам утурар. Мехмонлар хуракка машғул булурлар.)

М е ҳ м о н л а р д а н б и р и (туй эгасига қараб) — Худо зиёда қилсун. Ажаб зебо туй қилубсиз! Алалхусус бу *(қули ила жувонни курсатар)* офтоб бутун ҳавлингизни мунаввар қилубдур! *(Жувондан илтимос қилар.)* Бизга яқинроқ утурунг-э, жонимга урунг! Дам ганимат, бир оз дийдор курайлуқ! *(Жувон келар, чойқанд қилуб берар.)*

Б о й л а р д а н б и р и (бошқа бирисига қараб) — Турдибойни векселини учут қилдингизми?

У л — Йуқ, учут қилмадук. Чунки у биздан мол олмайдур. Лоақал кучада курганда, бизга таъзим қилиб салом ҳам бермайдур-о! Биз уни векселини учут

қилсак-у, у бошқа кишидан боруб мол олсунми! Куйунг, мундақайин мутакаббир одамни векселини қабул қилмай, хуб жойига тегурайлук. Охир келиб оёқимизга бош қуйсун. Сунгра бир иш булур-да!

(Шул аснода палов келур. Тановул қилурлар, қанд келур. Шираворлар тақсим қилинур. Тобоқлар олинур. Меҳмонларга тунлар кийгизилур. Муборакбодлик қилинур. Меҳмонлар фотиҳа уқуб, чиқиб кетарлар. Дастурхонлар йиғиштирилур.)

Б о й (қичқирар) — Абдулахад!

А б д у л а х а д — Балле.

Б о й — Кеча тайин қилган гапим эсингга борми?

Албатта, хабардор бул! Гадойларни дарвозадан киргузма! Камбагалроқ одам келса, уша сайисхона олдиға уткуза қол! Уларга фақат ош ва нон берсанг буладур. Ширавор, қанд-панд хожат эмас. Албатта, шундоқ қил, болам!

А б д у л а х а д — Хуш. *(Ишига кетар.)*

(Яна 2—3 нафар мулла ила 2—3 нафар авом кишилар келарлар. «Марҳамат», деб жой курсатилур. Алар «Сиз утунг», деб бир-бировларини турга утмоқға таклиф қилиб, қул ва этақларидан ушлаб тортишарлар. 2—3 дақиқадан сунг утурушиб, фотиҳа уқимоқға ҳам қанча таклиф қилурлар. Табрик ва бағни хушомадий қилинур. Оқсоқол дастурхон солар, нон, ширавор қуяр. Сунгра палов қуяр. Ошға қул узатмоқға ҳам қанча таклиф қилинур. Бир суякни ниҳоятда тоза булгунигача чайнар. Бу орада жувонга қанча хушомадлар қилинур, чойқанд қилдирилиб ичилур. Ош сийлгандан сунг қанд, тун берилур. Тун кийганларни муборакбодлик қилинур. Меҳмонлар узун фотиҳа уқуб, чиқиб кетарлар.)

Дастурхонлар йиғиштирилур. Бир нафар г а д о й, т и л а н ч и келуб, очлигини арз этар. Бир кафгир ош ёки бир дона нон беринглар, деб тавалло ва зори қилур.)

Б о й (гадойга қараб аччиғланиб) — Падар лаънат, сани ким бу срга таклиф қилди? Чик, кет! Кузумға курунма!

Г а д о й (йиғлаб) — Туйингизни овозасини эшитуб, бир тош йулдан келдим. Мани ноумид қилманг, хаққингизга куб дуо қиламан. Илоҳи бойбаччаларнинг катта туйини куринг. Ман ожиз-нотавонни қуруқ юборманг.

Б о й (ниҳоятда аччиғланиб, оёқға турар) — Ман

гадойлар, камбагаллар учун туй қилганим йук. Йуқол,
э, санга йул берганни!.. (Гадойни қувиб чиқар.)

П а р д а

УЧИНЧИ ПАРДА

МАЙХУРЛИК МАЖЛИСИ

Меҳмонхонада Б о б о Х и т о б и л а О р з у қ у л, Т е ш а давра қилуб, чой ичишиб утуларлар.

О р з у қ у л (Бобо Хитобга қараб) — Бобо! Жувонингиз қани? Май нима бўлди? Икки соатдан бери қон булуб утурибмиз. Охий, тезроқ майхурликни иложини қилинг. Вақт утмасун!

Б о б о Х и т о б — Ман не биламан, бой биларларди-я. (Тешага қараб.) Тур! Теша, бойни чақириб кел!

(Теша бойга кетар.)

О р з у қ у л (бир оз аччиғланиб) — Э, бу бойингни қилатурган базмидан ургулай, бизларни ипсиз боғлаб қуюбдур. Шу бугун Ботур журам: «Юр, исловотга борамиз, пива зисфат қиламан», дейди. Қабул қилмадимки, бу кеча бойникига базм бор, деб.

Б о б о Х и т о б — Орзуқул! Куб бачалик қилма! Одам деган мунча енгил бўлмайду. (Шул аснода бо й, Теша кирарлар.)

Б о й — Ҳа! Болам, нима дейсизлар?

Б о б о Х и т о б — Бой бобо! Ассалому алайкум! Жувонингиз қани? Охий, булар мани танг қилуб турубдурларки, вақт утди, қачон базм қиламиз, деб?

Б о й — Шошманглар, уғлум! Шу замон жувон келадур.

О р з у қ у л — Жувонни қасерга юбуровдингиз?

Б о й — Шу бугун жувон: «Баданим кир, ҳаммом бораман», деб жуда ялинаверди. Сунгра якка бормасун, деб Улмас журангиз билан бирга юбордим. Шу замон келар, бир фасл сабр қилинглар, уғлум. (Чиқиб кетар.)

О р з у қ у л (Бобо Хитобга қараб) — Э, бу бойинг ҳам тоза бемаза экан. Уша валади зино Улмасга жувонни қушуб юборадурму? Бу ҳаромзода аллақачон жувонни ишини биткарди... Уф! (Аччиғланиб, кузларини олайтириб, хафа булар.)

Б о б о Х и т о б — Ука! Одам деган мунча бадгумон булмайдур. Гумон одамни имонидан ажратадур экан, уша бечора Улмасни ҳаромзодалигини ҳалигача ҳеч кимдан эшитганимиз йук.

О р з у қ у л (қаҳр ила) — Сиз нима биласиз, э Бобо Хитоб?! Ман Улмасни ун йилдан бери ҳамма қилган ишларини биламан. Бу падар лаънат жуда бсандиша ҳаромзода-ди-я! Бу куб бесоқолларни пардасини йиртган. Ҳар ким буни кулига тушиди, то ушанга нақш қилиб урмаса, иложи йук. Хайр, ман бу бсандиша Улмасни то улдурмасам, номим Орзукул эмас экан-ди-я!

Б о б о Х и т о б (қурқуб) — Эй, Орзукул ука! Санга нима булди? Қуй бир фасл бежанжал утурайлук. Биз бу срга жанжал учун келганимиз йук, вақти хушлик учун келган.

Б о й (кулиб кирар) — Мана-с! Жувонингиз ҳам келиб қолди. Ҳозир кирадур. *(Бобо Хитобга қараб.)* Буз болаларингизни ҳаммаси шулми?

Б о б о Х и т о б — Буз болаларни туққузтаси шу оқшом Пойқобокга бир жаллобга ваъдалик эканлар. Мандан жавоб олуб кетдилар. Хайр, ҳеч воқса йук, узимиз ҳам кифоя.

Б о й — Бу ҳам сизларни толсингиз-ди-я! Энди улар ичатурган майни ҳам узингиз ичиб, куб кайф қиласизлар. Қани, энди гапурунлар? Сизларга арақ ва пива кетурайми? Еки узум учун пишурулган мусалласи шаръийдан кетурайми?

Б о б о Х и т о б — Э, уша ҳаром пива ва арақни қуйунг, мусалласи шаръийни кетурунг! Бизлар ҳам шуни куброқ ичуб юрубмиз.

Б о й — Хуб, хуб! Мусаллас кетурамиз. Шукур, давлатхонамизда уч хум мусалласи шаръий бор. *(Чикиб кетар.)*

(Жувон ила Улмас кирар. Ҳаммалари хурсанд булуб, салом бериб, урунларидан турарлар. Жувон билан курушиб, қанча хушомадлар қилишуб, жувонни утқазурлар. Жувон Бобо Хитоб ила Улмасни уртасида турар. Бу ишга Орзукулни рашки келиб, ола-ола қарар.)

Б о й (кирар) — Жамоа, хуш келубсизлар!
Б у з б о л а л а р — Саломат, саломат!

(Шул аснода Абдулахад бир тағорани кутариб

кслар, тағорани уртага қуйиб, 2—3 шиша мусалласга ухшаган бир сувни тағорага қуяр. Ҳаммалари соқийликни Бобо Хитобга таклиф қиларлар. Бобо Хитоб қабул қилуб, мусалласдан бир пиёла тулдуриб, бойга узатарки, «Сиз мусалласни табаррукий қилуб беринг», деб.)

Б о й (пиёлани қулига олуб) — Шу жувонни саломатлигига! (Ичар.) (Бобо Хитобга қараб.) Хабардор бўлуб турунг! Мабодо буз болалар бирон кунгил қаролик қилмасунлар!

Б о б о Х и т о б — Йуқ, хотиржам бўлунг, бой бобо! Иншоолло, ҳеч нима бўлмайду!

(Бой чиқиб кетар. Бобо Хитоб унг тарафдан бошлаб, ҳаммаларига бир маротабадан мусаллас бсрар. Булар ҳам қанча муқаррарий таклифлар ила ичарлар. Буз болаларни боши қизир, жувонга хушомад қиларлар. Охир, жувонни уйнатмоқга қарор бериб, газал уқушуб, қарсак урарлар, жувон уйнар. Шул аснода б о й у г л и ила кириб, жувоннинг чаккасига бир неча қоғоз оқча ёпиштириб чиқиб кетар.)

Б о б о Х и т о б (жувонга қараб) — Укажон, дардингиз урсун, бир оз утуруб, дамингизни олинг. Жудо теллаб кетдингиз-ку!

(Румолчаси билан жувоннинг юзини артиб қуяр. Жувон яна аввалги жойига утурар.)

О р з у қ у л — Ҳой, жувон! Тасадуқингиз булай, бизларни ҳам ёнимизга келуб утурунг! Бизларни хоримиз борми? Ёнимизга утурмайсиз? (Қули ила Улмасни кўрсатуб.) Ё, бу гушна пурзур олуфтадан кўрқасизми? Мундақайин фута қўшқорк ишкам жизу бизларни ёнида кўб утурманг, пушаймон бўласиз.

(Жувон жойидан турмоққа ҳаракат қилар, аммо Улмас қўймасдан утқазар.)

У л м а с (аччигланиб) — Бизлар кучимизга гарқа, бизки гушна пурзур бўлсак, ана энди зўрликимизни курсатамиз-да!

(Орзуқул жойидан туриб, жувонни қулидан тортар. Улмас уни бир тарсаки урар, у мунни урар. Иккови сқалашур. Ҳамроҳлари ажратмоқчи бўлурлар, аммо кучлари етмайду. Кўб гавго ва шовқинлашгандан сунг, Орзуқул қулига пичоқ олиб, Улмасни қулаб чиқар. Булар ҳам орқаларидан чиқарлар.)

Парда кутарилур. Эшназар сахнага баланд овоз ила чақирар: «Эрга душанба, сешанба, чаҳоршанба кунлари Афросиёда кубкори буладур. Курмаганлар армонда қоладур».

Парда тушар

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Дукон манзараси. Бир нарса устида 3—4 туп ҳар хил чит турар. Бой кўҳна либос кийган, паришонҳол булуб Абдулаҳад ила чой ичишуб утурар.

Бой — Абдулаҳад, болам! Галадонда неча пул бор? Олиб, сана!

Абдулаҳад (санар) — Бир юз уттиз сўм 23 тийин пул бор экан.

Бой (ҳайрон булуб) — Оҳ! Мани хаёлимга пул куб эди-ку, нима булди?

Абдулаҳад — Турт минг сўмча пул бор эдики, «Бошқача туловим бор, яқинда бераман», деб куйдингиз. Сунгра туйга пул даркор булиб қолганда, олиб ҳарожат қилмадингизми?

Бой — Э, воқеан, рост дейсан-о! Туй ҳарожатига ун беш минг сўм пул стишмаганда, бу турт минг сўмни ҳам олуб ҳарожат қилувдим. Эсимда ҳам йуқ. Дафтарга қара! Туловимизни вақти қачон булса?

Абдулаҳад (дафтарга қараб) — Шу бугун 23 апрелда «Маскавский бонка»га беш минг сўм туловингиз вақти экан.

Бой (шошиб) — Оҳ! Уй, уйим куйди! (Абдулаҳадни сўкар.) Туловимизни вақти шунча яқинлашган экан-ку, нимага манга билдурмайсан?!

Абдулаҳад (шиддат ила) — Манга нима дейсиз? Ман уша турт минг сўмни олганингизда, шу гапни айтувдим. Сиз: «Э, худони узи еткурар», деб қулоқ солмадингиз.

Бой — Хайр, ҳар нима булди, майли энди. Сан дарров бориб, насиаларни ундуриб кел. (Абдулаҳад салла ва жомасини кийуб, дафтарини қулига олар). Агар насиядан куп пул ундуrolмасанг, Хидирбой журамни қошларига боруб, уч минг сўм пул ундуриб кел!

Абдулаҳад — Хуб. (Чиқиб кетар.)
(Бой пешонасига қулини куйиб, хафа булуб утурар.)
Шул аснода «Маскавский бонка»нинг хизматкори

қулиға дафтар олуб кирар. Муни курган замон бой-нинг қути учар.)

Б о й — Ассалому алайкум, ҳа, мирзо, нима гап?!

М и р з о (*повесткани олуб*) — Шу бугун соат унда бонкага беш минг сўм туларсиз. Мана бу повесткани олуб дафтарга қул қуйунг! (*Дафтариини узатар.*)

Б о й (*ялиниб*) — Мирзожон! Узингиз қул қўя қолинг! Биласиз-ку, маним қулим йўқ.

(Мирзо қул қуйиб, повесткани бойга беруб чиқиб кетар. Бой яна ҳафа булуб утурар. Шул аснода бир харидор келуб, бир туп читни курар.)

Б о й — Ҳа, қайсиси маъқул бўлди?

Х а р и д о р (*читларнинг у ёқ-бу ёғини куруб, охир бирини хоҳлар*) — Муни олчини неча пул?

Б о й — Тангамири, неча олчин оласиз?

Х а р и д о р — Бир олчин олар эдим. Хайр, қирқ икки пул бераман-да, бой бобо!

Б о й (*харидорнинг қулидан читни тортиб*) — Сани бературган 42 пулинг қайси дардимга дармон буладур, кет! Бошқа жойни кур!

Х а р и д о р (*ола-ола қараб*) — Дардингиз жуда зур экан-дия! (*Бир чигиб кетар.*)

(Бойни димоғи куйиб утирар. Шул вақтда кубкоритоз Э ш н а з а р кирар.)

Э ш н а з а р (*хурсандлик ила*) — Ассалому алайкум, бой бобо!

Б о й (*қовоқ солуб*) — Валейкум! Ҳа, Эшназар, тунов кун кубкори қандой ўтди? Қани, гапур!

Э ш н а з а р — Э, бой бобо! Кубкорини асло сўраманг. Шундақайин кубкори дунё бино булгандан бери асло булгани йўқ.

Б о й — Тез-тез гапур, қанақа бўлди?

Э ш н а з а р (*ун бармоқини курсатуб*) — Ун киши отдан йиқилиб, тўртгаси ўлди. Олтитасини оёқи синди. Беш от ўлди. Ун туққуз от касал булуб қолди.

Б о й — Илоҳи ҳаммаси ўлсун эди. Шу тўй ва базм ва кубкорини касофатига мани бало урди-ку!

Э ш н а з а р (*ҳайрон булуб*) — Бой бобо, худо сақласун. Сизни нима бало урди?

Б о й — Ун туққуз минг сўмни ҳеч беҳудага тўйга исроф қилдим. Ҳозир ғаладонимда икки юз сўмча ҳам пулум йўқ. Агар шу бугун бонкага беш минг сўм топ-шурмасам, дуконим печать буладур. Ана! Бало бундан ҳам зиёд буладурму? Эшназар! (*Икки қулини кўзига қуйиб, йиғлар. Эшназарни кайфи учар.*)

Э ш н а з а р (*бойга тасалли бериб*) — Э, бой бобо! Асло хафа булманг! Тақдирингизда шундоқ гаплар бор экан. Сиз ҳалиям нескбахт экансизки, шундоқ даврларни суруб қолдингиз! Энди улсангиз ҳамки, дунедан беармон кетарсиз. Гам еманг! Шукур, мана углунгуз катта булбур. Агар шу вақтда углунгузни қадоқхонага элтиб қуйсангиз, ойига лоақал беш сум топиб, сизни баҳузур боқар. (*Чиқиб кетар.*)
(Бой бошини кутариб, хафа булбур утурад. Шул вақтда Абдулаҳад пишиб-ҳориб кирар. Дафтарни ерга отар.)

Б о й (*шошуб*) — Ҳа! Болам, неча пул ундурдинг! Қани, чигар?

А б д у л а ҳ а д — Насиялардан бир пул ҳам ундурганим йук. Биртаси: «Эрта кел», дейдур. Биртаси: «Ҳали савдо йук, келаси ҳафта бераман», дейдур. Яна биртаси айтадурки, «Шу кечалар тушимизда ҳам пулни рангини кўролмайдур. Бойингизга айтинг, яна 5—6 сум қарз беруб турсунлар. Ҳу, бозорлар яхши булбур, орқамизга офтоб текканда, пуллари ни берамиз-да!»

Б о й (*аччиғланиб*) — Бу кун пулни урнига гап олуб келдим, десанг-чи! Хидир журамга бордингми, у нима деди?

А б д у л а ҳ а д — Хидирбой журангизга боруб айтдимки, букун бойимизни катта туловларини ваъдаси стубдур. Ҳар нав қилуб уч минг сум топиб беринг эмиш. Журангиз айтдиларки: «Уҳ-ҳу! Энди журамизни туйидан еган палавимизни ҳар луқмаси минг сумга тушар экан-ди-я. Бориб айт: Журам бошдан кутлариға қараб олу сунлар эди».

Б о й (*журасини сукиб*) — Ҳали тайин мундоқ дедими? (*Тиззасига уруб.*) Ҳой, отанга! Бу дунёни жура ва ошноси ҳам бекор экан. Уф... (*Бестоқат булур.*) ...вақтида келиб ошингни ейлар, вандинггни оларлар, тунунгни киярлар. Бир кун бошинга иш тушканда қочарлар. Ҳийла ва найранг қилиб, киноя ҳам айтарлар... Оҳ, золим фалак! Беобру қилдинг мани! Энди обруйим тукулди, шарманда булдум! Э, худдо, ҳозир жонимни ол! Бу ҳолимдан минг мартаба улганим яхши! (*Абдулаҳадга.*) Абдулаҳаджон болам! Шу ёмон дам утурган билан ҳеч мурод ҳосил булмайдур. Эмди нима қиламиз, охий!

А б д у л а ҳ а д — Ман билмасам. Узингиз биласиз.

Б о й (*бир оз уйлаб*) — Ҳа! Бир иш хотиримга келди. Дафтарни ичидан беш дона минг сўмлик векселни ол, Муродбойга боруб, ушанга қўл қўйдуруб кел! Бонкага қўюб, пул олуб, қарзимизни берамиз.

А б д у л а ҳ а д — Хуб. (*Векселни олуб кетар. 1—2 дақиқадан сўнг қайтиб келар.*) Муродбойингиз ҳам қабул қилмади. Айтадурки, хужайинингизни сармояси тўйга тамом бўлди. Эмди сиқмоқга яқинлашган. Ман вексел бериб, бош оғруқ олайму? Мабодо синиб қолса, шунча пулни ман тўласам керак. Бориб айтки, агар мани вексел бермаганим қаттиг тегса, хужайининг бонкага чилон булганда, мани векселимни учут қилмасун. Ман унга хушомад қилмайман.

(Шул аснода Судебний пристуф ила бир полиска кирар.)

Б о й — Вой, уйим куйди. Обруйим тукулди, энди улганим яхши! (*Доду фарёд қилуб чит тулларини устига узини ташлар. Пристуфни ёзгани қўймас.*)

(Судебний пристуф бойга дуқ уруб, молларини ёзмоқга машғул булур. Бой қўрқуб, бир четга пусуб утурар.

Шул аснода бонк м и р з о с и салом бериб кирар.

Судебний пристуф ила қурушкандан сўнг бойга қараб, деди:)

М и р з о — Ҳа! Бой бобо, охир ҳолингиз шу бўлдимиз? Қайси кун сизга айтмаб эдиммики, пулни исроф қилманг, пушаймон бўласиз. Ана! Ман шундоқ кунларни уйлаб, насиҳат қилиб эдим!

Б о й — Таъна қилманг! Тавба денг, болам! Илоҳи мундоқ қаро кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасун!

М и р з о (*таассуф қилиб, халққа қараб*) — Оҳ! Вой! Биз, Туркистон мусулмонлари, бу нодонлик балосидан қачон қутулар эканмиз? Бизларни илмсизлик шаробхўр қилди, жувонбоз қилди, аҳмоқ ва исрофкор қилди. Мана, охир беобрў ва хонавайрон қилди. Бошқа миллатлар топган пулларини илм ва маориф, дин ва миллат йулига сарф қилуб, кундан-кун тараққий топсалар, бизлар жаҳолат ва нодонлигимиз сабабидан топган молимизни ҳатто боғ ва ҳовлиларимизни сотуб, тўй ва аза, базм ва кубкори йулига ҳарожат қилуб, узгаларнинг бир парча нонига муҳтож ва хор-зор бўлмақдамиз. Агар биз, мусулмонлар, ушбу фурсат-

ларни ганимат билуб, туй ва азада, урф ва расм булган исрофларни бархам бермасак, озгина вақтда ҳозирги мулк-молимиздан ҳам айрилуб, узимиз дарбадар булурмиз. Олло таоло жумла мусулмон биродаримизга ибрат кузи берсун!

П а р д а



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

БАХТСИЗ КУЁВ



*Туркистон маишатидан олингон тўрт
пардалик фожиа*



УЙНОВЧИЛАР:

Солиҳ — 25 яшар, куёв буладургон йигит.
Абдулрахим — 45 яшар, Солиҳнинг амакиси.
Файзибой — 50 яшар, Солиҳнинг қайин отаси.
Домла имом — 50 яшар.
Эллик боши — 35 яшар, янги фикр...
Бой — 45 яшар, Солиҳга пул берувчи, ижарахур.
Раҳима — 16 яшар, Солиҳ оладургон қиз.
П р и с т у ф в а М и р ш а б.

БИРИНЧИ ПАРДА

Меҳмонхона, уртада кирадурган эшик, сулда бир дераза, қозуқларда чопон, салла, белбоғ шунга ухшаш нарсалар. Меҳмонхонани остига намад солинган. Солиҳ кичикрок курпача устида олдиға дастурхонда нон, бир чойнак чой қуюб, нондан еб, чойдан ичиб ултурур.

Бир оздан сунг Абдулрахим кирар.

Абдулрахим кириб, йуталур.

Солиҳ (Абдулараҳимға қараб, сакраб урнидан туруб) — Ассалому алайкум, келинг, амаки. (Абдулрахимнинг мулоқатиға уч-турт қадам юрар.)

Абдулрахим — Ваалайкум ассалом. (Кул олишуб, «эсонми, омонми» сузлари билан ҳол-аҳвол сурашурлар.)

Солиҳ — Қани, амаки, курпачага утуринг? (Кули билан ишорат қилур.)

Абдулрахим — Хуб, хуб, чойнак ҳам бор эканми? Узинг ҳам утур. (Ултурурлар.) Омин, оллоҳ ишингга ривож берсун, оллоҳ акбар.

(Фотиҳа уқурлар.)

Солиҳ — Хуш келубсиз, амаки, нечук худо ярлақади, келинойим, укаларим, эсон-омон юрубдирларми, қани? Нонга марҳамат қилинг. (Чой қуяр.)

Абдулрахим — Хушвақт бул, худоға шукур, ҳаммалари саломат. Янганг санга куп салом деб юборди. Бу кун сани туғрингга бир гап чиқиб қолди, санга маълум қилай, яна узингни куб вақтдан буен курганим йуқ эди, куруб ҳам келай, деб келдум. (Нон тановул қилур.)

Солиҳ (чой беруб) — Жуда яхшиман ҳам сизни соинган эдим.

Абдулрахим (писла кулида) — Уйингга бориб келсанг булмайдиму? Неча зарур гаплар буладир, борасан деб куз тутаман, бормайсан. Ҳар куни бормасанг ҳам, беш-олти кунда бир боруб турсанг, ишинг қоладурми?

Солиҳ — Айтганингиздек, неча бора бу кун борайин, деб уйлайман, узингизга маълум: бировни хиз-

маткори булгандан ксйин қийин булур экан, бораман деган куним хужайин иш буюруб қўяди, боролмай қоламан. Кечаси ҳовлига боруб ётиб келсам буладурку, ҳовлида ёлгуз узим ётгани зерикаман, яна ораси узоқ йул, бул ерда бирга ишлайдургон ога-инилар бор. Ҳар кечаси бирга гаплашиб ётиб, биров-бировимизга урганишиб қолгонмиз, улардан ажрагим ҳам келмайдур.

А б д у л р а ҳ и м — Хайр, ундай булса, сендан сўрайдургон гапим бор, агар хуб десанг, айтаман (*пие-лани бушатуб Солиҳга беруб*), манга чой берма, уйда жуда кўп ичуб келдум.

С о л и ҳ — Хайр, қани нима гап экан, сўйланг, эшитай.

А б д у л р а ҳ и м — Сўзим шулки, ота-онангни улганлариға тўрт йил бўлуб қолди, шундан буён шул хужайинингда хизматда юрубсан, қанча оқча йигдинг?

С о л и ҳ — Оқча йиғолганим йўқ, топган пулим уз харажатимға кетуб турубди.

А б д у л р а ҳ и м — Солиҳ болам. Айта бер, уйламаки, амаким мендан сўраб олур, деб. Оқчанг узингға буюрсун, қўрқма?

С о л и ҳ (*ерга қараб, узоқ уйлаб*) — Уч юз сўмға яқин оқча йигдум.

А б д у л р а ҳ и м — Бали, бали, баракалла, уғлум. Шу замонда хуб йигибсан-да. (*Бир оз сўздан тўхтаб.*) Ман сани сиртингдан неча вақтдан буён отангни ошнаси Файзибой билан қизини санга олуб бермакчи бўлуб сўйлашуб юрар эдим. Букун эрта билан мани уюмға Файзибой келуб, агар Солиҳға қизимни олуб берадургон булсангиз, вақтлироқ ҳаракат қилинг, булмаса бир бошқа совчи келуб турубди. Қизимни Солиҳға олиб бермасангиз, келиб тургон совчиға куда булиб қолмак ҳам эҳтимол, деди. Ман унга булса, Солиҳдан сўраб, кечқурун жавоб берай, деб мунда келдим. Ман сандан қанча оқчанг бор, деб сураганимнинг сабаби шул эди, мана, алҳамдиллло, мунча оқчаға молик бўлубсан. Уйланиб, уйингда ота-онангнинг чироғларини ёқсанг, аларни арвоҳлари мандан ҳам кўпроқ сандан хушнуд булур эди. Яна узинг ҳавлида ёлгуз ёта олмайман, дейсан, хотун олгандан сўнг зерикмай ҳавлингда ётадургон бўласан. Файзибойни узинг яхши биласан, дастурхонлик, обрўлик ҳам қизига кўп мол қиладургон

одамдур. Энди манга: «Хуп булади», деб жавоб берсанг, эртага маҳалладан элликбоши ва имомни олуб, Файзибойникига боруб, фотиҳа ҳам олуғ-солуғларни гаплашуб, биратуласига туй буладургон қилуб келаман. Қани, нима жавоб берасан?

(Солиҳ ерга қараб сукут қилур.)

А б д у л р а ҳ и м — Уялма, бу сузим шариатда бор гап.

С о л и ҳ *(Абдулрахимга қараб)* — Йуқ, амаки, уялганим йуқ. Ҳозирда хотун оламан, деган уй кукрагимда йуқ. Ҳозир вақти эмас.

А б д у л р а ҳ и м — Нега ундоқ дейсан? Хотун олмоқ фарз ва суннат эмасму, хотун олмоқни вақт-бевақти булурму? Ҳар кимга вақти булмаса ҳам сендек ҳар бир йигитга зарурдур, хусусан, санга ҳам фарз ва қарздур. Чунки, уйингда ҳеч киминг йуқ, яна икки-уч йил юрсанг, уйингни том, деворини шикаст-рехтларига қарамасанг, вайрон булмоғи муқаррардур. Уйланган вақтингда уйларингга қараб турарсан, мундан ҳам фойданг бор.

С о л и ҳ — Хуб, тузук, сузингиз туғри. Бу сузларингизга жуда ишонаман, лекин замонимизда ёмон бидъат-исрофлар тараққий топгон, унча-мунча оқчага бу вақтда уйланмак қийин. Мани оқчам бояки айтганим. Сизга: «Хуб, хотун оламан», десам, Файзибой мандан замонага мувофиқ оқча олса, ул вақтда ман қарздор абгор булуб қолсам, иш қандай булур? Ҳозир афв этасиз, амаки.

А б д у л р а ҳ и м — Вой, қурқоқ экансан-ку. Ҳозирги замонда қайси бир йигит қарздор булмай уйлонвотди, озроқ қарздор булсанг, бошинг омон булса, сағалда қарзингни узиб қуясан. Яна Файзибой куб катта туй қилмайман, дейдур. Замонани туйидек сандан куп оқча кетмаса керак, бу санга хуб қулайдур. Хуб, дея бер.

С о л и ҳ *(оз уйлаб туруб)* — Хайр, қарздор булуб қоламан-де. Узингиз биласиз, амаки, сазангиз улмасун. Отам урнига отамсиз, нима қилсангиз, ихтиёр узингизда.

А б д у л р а ҳ и м — Ана энди узингга келдинг, баракалла, бали. Ман бу кун Файзибойга хабар бераман. Эртага элликбоши, домла имом билан фотиҳага ҳам олуғ-солуғга келамиз, деб. Ул ҳам маҳалласини катталарига хабар беруб, тараддуд қилуб турар, оллоҳ

акбар. (*Урнидан туруб.*) Манга жавоб, вақтлироқ Файзибойга хабар бермасам бўлмайдур.

С о л и ҳ (*урнидан туруб*) — Кетасизми, амаки?

А б д у л р а ҳ и м — Шундоқ, энди омон бўл, мандан хужайининингга салом дегин, хайр. (*Чиқиб кетар.*)

С о л и ҳ (*бир-икки қадам юруб*) — Хайр бўлмаса, мандан уйдагиларга салом айтинг. (*Хомушлик билан урнига келуб ултурар. Халқга қараб.*) Қандай гап бўлди, шул замонда. Камбағал кишини туйига бир ярим минг сўм кетуб тургон бўлса, қарздор бўлмоқим обочик кўруниб тургон иш, бошимда отам-онам йўқки, мани ғамимни ссалар ва мен учун ҳаракат қилсалар. Оҳ, яратгон худойим, узинг ишимни туғриламасанг, ман стиб бандангни кори оғирдур! (*Куз-еш қилуб, чунтагидан даструмолин олуб кўзини артар.*)

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

Файзибойнинг меҳмонхонаси. Сулда кирадургон эшик, унда икки дарича, меҳмонхона остига намаат, саҳнанинг уч тарафида расмий кўрпача, бир қозуқда қул чочуқ, бир токчада бир патнус нон яна бир полнусда тарелкаларда ширинлик мевалар устига дастурхон ёпилгон, яна бир токчада турт дон тун (туйда бериладургон). Бир оздан сўнг маҳалла домла имоми билан Файзибой кирар.

Д о м л а и м о м — Ҳо, ҳо, иш катта-ку. Нима гап, ман ҳам айтдим, бир гап бор-ку Файзибойникида, деб. (*Токчадаги тунларга қараб.*) Туй буладургонга ухшайди, токчада тунлар.

Ф а й з и б о й — Қани, юқорига ултурунг, тақсир, гаплашурмиз. (*Турга ултурарлар.*)

Д о м л а и м о м — Омин, олло зиёда қилсун, оллоҳ акбар. (*Фотиҳа уқурлар.*) Қани, гапуринг!

Ф а й з и б о й — Ожизага Абдулрахимбой эллик-бошиси билан фотиҳага келмакчи яна олуг-солуг қилинса ҳам эҳтимол, шул сабабдан сизни чақируб келдумки, юрт кўргонсиз, юртдаги олуг-солугларга тушунуб қолгансиз. Мани тарафимдан гаплашсангиз, деб.

Д о м л а и м о м — Ҳе-хе-хе, жуда яхши булбур, худо зиёда қилсун. Абдулрахимнинг ўғлини куёв қилдингизми?

Ф а й з и б о й — Йўқ, улиб кеткон акасини ўғлини.

Д о м л а и м о м — Тузук, тузук, Собирбойни
угли Солиҳними?

Ф а й з и б о й — Шундоқ, тақсир.

Д о м л а и м о м — Яхши қилубсиз, меҳнаткаш,
етимликда қаттиқчиликни куп кургон йигит.

*(Шу вақтда эшикдан Абдулрахим ила элликбо-
ши кирурлар, салом буришуб. Домла имом, Файзи-
бой уринларидан туруб, келганлар билан қурушурлар.
Файзибой меҳмонларга турдан жой курсатуб утқазур).*

А б д у л р а ҳ и м (домла имомга) — Тақсир, бир
фотиҳа укуб куйинг.

Д о м л а и м о м (қулини кутаруб) — Омин, туй
устига туйлар булсун, оллоҳ акбар. *(Ҳаммалари фоти-
ҳа уқурлар).*

Ф а й з и б о й (урнидан туруб) — Хуш келубсиз,
меҳмонлар.

Ҳ а м м а л а р и — Хушвақт булинг, балс, раҳмат.
*(Файзибой меҳмонлар олдида дастурхон солуб, токча-
даги поднусларни келтуруб қуяр, яна самовар поднус-
ни, пиелаларни келтуруб қуюб, самовар келтурмоқга
чиқиб кетар).*

Д о м л а и м о м (нонларни синдируб қуюб) —
Қани, меҳмонлар, нонга марҳамат қилинглар. *(Ҳам-
малари нон тановул қилурлар. Абдулрахимга қараб.)*
Жуда яхши гайрат қилубсиз, эшитиб, зиёда хурсанд
булдум.

А б д у л р а ҳ и м — Шундоқ булди, тақсир, ман
гайрат қилмасам, Солиҳни ҳеч кими йук, бир еқда
ҳовлиси бузулуб кетмоқда. Хотун олиб берсам, уйига
қараб, ҳовлисини бузмасдан ултурар, деб уйладим.

Д о м л а и м о м — Шундоқ, куп савобга
доҳилдор булубсиз.
*(Файзибой самовар олиб кириб қуйиб, чой қуймоқга
бошлар. Пардани охиригача ултургонларга оз-оз чой
қуюб беруб турар).*

Элликбоши, бир фотиҳа қилиб қуйсак, яхши булур
эди. *(Файзибойга қараб).* Сиз нима дейсиз?

Э л л и к б о ш и — Жуда яхши булади.

Ф а й з и б о й — Узларингиз биласиз.

Д о м л а и м о м — Қани булмаса, қулингизни
кутаринглар. *(Ҳаммалари қулларини фотиҳага очур-
лар.)* Омин оллоҳ! Ҳар иккисини умрини узоқ қилиб,
қуша қаритсун, серфарзанд сердовлат қилсун, оллоҳ
акбар!

Э л л и к б о ш и (*Файзибойга қараб*) — Файзибой ака, сизга бир-икки калима сўз айтаман, агар хуб десангиз.

Ф а й з и б о й — Хуб, қани, эшитай, сўйланг. (*Ҳаммалари тингларлар.*)

Э л л и к б о ш и — Сўзим, шулки, совчигарчилик олуғ-солуғ сўйлашилмаса, чунки куёв булмиш йигит, узингизга маълум, етим ҳам камбағал. Яна олуғ-солуғ шариатда йуқ гап. Олуғ-солуғ қилинса, куёвдан кўп оқча олинса, қарздор булуб қолса, яхши эмас, дейман. Кераклик нарсаларга озроққина оқча олуб, ниқохлаб берсангиз, шариатдаги иш булур эди.

Ф а й з и б о й — Олуғ-солуғ булмаса, туй-туй буладими?! Мани ҳам бошимда бир қизим бор. Орзу-ҳаваслик дунё. Яхшилаб орзу-ҳавас қилсам, деган ниятим-да бор. (*Домлага қараб*). Тақсир, бу кишини сўзлари дурустму?

Д о м л а и м о м — Бу кишини айтганларидек қилсангиз, халқга кулки буласиз. Олуғ-солуғ қилинмаса булмайду. (*Элликбошига қараб*). Олуғ-солуғ юртни расми, буни қилманг, демоқингиз айб гап.

Э л л и к б о ш и — Ман шариат мустафо буйинча иш тутилса, деб эдим. Гуноҳ утган булса, афв этасизлар. Олуғ-солуғ сўйлашулса, сўйлашулсун. (*Абдулрахимга*). Абдулрахим ака, сиз нима дейсиз?

А б д у л р а х и м — Ўзларингиздан гап қолади-ми? Солиҳга жуда ҳам оғир буладурғон булмасун.

Ф а й з и б о й — (*домлага*) — Тақсир, қани олуғ-солуғни юртда хуб кўргансиз ҳам эшитгансиз, сўйланг.

Д о м л а и м о м — Булмаса, совчигарчилик бирла катта туйни бир қилуб сўйлаймиз-де, чунки енгилроқ буладур.

Ф а й з и б о й — Йуқ, бошқа, бошқа сўйлансун.

Д о м л а и м о м — Ҳаммасини бир қила берамиз. Осонроқ буладур. (*Абдулрахим ва элликбошига қараб*). Ман сўйлай, сизлар яхшилаб тинглаб турунлар, ҳар икки туйда беш юз сўм пул, ун беш қуй, бир от, тўрт ботмон бугдой, тўрт ботмон биринж, кажобада мавиз, туршак, ун ёшук ҳар хил қанду ширинлик, йигирма қуюм ҳалво, уч минг дона кичик нон, икки минг дона ўрта нон, икки минг дона катта нон, қазонда нишолда, қизларига ун бош оёқ кийим, кимхоб, духоба, шоҳи, атлас, мовит, чидакон, чит ва бошқалар, ҳар биридан

куйлак, камзул, мазкурларга лойиқ қимматбаҳо румоллар, яна уч дона паранжи шоҳи, духоба, адрас, уч дона кавуш, махси, қавм-қариндошларига, узларига, заифаларига бош-оёқ кийим.

Э л л и к б о ш и — Иуқ, домла, жуда ошуруб гапирдингиз. Йигитнинг ҳоли узингизга маълум, жабр буладургон булмасун.

Ф а й з и б о й (*домлага қараб*) — Жуда кам айтдингиз, ман мунга рози эмасман. Юрт урфи қайда, бу қайда? Ҳо, ҳо, яна неча нарсаларни қолдурдингиз. (*Элликбошига.*) Яна сизни ошуриб юбордингиз, деган сузларингизга ҳайронман.

Д о м л а и м о м (*элликбошига*) — Узингизнинг хабарингиз бор, Аҳмадбой угилларига қандай туй қилуб, хотун олуб бердилар. Бу ул одамнинг туйини учқунидек ҳам эмас-ку.

Э л л и к б о ш и — Ундоқ исрофчи бойларни қуяберсангиз-чи, тақсир, ҳоллари узингизга маълум. Ҳар кимдан қарздор булуб туруб, қулларидаги буровни оқчасини туй-томошага исроф қилуб, пулдорни пулини топиб беролмай, синиб, мулк-ашёдан ажралуб ётгонларини курмадингизми? Оларни туйини туй деманг, охири аза-ку, тақсир.

А б д у л р а ҳ и м (*Файзибойга*) — Камайтуринг. Солиҳни биласиз, ҳеч нимаси йуқ, етим. Мундақанги ошукча оламан, деманг.

Ф а й з и б о й — Ҳали ман мунга кунмайман, домла, жуда кам айтуб қуйдилар.

Д о м л а и м о м (*Файзибойга*) — Майли кам булса ҳам, чунки куёвингиз етим йигит, шунинг учун ортикча айтмадум. (*Абдулрахимга.*) Сизлардан бу пул ва бошқа нарсаларни олгани билан узига сарф қиладур, ҳамёнга соладур, деб уйламанг.

Ф а й з и б о й — Мен сизларга ном-баном тушунтурай, сураган ғаллалар туйни ошига ҳам, нониға ҳам кетадур. Қуй ва отлар суюлуб ёғ-гушги ошга кетадур. Буни ичида чарлар, юз курсатарлари ҳам бор. Пулга мис асбоб, икки дона палак, икки дона гул курпа, саккиз дона дорпуш, қизимға буйин тумор, қултуқ тумор, тиллақош, зираклар... Шундан бошқа майда-чуйда нарсалар билан тамомланадур. Нонлар булса, туйға келганларға тарқатиладур. Ҳалво, бошқа нарсалар ҳам. Энди тушундингизларми, манга мундан нима қоладур?

Э л л и к б о ш и — Мен сиздан сұрайн мис асбоблар, кераклик нарсалар, мунга кўп кетганда бир юз сўм кетадур. Палак, гулкўрпа, дорпуш, буйинтумор, қўлтуқ тумор, тиллақошлардан нима фойда чиқаду, улар нимага керак?

Ф а й з и б о й — Палак, гулкўрпа, дорпушлар туйда уйнинг зийнати, тумор, тиллақошларни қизимиз тақаду.

Э л л и к б о ш и — Уйга булардан бошқа зийнат қуриб қолубдурму? Қизингизга шангир-шунгур қилиб тева мисоллик тумор таққондан нима фойда? Мен буларни ҳаммасини биламан, беш-олти кундан сўнг сандукда ётаду. Оларни сандук хузурини кураду. Уйга арзимайдургон нарсаларга куёв бечорадан кўб оқча олуб кучадагиларга ош, нон беруб, исроф қилсангиз, яна кераги йўқ палак-халак, тумор-пуморларга пул исроф қилсангиз, куёвингиз бечора қарздор булб қолса, гам-андухини қизингиз бирга тортаду. Шариатга мувофиқ туй қилсангиз, куёвингиз беқарз булса, қизингиз бохузур, беғам умргузоронлик қилади.

Ф а й з и б о й — Ҳали ҳам ман патир ушатар, совчигарчилик сўраганим йўқ. Бундан ортуқ шариатдаги туй қандоқ булади?

Э л л и к б о ш и — Шариат мустафода шундоқки, куёв тарафидан қизга маҳр тайинламоқ, сўнгра бир қоса сув била никоҳламоқ. Муҳаммад алайҳиссалом: «Йигитдан пул олгил, палак, гулкўрпа, дорпуш, тумор, қўлтуқ тумор қилгил, йигит қарздор булб қолса ҳам майли», дейдиларму?! Ҳозирда биз, туркистонликлардан бошқа жумла мусулмонлар, хусусан, Макка, Мадина, истамбулликлар, юқоридаги айтганимдек қилиб, қиз эрга берадулар. Куёвдан оқча сўрамоқни номусулмонлик, деб биладулар. Бизлардек исроф қилмайлар, *(домлаға қараб)* тақсир, сиз ҳам толиби илмисиз, худо ва расулимизни буйруқлари шундоқ эмасму? Ва бу кишини сўраганлари шариатдан ташқари эмасми?

Д о м л а и м о м — Ҳар жойни мусулмонларини бир расми булади. Бизларга ҳам шундоқ қилмоқ расмдур.

Э л л и к б о ш и — Ҳар жойни мусулмонларининг расмлари эмас. Бошқа вилоят мусулмонлари шариатга мувофиқ расм билан қиладулар, аммо бизлар шариатга тесқари, жоҳилият замонидан қолган бидъат ила қиламиз.

Ф а й з и б о й — Агарда бизлар шариатга мувофиқ қизимизни эрга берсак, халқ бизни айб қилуб куладилар. Мунга нима дейсиз? Бизни халқга кулгу булганимиз яхшими?

Э л л и к б о ш и — Халқ! Халқ шариатни масхара қиладиларми? Сиз мани айтганимни қила беринг, халқ сиздан кулса, шариат буйругини қилдим, десангиз, ҳеч ким ҳеч нима демайду. Агар айб қилса, гуноҳкор буладур.

Ф а й з и б о й — Мундой сузни узуб улайдургон экансиз, жуда мани гаранг қилдингиз. Энди булди. Булди, домла имомни айтганларини берсаларингиз, мана, булмаса, узларингиз биласиз. Ман юртни ташлаб, қиз эрга беролмайман. Энди гапни куб чузманг, минг гапурганингизда заррача манга таъсир қилмайду.

Э л л и к б о ш и — Хайр. Хайр, мендан утгон булса, афв этурсиз. Ман сизга ва куевингизга қариндош эмасман. Шунчаки, шундоқ бидъатлар булмаса эди, деб сузни узайтурдим. Жабр қилсангиз куевингизга қилурсиз, гуноҳи буйнингизга, манга нима фойда, нима зарар? *(Ерга қараб сукут қилур.)*

Д о м л а и м о м *(Абдулрахимга қараб)* — Сиз хуб деяверинг, мундақанги деб ултурманг. Туйга кетган оқчани худо узи сткузадур. Қарздор булса булар. «Қарз узилар, хотун ёнга қолар», деган суз бор. Элликбоши қаёқдаги булмоғон сузларни гапуриб, сизни суслантириб куйдилар. Ул кишини сузини куя беринг.

А б д у л р а ҳ и м — Хайр, булмаса билганларингизни қилинглар.

Д о м л а и м о м — Қулингларни кутаринглар. *(Ҳаммалари фотиҳага очурлар. Домла ичида узоқ дуо қилур).* Омин оллоҳ акбар, баракалла. *(Абдулрахим Файзибойга қараб.)* Энди муборак булсун.

А б д у л р а ҳ и м — Қуллуқ.

Ф а й з и б о й — Қуллуқ. *(Абдулрахимга қараб)* Туйни ушбу тайин булгандан кейин кам юборсангиз, ҳеч кунмайман. Суйлашилганни батамом юборурсиз.

А б д у л р а ҳ и м — Хотиржам булинг, бир нима қилурмиз.

Э л л и к б о ш и *(урнидан туруб)* — Энди менга жавоб, кетаман. *(Эшикка қараб юрар.)*

Ф а й з и б о й — Ултира туринг, ош тайёр.

Э л л и к б о ш и — Бале, раҳмат, егандек булдум. *(Ҳаммалари уринларидан турарлар.)*

Ф а й з и б о й — Сизлар ултурубсизлар-де.

Д о м л а и м о м — Йук, бизлар ҳам кетармиз.

Ф а й з и б о й — Тўхтанглар булмаса. (*Чакмон турган тоқчадан чакмонларни олуб, домлага, Абдулрахимга кийгузарлар. Эликбошига навбат келганда, киймас*). Сабаб, киймайсиз? Бо ёки гапимга хафа булдингизми?

Э л л и к б о ш и — Йук. Тун киймайман, деб аҳд қилгонман.

Ф а й з и б о й — Туйникини кийганингизда яхши булар эди, чунки туйники табаррук эди. (*Абдулрахимга қараб.*) Эртага хотунлар билан бамаслаҳат туйни хабарини берарман.

А б д у л р а х и м — Хуб, хуб (*Ҳаммалари чиқиб кетарлар. Файзибой саҳнада*).

Ф а й з и б о й — Хайр, хайр. (*Қолур*).

П а р д а

УЧИНЧИ ПАРДА

Солиҳнинг уйи. Суддан киралургон эшик. Ёнида дарича. Саҳна остига оқ эски намаг солинган. Турда эски узун кўрпача солуглуқ. Тоқчаларда пиёла, эски чойнак, қора қумгон ва бошқалар. Парда кўтарилган вақтда Солиҳ саҳнани суғуриб юрар.

А б д у л р а х и м (*кирар*) — Эй, болам, мундамудинг? Сени хужайинингникида деб борган эдим. Йук экансан, жуда овора булуб қайтдим. Уйингга келган экансан, ман келдим, деб манга хабар бермасанг булмасмуди? Ман овора булуб хужайинингникига бормас эдим. (*Турга чиқиб кўрпачага ултирар*).

С о л и х (*супургисини бир чеккага ташлаб*) — Келинг, амаки, уйдан бир хабар олай, деб букун шунда келган эдим. Сизга хабар бермаганимни важи уйингизда бормусиз, йуқмусиз, деб уйладим. (*Абдулрахимнинг ёнига ултирар*).

А б д у л р а х и м — Яхши келубсан. Мани санга бир оз гапларим бор эди. Жуда терлаб, пишиб кетдум. (*Бошидан салласини олуб, ёнига қуюб, даструмоли билан узини бир оз елур*).

С о л и х — Амаки, чой-нон олиб келайму?

А б д у л р а х и м — Йук, чой, нонни вақти бор. Кеча сани жавобинг билан маҳалладан мулла Карим эликбошини олуб, Файзибойникига фотиҳа ҳам олуғ-солугга бордук. Билмайман, нима бало булди,

Файзибой қадимги ваъдаларидан қайтдим, юртдаги расмни оламан, деб кичкина тўйга кунмади. Эликбоши бечора шариятда ундоқ-мундоқ деб куп гапургон эди, бечорани куб бсобру қилди. Файзибойни маҳалласини домла имоми ёмон одам экан. Юрт урфи тарк булмасун, деб Файзибойни қутуртирди. Ман ноилож булуб ошиқ булса ҳам, ҳуб булади, деб кунуб, чопон кийиб келдум. Уйда чутлаб боқсам, тўйга тахминан бир минг беш юз сўм кетар экан.

С о л и ҳ — Мундақангни оғир нарсалар сураган булса, булмайди деб, куда булмай келганингиз яхши эди. Қанча оқча ва қанчадан галла олар эмиш?

А б д у л р а ҳ и м — Беш юз сўм пул, турт ботмондан галла. Шунга ухшаш майда-чуйдалар.

С о л и ҳ (*қузлари олайиб*) — Вой, боёв, бу қанақанги гап? Майда-чуйдасини узига ҳам етти-саккиз юз сўм кетадур. Мани, узингиз биласиз, ундоқ оқча ва галлалар беруб, хотун олмакка қувватим етмайдур. Қарздор булмоқим аниқ кўрунуб тургон иш. Ҳали ҳам бунча нарса беруб хотун ололмайдур, деб жавобини беринг.

А б д у л р а ҳ и м — Энди булар иш булди. Беш олти юз сўм қарздор булсанг булубсан. Қувватим етмайди, демоқ, йигит кишига айб гап экан. Тишингни тишинга қуй, унақанги қилма!

С о л и ҳ — Йўқ. Жавобини беринг, ҳозир қарздор булуб, хотун олмайман. Қарздор булсам, қарзимни ким берадур? (*Юзини тескари қилур.*)

А б д у л р а ҳ и м — Э, аҳмақ экансан-ку. Ярамас гапларни гапурма! Фотиҳа худони муҳри, дебдурлар. фотиҳадан қайтсанг, кишини фотиҳа урадур! Кейинги пушмон — жонга душмон, дегандек, бир касалга йулиқуб, кейин пушаймон булуб юрма. Яна мани феълимни айнатма. (*Зарда ва аччиғлар билан гапур.*) Қарздор булсанг, бир гап булуб кетар. Уртада тургонни уялтуруб қўядигон иш қилма!

С о л и ҳ — Хайр, ман кундум, энди кимдан қарз сурайман. Ман ҳеч кимни танимасам.

А б д у л р а ҳ и м — Сан мунга ташвиш қилма. Ман кеча Қосимбой билан суйлашкон эдим. Санга оқча қарз бермоқчи эди. Ман Қосимбойни олдига боруб, мунда олуб келурман. Қанча ижара оламан, деса, хуб деявер. (*Салласини кийиб, ўрнидан туриб, чиқиб кетар.*)

С о л и ҳ (*Абдулрахимни кетидан гапурмоқчи булуб, гапиролмай қолур. Халқга қараб.*) — Манга хотун олмоқ бир балои азим булди. Олмайман, десам, амакимни аччиғи боёки. Оламан, десам, бир талай қарздор булуб қолсам. Энди қандоқ қиламан? Э, худо, ўзинг осон қил. Бу нима деган гапки, хотун олмоқга бир ярим минг сум пул кетса. Раҳматлик додамдан эшитардимки, онангни додаси манга бир тийин чиқимсиз қизини никоҳлаб берган эди, дсб. Яна бобом раҳматлик мадрасага мударрис эдилар. Ул киши шариатга мувофиқ иш қилганларми? Ёки мувофиқ ишмас. Албатта, мувофиқ булса керак, чунки бобом Туркистонда биринчи уламолардан эдилар. Энди бу замонда олуғ-солуғ, ғалла, яна нима балолар чиқиб кетди. Хотун олгон йигит қарздор булмасдан уйлана олмайду. Қанчалари ержойларидан ажрамоқдалар. Мана ман ҳам ушаларни жумласидан буладургонга ухшайман, э, оллоҳ! Бул бидъатларни узингдан бошқа чорасини топа олмайди. Узинг осон қил! (*Шундан сунг қовоғини солуб, хафа булуб ултирар. Бир оздан кейин Абдулрахим кирар.*)

А б д у л р а ҳ и м (*кирар*) — тур, Солиҳ. Ултурма, бой келди. Пул сураам, йуқ демагил, агар йуқ десанг, жуда хафа қиламан. Салом бериб бой билан кुरुш.

С о л и ҳ (*сакраб урнидан турар. Абдулрахимга*) — Шундами? Бой.

А б д у л р а ҳ и м — Ҳа, шунда. (*Эшикка қараб*). Кира беринг, бой ака. (*Бой кирар*).

Солиҳ (*салом бсруб кўришар, бойни юқорига чиқаруб ултурарлар.*)

Б о й — Омин, қадам етди бало етмасун, оллоҳу акбар. (*Ҳаммалари фотиҳа уқурлар.*)

А б д у л р а ҳ и м (*урнидан туруб*) — Хуш курдук, бой ака.

Б о й — Хушвақт булинг, раҳмат. (*Солиҳга қараб*). Болам, сизга оқча керакми?

С о л и ҳ — Шундоқ, бой ака.

Б о й — Қанча оқча керак? Бир-икки юз сум булса буладимми?

С о л и ҳ — Амаким биладилар.

Б о й (*Абдулрахимга қараб*) — Керагини айтинг. (*Ерга қараб ултурар.*)

А б д у л р а ҳ и м — Тукқиз юз сўм булса булади.

Б о й — Жуда яхши, неча ойда берасизлар?

А б д у л р а ҳ и м — Худо Солиҳга қувват берса, бир йилда беради.

Б о й (*Солиҳга*) — Ман шул шартлар бирла оқча бераманки, аввали туққуз юз сўмга бир юз сўм ижара қушуб, бир минг сўмга ҳам вексел берасиз, ҳам ҳовли ва ҳовлидаги ҳамма нарсаларни наториусдан гаров (залук) қилуб берасиз. «Срукида берсам хуб, булмаса ҳамма ҳовли ва ҳовлидаги ҳамма нарсаларим шул бойники», деб. Иккинчи олти ойдан бир кун уткузмасдан пулимни батамом берасиз, ҳам ҳужжатингизни оласиз. Агар шул шартларга хуб десаларингиз, оқча бераман, булмаса йуқ.

А б д у л р а ҳ и м — Ижарасини камроқ қилинг ва срукини бир йил қилинг, токи туламоқга осон булсун. Яна Солиҳ векселни ўзини берса булади, чунки ҳамма бойларга одат шул, гаровни қуйинг.

Б о й — Ўзингиз биласиз, замон ёмон булуб кетган. Бу вақтда бировни ҳақидан ҳеч ким кўркмайдур. Шунчаки ишонишга гаров қилуб оламан ҳам ўзимни одатим ҳамиша шундой, ижарасини камайтуролмайман, срукини ҳам шундоқ.

А б д у л р а ҳ и м — Ҳар нима булса ҳам сағал жунроқ қилинг, Солиҳга жабр булмасун.

Б о й — Ман бир гапураман, айлантуруб утуришга тобим йуқ. Булса хуб денг, булмаса манга жавоб беринг.

А б д у л р а ҳ и м — Хайр, нима десангиз шул. Ман нима ҳам дердим? (*Ерга қараб ултурур*).

Б о й (*Солиҳга қараб*) — Векселга қўл қуйишни биласизми?

С о л и ҳ — Ҳа, бой ака, биламан.

Б о й (*Солиҳга*) — Жуда яхши, ҳовлини неча саржинлиги маълумми?

С о л и ҳ — Ҳа, маълум, илгари куни улчатган эдим, жами туқсон саккиз саржин келди.

Б о й (*чунтагидан қоғоз, қалам олуб, Солиҳга*) — Ҳовлини гарб тарафи кимга мутасил? Шарқ кимга мутасил? Жануби кимга мутасил? Шимол кимга мутасил?

С о л и ҳ (*қули билан тўрт тарафга ишорат қилуб*) — Бу ёқ Эшмуҳаммад акага, бу ёқ Турсун акага, бу ёқ Каримбой акага, бу ёқ Абдулрахим амакимга.

Б о й (*ёзуб олуб*) — Боракалло, энди булди, туринглар, натариусга борамиз, вақти утмасун. Пулни ҳам ушал жойда бераман.

А б д у л р а ҳ и м — Аввал чой ичиб олайлук. Сизга чой келтурсун.

Б о й — Бале, раҳмат. Натариусни вақти утмасун, худо хоҳласа, бошқа вақтда ичамиз.

А б д у л р а ҳ и м (*Солиҳга*) — Тур вақтлироқ борайлук.

С о л и ҳ — Хуб. (*Ҳаммалари чиқиб кетур.*)

П а р д а

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Учинчи пардадаги сахнанинг аини, фақат келинлар уйидек дорпушлар осилинур ва тахмоннинг устидан кирпуш осилган. Токчаларга ҳар хил асбоб қуйилур, турга курпача солингон, устида **Р а ҳ и м** а халқга қараб дуппи тикуб ултурар. Бир оздан сунг **С о л и ҳ** кирар, повестка кутаруб.

С о л и ҳ (*қулига повесткани кутариб хафалик қиёфада қобогини солуб*) — Оҳ, нима балоларга гирифтор булдум?! Қандоқ мушкул ишларга қолдум?! Оҳ, эсиз бошим! (*Саҳнани турига, Раҳимани ёнига ултурар.*)

Р а ҳ и м а (*Солиҳни башарасига қараб*) — Нега хафага ухшайсиз, ким чақиргон экан?

(*Солиҳ ерга қараб ултуруб, Раҳимага жавоб бермас.*)

Нега гапурмайсиз, қулингиздаги қанақа қоғоз?

С о л и ҳ — Эйй сўраб нима қиласан? Шурим қуриди-ку! Туйдаги қарзимни ваъдасидан уч ой утган эди. Бугун соат 12 гача пул топиб берсам, хуб, булмаса, бой ила судя, пристуф тушуб, ҳовлимни, молларимни узига уткузар эмиш. Оҳ, шурим курсун, оҳ! (*Тиззасига урар, хунграб йиглар*). Оҳ, сан била мани ҳолимиз хароб. Бизлар, бизларни кўчага ҳайдар эмиш. Оҳ, қайдан ман дунёга келган эканман! (*Чунтагидан дастрўмолни олуб, кўзини артур*).

Р а ҳ и м а — Булмаса, соат 12 гача тўлаёлмайсизми?

С о л и ҳ — Нимани тўлайман, ҳол-аҳволим узингга маълум-ку, яна мендан тўлаёлмайсизми, деб сўрагани уялмайсанми? Манда соат 12 гача нақд бир минг сўм қайда буладур?

Раҳима (ерга қараб йиғлар ва Солиҳга) — Амакингиздан оқча сурамадингизми?

Солиҳ — Сурадим, пулим йуқ, деди. У бечорадан ҳам эллик сўм олуб, яна тухтармукин, деб бойга пулини ижарасига берганман.

(Эр-хотун йиғлашурлар. Шул вақтда Файзибой кираар.)

Файзибой — Ҳа, нима гап? Нега йиқлашуб ултурубсизлар? (Солиҳни олдига келур, ултурур).

Солиҳ (ёшини артуб) — Узингизни хабарингиз бор, туйда бир минг сўм қарздор булуб, ҳовли-ашёни пулдорга гаров қилуб бергон эдим. Ваъдасидан уч ой утди, тулаёлмадум. Бугун соат 12 да бой билан судя, пристуф тушуб, ҳовли ва ашёларни узига утказуб, бизни ҳайдаб бутун чиқарар эмиш. Хонавайрон булганимизга йиғлашамиз. (Ҳунграб, яна йиғлар). Энди умидимиз сиздан. Бир илож қилуб ёрдам қилмасангиз, сиздан бошқа таянадигонимиз йуқ. (Повесткани берар.)

Файзибой (повесткани олуб, бир оз уйлаб туруб) — Мен қандоқ қиламан. Бир тийин оқчам йуқ. У ёгини сурасангиз, шу кеча-кундузда авқотимга ҳам пул йуқ. Абдулрахим амакингиздан сурамадингизми? Бир илож қилса булмасму эди?

Солиҳ — Сурадим, уни ҳам оқчаси йуқ экан.

Файзибой (повесткани ерга қуюб, урнидан туруб, қизига) — Қизим, ман сани кургани келган эдим, йиғлама энди, амон бул. Зериксанг, ҳовлига бориб кел. (Чиқиб кетар).

Раҳима (юзини ураб, отасига қарамасдан йиғлаб қолар. Файзибой чиқиб кетгандан сунг, кетидан) — Ҳар ишни сиз қилдингиз, куёвингиздан оқча олмай ва исроф қилмаганингизда, куёвингиз қарздор булмас эди ва мундоқ ташвишга қолмас эдук. (Яна йиғлар).

Солиҳ (урнидан туруб, эшикни маҳкамлаб келур. Токчадан бир пичоқ олуб, Раҳимага) — Энди мандан рози бул. Мундоқ шарманда булганимдан узимни-узим улдирганим яхши.

Раҳима (сакраб урнидан туруб) — Сизга нима булди! Вой, улай! Вой, улай! (Солиҳни пичоқлик қулини ушлар).

Солиҳ — Ҳовли-ашёдан ажралиб, қандоқ кучада юра оламан, ундан кура улганим яхшироқ. Қуй қу-

лимни! Мандан рози бўл! Ман ҳам сандан розиман!
(Қулини силтар, Раҳима қуймас).

(Раҳима қаттиқ овоз билан йиғлар ва ялинув).

С о л и ҳ — Ушлама! Узингни-узинг хафа қилма!
Узимни улдирмасам иложи йуқ!

Р а ҳ и м а — Бўлмаса, ман сиздан ажралиб дунёда
туролмаيمان! Аввал манга пичоқ уруб, улдулинг! Сиз-
ни улукингни кўрмоққа тоқатим йуқ. Кўрмий ҳам
қуймий! *(Кукрагини тутиб бериб, йиглаб турар).*

С о л и ҳ — Қуй, ёш жонингга жабр қилма. Сани
улдуришга қулим бормаиди. *(Елкасига қули билан қо-
қар, иккаласи йиғлашурлар.)*

Р а ҳ и м а — Узингни улдуруп бўлсангиз, аввал
мани улдулинг. Сиздан ажралиб туролмаيمان бу дунё-
да.

С о л и ҳ — Сани улдуришга асло қулим бор-
майди. Сан бу дунёда тур. Мани улганим яхшироқ.
(Уз-узига пичоқ урмоқчи булар).

*(Раҳима сакраб пичоқни Солиҳдан олуб, уз биқини-
га урар. Чалқанчасига йиқилур, қулидан пичоқ бир
тарафга тушар. Типирлар ва оҳлар тортар, жон
бсрар).*

С о л и ҳ *(Йиғлай-йиғлай, қозикдан жойнамоз олиб
кслуб, Раҳиманинг устига ёпар ва юзидан упиб, Раҳима-
га қараб)* — Эй, вафодор ёрим, ман деб ширин жонинг-
дан кечдинг, Маҳшар куни худо расул алайҳисаллом
олдида мани эрим жабр билан ўлдурди, демагил. Ажали-
ннга ман сабаб бўлмадим, балки ўзингнинг отанг сабаб
бўлди. Мандан шариатдан ташқари оқча олиб, қарздор
қилди ва умримизни хазон қилди. Сани ва мани бевақт
улумимизга сабаб бўлди. Худо хоҳласа, маҳшар кунида
отанг Файзибой жавобгар бўлса керак. Оҳ, эссиз ёш
жоним! Э, худовандим! Бизларни улимимизга сабаб
бўлгон ўзингга маълум. *(Раҳимани бош тарафига утуб,
узига бирдан пичоқ уруб, йиқилиб, хириллаб-хириллаб
жон бсрар. Оздан сўнг б о й , п р и с т у ф л а р кирар.)*

*(Бой ва пирстуф олиб етганларни кўриб, чучиб бир
чстидан мўралаб қараб турар. Пристуф ҳуштак чалур,
узи улукларни кўкрагига қулоқ солуб).*

П р и с т у ф (бойга) — Душа нет, кажется, себе убивали.

Б о й — Не знаю.

(Шул вақтда миршаб, Абдулрахим, элликбоши, Файзибой, домла имом югуришиб кирарлар).

Ф а й з и б о й (югуриб бориб, қизини улук куруб, хунграб йигламоққа бошлар) — Вой, болам, вой, болам!

А б д у л р а х и м (Солиҳни устига узини ташлаб) — Етимгина болам! Воҳ, болам! Оҳ, болам!...

(Абдулрахим, Файзибой секин-секин йиглаб улукларни олдида ултурур, бошқалари қатор турурлар.)

Э л л и к б о ш и (бойга) — Бой ака, нима воқеа булди? Буларни ким улдурди?

Б о й — Бизларни хабаримиз йук. Мани Солиҳда бир минг сўм пулим бор эди. Ваъдасидан уч ой уткан эди. Бугун повестка юборган эдимки соат 12 гача берсанг, хуб, булмаса, уйингни узимга утказуб оламан, деб. Повестка берганга айтган эканки: «Бугун пристуф тушадургон булса, ман шундай шармандаликга чидолмайман, узимни-узим улдираман», — деб. Биз пристуф билан келуб, шул воқеани курдук. Мундан бошқа гапдан хабаримиз йук, (пристуфга) шундоқми тура?

П р и с т у ф — Шундак, шундак, бизники шуни курдик.

Э л л и к б о ш и — Хуб, тушундим. Ҳовлисидан ажралганига чидолмай, узини улдурубдур. Хотуни ҳам эрининг улимига чидолмай, ул ҳам улганга ухшайдур. (Файзибой ва Абдулрахимга.) Йигидан тухтанглар, йигини фойдаси йук! (Тухтарлар). Файзибой ака! Куёвингиз билан қизингизнинг улимига нима сабаб булди, биласизми?!

Ф а й з и б о й — Йук, сабабини билмайман.

Э л л и к б о ш и — Мен сизга сабабини айтсам, сизни бекор шариатдан ташқари туй қилуб, куёвингиздан куб оқча олуб, қарздор қилганингиз сабаб булди. Ушал вақтда ман сизга айтдим: «Бекор исроф қилманг. Куёвингиздан куб оқча сураманг. Юртга обру қиламан, деб ош-нон беруб худо ва расулнинг буйруқларидан чиқманг», дедим. Сиз мани сузимни кулоққа олмадингиз ва шариатга буйунсинмадингиз ва мани бсобру қилдингиз. Мана, куёвингиз қарздор булган экан,

мулк-ашёдан ва ширин жондан ажрабди. Сиз ҳам жонингиздан, ширин қизингиздан ажралдингиз. Бу дунёда кўрган ғам сизга ғам эмас, маҳшар куни худованди карим олдида итобга қолмоқингиз эмди у ёқда турубди. *(Халққа қараб)*. Сизлар ҳам шундоқ исроф қилмоқдасиз. Исрофни зиёнини кўрдингизлар. Файзибойдан ибрат олинглар. Кўрдингизларми, исроф қилуб, охири ҳоли нима булди? Шариат мустафога бўйсунинглар, энди кўзларингизни очинглар. Бидъат туйга исроф қиладурғон оқчага углингизларни ўқутинглар ёки жамияти хайрияларга иона қилинглар. Ўғул ўқитмоқ яхши ҳам фарздур. Туйга исроф қилмоқ бидъатдур. Яна қиз эрга бермоқни оғурлаштурғонларингизни бир катта зиёни шулки, баъзи йигитларимиз уттуз, қирқ ёшгача уйланмай турарлар. Сабаби эса хотун олмоқ оғирлашганига бир минг сўм, бир ярим минг оқча керак буладур. Бул оқчани тополмай, ноилож булуб, қайда бесоқол бола булса, бесоқолбозлик қилуб, топган оқчаларини бесоқол, фоҳишага, ичкуликга сарф қилуб, қандай номаъқулчиликлар қилуб, номимизни ямонликга чиқаруб, бугун ислом оламини булғатадурлар. Мунга кимлар сабаб булди? Албатта, қизлик оталар, бунинг гуноҳиси кимга? Албатта, қизлик оталарга! Чунки шариатда йўқ нарсаларни оламан, дейлар ва йигитларимизни бундоқ нарсалар берувга қувватлари стмайдур. Шундай бадкорликни ихтиёр қиладилар. Яна қизлик оталарга айтаманки, қадимги одатимизни ташласак, халқга кулки бўдамиз, деб уйламасунлар. Кулган кишилар гуноҳкори азим булуб, шариатга бўйсунмаган буладилар. *(Файзибойга.)* Энди сизга худо сабр берсун. Йигини фойдаси йўқ. Ҳар нарса қилдингиз-ўзингизга қилдингиз, ўз оёгингизга болта урдингиз. *(Бойга.)* Бир-икки кун тўхтанг, ўлук кўмилгандан кейин ҳовлини сотдириб олурсиз.

Б о й — Хуб, булмаса, ўзингиз молларни сақлаб берарсиз?


Э л л и к б о ш и — Жуда яхши. *(Бой, пристуф чиқиб кетар. Халқга.)* Ҳар маҳаллани домла имомига зарурдирки, узини қавмига мундоқ ишларни зиёнини билдуруб, манъ қилмоғи ва шариатда йўқлигини билдирмоғи. *(Домла имомга қараб.)* Тақсир! Сиз ҳам шунга сабаб булдингиз. Агарда сиз мани ёнимга қушулуб, Файзибойни қайтарганингизда, мундоқ исроф қилмас эди!

Д о м л а и м о м — Ман билмадим, пешонасида
бор экан.

М и р ш а б — Энди ҳаммаларингиз чиқингизлар.
Ман уйни қулфлаб оламан. Ҳозир духтур келса керак.

*(Ҳаммалари чиқарлар, миршаб ҳам эшикни беркитиб
чиқиб кетар.)*

П а р д а



АБДУЛЛА БАДРИЙ

ЖУВОНМАРГ



*Туркистонликлар маишатидан олиниб
ёзилган турт пардалик фожиадур*



А Х Ш О С:

Т о ш ф у л о т — от жаллоб; узун буйлук, сарик соқоллик, жудо аччиғлик бир одамдур; ҳар вақт маст бўлуб юрар; Нодон ҳам таассубдур, 50 ёш.

Т у р с у н о й — Тошфулотнинг хотунидур; урта буйлук, очиг юзлик, маъюс дийдорлик, жудо собира бир хотун, 30 ёш.

Т у т и о й — Тошфулотнинг қизидур; урта буйлук, маъюс дийдорлик бир қиздур; хат-саводи чиққан, 16 ёш.

Ж у р а қ у л — урта буйлук бир йигитдур; Турсуноннинг укаси, Тутитойга тоға тегушлик; русча ҳам мусулмонча таҳсили бордур; подшолик маҳкамаларнинг бирисиға мирзолик ҳам тилмочлик хизматини қиладур; соқол-муйлаблари йуқ; либослари русча бўлуб, устидан аъмома илан чопон кияр, 20 ёш.

Т ў х т а м у р о д — Тошфулотнинг журасидур; фосиқ ҳам ҳаромзода бир одамдур, 45 ёш.

Т у р д и б о й — Тошфулотнинг ҳамсоясидур, 35 ёш.

З а к у н ч и — кийимлари куҳнадур; кулида портфель бор; пиёнусканамо.

О в а н е с — пивохоначи армани, 40 ёш.

Ш а й т о н — узун буйлук ҳам орукдур; шайтонга ухшаган.

БИРИНЧИ ПАРДА

Пивахона манзарасидур. Турт-беш дона устал илан бир неча дона курсилар бор. Деворга икки-уч дона суратлар осилгон. Парда кутарилгон вақтда Тошфулот илан Тухтамурод пива ичиб ултурарлар. Устал устида бир неча нафар пива шишалари турар.

БИРИНЧИ МАЖЛИС

Тошфулот илан Тухтамурод.

Тошфулот (*истаканга солинган пивани ичиб тамомлаб*) — Ой, жура! Шул пивани ясаган одам қандини есунди-я! Бу пивадек шарбат жаннатга ҳам йуқдур, дейман.

Тухтамурод — Уҳ-ху!.. Сан нима дейсан ҳали?.. Бу пива саксон минг дарлга дармон. Бу пивани, жура, ичмаган одамнинг бу дунёга турмоғи ҳам, тирикчилиги ҳам беҳуда. Беш кунлик ганимат дунёга пива ичиб кайф-сафо қилиб қол, ой, жура!.. Улуб кеткандан кейин ул дунёга пива тополмассан. Суз, ичай-лук!.. (*Сузуб ичарлар.*)

Тошфулот — Жура! Бу нима деган гап?.. Пивани «ҳайт» деб ичиб етибман, ичиб етибман, шунча пивани ичиб, то ҳалигача бошим қизигани йуқ. Худо билсун, бу даюснинг пиваси сустроқми е!..

Тухтамурод — Пиваси-ку суз эмас, бизнинг ичишимиз сустроқдур. Бу ун шиша пиваминан чичқоннинг ҳам бошини қизита олмайсан, ака!.. Ман ёлғуз бир узум мунинг йигирма шишасини ичсам ҳам бошим қизимайдур. Биз-ку ҳали икки одам, икки одамга бу нима булсун, ҳеч нима эмас. Эй, Тошфулот!.. Сан ҳали мани билмайсан экан, жура!.. Ман илгарики ёш, буз бола замонимга ичкан пиваларни катта бир аждарҳо ҳам ичмагандур. Ул мани ичқан пиваларим эҳ-ҳа!.. Агар бир катта ҳовузга солиб келган булсам, ҳовузга сиғмай тулиб-тошар эди, ака. Эй, ман нима дейман ҳали! Бир ҳовуз, дебман, ҳа, ун ҳовуз десам ҳам ғалат булмас, жура!.. Ушал мани буз болалигимга қилган ишимни ҳозирги замонанинг ик-

ки юзта буз боласи ҳам қилолмайду. Ҳали, жура, соқолимнинг оқарганига қарама, илгарики йигитлигимни ҳозир ҳам қиламан, десам ҳам, қилавераман. Ҳеч биттасига парвойим келмас, жура!..

Т о ш ф у л о т — Ишонаман, жура, ишонаман. Ҳар нима десанг ҳам рост дейсан. Ушал вақт қилган йигитликларинг ҳозир ҳам эст-бестингдан курунуб тўхтабди...

Т у х т а м у р о д — Уҳ-ху!... Манга ухшаган йигитлар орадан жуда ҳам оз туғулду, ака!.. Вақти замонасида маним турт-беш мамлакатларга овозим кеткан. Самарқанд, Тошканд, Хужанд, Андижон, Марғилон, Каттакўрғон, Кармана, Уратепа, Шаҳрисабз, Қарши, Чаҳоржуй, Бухоро. Бу шаҳарларга мани танимаган, мани билмаган одам ҳеч йўқ эди. Ман анча-мунча беҳуда одамларга писан ҳам қилмас эдим. Сан кимсан, ой?!.. Ман Тухтамурод, от жаллоб. Уҳ-ху-уу-уу!... Маним минан жура булуб юрган йигитларнинг ҳар бириси шер эди. Жураларнинг орасида пур-ақл ва олифталик қилган ман эдим. Тагимга ун-ун беш минг тангалик от-у, стмиш-саксон минг тангалик ускунага молик булган Ҳожи Тухтамурод бойбача деб овоза (булган) чиқарган ман эдим. Эй, жура! Хайф, ул замонлар утуб кетди!

Т о ш ф у л о т — Сан жура, манга қараганда, жуда ҳам тенг бахт экансан, эй! Сан умрингга шунча кайф-сафо қилиб, шунча роҳатларни ҳам курубсан. Санга қараганда ман бечора бахти сиёҳ, гариб бир дарвеш эканман. Ҳалигача маним умрим меҳнат ва гурбатминан утиб кетди. Энди ҳам роҳат кўролганим йўқ. Шу букунлар ҳам ҳеч роҳат, кайф-сафо кўролмайман. Худо билсунки, маним толеим йўқми ё!.. Мундан сунгра ҳам гурбатдан чиқолмай, ўлуб кетарманми?

Т у х т а м у р о д — Эй жура! Ҳеч парво қилма!.. Худо хоҳласа, санинг ҳам бахтинг очилар. Беҳуда нар-саларга ҳеч ҳафа булма. Худо тан сиҳатликни берсун, дегин. Мол, давлат, иззат, ҳурмат қочиб кетгани йўқ-дур. Ниятинг холис булса, топарсан. Умид қилган одам худодан ҳар нима умид қилса ҳам, куруқ қолмас. Умид худодан, ноумид шайтондан, дебдурлар. Агар умид қилсанг иншообло (иншоолло) муродиנגга етарсан. Умид қилмоқ керак, жура, умид, умид...

Т о ш ф у л о т — Йўқ, жура, акун маним барчадан умидим узилган. Онадан туғилган кунимдан бош-

лаб, ҳозиргача умид боғлаб ётиб, ҳеч бир умидимга эришканим йўқ. Умид қилиб ётиб, қайта куротурганимни куролмай барчасидан куруқ қолдим.

Т у х т а м у р о д — Бехуда гапурасан, жура!.. Одам боласининг умидсиз булмоқи дуруст эмасдур. Умид худодан, ноумид шайтондан, дедим-ку! Сан одам боласи, умидсиз булмас худо дегин, жура, худо дегин... Сан ҳали узингни бахти сиёҳ дейсан, толесиз дейсан, фалон дейсан, тугун дейсан. Толесиз бўлуб ҳали санга нима булди? Сан бошқа бир хил одамларга қараб, бир шундай кузунгни солгин, қани, курарсанки, одамларнинг куброғи санга қараганда минг маротабадан зиёда толесиз ҳам бадбахтдурлар. Санга нима!.. Сан-ку, ҳали толесиз бўлуб нима, халта осиб кучага гадойликга чиқдингми? Худога шукр оёқ-қулинг соғ-саломат. Кур эмассан, чулоқ эмассан. Одамлар орасида обруйинг бор. Йигирма-утгуз минг тангалик ускуна-нани бор, хотунинг бор, қизинг бор. Ана шуни узи толе эмасми?.. Санга бо нима керак. Ношукурлигинг уткан эмас.

Т о ш ф у л о т — Ой, жура! Сан нима дейсан ҳали!.. Ҳар одамнинг узига уз дарди зур. Санга маним ускунам, хотунум ҳам қизим кузунгга курунар. Ман буларнинг барчасидан безорман. Сан ускуна дейсан. Ускунани ман нима қилай? Ман уни еёлмасам, сотолмасам. Манга бир пуллик фойдаси ҳам булмагандан сунгра ускунани бошимга урайми?.. Хотунум булса, хотинимнинг зарардан бошқа ҳеч бир фойдаси йўқ. Топган молни еб ётмоқдан бошқа ишка ярамайдур. Балки касофати куброқдур. Қизим булса, қизимнинг бир нав фойдаси булди-ку, лекин ундан келган фойда ҳам бебарака булди. Куёвдан олган пулларнинг ҳаммасини шамол сди.

Т у х т а м у р о д (*таажжуб қилиб*) — Куёвдан!.. Қандай куёвдан?..

Т о ш ф у л о т — Куёвдан-дия! Қандай куёвдан булсин экан. Қизимнинг эри буладурғон куёвдан-дия!..

Т у х т а м у р о д — Ол-ҳа! Сан ҳали қизингни эрга бердингми аллақачон?.. Маним бу ишдан ҳеч хабарим булмади-ку?.. Туйга бизни нимага чақирмадинг?..

Т о ш ф у л о т — Туйга энди чақираман. Хафа булма, Тухтамурод!.. Ман санга айтганим йўқ эди ҳали. Худо хоҳласа, эттага никоҳ туйи буладур. Эттага келасан-дия!..

Т у х т а м у р о д — Ол-ха!.. «Этгага никоҳ туйи буладур-у, этгага туйга келасан». Шул ҳам гап булди-ми?.. Сан маним бир яқин журам буллуб тухтаб, аввал манга хабар беришинг лозим эди. Хомонки, сан бу ишдан то ҳалигача огиз очиб бир сүз айтканинг йуқ. Эй, жура! Журалик шундай буладурму?.. Қизингни бирор вақтида мани хабардор қилиб мандан ҳам бир оз маслаҳат сұраш керак эди. Яқин ёру журанг булгандун сўнгра мандан ҳам маслаҳат сұрамай, шундай бир ишни қилиш яхши эмасдур. Воқсан, сан қизингни кимга бердинг?..

Т о ш ф у л о т — Акрам кантурға бердим, жура...

Т у х т а м у р о д — Акрам кантурға?.. Эй, ундай булса, тузук экан булмаса. Акрам кантурға берган булсанг, яхши қилибсан. Акрам кантур шаҳримизнинг яхши ҳам бообрўй одамидур. Яхши одам топибсан. Қанча пул олдинг? Бирон ун минг танга олдингми?..

Т о ш ф у л о т — Ун минг танга?.. Йуқ, ун минг танга қайси гурга!.. Ун минг танганинг ярми десанг дуруст.

Т у х т а м у р о д — Ун минг танганинг ярми, беш минг танга! Ул ҳам дуруст пул. Беш минг олган булсанг, яхши қилибсан. Энди, жура, шунча пул олибсан. Бизни бир зиёфат қилгин охир! Қани, бирон дюжина пива олду...

Т о ш ф у л о т — Бугун шул олдимиздаги пивани ичиб, тухтайлук, жура! Этгага бо яна келамиз-ку, ҳали. Ушал вақт бо яна олдуармиз-дия! Ҳали куплук қилмасун, дейман. Вақт ҳам қетди.

Т у х т а м у р о д — Йуқ, куплук қилмайдур. Бирон дюжина олайлук. Ҳали вақт куп, ичамиз-дия! (*Ованессни чақирар.*) Ованес, Ованес! Сан хасислик қилсанг, узум олдураман булмаса.

Т о ш ф у л о т — Ҳой, жура! Сан яна олдурубсан, кублук қилмасун бо?..

Т у х т а м у р о д — Йуқ, кублук қилмайдур, хафа булма, бо яна йигирма-утуз шишасини бушатамиз ҳали. Сан дам ултургин, ишинг булмасун, жура!.

О в а н е с — Нима истиюрсан?

Т у х т а м у р о д — Бир дюжина совуқ пива кстур.

О в а н е с (*таажжуб қилиб*) — Бир дюжина?..

Т у х т а м у р о д — Ҳа, ҳа! Бир дюжина, тезроқ кстур.

О в а н е с — Яхши, ҳозир. (*Чиқар.*)

Т о ш ф у л о т — Ой, жура! Сан бир дюжина талаб қилдинг, бо кублук қилиб қолмасун. Маст булуб бирон жойга йиқилиб, мабодо, яна миршабхонага тушуб қолмайлук.

Т у х т а м у р о д — Йуқ, ҳеч нима ҳам булмайду. Хотиржам бул.

О в а н е с (*пиваларни киргизар, шишаларни усталларга қуя-қуя*) — Мана, бод Тухтамурод! Санки энди я жан била чух пива ичмаздинг, энди-да чух пивалари ичип даҳо истиюрсан. Сана на улди, била чух ичип улмуюрмисан?..

Т у х т а м у р о д (*ғурурланиб*) — Ҳой, Ованес! Сан ҳали билмайсан, ака!.. Ман саникига куп келиб ичмайман, ҳам куп ичканим йуқ-дия! Анча-мунча вақт фурсатим булганда, дуконингнинг ёнидан утуб кетушлик кириб, турт-бешта ичиб чиқаман. Бошқа куп ичиб юрган жойларда мани яхши биладурлар. Мандек пивахурни бу мамлакатларга тополмайсан. Ман ҳар бир ичканимга икки сатил пивани бир узум ичиб, маст булганим йуқ. Икки сатил пиванг қих шиша буладур, ака! Бу бир дюжинанг нима?! Бир дюжина пивани писанимга ҳам илмайман.

О в а н е с — Ёлон деясан, Тухтамурод!.. Икки сатил пивани эшшак-да ича билмас, сан одамсан.

Т у х т а м у р о д — Ҳей, ёлгон булса, қараб тургин... Сан пивани иннамай кетуравергин, ман курсатай.

О в а н е с — Волла!..

Т у х т а м у р о д — Ишонмай экансан, ман воллангни курсатай. Сан гапурмай пивани ташийвергин, воллангни кураман... Бор, битта чилим кетур.

О в а н е с — Бош усти, ҳозир улар... (*Чиқиб кетар.*)

Т у х т а м у р о д — Сан бехуда сузларни айтиб қуйдинг, жура! Икки сатил ичаман, деганинга ман ҳам ишонмайман.

Т у х т а м у р о д — Ишонмайсан?..

Т о ш ф у л о т — Йуқ, ишонмайман.

Т у х т а м у р о д — Агар ишонмасанг, кел, гаров боғлаймиз. Агар икки сатил пивани ичолмасам, қашқа отимни санга бераман, булдими?

Т о ш ф у л о т — Йуқ, ичолмайсан. Қайта, бехуда гаров боғлаб нима қиласан? Қуй!..

(*О в а н е с чилим киритар.*)

Т у х т а м у р о д — Ман санга дейманки, ичаман.

Т о ш ф у л о т — Ичолмайсан! *(Чилим чекар.)*

Т у х т а м у р о д — Ҳей, ман ичолмайман экан, ичканимни қараб тургин булмаса. Ованес! Сан бизага икки сатил пива кетур.

О в а н е с *(таажжуб қилиб)* — Икки сатил?!

Т у х т а м у р о д — Ҳа, икки сатил, тезроқ кетур.

О в а н е с — Мана, бох ада! Сан на девона улдунгми? Икки сатил пивани ким ича билар?

Т у х т а м у р о д — Санинг ишинг булмасун. Сан кетур дегандан сунгра пивани кетуравер.

О в а н е с — Ҳе. *(Чиқиб кетар.)*

Т о ш ф у л о т — Сан, жура, беҳудага иш қилубсан. Қуй, ушал пивани ичмаё қуй. Ман ишондим.

Т у х т а м у р о д — Йуқ, энди ишонсанг ҳам қуймайман, ичаман. Ман, жура, бир хил одамлардек уз сузимдан қайтатургон одам эмасман.

(Зақунчи кирар.)

З а к у н ч и — Бойбачалар, арза-марза ёздурарми-сиз? Ман яхши арза ёзатургон зақунчиман. Ҳар қандай ишга булса ҳам арза ёзарман. Губерғами, ҳокимғами, судяғами, ҳар қайсисига булса ҳам яхшилаб ёзарман.

Т о ш ф у л о т — Маним арза минан ҳеч кимга ишим тушкани йуқ, ука. Арза ёза тургон булсанг, ёзадур тургон одамига боргин-дия! Биз-ку, ҳали сани арза ёзгурамиз, деб чақирганимиз йуқ.

Т у х т а м у р о д — Бор, бор, кетавер, ишингдан қолма, ука. Биз арза-марза ёзгурмаймиз. Сани чақирган одам йуқ бу ерда.

З а к у н ч и *(назокат илан)* — Ҳе, ҳей, бойбачалар, ихтиёрларингиздур. Ёздурмасанглар ҳеч зарари йуқ. Ман, мабодо, агар ёздирсангизлар, деган эдим-дия.

Т о ш ф у л о т — Йуқ, ёздурмаймиз. Нима дейсан?..

Т у х т а м у р о д — Бизага даркорлиги йуқ... *(Тошфулотга.)* Пивани суз, ичайлук. *(Ичарлар.)*

(З а к у н ч и унғ тарафдаги устал ёнига утуруб, қўнгироқ чалар.)

О в а н е с *(кирар.)* — Что вам угодно?

З а к у н ч и — Дайте пару пива.

О в а н е с — Сю минуту.

Т у х т а м у р о д — Қани, Ованес, бизнинг пивани кетур охий!..

О в а н е с — Айба буюрмайсан, Тухтамурад. Манда пива оз голмишди... Икки сатил йухди.

Т у х т а м у р о д — Пиванг оз қолган булса, бошқа жойдан топиб кетур-дия!

Т о ш ф у л о т — Ой, жура, қуй, нима кераги бор?

О в а н е с — Хей, Тухтамурод, бошха ерлари гурдум, сурушдим, илла, йухдир. Хони дағи гурум, балки топилар. Топилса, санинг толеингдандур. Топилмаса, зовуда одам гундарирам, топиб гелур. *(Кетар.)*

Т у х т а м у р о д — Ол-ха!.. Сан ҳам тоза одамнинг мазасини айнитдинг-ку!..

(Закунчи газет қараб утурар.)

Т о ш ф у л о т — Қуй, жура! Шу пивани ичкин аввал. *(Сузар.)* Ол, кутар, ичайлук. *(Ичарлар.)*

(О в а н е с икки шиша пивани олиб келиб, закунчи олдиға қуяр ҳам чиқиб кетар. Бир оз сукут. Тошфулот минан Тухтамурод пива ичарлар. Закунчи газет қарар.)

Т у х т а м у р о д *(закунчига бир-икки маротаба қараб қуйиб)* — Жура! Шу, уруслар газет укуйдурлар, ушал газетга нима гаплар ёзган, нималар бор экан? Ман ҳеч бир фаҳмига бормаيمان, шу газетнинг...

Т о ш ф у л о т — Худо билсун, нима гаплар ёзганини онгламадим. Ман ҳам ҳеч бир фаҳмига бормаيمان. Босмаҳонага ҳар кун бир тудасини чоп қилиб чиқариб, уруслар олуб укыйдурлар. Аммо ман урусча уқийлмаганимдан ичига нима гап борини ҳам билмайман.

Т у х т а м у р о д — Ман бир одамдан мусурмонча газет бор экан, деб эшиткан эдим. Аммо билмайман, борми, йуқми? Худо билсун. Кузуминан курганим йуқ.

Т о ш ф у л о т — Бор, мусурмончаси ҳам бор. Ман унчасини билмас эдим-ку. Бир кун маним қайним Журақулнинг қулига куруб, «Бу нима?» деб сўраган эдим, «Газет», деди. Аммо ичига нима бор экан, унчасини сурамай қуйдим. Худо хоҳласа, бир кун курсам, бо сурайман.

Т у х т а м у р о д — Хей, кел, кур булсун. Бизларга нима даркори бор уша гезатни, қурьон эмас-ку! Бизлар нодонмиз, икки бошдан уқуёлмаймиз. Кутар-эй, ичайлук. *(Ичарлар.)*

Т о ш ф у л о т *(сармаст будуб)*. — Оҳ, золим фалак!.. Жура, кел, битта ашуладан олайлук. Дим туруб жуда зик буддум-ку!..

Т у х т а м у р о д — Ол, жура, сан ол, ман
қушиламан. Кел, аввал биттани ичиб олайлук. (*Ичар-
лар ҳам ашула айтарлар.*)

Ув, фироқи ханжаринг билан дилим садпора
йигларман,

Ётиб гам бистаринга, оҳ уруб бемора йигларман,
Ув, сабоҳ еткур машомимға ча зулар анбари

буйин,
Фузулий буйи гулни топмайин гулзора йигларман.
Фалак, чархинг бузулсин, ёр журамдан жудо
қилдинг.

Т у х т а м у р о д — Увввий! Шахрингни
бузайми?..

З а к у н ч и — Тфу! Черт возьми, разорались!
(*Чиқар.*)

Т о ш ф у л о т — Жура!.. Бу ерда мундоқ қилиб...
мундоқ утурушнинг ҳеч бир мазаси йўқ... Қайта, юр-
гин, Пойқавоққа борайлук. Пойқавоққа борасанми?

Т у х т а м у р о д — Пойқавоққа?.. Пулинг
борми?

Т о ш ф у л о т — Пулинг бўлмаса, нима қила-
миз?.. Маним ҳам пулим оз... У пуллар ҳеч нима ҳам
булмайдۇ.

Т о ш ф у л о т — Хей, нима қилайлук бўлмаса...
Тараддуд қилиб бир жойдан топамиз-дия!

Т у х т а м у р о д — Ҳали санинг қизинг учун
олдин олган пуллар қаерга кетди?.. Беш минг танга
эди-ку!

Т о ш ф у л о т — Қаерга кетсун экан, ҳаммаси
куёвнинг узига кетди... Куёвга сарупой, қизимга сару-
пой қилдим. Қолгани ширавору пираворга, курпа-бо-
лишлар ва майда-чуйдага кетди-борди, бир пул йув.
Ҳали букун нонларни олиб қуйдум. Гушт минан бир-
мижга бўлса, пул қолмади. Эттага никоҳ ошини қан-
дай қилиб утқарай, деб шошиб турубман... Билмасам,
ақалли утунга ҳам пул қолмади. Тунов кун Йулдош-
бойдан ҳам Очилдибой совунфурушдан қарзга беш юз
танга пул сураган эдим. Йулдошбой шу бугун хуфтон-
гача беш юз танга топиб бераман, деб ваъда қилди.
Энди ким биладу, топиб берармикин? Агар топиб бер-
маса, бу туйим минан бутун оламга шарманда булуб
қоламан. Уф!.. Хей, бу гапларни бир тарафга қуйиб
тўхтайлук. Булса булар, бўлмаса гурга... Ҳозиргиси-
нинг бир иложисини топайлук... Қани, қаердан пул
топамиз, акун?

Т у х т а м у р о д — Билмасам... Маним пулим йук. Пул топатургон жойим ҳам йук.

Т о ш ф у л о т (*пивани ичар, бир оз тафаккурда тухтаб*) — Ҳей, топармиздия! Пул бизни топмайду, биз пулни топамиз, ака. Кутар истиканингни, аввал ичиб олайлук. (*Ичарлар.*) Ҳой, жура! Ман пулни топаман. Маним хотинимнинг пули куп, парво қилма, Тухтамурод!

Т у х т а м у р о д — Хотунингнинг пули куп булгани минан санга берарми?

Т о ш ф у л о т — Берарми? Нимага бермасун экан, ҳадди бормуки, бермасин. Хотиним булгандан кейин олавераман-дия!.. Бермасун қани, улдуруб, пичоқлаб ташламасам. Падар қусурни даррав улдуарман. Бермаса, жонини оларман, ука!..

Т у х т а м у р о д — Уҳ-ха-ха-ха-ха!.. Боракалла! Мард экансан, жура! Ман сани мунча йигит, деб билмас эдим, энди билдимки, йигит экансан-э!.. Бир хил одамлар катталик қилиб, «Ман йигит», деб юрсалар ҳам хотунларидан қурқадурлар. Хотундан қурқмоқлик ҳам соқоли бор одамга ҳеч бир ярашадурму?.. Йигитлик шундай буладурми? Санинг йигитлигинга қойилман, Тошфулот!..

Т о ш ф у л о т — Эй, жура!.. Ман хотундан қурқатургон гарип одамлар фирқасидан эмасман. Хотундан қурқмоқлик, деган гап ҳам бу дунёга гап булдиму? Худойим таоло хотунларни бизларга қул қилиб яратиб қуйган. Онлар бизларга хизматкор. Хизматкор булгандан кейин хотуннинг ҳадди бормуки, эгасига буйин йугонлик қилсун. Маним хотуним, маним хизматкорим булгандан кейин нима қилсам ҳам қиламан, қувлаб ҳайдай, десам, ҳайдайман. Сақлай, десам, сақлайман. Ҳар нима қилсам, ихтиерим узимга-дия. Бу ҳам шундай гап. Бир этак оқ тангани тўкуб сотиб олган хизматкорим, хотиним булсун-у, ман ундан қурқуб турай эмиш. Жура! Ман хотунимдан қурқмоққа арвоҳ урган бир кўкнори ёки чакидахур эмасман! Алҳамилла (Алҳамдулилло) ҳушим бошимда, уз ақлим узимга!..

Т у х т а м у р о д — Рост айтасан, Тошфулот. Бу гапинга қанде. Санинг йигитлигинга ҳеч гумоним йук.

Т о ш ф у л о т — Эй, Тухтамурод! Бизларга ухшаган йигитларни ахтарсанг, мингтадан биттасини ҳам зурга топасан.

Т у х т а м у р о д — Рост дейсан, рост! Ман

инондим, Санга ухшагон йигитлар бу дунёга оз... Уша «Ман йигит», деб юрган Йулдошбой минан лойхурак Эргашбой ҳам санинг ёнингда бир пуллик.

Т о ш ф у л о т — Ур-ҳа!.. Сан ҳам бир қизик гап гапурдинг. Йулдошбой минан уша лойхурак, эгри тумшук Эргашбой ҳам одам бўлдими? Йулдошбой деганинг хотунининг кекирганига ҳам «лаббэ» деб турган, пишакдан ғариб бир одам-ку!.. Шу одам ҳам, одам қаторига кириб, «Ман одам» деб юрубдур бо!.. Ман анинг жойида бўлсам, шу расволикларни курганча узум-узимни пичоқлаб ўлдурар эдим, ука! Манга огиз очиб, лойиқ бўлмаган бир суз айтиб курсун, қани, бир фаслнинг ичига жонини олиб, парча-парча қилиб ташларман. Юр-эй! Шу пивани ичайлу-ку бо-райлук.

Т у х т а м у р о д — Жура! Сан хотунимнинг пули куп, дейсан, хотунинг пулни қасрдан топадур?

Т о ш ф у л о т — Қасрдан топсун экан, ишлаб топадур-дия. Иштонбоғ, пойтава, чашбандлар туқуб, каллапўшлар тикиб сотаду. Ана шуларнинг ҳаммаси пул-дия. Пулни қасрдан топсун экан?.. Суз-эй, ичайлук!

Т у х т а м у р о д (*сузар*) — Э-ҳа!.. Пивамиз ҳам тамом бўлган экан-ку!

Т о ш ф у л о т — Тамом бўлган булса, юр, борайлук. (*Жойидан турар.*) Юр, юр!

Т у х т а м у р о д — Ой, Тошфулот, тухтагин охий, пиванинг пулини борайлук, қасрга мунча ошуқасан...

Т о ш ф у л о т — Беарсан-дия, қайси гурга кетаду, юр, борамиз... (*Ашула айтиб чиқиб кетар.*) Ой!.. Ой!.. Мани таниган одам борми? Мани Тошфулот от жаллоб, дейдурлар, ув-вв-ве!

Т у х т а м у р о д (*пулларни санай-санай*) — Тошфулот! Тошфулот! Манга қараб тур!.. (*Чиқиб кетар.*)

(*Саҳна орқасида иккаласининг ҳам шовқулганлари эшитилур.*)

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

Тошфулотнинг уйидур. Рубаруда бир эшик. Оёқ остида икки дона буйра билан бир дона эски кигиз солингандур. Сул тарафда бир сандал, унғ тарафда, тоқчада, бир сандук турар. Сандук устига

курша, болиш қуйилган. Эшик қошида сопол офтоба билан бир лаъли турубдур. Токча устида бир чойнак билан икки дона пиела бордур.

Парда кутарилган вақтда Т у р с у н о й билан Т у т и о й куйнак-иштон тикиб гаплашиб утурурлар.

БИРИНЧИ МАЖЛИС

Т у т и о й — Йуқ, она! Ман қандай қилиб булса ҳам, бир илож топарман. Аммо Акрам контурга хотун булмоқга асло ризо булмасман. Отам тиласа, мани улдурсун. Тиласа — жоним чиқмай туруб тирик гурга элтиб тиксун, аммо ман ўз сўзимдан ҳеч қайтмасман. Қулидан келган ишни қилаверсин. Ман уша Акам контурдек фосиқ одамга то умрим боринча қул булмасман.

Т у р с у н о й — Оҳ, қизим! Сан-ку шундай деб айтасан, аммо отанг санга ҳеч ихтиёр берурми-кан? Отанг жуда ёмон одам. Аччиги келса, қулидан келган ҳар бир ёмонлиқини қилар. Сан Акрам контурга бормайман деган минан бермай қуяр, деб фаҳмлайсанми?.. Биз, бечораларнинг қулида ҳеч бир қандай куч, қувват йуқдур. Сан, қизим, қулингда куч булмай тухтаб, буйин йуғонлик қилма. Отанг ҳар нима деб айтса, хуб, деб тур. Агар сан оғиз очиб, бир сўз айтсанг, бир фаслда майиб қилиб ташлар. Кошки отанг бошқа қизларнинг оталаридек яхши, мулойим бир одам булса экан. Узинг куриб турибсан-ку, ҳар кун ароқ ичиб, маст булуб қайтиб, манга жафолар курсатар. Топган пулларини қимор-бозлик қилиб йуқотар. Фоҳишаларга берар... Узи топган пулларини йуқотгани етмаса, маним ҳам пулларимни олиб чиқиб кстиб йуқотар. Утган кун, санинг хабаринг йуқ, маст булиб қайтиб, мандан пуллар топдируб, улгунча уруб-уруб, каллапушлардан келган ун икки танга пулимни олиб чиқиб кетди. Уй ичига керак нарсаларни олуб қайтгани йуқ. Бир кун ун, чой олиб қайтинг, десам, аччигланиб, минг ҳақоратлар минан сукиб ҳам уруб, шаталаб чиқиб кетди. Оҳ, болам!.. Кеча-кундуз бузуклик қилиб, пулларимни ёмон йулга исроф қилиб юрган одамда ҳеч бир шафқат, инсоф булурму?..

Т у т и о й — Дуруст айтарсиз, онажон!.. Воқсан, бизнинг бахти қароликларимиз отамнинг бузуклиқидандур. Аммо отамнинг бузуклиқлари нодонлиқидандур... Биз, хотин-қизлар, барчаларимиз бахти қародурмиз. Ху-

сусан, биз, Туркистон хотун-қизларидек бадбахт ҳам мазлумалар ҳеч бир ерга йуқ. Бизларни бадбахт қилган нарса ҳам нодонликдур... Оҳ, нодонлик!.. Бизнинг бошимизга битган, бизни хор-зор, расво этган нодонлик! Нодонлик орқасида уша жоҳил эрларимизнинг нафс ҳайвонияларига озук бўлуб, оқ кунни кўролмай, офтобнинг равшанини кўролмай, турт оёқлик молга ухшаб турт деворнинг орқасида ётибмиз. Қоронғу кунжақларда қамалиб ётмоқга маҳкум бўлубмиз. Биз бечораларнинг ҳолларига тошюрақлик одамларнинг ҳам раҳми келмай қолмас... Уф!.. Отам мани Акрам контурга бермоқчи. Аммо ман бермоқга ихтиёр қилмасман. Отам — нодон! Нодон бўлуб оқ билан қорани танимаганлигидан маним бахт-саодатимга эътибор қилмай, Акрам контурнинг давлатига, молига эътибор қилар. Ман ул ҳаромзоданинг мол-давлатига ҳеч бир қизиқмасман. Ман пулга сотиладургон мол эмасман. Отамга нима?!.. Отамга қиморбозлик учун пул булсун. Азиз фарзанди бугулиб улса ҳам иши йуқ. Пул булгандан кейин қизини олган одам қандай бир фосиқ булса ҳам ул онга парво қилмас... Оҳ, она! Кошки ман бир жугитнинг қизи бўлуб, жугидга фарзанд булсайдим, бу бадбахтликларни ҳеч кўрмас эдим!..

Т у р с у н о й — Ман нима қилай акун, қизим! Ман ҳеч бир илож топа билмасман. Қулимда ҳеч бир ихтиёр йуқдур. Отанга бир суз айтиб булмас. Худо инсоф бермагандан сунгра нима қилай?

Т у т и о й — Агар бир илож ахтармай ётсам, худо ҳеч бир вақт инсоф бермас. Қимирлаган тоғ ошар. Дам ётган минан ҳеч бир иш чиқмас. Худо инсоф бермагандан сунгра нима қилай, деб турган минан инсофга келар, деб билармисиз?.. Отамнинг бу қилган ишларига суз айтмай, дам турсак, ул қулидан келган даҳшатликларини қилар. Ман она, отамнинг кайфига қараб, узим-узимни ҳалок қилмоқга ҳеч бир ризо булмасман.

Т у р с у н о й — Вой, қизим, қизим! Сан-ку шундай деб айтасан, аммо қулингдан ҳеч бир иш келмас. Кошки отанг бир суз фаҳмлайтурган бир одам булса экан. Агар сан бу сузларни айтсанг, дарров улдуруб ташлар.

Т у т и о й — Улдурса-улдурсин. Ман улимдан кўрқмайман. Такрор-такрор уз сузимни суйларман. Уз ҳуқуқимни олмоқ учун ҳалок булсам ҳам булурман. Ул уз майлига қараб иш қиладурган замонлар утуб

кетган. Ҳозирги бизнинг замонамиз маданият замони-дур. Улгудек ваҳшат замони эмас. Ҳозирги замонларда илгаригидек одам улдуриш осон эмасдур. Ҳозирга-ча биз, хотин-қизлар, эрларимизга қул бўлуб, онларнинг қошида ҳайвонлардек ҳайвон саналиб келдук. Аммо ҳозир ул эски одатларнинг барчаси барҳам булса керак. Бизлар ҳозир эрларимиз билан бир ҳуқуқда булмоқимиз тегуш. Ҳам баробар булмоқ учун ижтиҳод қилмоқ керак. Бошқа ақли бор одамлар ҳам саъй қилсалар керақдур.

Т у р с у н о й — Оҳ, қизим! Қурқаман, санинг бу сузларинг бошингга етмаса эди, деб!

Т у т и о й — Бошимга етса етсун, ҳеч парво қилмасман...

Т у р с у н о й (*Тутиойнинг сузини кесиб*) — Ҳеч парво қилмасман, деб айтасан... Парво қилмасанг ҳам қилмассан-ку, аммо-лекин бу жасурлигинг билан узингдан бошқа маним ҳам бошимга старсан... Сан ҳеч булмаса ман, онанга бир оз раҳминг келсун. Ман ризолигимни оламан, десанг, хотиримни бир оз сақлайман, десанг, зинҳор бу сузларни сузлама ҳам бу ишни қилма!

Т у т и о й — Йук, она... Ман уз маслакимдан қайтмасман. Яна такрор қилиб айтаманки, бошимга етсам старман, аммо парво қилмасман. Уз ҳуқуқимни олмоқ учун ҳам узумдек бечора заифаларнинг, бечора хотун-қизларнинг ҳуқуқлари учун жонимни фидо қилуб, охири қатра қонимгача қаҳрамонлик курсатмоқни бахтиёрликдан санарман. Акрам контур билан отамнинг қаҳрлари маним учун ҳеч нима эмас. Агар бутун оламнинг қаҳрамонлари жам булуб, ҳужум қилсалар ҳам, узимнинг олий маслагимдан, олий фикримдан қайтмай, бу йулда минг хил азоблар булса ҳам, чидамоқга, ҳатто ҳалок булмоқга ризоман...

Т у р с у н о й — Қизим! Сан агар мундай... (*Саҳна орқасида дарвоза тақиллатган овоз келур. Турсуной сесканиб.*) Дарвоза «тиқ-тиқ», ким булса экан? (*Яна «тиқ-тиқ».*) Ман бориб қарай, қани, ким келган экан? (*Чиқиб кетар.*)

Т у т и о й (*ёлғиз узи*) — Уф, худо!.. Ман нима қилай экан? Онамга гапурсам, фаҳмламаса. Бошқага гапирсам, гапирган минан фаҳмлайдурган одам булмаса. Нима қилай, нима қилай энди? Бу майдонда

узимдан бошқа одам йуқ. Фақат елгуз бир узим, нима қиламан? Яна бир ердамчи буладургон одам ҳеч курунмайду. Бу ишдан тоғамнинг хабари йуқга ухшайду. Агар тоғам хабар топса, албатта, ердамчи булар. Мани уз муҳофазасига олмай қолмас. Тоғам нодон эмас, балки замонамизнинг биринчи даража зиелларидан ҳисобланмоқга яқини булгон йигитлардандур. Ул ҳар ҳолда мани ташлаб қолдурмас. Онга имоним маҳкам. Лекин қандай қилиб? (*Саҳна орқасида Турсуной билан Журақулнинг гаплашгани эшитилар. Тутной қулоқ солар.*) Ув-в ана, тоғамнинг узлари келдилар...

ИККИНЧИ МАЖЛИС

Журақул, Турсуной ва Тутнойлар.

Журақул (*кира-кира Турсунойга*) — Маним эшитганим дуруст экан бўлмаса, ман ишонмаган эдим....

Турсуной (*Тутнойни курсатиб*) — Ҳайлаҳо, Тутнойнинг узи. Узидан сурагин бўлмаса.

Тутной (*жойида туриб*) — Ассалому алайкум.

Журақул — Ваалайкум ассалом, саломатми-сан, жияним? Ман сани Акрам контурга эрга берарлар экан, деб эшитдим. Ростми шу гап?

Тутной — Рост.

Журақул — Сан бу ишга қандай назар минан қарайсан? Уша Акрам контурдек бузук ҳам фосиқ бир одамга эрга бормоқга ризо булурсанми?..

Тутной — Йуқ, тоғажон. Ман ризо эмасман. Утуринг. (*Утурарлар.*) Ман сизни куруб, шу хусусда сиздан маслаҳат сўрамоқчи эдим. Лекин сиз куп вақтдан буёқ курунмай кетдингиз.

Журақул — Маслаҳат?.. Мандан қандай маслаҳат бўлсун. Маним маслаҳатим маълум. Мандан маслаҳат сўрасанг, ман Акрам контурдек фосиқ одамни санинг учун лойиқ кўрмасман ҳам қабул кўрмасман. Сан ҳам қабул кўрма. Бошингга тош урсалар ҳам, ризо булма.

Тутной — Албатта, ризо булмасман. Ризо булмагандан кейин мани ҳеч ким зўрлаб эрга беролмас. Ман ҳайвон эмас, балки бошқа одам болаларидек эркин ихтиёрли бир одам боласидурман.

Ж у р а қ у л — Баракалла, жияним, баракалла! Ман сани мунча гаюр ҳам жасур, деб билмас эдим. Ҳозиргача бизларнинг туркистонлик хотин-қизларимиз ваҳший ҳайвондек эрларининг қул остида эзилиб, сиқилиб, онларга қул булуб ётмоқлари барҳам булса керакдур. Уз ҳуқуқинг учун жонингни фидо қилиб, бу йулда қаҳрамонлик курсат. Бу йулда яша, жияним!

Т у т и о й — Бу йулда ман яшаяжакман ҳам, қулимда куч бор миқдори, уз ҳуқуқимни муҳофаза қилмоқга ижтиҳод ҳам қиларман. Аммо ман ёлғиз бир узим нима иш чиқара биларман? Бир қатра сув катта дарёда ҳеч нима эмас. Агар манга ёрдамчи булардек бир неча одамлар булса эди, ман уз муродимга эришар эдим. Лекин, афсуски, ондай одамлар ҳеч курунмас. Фақат сиздан бир оз умидим бордур.

Ж у р а қ у л — Мандан умидвор булган булсанг, галат қилмабсан. Санга ёрдамчи булардек одамларнинг бири мандурман. Ҳар вақт санинг ёрдамчинг ҳам тарафдоринг булуб, иккимизнинг ҳам фикр ва маслакимиз бир булган сабабли бу йулда жонимни қурбон қиларман. Санинг учун жоним фидо!..

Т у т и о й — Тоғажоним!.. Қандай қилиб сизга раҳматлар айтай экан? Қандай қилиб сизни хурсанд қилай экан? Сиз нима деб айтсангиз ҳам, ман барчасига ризоман. Сизнинг учун улмоқга ҳам ризоман.

Ж у р а қ у л (*хурсанд булиб жойидан турар ҳам Тутиойнинг икки қулидан ушлаб*) — Жияним!.. Ман ҳар вақт санинг тарафдоринг булуб муҳофаза қиларман. Лекин бу ерда бир суз бор...

Т у т и о й — Нима суз бор, айтинг, тоғажон!

Ж у р а қ у л — Суз бор, демакдан мурод — санинг қутулмоғингдур... Сан бу балодан қандай қилиб қутулмоқчи буласан?..

Т у т и о й — Қандай қилиб қутулмоқчи буламан?..

Ж у р а қ у л — Ана шу ерда бир оз қийинлик бор... Эртага никоҳ кунидир. Сани, албатта, никоҳ қилиб Акрам контурга берарлар, бермай қуймаслар. Отангнинг қандай одам эканлигини яхши биларсан. Агар сан никоҳ вақтида «Ман ризо эмас», деб норозилигингни айтсанг, отанг сани уруб улдулар. Отанг яхшилик умид қилатурган одамлар фирқасидан эмас. Кеча-кундуз боши фисқ-фасоддан чиқолмай юрган

одамнинг қулидан ҳар қандай ёмонлик келса келар. Ана шу сабабдан ман санинг бу ерда қолишингни ҳеч маслаҳат кўрмасман. Сан агар бу бало-баттардан қутулай, десанг, эрта қандай қилиб булса ҳам, маним ҳовлимга кел. Ман сани ишончлик бир жойга қочириб, қаерга булса ҳам яширарман. Бу балодан қутулмоқ учун мундан бошқа чора йўқ. Сан булмагандан кейин никоҳ ўқиёлмаслар.

Т у т и о й — Тоғажон! Сиз ҳар нима деб айтсангиз, ман ризоман.

Т у р с у н о й — Журақул! Сан бу ишни бежо қиласан. Ман бу ишга ризо эмасман. Агар сан Тутиойни ҳовлингга қочурсанг, отаси мани улдурад. Тутиойни мандан топдирур, топдирмай қўймас. Қайта Тутиой уйдан чиқмай тухтасун, сан, ука, бу ишга қўшулмай қўй-чи зинҳор...

Т у т и о й — Онажон! Сиз жуда ҳам кўрқок экансиз... Топдирган билан сизни улдурмас-ку-у!

Т у р с у н о й — Йўқ, қизим, сан билмайсан! Сан отангни ҳеч билмайсан. Агар сан кетсанг, отанг мани пичоқлар...

Ж у р а қ у л — Опа! Агар сиз эрингизнинг пичоқидан мунча кўрқар экансиз, юринг, сиз ҳам Тутиой минан бирга боринг. Маним муҳофизатимда сизларга ҳеч хавф-хатар булмас. Агар йўқ, деб айтсангиз, ихтиёрингиздур. Бу ерда сизга икки бошдан яхши булмас.

Т у р с у н о й — Ай, ука! Кўрқаманки, иш ёмон булуб кетмасун, деб.

Ж у р а қ у л — Йўқ, опа, ҳеч нимадан кўрқманг. Иш ёмон булуб кетмасун, дейсиз, иш ёмон булуб кетмас, иншоолло, яхши булар. Сиз эттага қандай бир илож топиб булса ҳам, келинг, ман барчасини ухшатарман...

Т у т и о й — Хўп, тоғажон хўп. *(Журақулнинг қулларини упар.)* Биз эттага, албатта, борармиз. Ман энди бу... *(Ташқаридан Тошфулотнинг шер маст булуб, баланд овози минан ашула айтиб келганини эшитиб, барчалари сесканарлар. Тутиой билан Турсуной кўрқишар ҳам шошиб у ёқдан-бу ёққа юрарлар. Журақул ҳайрон қолар.)* Отам келди!..

Т у р с у н о й — Оҳ, худо! Бугун ҳам маст булган экан. *(Журақулга.)* Журақул, бор, чиқиб кет! Бор, сани кўруб, жанжал кўтармасун!

Т у т и о й (*ёлвориб*) — Тогажон! Тезроқ булунг, чиқинг! Отам маст. Оҳ, нима қилай экан, қаерга қочай? Тога!..

Ж у р а қ у л — Ҳозир, ҳозир.

Т у р с у н о й — Қизим! Сан ҳамсояларга қоч, юр!

(*Чиқарлар.*)

УЧИНЧИ МАЖЛИС

Т о ш ф у л о т — У-уй!.. У-уй!.. Мани таниган о...дам борми?! Ман Ақром контурнинг қайнотаси буламан! О...й! О...й! одам!.. Ман ҳеч кимни нннн-нн-назаримга илмайман! Мани Тошфулот от-т-т жаллоб, дейдурлар. Биласанми, ой!.. Уууууй, йулни қуй!.. Мани танитайсанми? Йулни қуй! (*Эшикдан алпон-талпон кириб келар.*) Йулни қуй-уууй. (*У ёқ-бу ёқ қараб.*) Турсуной! Санга дейман, Турсуной!.. Бу ёққа кел, ой, ҳайвон! Келасанми, ой, қизталоқ!.. Ҳей, бачағарнинг боласи, қайси гурга экан? (*Ашула айтар.*) Бир келиип жамооооолингни курсатииип оооошшиқи бееёқарооор қиллиинг... Ишқииингнииинг ууутига куйдуруууб бемадоооор қиллиинг! Ҳонгнгоооой вой-войооой, оҳ, фалак! Касринг текди манга!.. (*Турсунойни ахтариб.*) Ой, Турсуной, уууй, Турсуной! Бу ёққа кел, санга дейман, ой, падаркусурнинг тухуми! (*Шовқинлаб, шиддат билан.*) Турсун, Турсуной! Қайси гурга кетдинг, Турсун дейман, ой, ҳайвон!..

Т у р с у н о й (*қурқа-қурқа кирар*) — Нима дейсиз, отаси?

Т о ш ф у л о т — Дар ҳарина, домана дейман! Сан қайси гурга юрубсан? Нимага чақирганга тезроқ келмайсан?

Т у р с у н о й — Ман ташқарига кир юруб юрубман, отаси!

Т о ш ф у л о т — Номаяқул қилибсан, эшшак!

Т у р с у н о й — Ростдан ҳам, отаси, нимага ёлгон гапурай экан...

Т о ш ф у л о т — Номаяқул қилибсан, дейман санга! Ҳозир бу ерда ким бор эди, ул қандай одам экан ул? Ман келганда, дарвозадан ким чиқиб кетди, уйнашингми?.. Айт тезроқ!..

Т у р с у н о й — Худо сақласун! У Журақул эди.

Т о ш ф у л о т — Ёлгонлама, ҳайвон! Уйнашинг эдими, айт!

Т у р с у н о й — Йуқ, отаси. Журақул эди, дейман-ку!

Т о ш ф у л о т — Ёлгонлама, дейман, падар лаънат! Уйнашинг бўлмай, ким бўлсун ул? Агар сан дегандек Журақул бўлса, ман келгач, нима деб чиқиб кетди? Уйнашинг бўлмаса, чиқиб қочар эдими?

Т у р с у н о й — Худо урсинки, Журақул эди. Ёлгон эмас, отаси.

Т о ш ф у л о т (*аччигланиб Турсуной ёнига кела-кела*) — Падар лаънат! Нимага ёлгонлайсан?! Уйнашингми, дейман, айт тезроқ, бўлмаса, дарров уруб улдираман! (*Ушлаб урмоқчи булар.*)

Т у р с у н о й (*қочмоқчи бўлиб*) — Отаси, отаси!

Т о ш ф у л о т (*Турсунойни ушлаб олиб, ерга йиқитиб урар ҳам бугозидан ушлаб бугар*) — Ул, бадбахт!

Т у р с у н о й — Вой, вой, улдуум! Вой, вой улдурдилар! (*Дод-вой солар.*)

Т о ш ф у л о т (*ура-ура*) — Шовқинлама, овозингни чиқарма! Ҳайвон, ул, бадбахт, ул тезроқ!

(*Тутти кирар.*)

ТУРТИНЧИ МАЖЛИС

Т у т и о й (*кириб*) — Ота! Ота! Ота, қуйинг, бу нима қилган ишингиз? Отажон, онамни уриб улдирасиз-ку! (*Йиғлар.*) Ота, отажон! Улдурдингиз, ота!..

Т у р с у н о й — Улдууум! Улдууум!

Т у т и о й — Отажон, онамни улдирасиз, дейман, улдирасиз!..

Т о ш ф у л о т (*ура-ура*) — Улсун, бадбахт фоҳиша, улсун...

(*Турдибой кирар.*)

Т у р д и б о й — Тошфулот! (*Ажрата-ажрата.*) Тошфулот! Бу нима қилган ишинг?..

Т о ш ф у л о т (*Турсунойни қуйиб юбориб, иргиб турар ва Турдибойга ҳужум қилар*) — Санинг нима ишинг бор, сан бу ерга нима деб келиб кирдинг? Сани бу ерга ким чақирди?

Т у р д и б о й — Тошфулот! Санга нима бўлди? Сан...

Т о ш ф у л о т (*Турдибойнинг сўзини кесиб,*

аччигланиб) — Ман санга айтаман! Сан беижозат бу ерга нима деб келиб кирдинг? Бу ерда номахрам борлигини билиб, куриб тухтаб кирасан ё эса кўзинг чиқдими? Уйноқ булса, маним хотинимнинг уйнаши сан экансан булмаса?..

Т у р д и б о й (таажжуб қилиб) — Тошфулот, бу нима деган сўз?... Санга бу сўзлар ҳам бу...

Т о ш ф у л о т (этик соғасидан пичоқ чиқариб) — Падар лаънатлар! Иккиларингизни ҳам ўлдурмасам, ман ит булай. *(Турдибойга хужум қилар, Турдибой қочар.)* Қаерга кетдинг, қаерга қочасан? Ман сани қуярманми? Тухтаб тур!

(Турдибойнинг орқасидан югуриб чиқиб кетар. Турсуной билан Тутиной қурқишиб титрарлар ва бир-бирларига қарарлар.)

Т у т и о й (онасига) — Онажон! Юр, қочайлук. Юр, бизнинг ҳам бошимизга стмасун...

Т у р с у н о й — Юр, юр, тезроқ юр, қизим! *(Чиқарлар.)*

(Бир оздан сунг Тошфулот яна қайтиб кирар.)

Т о ш ф у л о т (у ёқ-бу ёққа юриб, шиддатминан) — Падар лаънат! Қочиб қутул-дия! Булмаса, жонини жаҳаннамга юборар эдим-ку-я!.. Ҳой, моховнинг тухумидан келган мохов боласи! Бо яна бир қулимга тушарсан-ку! Пиқилламоққа ҳам қуймасман. Парча-парча қилиб, гуштингни кучукларга едирарман, худо хоҳласа!.. Ҳали бу бадбахт ҳайвон қайси гурга кетди экан? Турсуной! Бу ёққа кел дарров, моховнинг қизи! Тезроқ келасанми, йўқми? Булмаса узум чиқиб топайми? Санга дейман!

Т у р с у н о й (қурқа-қурқа кирар) — Лаббе, отаси, лаббе!

Т о ш ф у л о т — Сан нимага чиқиб қочдинг, сан нима деб чиқиб кетдинг? Бу ёққа кел!

Т у р с у н о й (қурқиб, йиглаб) — Отаси... Ман... ман...

Т о ш ф у л о т — Куп бижиллама, ҳайвон! Пулинг борми? Дарров чиқариб бер менга!

Т у р с у н о й — Йук, отаси. Манга пул қасрдан келсун экан.

Т о ш ф у л о т — Елғонлама, бадбахт! Топиб бер тезроқ. Булмаса, жонингни оламан... *(Урмоқчи булар.)*

Т у р с у н о й — Хей, отаси, хей. Қарай, тухтанг, ман ҳозир бераман.

Т о ш ф у л о т — Тезроқ бул, тезроқ.

Т у р с у н о й (*румолининг учидаги тугунини ечиб, пулларини берар*) — Мана, отаси, мана!

Т о ш ф у л о т (*пулларни олиб*) — Ҳаммаси шуми? Яна бордур?

Т у р с у н о й — Худо урсин, отаси, бошқа пул йуқ.

Т о ш ф у л о т — Ҳо, ит! Ҳайрият, бериб қутулдинг-дия! Бермаганингда, кўрмагани кўрар эдинг-а!.. (*Чиқиб кетар.*)

Т у р с у н о й — Оҳ, худо. Нимага мани мунча бадбахт қилиб яратдинг? Нимага мани тугдириб, усдирдинг? Нимага бу қаро кунларни, бу балоларни кўргазасан? Бу кунларни кўргузгунча бу меҳнатларни ва азобларни, бу расволикларни кўргузгунча... кўргазмасанг нима булайди. Манингдек толесиз банданг ҳеч борми? Агар маним толесим шундай қаро бўлуб, қолган умрим ҳам толсақаролик минан утатурган бўлса, ҳозир жонимни ол! Жонимни олсанг яхшироқдур. Қайта жабр-жафолардан қутулар эдим. Эй, бор худоё! Ол, жонимни ол!...

(Ерга йиқилиб йиглар.)

П а р д а

УЧИНЧИ ПАРДА

Журақулнинг меҳмонхонаси. Рубаруда икки эшик ҳам икки дераза. Оёқ остида қизил гилам. Унг тарафда бир стол ва онинг устида ҳар хил китоблар, газетлар, журналлар ҳам ёзув ёзмоқ асбоблари турар. Сунг тарафда бир каровот билан курпа-тушақлар. Кароватнинг бош тарафида шкаф билан бир-икки дона курсилар бор. Кун-жақда кийимлар осилган.

БИРИНЧИ МАЖЛИС

Т у р с у н о й билан Т у т и о й.

Т у т и о й — Уф, худо!.. Билмайман бу ишнинг охири нима бўлуб чиқар? Кўнглум ҳеч тинч эмас. Юрагим утда ёнгандек ёнар... Бу ишнинг охири хайр минан бита турганлигига кўнглум ишонмайдур. Оҳ, она!.. Агар сиз билсангиз эдингиз маним ҳозирги ҳо-

лимни: икки куз олдим қоп-қоронғу, ҳеч нима кўринмас. Улукми, тирикми? Узим-узимни билмасман, баданимга ҳеч қувват йўқ. Маним хаёлимча, шу бу кун бизнинг бошимизга бир-бир офат тушардек ухшайди. Кузумга қон кўрунар.

Т у р с у н о й — Э-э-эй қизим! Зинҳор шу сўзлар минан кўнглумни қаро қилиб утурма. Бошимизга тушганни кўрармиз, кўрмай иложи йўқ. Тақдир азалда ёзилганни кўрмай, қочиб қутулиб бўлмас. Ҳар нима курсанг, толсингдан кўрарсан-дия! Ҳамма гап толсингдадур. Бизнинг тилаганимиз минан бўлмас.

Т у т и о й — Бу сўзларингиз шундай-ку, она! Аммо-лекин мундай вақтларда одам боласининг кўнгли ҳеч тинчимас. Мундай огир фурсатларни бошдан утказиб, бу ишларнинг барчасига парвосизлик минан қараб туриб тинч турмоқга, пайғамбарлар минан валилардан бошқа одам ҳеч тоқат қилолмас. Ман бечора заифанинг кўнгли қандай қилиб тинчисун экан. Ман энди сизга неча мартабалар утказдим, бизларнинг эрларимизга ҳеч ишонч йўқ, она! Бизлар тоғанинг сузи минан бир балодан қутулиб, иккинчи бир балога учрадук... Хайр, ҳали ҳеч нима булгани йўқ-ку, лекин қандай булса ҳам, бу кун ё эртага бир офат бўлмай қолмас... Оҳ, она!.. Сиз ҳали «Сан нима курсанг, толсингдан кўрарсан», деб айтасиз, аммо толега ишонмоқ галатдур. Ҳар одамнинг толеи, хоҳ яхши бўлсун, хоҳ ёмон бўлсун, ўзидандур. Ҳозир бизнинг бошимизга тушкан бу қийинчиликларнинг барчаси толега қараб, қуруқга умид боғлаб, ҳаракатсиз ётмоқдан ҳам қурқоқликдандур.

Т у р с у н о й — Ман, қизим, ҳеч нима билмайман энди. Сан нима қилсанг ҳам, қилавер, уз ихтиёринг уз қўлингдандур. Аммо-лекин ман ҳар нима курсам, толсимдан кўрарман. Санинг сузингга қараб, ман бир номаъқулликни қилдим. Санинг орқангдан ман ҳам уйни ташлаб келдим. Бу ишнинг охири хайр минан битмай турганлигини бошдан билиб тўхтаб, тоғанинг сузи минан шу номаъқулликни қилдим. Энди ҳар нима курсанг ҳам, сабр қилмоқ ва чидамоқ керакдур. Бошимизга келган қазога сабр қилмоқдан бошқа чора йўқ. Сабр қилайлук...

Т у т и о й — Оҳ, худо! Нима қилай энди ман, нима қилай? Қайси гурга бориб ётай экан. Қайси

жойга бу бошимни олиб қочай экан? Қаерга қочсам ҳам, қочиб қутулиб булмас, у ёқ борсам ҳам, бу ёқ борсам ҳам жаҳаннам. Турт тарафим жаҳаннамдур. Оёқ остим қаттиқ тупроқ, кумилиб қочай, десам ҳам булмас, юқорига осмон, учиб кетмоққа қанотларим йуқ. Бу бадбахт бошимни қаерга урай, қаерга олиб қочай экан. Бу офатдан қутулмоқ учун ҳеч бир қандай иложнинг йуқлиги аниқдур. Фақат икки йул бор: ул ё улмоқ, ё ушал Акрам контурга қул булиб, бутун умрингни залолат минан асоратда утказмақдур.

Т у р с у н о й — Маним хаёлимча, қизим, агар сан Акрам контурга эрга бормоқга ризо булсанг, яхшироқ булар эди. Акрам контур ёмон одам булса ҳам, онга хотун булмайман, деб қочиб юруб, бу балоларни ва расволикларни кўрганча хотун булмоқинг яхшироқдур. Санинг отанг Акрам контурга қараганда минг дафъа ямон булса ҳам, ман онга хотун булибман-ку! Ҳеч нима булгани йуқ ҳали. Маним отам санинг отангдек ёмон одам булуб, мани отангга зурлаб берди. Ман ушал вақт отангинг ёмон одам эканлигини билсам ҳам, илож булмагандан сунгра ризо булуб бордум. Ҳали мана йигирма уч йил умр қилиб, қанча зулмлар курсам ҳам, чидаб турубман. Агар ман уша вақт отангга бормай, норизо булган булсам эдим, аллақачон улган булар эдим. Бобонг мани уруб улдурган булар эди.

Т у т и о й — Агар сиз ушал вақт улган булар эдингиз, ҳозирда бу бало ва расволикларни кўрмаган булар эдингиз. Ман ҳам бу қийинликлардан қутулган булар эдим. Сиз ушал вақт қўрқоқлик қилиб, отамга бориб, ҳозиргача қанча азоб ва заҳматлар кўрганингиз етмаса, маним ҳам бадбахтлигимга, бу дунёга туғулиб шул жабр-жафоларни кўрмоғимга сабаб булдингиз. Агар улган булса эдингиз, бу касофатларнинг бариси ҳам булмас эди.

Т у р с у н о й — Лоф урма, қизим! Тақдиринг шундай булуб пешонангга ёзилганни кўрмай улмоқ мумкин эмасдур. Кура тургонингни кўрмай, гурга кириб булмайдур. Худойим таоло нимаики тақдир қилган булса, курарсан. Тақдирни ҳеч бир бузиб булмас, сабр қилмоқ керақдур, сабр — худонинг сифати, сабрсизлик — шайтон сифати, деб айтибдурлар. Сабр қилсак, мундан сунгра, иншоолло, муродимизга етармиз...

Т у т и о й — Эй, она! Сизга ҳеч бир сузни

онглаиб булмас. Сизга қанча айтсам ҳам, сиз уз су-
зингизни такрор қиларсиз...

Т у р с у н о й — Ҳай, қизим, ундоқ булса,
узинг биласан. Узинг билганингни қилавер. Ман
суз онгла олмай эканман, узинг онгла. Ман суз
онгламоққа бошим шишкан. Ҳомонки, ман қариб,
лаққи булиб қолганман. Шул вақт маним ақлим
ҳеч нимага бормаиду. Тоғаннинг сузи минан бир
иш қилибсан, энди ҳам узинг билганингдек иш
қил. (*Упкалаб чиқиб кетар.*)

Т у т и о й (*ёлғиз*) — Оҳ, худо! Нимага мани мунча
бахти қаро қилиб яратдинг?! Бу дунёда мандан ҳам
бадбахт, мандан ҳам толесиз одам ҳеч борми? Онадан
туғулганимда, толесиз булиб туғулдимми ё?! Ҳалигача
бутун умрим заҳмат ва ҳасратлар минан, меҳнат ва
гурбатликлар минан утуб, ҳеч бир роҳат кун курулма-
ним йукдур. Ҳасрат устига ҳасрат, меҳнат устига меҳ-
натлар ошуб, кундан-кун ҳасратларим купаяр. Бошимга
тушган қийинликларга чидаб, сабр қилиб, роҳат кун-
ларни умид қилиб турган минан, меҳнатлар икки баро-
бар ошиб, купайгандан купаяр, лекин озаймас. Оҳ!..
Қанчаки сабр қилиб турсанг ҳам, бахти қаролигинг
озаймай, ошган устига ошиб тураверса. Жонимдан
безор булуб, улмоқга ҳам ризо буламан... Агар фикр
қилиб қараб тухтасанг, маним тирикчилигимдек тирик-
чиликдан безор булмайин ҳам илож йуқ... Лекин нима
қилмоқ даркор? Дод-фаред қилмоқ минан ҳеч бир нима
қилиб булмас. Биз, бечора туркистонлик хотин-қизлар,
роҳат кун куриб турмоқ учун эмас, балки бошқалар-
нинг роҳати учун туғилган бир маҳлуқмиз... Бизларга
роҳат-роҳат яшамоқ насиб булмагандек, ваҳший
ҳайвондан ёмон шаҳватпараст эрларимизнинг роҳати
учун минг хил азобларни куруб яшамоқга маҳкум бу-
либмиз. Ман ҳам шул бечораларнинг бирисидурман.
Оҳ!.. Кошки ман уша бола вақтимда улиб кетсам эдим.
Нимага ман, бола, бола вақтимда касал булиб улуб
кетмадим экан? Агар ман уша вақтда улиб кетсам эдим,
ҳозирги бу бадбахтликларни, бу асоратларни ва бу
фалокатларни бирисини ҳам курмаган булар эдим...
Бу золим эрларимизнинг қулидан қутулган булар эдим...
(*Йиғлаб.*) Оҳ, худо! Ҳали ҳам раҳм қилиб, жонимни ол!
Мани бу шафқатсиз, золим отамнинг қулидан, шу
шаҳватпараст ҳайвонларнинг қулидан, ажалдан бошқа
ҳеч нима қутултиролмас. Мани бу балодан, бу асорат-

дан қутултирадиган нарса — фақат бир ажалдур. Ажал!
Ажал!.. Кел, мани қутқар!

(Бошини ёстиққа қуйиб, йиглар.)

ИККИНЧИ МАЖЛИС

Т у т и о й м и н а н Ж у р а қ у л .

Ж у р а қ у л *(эшиқдан кириб, Тутиойнинг йиглаганини куриб, таажжуб қилар. Тутиойга яқин келиб)* — Тути, Тути! Сан йиглобсанми? Тути, санга нима булди? Тути, санга дейман, нимага йиглобсан?.. Тути!

Т у т и о й *(бошини кутариб)* — Оҳ, тогажон! Қуй, зинҳор қуй мани уз майлимга! Қуй, бир оз йиглаб дардимни тукай. *(Яна йиглар.)*

Ж у р а қ у л — Санга нима булди, Тутиой?! Йигламоқингнинг сабаби нима, бирон гап булдими?.. Айт, охир ман билай!.. Нимага йиглаганини айтмайду... Бу ерга бирон гап булдими ё! *(Тутига.)* Тутиой! Нимага айтмайсан? Айт, охир санга нима булди, нимага йиглайсан?.. *(Узига-узи.)* Ман ҳеч нима фаҳхламайман... Онаси қаерга экан?.. Ташқарига чиққандур, тухта, чиқиб сурай, қани... *(Кетар.)*

Т у т и о й *(бир оз сукутдан сунг ёстиқдан бошини кутариб утирар)* — Уф, худо!.. Шу вақтда мандан ҳам бадбахт, мандан ҳам толесиз бир банда бу дунёда йуқдур. Кучаларга юрган ялангоёқ гадойлар ҳам манга қараганда бахтиёрдурлар. Кошки мани гадой қилиб яратган булса эдинг, ман бу гамҳасратларни кўрмас эдим. Бу асоратга дучор булмас эдим. Нимага мани мунча толесиз қилиб яратдинг, нимага ман онадан туғулдим. Нимага ўсдум экан?! Оҳ! Бу дунёда тирикчилик қилиб, бадбахт бўлуб яшагунча кошки ўлса эдим, уша фосиқ эрларимизнинг кайф-сафо ва нафс-ҳайвониялари учун мол бўлуб яшагунча, онларга қул бўлуб, бутун умримни беҳуда қурбон қилуб, эзилиб, сиқилиб яшагунча, кошки жувонмарг бўлуб кета эдим, минг мартаба яхши булар эди. Уф!.. *(Фикрга гарқ булар. Бир оз сукутдан сунгра ташқаридан дарвоза «тиқ-тиқ» и эшитилур. Тути сесканиб кетиб, қулоқ осиб турар.)*

Т у р с у н о й *(югуриб кирар)* — Тути, Тути! Тур, тезроқ қоч! Юр, отанг бизларни ахтариб келибдур...

Т у т и о й (*қурқиб, жойидан иргиб турар*) —
Нима! Отам дейсизми?..

Т у р с у н о й — Ҳа, ҳа, отанг! Юр, тезроқ қоч!

Т у т и о й (*шошиб*) — Қасерга?! Она, қасерга қочай
экан?

Т у р с у н о й (*қизининг қулидан ушлаб*) — Юр,
юр, бу ёққа юр!..

(*Югуриб чиқиб кетарлар.*)

УЧИНЧИ МАЖЛИС

Ж у р а қ у л ва Т у х т а м у р о д.

Т у х т а м у р о д (*саҳна орқасида*) — Энди,
мирзо ака, бу иш мусурмон бандага ярашадургон иш
эмас. Агар, масалан, сизнинг хотунингиз сиздан бе-
ижозат ҳавлидан чиқиб кетса, сиз нима қилар эдин-
гиз? Аччигингиз келмас эдими? Оёқларини уриб син-
дирмас эдингизми шундай хотуннинг?..

Ж у р а қ у л (*кира-кира*) — Йўқ, худо сақласун!
Ман бу ишни асло қилмас эдим. Хотуним узимга
ухшаган одам боласи булгандан кейин урмоққа маним
нима ҳаққим бор? (*Утуларлар.*)

Т у х т а м у р о д — Э, мирзо ака! Сиз уз
хотунингиз булмаганга шундай дейсиз-дия! Шаҳрият
(шариат) юзасидан одам уз хотунини нима қилса ҳам
ихтиёри бор. Хотуннинг ҳадди бормуки, эрининг га-
пидан чиқиб, онинг ижозатидан бошқа бир иш қил-
сун экан? Маним хотиним шу ишни қилиб курсун,
қани, шартти қилиб калласини кесмасам. Ҳоли Тош-
фулот ёзнангиз яхши одам экан, опангизнинг қилган
бу ишига иннамай қуйди. Бошқа эркак булса ух-ху,
дарров пичоқлар эди.

Ж у р а қ у л — Опамга иннамоққа Тошфулотнинг
ҳеч ихтиёри ва ҳаққи йўқ.

Т у х т а м у р о д — Нимага ҳаққи булмасун?!
У — унинг хотуни булуб тухтаб, эридан беижозат
чиқиб кеткандан кейин иннамоқ эмас, улдуруб таш-
ласа ҳам ҳаққи бор.

Ж у р а қ у л — Бу гапингизни номаъқул қилиб-
сиз. Маним ҳаслимча, агар опам катта бир гуноҳ иш
қилган булса ҳам, Тошфулотнинг иннамоққа ҳеч бир
ҳаққи йўқ. Ҳомонки, маним опам ҳеч бир гуноҳ қил-
гани йўқ!

Т у х т а м у р о д — Нимага гуноҳ қилмаган булсун экан?! Шу қилган иши гуноҳ эмасми? Эридан беижозат чиқиб кеткани стмапти, у бо никоҳни ҳам бузуб, қизини олиб чиқиб кетибду. Онинг бу иши яхши эмас. Тошфулотни тамоми оламга шарманда қилди.

Ж у р а қ у л — Ажаб қилибдур! Ёмон одамнинг давоси шу... Опамнинг бу қилган ишлари гуноҳ эмас, айб эмас. Ман сизга шуни айтайки, маним опам Тошфулотка лойиқ булардек хотун эмас. Тошфулотга ухшаган фосиқ бир одам ер юзига эмас, жаҳаннамга ҳам йуқдур. Топкан пуллари ни ҳимар мусалласга йуқотиб, бутун умрини фисқ-фасод йулида утқариб, кеча-кундуз энимай пивахонаю майхоналарда юрган бир одамга маним опам хотун булмайди. Тошфулот хотун асраб, рузгор тортадурган одамлардан эмас. Топган пуллари ни ичиб, йуқотиб, хотини минан қизини оч-яланғоч қуюб юргандан кейин хотун ошсиз, нонсиз, чойсиз қандай қилиб тоқат қилсун экан? Сиз уни кучук деб билдингизми? Хотиннинг томоғи йуқми? Рузгор боқиб, эр булатурган одам шундай буладурми? Хотун-боласининг тамоғига, усти-бошига қарамай юрган одамга хотуннинг нима кераклиги бор? Хотун боқолмаган одамга хотун нимага? Сиз, Тухтамурод: «Эр хотунини нима қилса ҳам, ҳаққи бор», дейсиз. Эрининг хотунига ҳаққи булса, хотуннинг ҳам эрга ҳаққи йуқми? Ул ҳам эридек одам боласи эмасми?

Т у х т а м у р о д — Бу сузларингизнинг бир ози дуруст-ку-я, мирзо ака! Аммо Тошфулот хотунини боқмайду, деганингиз беҳуда гап булса керак. Мен Тошфулотни яхши биларман. Тошфулот сиз айтадургон одамлардан эмас. Ун беш-йигирма йил рузгор тортиб, турт-беш фарзанд курган одамни айб қилиб, хотунини боқмайдур экан, деб айтишингиз яхши эмас. Хотун боқмайдурган одам шунча йиллар рузгорлик қилмас эди. Тошфулот йигит одамдур. Пуллари ни йуқотиб, пиенуска булиб юрса, онинг ҳеч айби йуқ. Йуқотса, уз пуллари ни йуқотар, ичса, уз пуллари ни ичадур. Сизнинг пулларингизни йуқотмайду-ку! Узи меҳнат қилиб топган пуллари ни қасрга қуйса ҳам, уз ихтиёри. Сизга нима? Сизга иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас.

Ж у р а қ у л — Иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас?!

Т у х т а м у р о д — Албатта! Сизга нима?..

Ж у р а қ у л — Сиз, Тухтамурод ака, нодон! Нодон булуб ҳеч нимани фаҳламаганингиз учун ҳам галат гапурасиз. Сизнинг гапурган гапларингизнинг ҳаммаси галат. Сиз уз галатларингизни икром қилмай, дуруст, деб фаҳлаганингиз учун мен сизга қанча гапурсам ҳам, сиз мани фаҳламайсиз. Қайта, беҳуда гаплар минан вақтимизни исроф қилиб утурмайлуқ. Маним ишим бор, ишимдан қолмай. Яна бошқа айтадурган сўзларингиз булса, тезроқ айтинг, мани сақламанг.

Т у х т а м у р о д — Айтадурган сўзим!.. Айтадурган сўзим шулки: Сиз Турсуной минан Тутиойни сақламанг, ҳовлига қайтариб юборинг. Тошфулот у ерга қараб юрубдур.

Ж у р а қ у л — Турсуной минан Тутиойни ман қайтариб юбормайман. Ман юборган вақтга ҳам, Турсуной қайтиб бормоқга ҳеч ризо эмас. «Ман қайтиб бормайман, талоқ қилсун», дейдур. Сиз ҳозир боруб, Тошфулотга ман айтган гапларнинг ҳаммасини айтинг. Турсуной минан Тутиой қайтиб бормайдурлар. Қулидан келган ишини қилаверсун.

Т у х т а м у р о д — Қайтиб бормайдурлар, дейсизми?..

Ж у р а қ у л — Йуқ...

Т у х т а м у р о д — Ҳай, мирзо ака! Ман бориб шундай дейман, булмаса. *(Жойидан турар.)*

Ж у р а қ у л — Ҳа, бориб шундай деб айтинг.

Т у х т а м у р о д — Саломат булинг! *(Чиқар.)*

Ж у р а қ у л — Хуш келибсиз. *(Орқасидан узата чиқар. Биз оз муддатдан сунг қайтиб кирар.)* Оҳ!.. Бу ярим ҳайвонларга қанча гапурсанг ҳам, айтган сўзларингни юздан бирини англамайдурлар. Англасалар, қабул курмайдурлар. Нодонлик буларни шунча аҳмоқ ва фаҳмсиз қилибдурки, кичкина бир боланинг ақли етадурган нарсага ҳам ақллари етмайдур. Бу аҳмоқлар минан ҳеч нима қилмоқ мумкин эмас. Табиатлари бузуқ булуб, ахлоқсиз ва тарбиясиз булганларидек, маънавий ҳаётдан ҳам маҳрум булуб, ваҳший ҳайвонлар даражасига етган одамларга ҳеч бир қандай нарса ҳам таъсир қилмайдур. Бу ақлсизларга хоҳ гапур, хоҳ гапурма. Айтган сўзларинг беҳуда кетар.

Журақул, Турсуной ва Туттой.

Туттой (эшикдан у ёқ-бу ёққа қараниб кира-
ра.) — Тоғажон!.. У ким эди? Отам, эмас эдими?

Журақул — Йуқ, отанг эмас.

Туттой — Ким эди?

Журақул — Отангнинг жураси, Тухтамурод...

Туттой — Нима деб келибдур?

Журақул — Сизларни охтариб келубдир, отанг
сизларни...

Туттой (Журақулнинг сўзини кесиб) — Бизлар-
ни ахтариб келубдур, дейсизми, тоғажон?

Журақул — Ҳа, сизларни ахтариб келубдир. Отанг
сизларни қайтарсунлар, деб чақириб юборибдур.

Туттой — Сиз нима деб жавоб бердингиз?

Журақул — Нима деб жавоб берай экан,
бормайдурлар, дедим.

Турсуной (кириб) — Журақул, у ким эди?

Туттой — Онажон! Тухтамурод экан. Отам
бизларни қайтарсунлар, деб чақириб юборубдурлар
экан.

Турсуной — Тухтамурод, дейсанми? Отанг
юборибдур, дейсанми? Журақул, сан нима дединг?..

Журақул — Нима деб айтай, сиз айтган
гапларни айтдим-дия! Қайтмоқга ризо эмас, дедим.

Турсуной — Оҳ, Журақул! Ман жуда қурқаман.
Шу бугун бошимга бир бало келмаса эди, дейман.

Журақул — Нимадан қурқасиз, опа? Ҳеч
нимадан қурқманг, ҳеч қандай бало келмас. Тинчгина
утираверинг.

Турсуной — Сан-ку шундай дейсан, ука!
Аммо маним кўнглим жуда қаро... Шу бугун уйқумга
қараганда бошимга бир бало тушмай қолмас...

Туттой — Э она! Қўйинг, бу беҳуда гапларни
гапирманг-чи.

Турсуной — Нимага беҳуда бўлсин экан,
қизим!

Журақул — Ростдан ҳам беҳуда гапларни
гапурасиз, опа! Ман сизларга ҳеч хавф-хатар бўлмас,
деб айтдим-ку! Шундай бўлгандан кейин нимадан
қурқасиз?..

(Дарвоза «тиқ-тиқ»и. Барчалари сесканиб кетиб, дам турарлар. Ташқаридан Тошфулотнинг овози келар.)

Т о ш ф у л о т (ташқаридан) — Журакул, Журакул! Дарвозани оч!

Т у р с у н о й (титраб ҳам кўрқуб). Журакул, Тошфулот эмасми?

Т у т и о й (титраб) — Отам!

Ж у р а қ у л (қулоқ солар) — Тошфулотга ухшайди... Ман чиқиб қарай қани, сизлар қочинлар... (Чиқар.)

Т у р с у н о й (шошиб) — Оҳ! Қаерга қочай экан?!

Т у т и о й — Онажон! Юринг чиқайлук!

(Чиқиб кетарлар.)

ОЛТИНЧИ МАЖЛИС

Ж у р а қ у л и л а н Т о ш ф у л о т .

Т о ш ф у л о т (саҳна орқасидан) — Ман санинг бу ишингни ҳеч онгнамайман, Журакул!.. Маним хотинимни ўз ҳовлингга кучириб олуб келишингнинг маъниси нима?..

Ж у р а қ у л (кира-кира) — Кучириб олуб келишимнинг маъниси шулки, опамни сандан айириб оламан, яъни талоқ қилдураман, деганим.

Т о ш ф у л о т (Журакулнинг орқасидан кира-кира, шиддат минан) — Айириб оласан, талоқ қилдураман?!

Ж у р а қ у л — Ҳа! Айириб оламан, талоқ қилдураман...

Т о ш ф у л о т (шиддат билан) — Ман талоқ қилмайман!..

Ж у р а қ у л — Хай, кўраимиз...

Т о ш ф у л о т (аччигланиб) — Нимани кўраимиз, нимани кўраимиз?! Дард ҳаринани кўрасанми?! Талоқ қилмагандан кейин отангнинг бошини кўрасанми? Ман хотинимни талоқ қиламан, деганим йўқ ҳали!

Ж у р а қ у л — Тошфулот ака! Бу ерда кўп шовқунламанг, бу ер ўз ҳовлингиз эмас, бозор эмас.

Т о ш ф у л о т — Ўз ҳовлим булмаса нима? Бозор булмаса нима? Шавқунлайман, шовқинласам — нима дейсан! Хотунимни топиб бермагунинча дам тўхтамайман. Хотунимни топиб бер!

Ж у р а қ у л — Мен сиздан илтимос қиламанки, бу ерда шовқинламанг, деб. Манга шовқун ёқмайду.

Т о ш ф у л о т — Шовқун ёқмаса, нима қилай! Санга шовқин ёқмаганига маним нима ишим бор? Шовқин ёқмайду экан, хотунимни топиб бер!

Ж у р а қ у л — Шовқун солманг! Агар шовқин қиладурган булсангиз, чиқиб кетинг!

Т о ш ф у л о т (*аччиғланиб*) — Чиқиб кетинг?! Қаерга чиқиб кетинг?.. То маним хотунимни топиб бермасанг, ман ҳеч қаерга чиқиб кетмайман! Ман сани шундай қуярманми?.. Топиб берма, қани кұрай!..

Ж у р а қ у л — Тошфулот!.. Ман сандан бо яна бир мартаба илтимос қиламан. Агар куб шовқинлай бериб, яхшилик минан чиқиб кетмасанг, шабгирд чақириб кетураман.

Т о ш ф у л о т — Шабгирд чақириб кетурасан?! Шабгирдингни чақириб кетуравер, ҳеч биттасидан кўрқмайман! Мен бу ерга иш минан келган одам, ука! Шабгирд чақириб кетураман эмиш-а! Шабгирд кетурсанг ҳам маники ҳақиқат... Сан қайси закунга, қайси шариатга кўрдунгки, бир одам биттанинг хотун ҳам қизини кучириб олиб кетиб, уз ҳавлисига қўйсун экан? Бу ишни қаерга кўрдунг сан? Хотун-ку, санинг хотунинг эмас, маники! Санинг нима ҳадинг бор эдики, хотунимни олиб чиқиб кетасан? Ҳоли санинг толеинг яхши эканки, ман санга ёзнаман. Агар маним жойимда бошқа бир одам булса эди, санинг бу ишинг учун кўрмаганингни кўрсата эди-ку-я!.. Мен ҳоли иннамай қўйдум. Сан шу қилган номаъқуллингни минан мани бутун шаҳарга расво қилдинг. Ман санинг бошингни кессам ҳам санга ҳаққим кетаду.

Ж у р а қ у л — Тошфулот! Мани уз тинчимга қўясанми, қўймайсанми?

Т о ш ф у л о т — Қўймайман!

Ж у р а қ у л — Қўймайсиз?

Т о ш ф у л о т — Йўқ...

Ж у р а қ у л — Ҳай, сунгра малол келмасун. (*Чиқар.*)

Т о ш ф у л о т (*Журақулнинг орқасидан қараб қолиб муштларини курсатар, аччиғланиб*) — Падар лаънат! Ман сани шундай қуярманми? Санинг бу қилган ишинг учун қонингни сиқиб ичарман, худо хоҳдаса! Сандек йигитларнингким қанчасининг бошига етканман. Шабгирд эмиш-а! Шабгирд минан мани кўр-

қитмоқчи буладур. Ман шабгирдлардан қурқадургон
йигит эмас, ука! Мани Тошфулот дейдурлар... Тошфу-
лот минан ҳазил қилиш осон эмас... (Алам қилиб.)
Уй-йуй, йуууй, йуй!.. Ешгина боши минан шунча мам-
даноликларни қиладур-а! Ҳеч нимадан қурқмай, хоту-
нимни айириб олмоқчи, талоқ қилмоқчи буладур.
Мундай ишни ҳеч бир одам кургани борми?.. Мундай
иш олам яратулгандан буюқ булмагандур?.. Охир за-
мон, охир замон булгонга ухшайдур. Бу иш — охир
замон аломати. Охир замон булганда, одамларга ин-
соф, номус қолмай. Қилган ишларининг ҳаммаси ша-
риятдан ташқари, яъни шариатга ҳеч бир эътибор
булмас, деб катта-катта муллолар айтар эдилар. Во-
қеан, уша муллоларнинг айтган гаплари туғри келди...
О, бу нима деган гап, охир?.. Бу иш ҳеч шариатка
борму?! Ман хотунимни талоқ қилмай тухтаб, хоту-
ним уз ихтиёри минан талоқ булсун экан. Воқеан, бу
Турсиной минан Тутиной қаерда булса экан? (У ёқ-бу
ёқни қараб, тафаккурлаб.) Қаерга булса экан? Бу ерда
йуқ... Бирон жойга ёшириниб тухтаган булсами ё?...
Тухта, бир ҳовлини чиқиб қарай, қани (пичогини қа-
раб), пичогим шу ерда экан...
(Оҳистагина чиқиб кетар. Бир дақиқа сукутдан сунгра
саҳна орқасидан Турсунойнинг вой-дод солиб, «Ота-
си, отаси!» дегани эшитилур. Шул вақт Тошфулот:
«Шовқунлама, шовқунлама! Юр бу ёққа, юр», деб
Турсунойнинг қулидан ушлаб кирар.)

ЕТТИНЧИ МАЖЛИС

Турсуной ила Тошфулот.

Турсуной — Отаси, тавба қилдим, отаси!

Тошфулот (ерга юмалатиб юбориб) — Сан бу
ерга нима деб келдинг? Сан кимнинг ижозати минан
уйни ташлаб кетдинг? Санга ким ижозат берди?

Турсуной (йиглаб) — Отаси! Ман эмас,
Журақул! Журақул кетурди, отаси!

Тошфулот — Журақул кетурди?.. Журақул
сани нима деб кетурсин экан?! Саннинг эринг Жура-
қулми? Саннинг эринг ким?

Турсуной — Сиз, отаси, сиз эрим, сиз!..

Тошфулот — Ман булсам, нима деб мандан

беижозат кетасан? Уз ихтиёринг минан кетмасанг, Журакул сани кетурар эдими? Ҳамма айб узунгда-дия!..

Т у р с у н о й — Йўқ, отаси! Ман эмас, Журакул...

Т о ш ф у л о т — Номаъкул қилибсан, эшшак! Уз айбингни бошқа одамнинг устига ағдариб қутулмоқчи буласанми? Уз эринг бор булуб тўхтаб, бошқа одамнинг гапига кирмоқга сан бачамисан? Сан кимнинг хотунисан?

Т у р с у н о й — Сизнинг хотунингизман отаси, сизнинг...

Т о ш ф у л о т — Шундай булатурган булса, нимага беижозат кетдинг? Санга дейман! Сан кимдан ижозат олиб кетдинг?

Т у р с у н о й (*йиглаб*) — Ман... Ман... Ман...

Т о ш ф у л о т (*истеҳзо билан*) — Санинг бирон муддаонг булса керак. Муддаонг булмаса, сан бу ишни қилмас эдинг. Муддаонг мандан айрилмоқдур-дия! Булмаса ман сандан бу ишни ҳеч курганим йўқ эди... То ҳалигача, йигирма уч йил умр қилиб, энди айрилмоқчи буласан? Ман санга нима ёмонлик қилдим? Сан мандан нима ёмонлик курдингки, энди айриланман, дейсан? Санинг хаёлингга, ман сани бир этак оқ тангани тўқуб олай экан-у, дарров бир оғиз гап минан айриб юборайми?.. Йў-у-уқ, ман ундай одам эмас! Маним кўнглимдан тез қочиб қутулиш осон эмас! Ман сани айриб, талоқ қилгунча, қайта улдуриб ташларман... Падар лаънат, ҳарамзаданинг қизи! Сан маним обрўимни тўқуб, бутун оламга шарманда қилдинг. Сан бадбахтни улдуриб ташласам ҳам, маним ҳаққим кетаду. То сани улдурмасам, армонда қолмасман... Санинг бу дунёда тирикчилик қилганингча улганинг яхшироқ!.. Санинг... (*Этик соғасидан пичоқ чиқарар.*)

Т у р с у н о й (*қурқиб*) — Отаси! Тавба қилдим! Отаси, гуноҳимдан утинг! (*Қочмоқчи булар.*)

Т о ш ф у л о т — Гуноҳингдан утай? Хо-хо-хо-хо!.. Сан мани бутун оламга расво, шарманда қилдинг-у, ман санинг гуноҳингдан утайми? Йўқ, санинг улмоқинг яхшироқ! (*Турсунойга пичоқ урар.*) Ул, бадбахт... (*Истеҳзо минан улганини қараб тўхтар.*)

Т у р с у н о й — Вой-дод!!! (*Ерга йиқилар ҳам пичоқ урилган ерини икки қўли минан ушлаб.*) Оҳ,

улдум!.. Вой, ажалим келди! Вой!.. Вой, болам!.. Вой, Тутиой!.. Тутиойим!.. Вой, болам, сан етим қоласан!.. Болам, улду-у-ум! Болам, сан етим қолдинг, вой!.. Болам!.. О... нанг... дан оййириллдинг! Оҳхх... (Улар.)

Т о ш ф у л о т (Турсунойнинг тамоман жони чиққунча кузларини олайтириб қараб турар. Турсуной дам булгандан кейин кулар) — Хо-хо-хо-хо!

САККИЗИНЧИ МАЖЛИС

Тутиой ҳам бошқалар.

Т у т и о й (эшикдан кирар, онасининг қонга ботиб улуб етганини куриб, овозлаб, икки қули минан бошини ушлаб) — Ота!.. Сиз нима қилдингиз? Онамни улдурибсизку!.. (Узини Турсуной устига ташлаб.) Оҳ, онажон! Мани етима қолдириб кетдинг!.. Онажон, ман етима қолдим! Онажон, қаноти синган қушга ухшаб айрилиб, гариб, бечора булуб қолдим! Мани етима қилиб қолдирдинг! Нимага мани қуюб кетдинг!.. Сан улгунча ман улуб кета эдим, булмас эдими?.. Оҳ, кошки ман ула эдим! Кошки ман жувонмарг булиб кета эдим!.. Оҳ, нимага ман жувонмарг булиб кетмадим экан?.. Онажон! Ман ҳам уламан! Ман ҳам санинг ёнинга бораман! Ман жувонмарг буламан!.. (Отасига.) Ота! Бу нима қилган ишингиз?.. Нимага онамни улдурдингиз? Онамни улдургунча мани улдурсангиз булмас эдими?..

Т о ш ф у л о т — Нима учун улдирганимни билмайсанми?

Т у т и о й — Оҳ, ота! Ман сизга нима деб айтай экан энди?! Сиз раҳмсиз ҳайвон! Тошюрак! Сиз одамқуш! Хунрез!.. Онамни улдирган экансиз, келинг, мани ҳам улдуриг охий! Манга улмоқдан бошқа бу дунёга нима қолди!.. Келинг, улдуриг мани, ман ҳам улай! (Онасини қучоқлаб йиглар.)

Т о ш ф у л о т — Сани улдуриб нима қилай? Санинг ўз эринг бор. Сани улдуруб Акрам контурга нима жавоб берай?..

Т у т и о й (кўрқуб) — Нима, нима? Акрам контур, дедингизми?! Йуқ, йуқ! Улмоғим яхшироқ! Оҳ, худо!.. (Ерда етган пичоқни куриб, қулига олар ҳам узига қасд қилар.) Улмоғим яхшироқ! Жувонмарг бул-

могим яхшироқ! Оҳ!.. Оҳ, дунё! Нимага сан мунча бавафо! Хуш, дунё, хуш, ман ҳам кетдим!.. *(Узи узини пичоқ минан санчар.)*

Т о ш ф у л о т *(шошиб)* — Тути, Тутиой! Сан нима қилдинг?!

Т у т и о й — Оҳ-ҳ-ҳ! Жувонмарг булдиммм! *(Улар.)*

Т о ш ф у л о т *(Тутиойнинг қулидан ушлаб)* — Тутиой! Сан нима қилдинг, болам?! Оҳ!.. Узунг узунгни ҳалок қилдингми?.. *(Пушаймон булуб.)* Оҳ, худо! Ман нима қилдим?! Вой, ман нима қилдим?! *(Жойдан ирғиб турар.)* Вой, ман бадбахт!.. Ман одам улдурдим! Вой, ман қон тўқдим, одамқуш булдим-ку! Оҳ, худо!.. Ман нима қилай энди? *(Кузларини ола-ола қилиб Турсуной минан Тутиойга узоқ қараб турар.)* Турсуной, Тутиой! Ман нима қилдим?! Оҳ! *(Йиглар.)* Ман сизларни бадбахт қилдим! Турсуной, Тутиойим, болам!.. Ман, бадбахт, сизларнинг бошингизга етдим! Ман, бадбахт, сизларнинг жувонмарг булишларингга сабаб булдум! Ман оллонинг лаънати тушган бир одам эканман. Оҳ, худойим! Ман нима қилай, нима қилай экан энди?.. Оҳ! *(Яна кузларини олайтириб, Турсуной минан Тутиойга бир оз қараб, тухтаб кулар.)* Хо-хо-хо-хо! Хо-хо-хо-хо!.. Ҳовлига бормайсизларми? Шу ерга онанг минан ухлаб ётасанми? Сан бормасанг ман... *(Бир оз тухтаб, йиглаб юборар.)* Оҳ! Ман нима қилдим? Ман нима қилдим? *(Узини у ёқ-буёққа отиб урар.)* Ой!.. ой!.. ой!.. Бу ёққа келма, бу ёққа келма!.. Ой! Келма, дейман. Йуқол, йуқол!.. Ана, ана, ҳайлаҳа!.. Йуқ, ман эмас, ҳайлаҳа!.. Ой! Келма, дейман охий!.. Кет... Кет, кет!..

(Югуриб чиқиб кетар, бир дақиқа сукут.)

ТУҶҚИЗИНЧИ МАЖЛИС

Ж у р а қ у л *(кирар, Турсуной ила Тутиойга кузи тушиб, ҳайрон қолар)* — Оҳ! Бу нима бу?..

П а р д а

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Тошфулотнинг уйи. Иккинчи парданинг айнидур. Парда кутарилган вақтда сахна буш қолуб. икки-уч дақиқа сукутда қолур. Сунгра Тошфулот кирар.

Тошфулот (уғридан қурқиб қочган одамга ухшаб, узи-узини у тараф-бу тарафга ташлар ҳам ёмон овоз минан мажнунона шавқинлаб) — Ув-вей!.. Ув-вей!.. Ман эмас! Йук, йук, йук!.. Хайлаха, ана ул! Кет, кет, кет! Оҳ!.. Нимага мани бугасан? Қуй, қуй! Ман санга нима қилдим? (Сотошиб.) Нима?.. нима??? Нима қилдим? А, а?!.. Ким, кимни улдирдим? Хотунимни, дейсанми? Хотунимними? Йук, йук!.. Ҳа, ҳа... Кел, мени ол!.. Кел, мен улдурдим! Ман... ман... оҳ, ман улдурган эканман!.. Турсуной, Турсуной... Болам!.. Сани ким улдирди?! Ким, ким? (Сандал устига йиқилиб, йиглар. Бир оз йиглагандан сунг жойидан қимирламай дам ётар. Бир-икки дақиқа сукутдан сунг осмон гумбурлаб, чақмоқ чақар. Тошфулот қурқуб жойидан ирғиб турар ҳам «оҳ, оҳ!» деб ёмон овоз минан додлаб, узи-узини у тараф-бу тарафга урар. Чақмоқ билан осмон гумбурлаши давом қилар. Шул вақт Тошфулотнинг кузига Турсуной минан Тутиой қуринар. Аларнинг оёқларига йиқилиб термулиб.) Оҳ, Турсуной! Турсунойим!.. Болам, Тутиойим, болам! Маним гуноҳимдан утинлар, азизларим!.. Ман лабиннинг гуноҳидан утунлар!.. Болам... Болам, болам гуноҳимдан утасанми?.. Мен бечора бадбахтга раҳмларинг келсун!.. Оҳ, ман бадбахт! Оҳ, ман лабин!.. Ман... ман... ман лабин сизларнинг бошларингизга етдим! Оҳ, ман лабин!.. Оҳ! Турсунойим! Тутиойим!.. (Турсуной минан Тути куздан гойиб булурлар. Тошфулот беҳуш бўлиб йиқилур. Осмон гумбурлаши минан чақмоқ тухтаб, бир-икки дақиқа сукутдан сунгра Тошфулот ҳушига келар. Бошини кутариб, бир қули билан кукрагини уқалаб.) Оҳ, бу нима?.. Уйкуми, унғумми?.. Оҳ, кукрагим! Оҳ, уламан! Оҳ, юрагим! Оҳ, ташнаман!.. Жоним бугозимга келди! Уламан... Ажалим келди!.. Оҳ, ташналигимдан ёриламан! (Яноқларини йиртиб, азобланиб.) Оҳ!.. Сув... сув... сув... Оҳ!.. (Сотошиб.) Ана, ана! Азроил! Азроил!.. Жонимни олмоққа келдингми?.. Кел, кел! Жонимни ол. Кел!.. Кел, дейман, тезроқ жонимни ол!.. Сув... Сув...

сув!.. Ой, беринглар! Ташналигимдан ёриламан!.. Ичим куйди! Сув, дейман... Сув! Ой, муъминлар! Ой, бирон мусулмон борму?.. Бирон раҳми келатургон мусулмон бормуки, манга сув берсун? Ташналигимдан ёриламан, дейман, ой биродарлар!.. Ҳеч биронтангизнинг раҳмингиз келмайдурми? Ой, сув! Оҳ-ҳҳх! Суввв! (Осмон гумбурлаб, чақмоқ чақар. Шу вақт бир коса сув минан шайтон пайдо булар.) Оҳ-ҳ-ҳ! Суввв!.. (Икки қузини шайтонга тикиб қараб турар.)

Ш а й т о н — Тошфулот!.. Ташна қолдингми? Санга сув бергани одам йўқми? Мусулмонларинг санга сув бермайдуларми? Раҳмлари келмайдуларми?.. Мана, сув, мана!.. Маним санга раҳмим келди! Ман тошюрак шайтон бўлсам ҳам, раҳмим келди! Ҳолигача ҳеч бир одамзодга раҳмим келмаган, санга раҳмим келди!..

Т о ш ф у л о т (телмуриб) — Бер... бер... Тезроқ бер!..

Ш а й т о н (истеҳзо минан) — Бераман, Тошфулот, бераман. Сан ошуқмай тургин, бераман. Ман Қобилга ҳам берганман... Санга ухшаган неча миллион мусулмонга берганман...

Т о ш ф у л о т (термулиб, икки қулини шайтонга узатиб) — Бер... бер... бер энди!..

Ш а й т о н — Бераман, бераман, ҳозир бераман... Агар сан худойинг минан Муҳаммаддан юз қайтариб, мани худо, десанг, манга сажда қилсанг, бераман... Манга сажда қилиб, мани худо, дегин, ман шу сувни санга берай... Имонингдан утасанми?..

Т о ш ф у л о т (сажда қилар) — Сан мани маъбудимсан. Сан маним худойимсан! Худойим!..


Ш а й т о н (косани ерга отиб уриб, ёмон овоз билан қулар) — Хо-хо-хо... Хо-хо-хо... Санинг ҳам имонинг маним қулимга кирди! Энди билки, ман санингдек миллион-миллион мусулмонларни имонидан айирганман... Сан мани биласанми?.. Мани иблис, дейдулар!.. (Узича.) Оҳ, жаҳолат!.. Оҳ нодонлик! Сан маним куйимда яхши бир қуролсан!.. Сан жаҳолатликнинг ёрдами минан неча минг миллион одамларни узумга қаратдим! Жаҳолат маним лашкаримдур. Яша, жаҳолат! Сан яшасанг, ман ҳам яшайман!.. Хо-хо-хо...

Т о ш ф у л о т — Оҳ!.. Оҳ!.. Имонимдан аййириллдииммм! (Улар.) Ло...илооо... лоила... ашшшҳад... лоила!...

Ш а й т о н — Хо-хо-хо... (Ғойиб булар. Осмон
гумбурлаб, чақмоқ чалар.)

Т о ш ф у л о т (кукракларини ҳам буғозларини
тирноқлари билан йиртиб, азобланиб) — Оҳ!.. Оҳ!..
(Улар.)

Парда энар



АБДУЛЛА БАДРИЙ

АҲМОҚ



Бир пардали кулки



АШХОС:

М у х а р р и р — узун буйлук, қора соқоллик, йугонгина бир одам; асабий дардга гирифтор, 50 яшар.

Э ш м у р о д — шаҳар курмаган қишлоқи бир одам; куб аҳмақ ва фаҳмсиз, сариг соқол, 35 яшар.

МАЖЛИС

Газета идораси. Парда кутарилган вақтда катта бир устол ёнида муҳаррир афанди газеталар қараб утуради. Бир-икки дақиқа сукут.

Э ш м у р о д (*Эшиқдан бошини тикиб, у ёқ-бу ёққа қарар. Ичкарига кирмоқга жасорат қилолмай, бир оз муддат қараб тухтагандан сунгра муҳаррирнинг илтифотсизлигини куруб, ичкари кирар. Кафшларини эшик тақиға қуюб, секингина муҳаррирнинг ёнига келар.*) — Ассалому алайкум!..

М у х а р р и р (*сесканиб*) — Ваалайкум ассалом! Нима хизмат, афандим?..

Э ш м у р о д (*муҳаррирнинг илтифотини куруб шавқланар*) — Саломатмисиз, тақсир, хуб, бардам, саломаткинамисиз?.. Эсон-омонгина юрубсизми? Хуб саломат, саломат.

М у х а р р и р — Алҳамдиллилло, саломат.

Э ш м у р о д — Хуб бардам, саломат. Болачақаларингиз саломаткинами? Мол ва жон омонми? Хуб, дамликқина!

М у х а р р и р — Худога шукур, саломат... Нима хизматингиз бор, афандим?

Э ш м у р о д — Хуб саломат экансиз, хуб баъофият!

М у х а р р и р — Шукр, шукр саломат энди. Ман сизга нима ишингиз бор, дейман?

Э ш м у р о д — Нима ишинг бор, дейсизми?

М у х а р р и р — Ҳа!

Э ш м у р о д — Ман жанобингизга катта бир иш минан келган эдим.

М у х а р р и р — Хуш, нима иш экан?

Э ш м у р о д — Шошмангки, тақсир, ман сиздан аввал бир суз сурамоқчиман.

М у х а р р и р — Хуш, суранг.

Э ш м у р о д — Газет ёзатурган жаноб мирзо сиз буласизми?

М у х а р р и р — Ҳа, ман буламан.

Э ш м у р о д (*хурсанд булуб*) — Ҳайрият, сиз экансиз-э! Ман сизни тополмай, саргардон булдум. Эртадан бери жанобингизни ахтариб тополмай, у кучадан-бу кучага қидириб юруб, зурга тобдим-э! Уфф! Кучаларда курган одамлардан газет ёзатурган мирзо қаерга, деб сўрасам, ҳаммалари: «Билмаймиз», дейдурлар. Хайрият, товуг бозорига туратурган фону-чи урус сизни билар экан, уша урусдан сураб тобдим, «Газит пишишь, куда сидит», деган эдим, «издэссь», деб ана шу ерни курсатиб қуйди. Уша урус курсатиб қуймаганда, бир ой қидириб юруб ҳам, тополмас эдим. Ундай булса, газет ёзатурган мирзо сиз экансиз-дия!?

М у х а р р и р — Ҳа, ман.

Э ш м у р о д — Хайрият, хайрият!

М у х а р р и р — Нима хизмат бор эди?

Э ш м у р о д — Ман, тақсир, жанобингизга бир иш минан келдим. Йук-э! Уз ишим минан эмас-ку. Укамни иши минан, деганим...

М у х а р р и р — Хуш, тезроқ айтинг!

Э ш м у р о д (*киссасидан бир қоғоз чиқариб*) — Маним укам сизни жуда яхши билар экан. «Ана шул эълонни мани газет ёзатурган уртоғимга элтиб бер, газетка ёзсун», деб бериб юборди. Энди сиз марҳамат қилиб, шу эълонни газетка ёзарсиз-дия!..

М у х а р р и р (*олиб*) — Укангизни исм-шарифлари нима?

Э ш м у р о д — Исм-шарифлари Ҳожи Мулла Мирзо Болтабойхужа Охун миллиончи.

М у х а р р и р — Болтабойхужа миллиончи?

Э ш м у р о д — Ҳа, тақсир.

М у х а р р и р — Ман мундай одамни эшитканим йук. Укангизни танимайман. (*Эълонни курар.*)

Э ш м у р о д — Танимайсиз?

М у х а р р и р — Йук, танимайман.

Э ш м у р о д (*таъкиб қилиб*) — Ана, ажаб!.. Нима учун укамни танитайсиз?

М у ҳ а р р и р — Танитайман.

Э ш м у р о д — Ана, холос!.. Дунёда укамни танитайтурган одам йуқ-ку, сиз танитайман, дейсиз. Мани укамни Фетелград, Маскоф, Лежни, Бухоро, Самарқанд ҳам Фаргона деган катта мамлакатларга ҳамма одамлар биладурлар. Макка, Мадина, Қуддус, Лумбурларга ҳам билмаган ҳеч бир одам йуқ. Бизни укамиз Бухорои шарифнинг катта хужаларидан буладур. Ҳар йили амирни қошига бориб, бир сарупо кийиб келадур. Укам жуда катта бой одам!.. Жанобингизга маълум булсун-чи, мани укамни Бухорои шарифка бир юз йигирма таноб ери бор. Ул ердан ҳар йил қанча манфаат топиб, беш-олти ҳуржунни танга минан зичлайди. Пул десангиз, пулни ҳеч ҳисоби йуқ. Пул сомондан ҳам куб. Юз йигирма таноб ер — оз ер эмас. Юз йигирма таноб ерни йигирма танобига бугдой экамиз. Йигирма танобига тариқ, йигирматасига қовун, йигирматасига сабзи-пиёз, ун танобига шолгом, унтасига пахта, унтасига гуза, яна ун танобига маккажувори экамиз. Ҳар бир ботмон ғалладан бир юз ботмон ҳосил оламиз. Укамни давлати жуда катта. Агар дунёга иккита бой булса, биттаси мани укам-дия!

М у ҳ а р р и р (*зерикиб*) — Хуб, хуб, энди билдим. Укангиз жуда катта бой одам экан.

Э ш м у р о д (*шавқланиб*) — Уҳхууу! Мани укамни...

М у ҳ а р р и р (*сузини кесиб*) — Хуб, хуб, булди, билдим энди...

Э ш м у р о д — Билдингиз?..

М у ҳ а р р и р — Ҳа, билдим! Манга қаранг, бой ука! Маним хуб сузлашмоққа фурсатим йуқ. Агар мумкин булса, эълоннинг ҳаққини бериб, тезроқ ишни тамом қилинг.

Э ш м у р о д — Хуб, тақсир, хуб... Энди-и-и, тақсир... Хизматингизга... Мани укамни туртта хотуни, учта чуриси бор. Хотунни ҳар биттаси офтобдан чиройлик, ойдан...

М у ҳ а р р и р (*асабийланиб*) — Ой, бой ука!.. Акангизни туртта хотуни борлигига мани нима ишим бор! Беҳуда сузларга маним фурсатим йуқ. Тезроқ эълонни ҳаққини беринг. Мани ишдан қолдурманг.

Э ш м у р о д — Хуб-хуб, хуб, тақсир, хуб. (*Белбо-*

гидан ҳамённи чиқариб, еша-еша.), қанча берай, тақсиржон?

Муҳаррир — Беш сўм берасиз.

Эшмурод — Беш сўм? Беш сўм, деганингиз, пошшолик тангага қанча буладур, тақсир?

Муҳаррир — Уттуз уч тангаю йигирма бир пул.

Эшмурод (*сесканиб кетар ҳам кузларини ола-ола қилиб қарар*) — Уттуз уч тангаю йигирма бир пул! Бир газет қилиб ёзишқа уттуз уч тангаю йигирма бир пулми?

Муҳаррир — Ҳа! Бир ёзишқа беш сўм берасиз.

Эшмурод (*яқосини ушлаб*) — Тавбо, астафулло аллазим! (*Тавба, астағфирулла альазим!*) Бир ёзишқа уттуз уч тангаю йигирма бир пул! Уттуз уч тангага катта бир эшшак сотиб олишқа мумкин. Уттуз уч тангага ярим ботмон бугдой берадур. О... сиз мирзолик учун уттуз уч танга оламан, дейсиз?

Муҳаррир — Менга қаранг, бой ука! Мани куб бошоғруқ қилманг. Агар эълонни босдураман, дсангиз, тезроқ булунг, пулингизни беринг. Агар йўқ, деб айтсангиз, эълонни олинг, мани бу беҳуда сузларингиз минан соқлаб ишдан қолдурманг.

Эшмурод — Тақсиржон! Бир мирзолик учун уттуз уч танга қимматлик қиладур. Арзонроқ булса эди агар...

Муҳаррир (*эълонни қайтариб берар*) — Хайр, ундай булса; мана бу эълонингизни ушланг. Уттуз уч тангадан арзон булмайди. Вассалом!

Эшмурод (*олуб*) — Арзонроқ булмайди, дейсизми?

Муҳаррир — Йўқ, булмайди.

Эшмурод — Хайр, тақсир, хайр ундай булса! (*Чиқиб кетмоқчи булар. Лекин чиқиб кетмай, эшик ёнида бир оз муддат уйлаб турар.*) Менга қаранг, мирзо ука! Бир оз арзонроқ қилишқа мумкин эмасми?

Муҳаррир — Йўқ.

Эшмурод — Тақсир, уттуз уч танга бизга жуда жабр буладур-ку!

Муҳаррир — Ихтиёрингиз. Жабр булгудек булса, босдурманг-дия.

Эшмурод — Сиз жуда ҳам қаттиғ одам экансиз-а, тақсир. Одам деган мунча ҳам қаттиғ бул-

майди, бир оз арзонроқ қилинг... Бу дафъага қанча сурасангиз ҳам, йуқ, деб айтмайман.

М у х а р р и р — Ман сизга арзон қилиш ҳеч мумкин эмас, дедим-ку! Онглайсизми, йуқми? Эълон босдуришнинг тартиби шундайки, тайин қилинган баҳосидан арзон қилишқа ҳеч имкон йуқ.

Э ш м у р о д — Оббо! Агар ман сизнинг жойингизда мирзо бўлсам, беш тангага унта эълон ёзиб берар эдим. Ҳайфки, ёзолмайман-дия!

М у х а р р и р (*аччигланиб*) — Бой ука! Мани уз ҳолимга кўясизми, қўймайсизми?

Э ш м у р о д (*қулини кўксига кўюб*) — Хуууб, тақсир, хуб. Ман сизга нима қилдимки, манга мунча аччигланасиз? Агар гуноҳ қилган бўлсак, гуноҳимиздан утунг, тақсир.

М у х а р р и р — Куруб тухтабсиз-ку, ман ишлик одам. Ортуқча сузлашмоққа фурсатим йуқ, деганимни онгладингизми, йуқми? Жудаям бемаза одам экансиз!

Э ш м у р о д — Хуб, тақсир, хуб. Номабкул қилибман экан бўлмаса!

М у х а р р и р — Сузни тамом қилинг, маним ишим жуда кўб. Вассалом!

Э ш м у р о д — ...Одамни умримга курганим йуқ-э! Қуруққа тушкан қурбақадан ҳам ямон... (*Тафаккурда қолар.*) Нима қилай энди? Акам бу эълонни топшуришқа тайин қилиб юборди. Топширмасам, иложи йуқ. Бу энди уттуз уч тангадан арзонроққа ёзмайман, дейдур. Шунча яқолашиб қарадим, бўлмади. Энди шул уттуз уч тангани бермасам бўлмайди. Носбийимга бир-икки пул қолдурай, деган эдим, бўлмади-э!.. Шошмай тур... Шундай бўлса ҳам, яна бир сураб қарай, қани, эҳтимол, рози булар. (*Мухаррирга.*) Ой!.. Манга қаранг, тақсир!

М у х а р р и р — Бо яна нима дейсиз?

Э ш м у р о д — Энди, тақсир, жанобингизга малол келмасун, ман ҳам бир огуз айтай. Суханимни синдирманг.

М у х а р р и р (*тоқатсизланиб*) — Хуууб!

Э ш м у р о д — Энди, тақсир, хизматингизнинг куланкасига... Иигирма беш оқ танга бераман-дия!

М у х а р р и р — Йуқ, бўлмайди. Вассалом!

Э ш м у р о д — Хайр, ундай бўлса, йигирма олти танга. Оббо! Йигирма олтига ҳам бўлмайдимми?

М у х а р р и р — Йук, йук. Булмайти, дедим-ку!
Бош оғруқ қилманг!

Э ш м у р о д — Хайр, йигирма етти!

М у х а р р и р (тамом аччиғланиб) — Йууук, йук!
Булмайти. Вассалом!

Э ш м у р о д (яқосини ушлаб) — Ё Баҳоиддин!
Йигирма еттига ҳам йуқми?

(Мухаррир индамас.)

Э ш м у р о д — Хайр, ундай булса, гапнинг
охири, йигирма саккиз танга бераман-дия! Хайр, де-
сангиз ҳам шул, йук, десангиз ҳам шул.

(Мухаррир индамай турар. Сукут.)

Э ш м у р о д — Нима дедингиз? (Сукут.) Хайр
булмаса, йигирма туққиз танга! Олинг бу ҳам сизга
булди!

М у х а р р и р (жойидан иргиб туриб, асабийла-
ниб) — Иййук, йук, йук! Онгладингизми? (Утурар.)

Э ш м у р о д (яқосини ушлаб) — Оббо! Йигирма
туққузга ҳам йук, дедингизми? Хайр, ундай булса,
ихтиёрингиз, охири йигирма туққуз ярим танга бера-
ман, йук, десангиз кетаман. (Сукут.) Йуқми? (Яна
сукут. Секингина чиқиб кетар. Бир оз муддатдан сунг
эшикдан бошини ичкари тикиб.) Тақсир!.. Ой, тақ-
сир!.. Келинг энди, бир мири кам уттуз танга... Хайр-
ми? (Сукут. Бошини ташқари олиб, эшикни ёбар, ле-
кин бир оз муддатдан сунгра яна бошини ичкари
тикиб.) Тақсир! Ой, тақсир!.. Ярим мири кам уттуз
танга! Нима дедингиз?

М у х а р р и р (жойидан бирдан иргиб туриб,
қаттиғ овоз минан) — Йук!

(Эшмурод сесканиб, бирдан бошини ташқарига олар
хам эшикни «тақ» қилиб ёпар.)

М у х а р р и р — Ой, аҳмақ! Нимага мани мунча
бошоғруқ қиласан? Ман санга «Булмайти», деб йигир-
ма марта айтдим-ку!

Э ш м у р о д (эшик орқасидан туруб) — Хуб,
тақсир, хуб! Булди энди! Сиз ҳам бошоғруқ булманг,
мен ҳам бошоғруқ булмай. Бу эълонни олиб ёзиб бе-
ринг. (Кирар.) Келинг энди, ахири уттуз танга бера-
ман-дия! Сиз ҳам уч танганинг баҳридан утунг.

М у х а р р и р — Уффф! Бу аҳмақ қаердан
бошимга бало булуб тушди? Хайр, келинг! Тезроқ бу-
лунг!

Э ш м у р о д (*хаменини эшиб, пул олиб берар*) —
Мана, тақсир, утгуз танга! Санаб олинг!

(*Муҳаррир пулни санаб олар, квитанция берар.*)

Э ш м у р о д — Бу нима, тақсир?

М у ҳ а р р и р — Капитанса! Акангизга элтиб беринг, эълон эртага чиқатурган газет минан босилиб чиқар, иншоолло.

Э ш м у р о д — Эртага?

М у ҳ а р р и р — Ҳа, эртага. Вассалом!

Э ш м у р о д — О... о... Тақсир, ман эртагача қараб утураманим? Ҳозир эзиб берсангиз, булмайдими? Эртага маним бозорим ҳам бор...

М у ҳ а р р и р — Нимани эзиб берай?

Э ш м у р о д — Эълонни-дия!

М у ҳ а р р и р (*кулар*) — Эълонни ман сизга эзиб бериб нима қилай? Эълон эртага босилиб чиқадур.

Э ш м у р о д — Йўқ, тақсир! Манга ҳозиир эзиб берасиз. Эртага ман келолмайман. Ишим куб! (*Носбой чакар.*)

М у ҳ а р р и р (*узи узига*) — Бу аҳмақ газетнинг нима эканини англамайтурганга ухшайди. (*Эшмуродга.*) Бой ука! Сиз бу эълон деган нарсанинг нима эканлигини онглайсизми, йўқми?

Э ш м у р о д — Йўқ, тақсир, ман ҳеч нимасини онгламайман. Онгласа, укам онглайди. Манга илонми, чайнми, калтаклосми, ҳаммаси — бир. Ҳеч нимасини онгламайман. Марҳамат қилиб, тезроқ эзиб беринг, эртароқ элтиб бериб қутулай-э!..

М у ҳ а р р и р — Буқун имкони йўқ.

Э ш м у р о д — Йўқ, тақсир! Манга шу тобда эзиб, муҳр босиб берасиз. Булмаса, пулимни қайтаринг!

М у ҳ а р р и р (*истеҳзо минан табассум қилиб*) — Эртага!

Э ш м у р о д — Йўқ... Ундай булса, пулимни қайтариб беринг. Армани минан жуҳудлардан фиреб еганим етмаган экан-у, энди сиздан ҳам фиреб еяйми!? Пулимни беринг-э!

М у ҳ а р р и р (*аччигланиб, пулни отиб ташлар*) — Ма! Чиқиб йўқол-э! Куб аҳмақлиқ қилиб утурма!

Э ш м у р о д — Ҳо!.. Фиреб беролмаганинг учун аччигинг келдимиз?

М у х а р р и р — Бор, бор! Йулингга кетавер,
аҳмақ!

Э ш м у р о д — Сан узинг аҳмақ-э! (Чиқар.)


М у х а р р и р (елгуз) — Уф-ф-ф! Умримга мундан
ҳам аҳмақ одамни курганим йуқ. Жуда ҳам аҳмақнинг
аҳмақи экан-дия! (Ишига машғул булар.)

(Эшмурод кафшларини олмоқ учун яна кирар.)

М у х а р р и р — Ҳа! Бо яна нима дейсан?

Э ш м у р о д (кафшларини кутариб) — Э-э-э!
Кафшимни оламан-э!.. (Чиқар.)

(Парда тушар)



ҲОЖИ МУЎИН ШУКРУЛЛА

ЭСКИ МАКТАБ,
ЯНГИ МАКТАБ



исмли 3 пардали театр рисоласидир



АШХОС:

М у л л о О ч и л д и — эски мактаб муаллими,
асабий мижоз ва мутаассуб, 35 ёшар.

Э ш о н қ у л — уз углини эски мактабга кетиргу-
чи, 45 ёшар.

Б у р и — «Чор китоб»хон, 14 ёшар.

О р т у қ — «Хужа Ҳофиз»хон, 16 ёшар.

С а л и м — «Хафтияк»хон, 12 ёшар.

М е л и к — ёдаки «Аҳмад»хон, 10 ёшар.

К о м и л б о й — очик фикрлик, янги мактаб
тарафдори, 35 ёшар.

Қ о б и л ж о н — Комилбойнинг хизматкори, 25
ёшар.

Д о м л а и м о м — Муҳаққиқ олим, ҳаққоний
киши, 50 ёшар.

Э л л и к б о ш и — эски фикрлик авом, 40 ёшар.

М у а л л и м Н у р и д д и н — Комилбой очган
янги мактабнинг муаллими, 25 ёшар.

А ҳ м а д ж о н — биринчи синф талабаларидан, 9
ёшар.

А б д у л л а — иккинчи синф талабаларидан, 10
ёшар.

И с м о и л — учинчи синф талабаларидан, 12
ёшар.

У с м о н — туртинчи синф талабаларидан, 14
ёшар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Эски мактаб манзараси. Мактаб ичи зиндондек қоронғу булиб, уртасида учоқ, деворига бир фалақ (фанар) осилгон. Бир ёқда сопол офтобада сув, иккинчи ёқда йиртиқ курпача устига 3—4 қават ифлос кийим кийган, кукнори афт ва асабий нажоз бир **д о м л а** утирган, бир ёнида чойнак, пиёла ва бир дона қотган (қоқ) нон, олдида турт оёқлик узун тахта, тахтанинг нариги ёнида хас-похол устида **С а л и м** ва **М е л и к** деган икки бола уз сабоқлари-ни уқуб турубдурлар.

Д о м л а (*қулида таёқ*) — Ҳа, уқунглар!
М е л и к (*осмонга қараб*) — Алҳамдилла... (*Янглиш уқур.*)

С а л и м (*домланинг таёгига қараб*) — Қоф бо лом пеш кул ҳе пеш ҳу қулфу-вов бо лом заввол — қулфуволлом алиф залоҳи пеш ҳувв-қулфувоблоху (*Такрорлар.*)

Д о м л а (*таёқ билан Салимни урар*) — Хатга қараб уқу-э, бадбахт! Нимага таёқимга қарайсан? Таёқимдан қурқсанг, хатга қара!

С а л и м (*сесканиб, безиллаб*) — Хайр, домлажон, тавба қилдим, энди хатга қараб уқуйман! (*Яна такрор қилар.*)

Д о м л а (*қултигидан чой халтасини чиқариб, чойнакка чой солар. Чойнакни Салимга бериб*) — Ма, муни дамлаб кел!

С а л и м (*чойнакни олиб*) — Икки пул беринг!

Д о м л а (*киссасига қулини солиб*). — Қаро пулим йуқ экан-ку! Узунгни пулинг йуқми?

С а л и м (*киссаларини куриб, зурға бир пул топар*) — Бир пул бор экан!

Д о м л а (*Меликга қараб*) Сани пулинг йуқми? Булса, бир пул бер!

М е л и к — Дадам шу эрта ҳалво олиб е, деб бир пул бериб эдилар, ҳалвочидан ҳалво олиб едим, бошқа пулим йуқ!

Д о м л а (*Салимга қараб*) — Хайр, бор, бир пулни самоварчидан насия қилиб кел! Худо берса, берамиз-дия! (*Салим чиқиб кетар. Домла қоқ нонни синдурмоқчи булуб, қанча зур урар, синдуrolмас.*)

Охир тиззасига қуюб синдулар.) Ҳа, зогновуд, жидо қаттиғ экан! *(Салим чойнакни дамлаб келиб домлани олдиға қуяр. Домла чойнакнинг қопқоғини кутариб қарар.)* Чойни ярмини йулда тукуб келибсан, о, бад-бахт!

С а л и м *(қурқуб)* — Йук, домлажон, ман туққанним йук, узи туқилгандур!

Д о м л а — Ҳеч узи ҳам туқулар эканми, эй аҳмоқ!.. *(Чопқу билан нонни парча-парча кесиб, пиёлага солур, устидан чой қуюб, тановул қилар.)*

(Болалар бу фурсатдан истифода қилиб хас билан қушқарбозлик қилишуб утурарлар.)

Д о м л а *(хуракни сб, фотиҳа уқур)* — Ҳа, уқунлар! *(Болалар сесканиб, яна сабоқларини уқий бошларлар. Меликга қараб.)* Бор, уйингда бир қултуқ утун олиб кел! Олов ёқамиз.

М е л и к — Хуш. *(Чиқиб кетуб, утун кетурар.)*

Д о м л а *(Салимга қараб)* — Сабоқингни биласанми?

С а л и м — Биладан, домла, биладан!

Д о м л а — Қани, уқу! *(Китобга қараб қулоқ солар.)* *(Салим Домланинг қулидаги таёқга қараб уқуб чиқар. Домла севиниб.)* Э, боракалла, уғлум, боракалла! Сабоқингни жидо яхши билибсан-ку!

С а л и м *(шодланиб)* — Домла, энди манга сабоқ беринг!

Д о м л а — Хуб, ҳозир сабоқ берамиз?

(Шул вақтда Ортук деган бир бола китобини қултуғига қистуриб мактабга кирар.)

О р т у қ — Ассалом! *(Болалар уқушдан тухтаб турарлар.)*

Д о м л а — Ваалайкум! Ҳа! Панжшанбалик нонинг қани?

О р т у қ — Эсимдан чиқибдур. Шанба кун кетурарман.

Д о м л а *(аччиғланиб)* — Шанбагача оч қолуб утураманми, бор, дарров олиб кел! Агар уйингда нон булмаса, нонни пулини кетур!

О р т у қ — Хуш! *(Китобини тахтанинг устига қуюб, чиқиб кетмоқчи булар.)*

Д о м л а — Ҳой, Ортук! Манга қара, мунда кел! Тошқулни уйини биласанми?

О р т у қ — Биладан, домла, биладан!

Д о м л а — Ёлғон айтма? Қани, билсанг, манга айтиб бер! Тошқулнинг уйи қайда экан?

О р т у қ — Тошқулни ҳавлиси ҳувв Туқимдузлик кучасидаги масжиднинг ёнида, дарвозаси ҳавизнинг қаршисида.

Д о м л а — Ҳа, тузук! Билар экансан! Энди сан бориб, Тошқулни ота-онасига айтки, келаси душанба кун домлам Тошқулни нашриҳ боғлар эканлар. Душанба кун эрталаб Тошқулжонни ясантуруб юборсунлар. Хайрми?

О р т у қ — Хуш! Хуш! *(Чиқиб кетар.)*

Д о м л а *(бир оз уйлаб)* — Эй! Яна бир гап эсимдан чиқибдур-ку! Тур, Салим! Бусага устидан Ортуқни чақир, келсун!

С а л и м — Хуш! *(Бусагага туруб, баланд товуш билан чақирар.)* Ортуқ! Ортуқ, ҳо-ой! Ҳо-о-ой Ортууқ!

О р т у қ *(эшитиб келур)* — Ҳа, домла, яна нима дейсиз?

Д о м л а — Бо яна панжшанбалик нонинг эсингдан чиқиб қолмасун! Ҳой, Ортуқжон болам! Сан бир навъ қилиб Тошқулни ота-онасига нашриҳни қабул қилдириб кел! Сунгра ман санга нашриҳдан тушкан румолчадан бераман. Қандолатидан ҳам бераман! Хайрми?

О р т у қ — Хуш, домлажон, хуш, хуш! *(Ниҳоятда шодланиб чиқиб кетар.)*

С а л и м *(оёқга туруб)* — Домла, адаб!

Д о м л а — Бор, дарров кел! Бадрафда кесак билан уйнаб утурма! *(Чиқар.)*

М е л и к *(оёқга туруб)* — Домла!! Бурнимни қоқиб келай!

Д о м л а — Бор, хаял қилма, дарров кел! *(Чиқар.)* *(Домла уз-узига.)* Бу охир замон болаларини шундоқ ваъдалар билан алдаб турмасак ҳам булмайди! Мундан аввалги бир нашриҳдан шул бадбахт Ортуқ 3 тангачини угурлаб олиб эди. Агар бу дафъа бир мирилик румолча билан муни алдамасак, яна нашриҳ пулидан угурласа эҳтимол. *(Бошини солиб, бир оз тафаккурдан сунгра.)* Бу усули жадид қайси гурдан чиқиб, бошимизга бало булди! Жадидчилик чиқмасдан илгари мактабимизда болалар кубликдан сиғишмай, зурга утурар эдилар. Ҳафтада битта нашриҳ боғлаб олардук. Хайр, бу абжаддаророн, қуръондаророн, китобдаророн, озодликнинг ҳадду ҳисоби йуқ эди. Ҳар ҳафта панжшанбалик нонидан тоқчалар тулуб ётар эди. Еганимиз олдимизда, емаганимиз орқамизда эди. Энди

бу усули жадид чиққанидан бери бутун баракамиз учиб кетди. Мактабда елгуз 3—4 кал ва кўр бола билан қолдук. Уфф!.. Энди бу нозу неъматларни тушумизда ҳам куролмаймиз. Энди қуруқ нондан ҳам қорнимиз туймайдурган бўлуб қолдук... Оҳ!.. Худо! Садақанг булай! Агар бу жадидчиларнинг жазосини тезроқ бермансанг, ҳолимиз хароб! (*Қултуғидан румолчасини олуб, кузини ҳам бурнини артар.*)

(Салим мактабга кириб офтобадан сув ичар. Мелик Салимнинг қулидан офтобани тортиб олиб, аввал узи сув ичар.)

С а л и м (*аччигланиб*) — Домла! Домла! Домла дейман! (*Йиглар.*)

Д о м л а! — Домана! Улат! Нима дейсан?

С а л и м — Мелик сув ичкани қуймайди!

Д о м л а (*Меликка қараб*) — Ҳай, жинқарча! Бир қатра жонинг билан шунча ямонлик қиласанми? Офтобани мунга бер! Сув ичсун!

М е л и к (*қурқуб*) — Мана! Ичиб бўлдум, энди сан ич!

(Салим офтобани олиб сув ичар, икковлари ҳам жойлариға утурарлар. Домла Меликни таёқ билан ураман деганда, Мелик юмалаб узини кейинга отар, оёғи юқори кутарилур.)

Д о м л а (*таёғи етмас*) — Ҳе, буйнунг синсун, бадбахт!

М е л и к — Домлажон, тавба қилдум! (*Утирар.*)

Д о м л а (*Салимга қараб*) — Уқу! Дарров сабоқингни ол! (*Салим сабоқини хатосиз уқуб чиқар.*) Ҳа бале! Қани, бу нима? (*Алифни курсатар.*)

С а л и м — Алиф!

Д о м л а (*алиф устидаги забарни курсатиб*) — Бу нима?

С а л и м (*билмай, қурқуб домлага қараб*) — Пеш!

Д о м л а (*аччигланиб, Салимнинг юзига бир тарсаки урар*) — Домана, э, гаранг, каллаварам! Кур булдингми, бу забар-ку!

С а л и м (*йиғлаб*) — Вой, домлажон, тавба қилдим, зовар, зовар.

(Домла абжаддаги ҳарф ва ҳаракатларни битта-битта курсатиб сабоқ берар.)

(Салим янглиш-юнглиш уқуб турар. Мелик ҳам уқур. Ортуқ ҳориб келиб, туп-туғри офтобадан сув ичмоққа тутунар.)

Д о м л а (*сабрсизлик қилиб*) — Эй бул, тезроқ

гапур! Нашриҳ нима булди? Тошқулнинг ота-онаси нима дедилар?

О р т у қ (*сувни ичиб булуб, узун бир нафас олуб*) — Домла! Гапингизни бориб айтдим. Тошқулни ота-онаси дедиларки, муни аввалги домласи нашриҳ боглаб эди. Энди бу домласи ҳам нашриҳ боглайман, дейдурми? Бу қанақа кузи оч домла экан? Узи билмайдимики, нашриҳ богламоқ бир мартаба булади!

Д о м л а (*кайфи учиб*) — Хайр, сен нима дединг?

О р т у қ — Ман дедимки, агар бу сузларингизни домламга бориб айтсам, домлам Тошқулни оқ қиларлар, сизлардан ҳам аслаҳо рози булмайлар. Уғлингизни бир мартаба нашриҳ боғланган булса, нимага шунни бошдан билдурмадингизлар? Энди бечора домламни шунча меҳнатлари куюдими, дедим.

Д о м л а — Ҳа, бале! Яхши қилибсан-э! Аларни куркутубсан. Сунгра алар бу сузингга нима дедилар?

О р т у қ — Сунгра алар дедиларки, ундоқ эса бор! Бизлар Тошқулни бу домлага қўймаймиз. Уч йилдан бери боламиз эски мактабда чала-чулпа уқуб, зурга нашриҳга кирди. Лоақал ҳижохон ҳам булмади. Энди қиёматда хату саводи чиқиб, мулла буладими? (*Бир оз уйлаб.*) Эй! Яна ким нима деб эдилар. Сабил қолгур, эсимдан чиқди!

Д о м л а (*халқга қараб*) — Жуда маъналик одамни элчи қилиб юборган эканмиз! (*Ортуқга қараб.*) Тез гапур-э! Эсинг бошингдан қолсун!

О р т у қ — Ҳа, ҳа қарийб узгинаси эсимга келди. (*Бошини қашиб.*) Ҳа, зор қолгур-э! Ҳа, сунгра дедиларки, ана энди бизлар Тошқулни усули масжидга қуямиз.

Д о м л а — Усули масжид эмас, усули жаид! Ҳай, каллаварам тентак!

О р т у қ — Домла! Усул жалиди нима? Усул жалиди яхшими?

Д о м л а (*аччиғланиб*) — Қуй, сан бу гапларга тушунмайсан. Усул жаид деб ушал оба-боба-дада деб бемаъни сафсата гапларни укутадурган мактабни айтарлар. У мактаб одамни диндан чиқаради. Хайр, сунгра сан нима дединг?

О р т у қ — Ман ҳеч нима деёлмадим.

Д о м л а — Бо яна алар нима дедилар?

О р т у қ — Алар ҳам индамадилар, ман ҳам индамасдан келар бердим-дия!

Д о м л а — Ҳой, нодон, аҳмоқ! У мактаб болангизни кофир қилади, деб айтсанг, булмайдими?

О р т у қ — Ман не биламан?! Бошда шу гапни айтганингизда, ман ҳам устига қанча ёлгон гапларни ичимдан чиқариб, аларга айтиб, усул жалиддан ихлосларини қайтарар эдим. Ундан сунгра Тошқулни нашрих боғлар эдук.

Д о м л а — Қуй, қуй, энди куб мамадонолик қилма, утур! Уни нашриҳини худо манга насиб қилмаган экан-дия! Хайр, панжшанбалик нонинг қани?

О р т у қ — Уйда нонимиз қолмаган экан. Онам дедиларки, эрта нон пишурамиз, панжшанбалик нонингни шанба кун элтиб, домлангга берасан.

Д о м л а — Ундоқ эса нонни пулини кетурсанг булмайдими?

О р т у қ — Отамни майда пуллари йуқ эмиш.

Д о м л а (*масхаралаб*) — Отамни майда пуллари йуқ эмиш. Ёлгончи! Бу ёлгон ҳам ўзингни ичингдан чиққандур? Наинки, отангни киссасида лоақал 8 пул ҳам булмаса! Ёки отанг масжидда ишлайдими?

О р т у қ — Йуқ. Отам дуконхонада олача тўқийлар.

Д о м л а — Оч, китобингни уқу, эй садқа одам бул! Ҳа, уқунглар! (*Болалар шовқунлаб уқуя бошларлар.*)

О р т у қ (*ашула мақомида*) — Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро, Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро. (*Такрор қилур.*)

Д о м л а (*Ортуқга қараб*) — Сан буларни уқутуб тур! Ман таҳорат ушатиб келай. (*Салла, жомасини қуюб, нос чекиб, бошига футасини ураб чиқиб кетар.*)

(*Болалар уқимасдан бир-бирлари билан уйнашуб, сунгра гураш тутушарлар. Ортуқ Салимни йиқитар.*)

Шул вақтда домла кирар.)

Д о м л а (*аччиғланиб*) — Ҳа, бадбахт, арвоҳ ургурлар! Ман бир нафас булмаганда, шунча туполонг қиласизларми? (*Болалар қурқушуб дарров жойларига утуруб уқурлар. Домла салла-жомасини кия бошлаб, қулига таёгини олуб утурар.*) Астағфирилла альғазим!.. Бошлаб ким ўйнади?

О р т у қ — Ман «уқунглар» дедим. Салим уқумай, ёқамдан ушлаб, «Тур! Гураш тутушамиз», деди. Сунгра ман ҳам туруб уни кутариб урдум-дия!

Д о м л а (*Салимга қараб*) — Шундоқми?

С а л и м (*йиғлаб*) — Йуқ, домлажон! Ёлгон дей-

дур! Ман ундоқ деганим йуқ! Узи мани қуймасдан гураш тутиб йикитди!

Д о м л а — Номаъқул қилибсан, бадбахт! Ҳамма айб узингда! Доим ҳар балони узунг бошлаб, айбни бошқаларнинг буйнига тақасан. Ҳувв қайси кун мактабга келмай, кучаларда ошуқ уйнаб юрганнингни куруб, узумни курмасликка солиб эдимо. Энди қулимга тушдингми? Тур, Ортук, фалақни олиб, муни оёғига сол! *(Ортук фалақни Салимнинг оёғига солуб, бир оёғидан узи, иккинчи оёғидан Мелик ушлаб турар. Домла тасқи билан Салимнинг оёғи тагига уруб.)* Яна гураш тушасанми? Яна мактабдан қочасанми? Ҳали шул оёғинг билан қочдингми? *(Салим йиглаб «дод» деб тавба қилар. Шул вақтда Эшонқул деган бир киши уз уғлини мактабга олиб келар. Домла болаларга қараб.)* Турунглар, дарров уз жойларингизда утуринглар!
(Болалар утурарлар.)

Э ш о н қ у л — Ассалому алайкум!

Д о м л а — Ваалайкум ассалом! *(Курушуб, жой курсатар, утурарлар.)*

Э ш о н қ у л *(уғлига қараб)* — Лаълини домлангани қошларида куй!

(Уғли лаълини куюб, отасининг ёнида утурар. Фотиҳа уқилур.)

Д о м л а — Хуш келибсиз!

Э ш о н қ у л *(қулини куксига куюб)* — Саломат, тақсир! Саломат!

Д о м л а — Ҳа, бу уғлунгизни мактабга кетурдингизми?

Э ш о н қ у л — Ҳа, тақсир, қулбаччангиз Бурини кучаларда бекор юрмасун, деб хизматингизга кетурдим.

Д о м л а — Ҳай, ҳай, хуб яхши. *(Лаълини очиб, устидаги китобни бир еқга куюб.)* Худо умрини берсун! Уғлингиз ниҳоятда оғир ва одоблик курунади! Қани, марҳамат қилинг!

Э ш о н қ у л — Хуп, тақсир!

(Нондан тановул қилурлар. Домла болаларнинг қулларига бир парчадан нон берар, алар ҳам сярлар.)

Д о м л а — Уғлунгиз бошқа мактабда ҳам уқуган эдими?

Э ш о н қ у л — Ҳа, тақсир! Қулбаччангиз 7—8 йилдан бери уқуб юрубдур. «Чор китоб»ни қарийб тушурди. Энди жанобингиз марҳамат қилиб «Хужа Ҳофиз»га солиб ҳам қулига қалам берсангиз эди. Беш

вақт намозда ҳаққингизга дуо қиламан; алайҳи ҳазрат имом Аъзам пирингизни арвоҳлари қулласун!

Д о м л а — Худо хоҳласа, жоним билан хизмат қиламан! Сиз ҳам Бурижонни ҳар кун мактабга юбориб туринг-дия!

(Болалар фурсатни ганимат билуб хас билан уйнашуб турарлар. Аммо Бури ҳайрон булуб, гоҳ домлага, гоҳ у ёқ-бу ёқга қараб бурнини енги билан артиб қуяр.)

Э ш о н қ у л — Хуп, тақсир! Лекин бозор кунлари келмаса урманг-дия! Бозор кунларида дуконимиздан рўзгорга кераклик майда-чуйда олиб келади. Бошқа кунларда келмай қолса, фалақ қилиб, хуб уринг, тақсир! Гушту пусти сиздан, суяги биздан. Урган билан бола ўлмайди.

Д о м л а — Боракалла ихлосингизга! Илми қадрини билар экансиз! Воқсан, уткан азизлар «Хирс мулла мешавад аз зарби чуб-беадабро ҳар гужо ёбй бекуб», демишлар. Ўзимиз ҳар устозимизнинг қанча шаллоқини еб, хизматларини қилиб, шул мартабага етдук. Шунча фаз(л)у камолот ҳосил қилдук.

Э ш о н қ у л — Ҳа, тақсир, албатта! Ота-она устозинг шалоқи дору, дерлар. Биз узимиз ҳам ун йил мактабда ўқутон, бизларни давримизда домлалар мактабдан қочган болаларнинг оёғи тагини чопқу билан тилиб, туз сепар эдилар. Энди бу замонда фалақ ҳам қарийб барҳам ебдур.

Д о м л а — Бу жиҳатдан айб домлаларга эмас, айб замонага, энди ундақа нарсаларни замона кутармайди! Эҳ-ҳе!.. Энди замоннинг 7 ёшар болалари ҳам закунчи бўлиб қолган. Худо курсатмасун, агар буларнинг оёғини тилиб юборсак, дарров пристуфга арз қилиб, бизни оваққа қаматарлар!

Э ш о н қ у л *(бошини қимирлатиб)* — Ҳа, тақсир, рост, рост!

Д о м л а — Хайр, қани энди, Бурижон болам, берироқ кел, китобингдан бошлаб ўқитайлук!

(Бури домланинг қошига келар. Домла китобнинг бошидан 1—2 бет ургатиб, узун фотиҳа ўқур.)

Э ш о н қ у л *(киссасидан пул олиб, домлага берар)* — Тақсир! Мунга қулбаччангизга ўзингиз қоғоз-қалам, сиёҳи олиб берасиз! *(Оёқга турар.)*

Д о м л а — Хуб, хуб! Ҳа, кетасизми? Биронта чой ҳам қилмадук. *(Оёқга турар.)*

Э ш о н қ у л — Йук, тақсир, саломат бўлунг. Чой

хожат эмас. Тақсир! Таважжуҳ қилинг, қулбаччангиз мулла булсун-дия!

Д о м л а — Хуб, хуб! Бурижонни яхшилаб уқитамиз, лекин сиз ҳам муни эрталаб, кун чиқмасдан илгари, мактабга юбориб тулинг-дия!

Э ш о н қ у л — Тақсир! Уйда шундан бошқа дастуримиз йук. Булмаса, айтган вақтингизда юборар эдим. Қулбаччангиз эрталаб турди даррав мол ва холларга қарашиб, сунгра 3—4 йул сув кетуради. Ундан сунгра нон-понини еб, чой-пойини ичиб, мактабга кела беради. Бу важдан кеч қолса, урушманг-дия, тақсир!

Д о м л а — Хуб, хуб! Сизнинг хурсандчилигингиз ҳар нимада булса, биз ушани қила берамиз, биз кубни хизматкори!

Э ш о н қ у л — Хайр, тақсир. Худога тобшурдук! *(Чиқиб кетар.)*

Д о м л а — Хайр, фи амонолла! *(Утурар.)* Ҳа, уқунглар! Ҳу, шер болалар! Ҳа! Ҳа! Ҳа! *(Болалар шовқунлашиб уқуя берарлар. Домла нонларни лаълидан олиб, румолчасига ураб қуяр. Болаларга қараб.)* Болалар, болалар! Ҳо, болалар! *(Болалар эшитмаслар. Таёқни тахтага «тақ» этиб уруб, болаларни уқишдан тухтатур. Салимга қараб.)* Халифангиздан сабоқ олдингизми?

С а л и м — Ҳа, домла! Турт сабоқ олиб «Куфивон аҳад»га кирдим.

Д о м л а *(севуниб)* — Эй, баракалла, шаъфе! Жуда гайрат қилибсан-ку! Хайр, ундоқ эса кел, сани «табат»га солайлук. Расм ва қоида шулки, «табат»га таво, «қулиё»га қуймоқ кетуларлар. Сен ҳам бир табақ ош қилиб келасанми?

С а л и м — Ҳа, домла. Бир тавоқ ош палов қилуб кетураман! Пул ҳам олиб келаман! Домла! Озодлик кетурсам, мани озод қиласизми?

Д о м л а — Ҳа! Агар бир табақ ош ҳам пул кетурсанг, ҳаммангизни пешинда озод қилиб юбораман! Сунгра хуб уйнайсизлар-дия!

С а л и м *(шодланиб)* — Хуш, домлажон, хуш!

Д о м л а *(орқага қараб)* — Хайр, қани, Ортуқ! Туриб, муни қулоғини чуз! «Табат»га солайлук!

(Ортиқ туруб Салимнинг қулоғини қаттиқ ушлаб турар.)

С а л и м — Домла! Халифамга айтинг, қулоғимни қаттиқ чузмасун, оғрийди!

Д о м л а — Ҳа! Куб қаттиғ чўзиб юборма! Қулоғи йиртилиб кетади.

О р т у қ — Агар озодликни куброқ кетурмоқчи булса, қулоғини секингина чўзаман!

С а л и м (зорланиб) — Хайр, хайр! Озодликни жуда куб кетураман! (Домла Салимни «табат»га солар. Ортуқ Салимнинг қулоғини қаттиқ чўзуб юборар. Ҳамма болалар: «Домла, озод!» деб қичқирарлар. Салим қулоғини ушлаб.) Вой, вой!

Д о м л а — Ана энди Салимжоннинг дадасини ҳимматини кўрамиз-дия! Хайр, энди нарсаларингизни йиғиштуринглар. Озод вақти ҳам булбдур! (Болалар воғур-вуғур сўйлашуб, хурсандлик билан ҳозирлануб булгандан сўнгра тизлануб қатор утурарлар.) Тирноқларингиз олинганми, қани манга курсатинглар! (Болалар қўрқушуб-титрашуб, бирта-бирта келиб, домлага тирноқларини курсата бошларлар. Домла тирноқлари усган болаларнинг тирноғига тахтача билан урар.) Хайр, энди хув девор тагига бориб, қўл қовуштуруб тик турунлар. Одоби мусулмонлик ҳам намозлик ургатамиз. (Болалар домла курсатган жойга боруб турарлар.) Озод булб уйларингизга борганда, нима деб кирасизлар?

Б о л а л а р — Ассалом алайкум!

Д о м л а — Биров чақирганда, нима дейсизлар?

Б о л а л а р — Лабба! (Лаббей.)

Д о м л а — Иш буюрганда нима дейсизлар?

Б о л а л а р — Хуш!

Д о м л а — Ҳа бале! Томларга чиқиб, шоҳлик учурманглар! Кучаларда чиллак, ошук, ишти уйнаманглар! Тузукми?

Б о л а л а р — Хуш!

О р т у қ — Домла! Жумъа кунида ҳам уйнамайлукуми?

Д о м л а — Жумъа кунида уйнасанглар майли, зарари йук. Узларингиз билмайсизлармики, «Панжшанба — шодиён, жумъа — бозиён, шанба — ур калтак-у сур калтак», дерлар. (Болалар пичирлашиб ошук ва шоҳларидан сўйлашурлар.) Қани, энди ман намозликдан сўрай, сизлар жавоб беринглар! Намози бомдод неча ракаъат? (Болалар бир-бирларини туртишиб, сукут қиларлар. Домла Ортуққа қараб.) Сен булардан катгароқ, жавоб бер!

О р т у қ (уйлаб) — Олти ракаъат: учтаси фарз, учтаси суннат!

Д о м л а — Номаъкул қилибсан-э, говлоқ бемаъни!
Турт ракаъат, иккитаси суннат, иккитаси фарз. Аввал
икки ракаъат суннاتини уқурлар! Қани, айтинглар!
Ният кардам багузорам... Холисолилла таоло облоҳу
акбар! *(Болалар домланинг оғзидан олиб айта берарлар.*
Сано, алтаҳиёт, салавот, дуо, дуои канаватни ургатуб
булур.) Бу ҳафта шуниси бас! Худо хоҳласа, келаси
ҳафтада дуои жаноза, бинои мусулмоний, 13 фоиз, 21
вожиб, усули дин, аз кай боз мусулмоний, сарам хоки
раҳ ҳар чор сарвар, бошингда нима бор? Ҳам қолган
турт вақт намознинг ниятларини ургатамиз.

С а л и м — Домлажон! Шу бугун «Бошингда
нима бор?»ни суранг! Бошқа ҳаммасидан шу жуда
яҳши!

Д о м л а — Хайр, ундай булса айтинглар! Бошинг-
да нима бор?

Б о л а л а р — Тожи давлат.

Д о м л а — Қулогингда нима бор?

Б о л а л а р — Азон ва қомат.

Д о м л а — Кузингда нима бор?

Б о л а л а р — Нури Муҳаммад.

Д о м л а — Оғзингда нима бор?

Б о л а л а р — Калимаи шаҳодат.

Д о м л а — Орқангда нима бор?

Б о л а л а р — Бори шарият.

Д о м л а — Белингда нима бор?

Б о л а л а р — Камари хизмат.

Д о м л а — Қулингда нима бор?

Б о л а л а р — Хайру саховат.

Д о м л а — Оегингда нима бор?

Б о л а л а р — Пойи таҳорат.

Д о м л а — Бурнингда нима бор?

Б о л а л а р — Чики фалокат. *(Кулушарлар.)*

Д о м л а — Кулманглар! Нимага куласизлар?

Шариятда шарм йук. Бурунги азизлар айтибдурларки,
«Дар талаб кардан ҳақиқати кор аз худо шарм дору
шарм мадор».

(Болалар узларини тухтатолмай кулиша берарлар.
Домла аччигланиб.) Эй, кулманглар, дейман! Кул-
манг! *(Охир болаларга ҳужум қилиб урмоқчи булуб.)*
Э илаҳи! Учмага кетинглар! Ҳеч беҳудага кула бера-
сизларми? *(Болалар қурқишиб жим турарлар. Домла*
жойига келиб, салла-жомасини куюб, бошига фута
урар.) Хайр, сизлар уйнамасдан жимгина турунглр,
бир таҳорат ушатиб келай мен! *(Нос чакиб чиқиб*

кетар. Болалар бир-бири ила дуқ қилишиб турганда,
домла кирар.)

Домла — Ҳа, бадбахтлар! Ман бир нафас булмаганда, шунча тупалон қиласизларми? (Болалар дарров уз жойларида турарлар.) Астағфирилла ал-аъзим! Дуқни ким бошлади?

Салим — Ана шул Ортиқ халифам, келинлар, дуқ қиламиз, деб бизларни қуймади. Нонингиздан ҳам олиб еди!

Домла (Меликга қараб) — Шундайми?

Мелик — Ҳа, домла, шундок, шундок, ман асло уйнаганим йуқ!

Домла (Меликни бир таёқ уруб.) — Ёлғон дема, узинг ҳам уйнадинг-ку.

Мелик (йиглаб) — Хайр, домлажон, тавба қилдим, энди уйнамайман.

Домла (Салимга қараб) — Ортуқни орқангга кутар?!

Салим — Домлажон! Ман муни кутаролмайман, бу жуда катта!

Домла (Бурига қараб) — Ол, сан кутар! (Бури курққанидан «йуқ» деёлмай, Ортуқни орқасига зурга кутариб турар. Домла таёқ билан Ортуқни орқасига урар.) Ҳа, бадбахт! Яна бузуқбошлик қиласанми?

Ортуқ — Вой улдим! (Дод-фарёд қилар.)

(Бури охир кучи етмай, Ортуқ билан баробар йиқилар. Домла чарчаб қолиб, фишиллаб, тез-тез нафас олуб, жойига келар. Болалар уз жойларига боруб турарлар.)

Домла (Бурининг лаъли дастурхонини узига бериб) — Шанба кун ҳаммаларингиз бир миридан хас пули кетурунлар! Тузуқми?

Болалар — Ҳуш!

Домла — Хайр, боринлар, озод!

(Болалар баланд товуш ила баробар «Ассалому алайкум» деб бирдан югуришиб чиққанда, Бурининг оёғи бусагага тушиб йиқилар.)

Парда тушар

ИККИНЧИ ПАРДА

Қадим билан жадид гавғоси. Меҳмонхона манзараси оврупоча шаклда, бир четда кароват, уртада бир «миз» билан 3—4 курси туруб-дур. Комилбой кароватга утурган.

К о м и л б о й (1—2 дақиқа тафаккурдан сун, оёқга туруб, у ёқ-бу ёқга юруб, уз-узига) — Замон илм ва ҳунар замонидур. Ушбу замонда узга миллатларга асир бўлмай, роҳат билан яшамок учун замонавий илм ва ҳунарларни билмоқ лозимдур. Ҳушёр ва мутамдин бўлган миллат ҳар вақт узининг ҳуқуқини ва динини сақламоқ тариқасини билиб, замони келганда ушбу йулда уз жонини фидо қилмоққа ҳозир бўлуб турар. Аммо илмсиз миллат мундоқ фазилатдан маҳрум бўлуб, бошқаларга асиру оёқ ости бўлмоқдан бошқа чора тополмай, охири жонидан азиз бўлган динидан ҳам ажралиб қолур. Яъни, нодонлик сабабли дунёси билан динини қулдан бермоққа мажбур бўлур. Ҳозирда биз, туркистонийлар, диний ва дунёвий илм ва ҳунарлардан лозимина хабардор эмасмиз. Эски мактабу мадрасаларимиз бўлса, бойқуш уясига ухшаш харобалардан иборатдур. Мадрасаларимизда дунёвий илм нари турсин, лоқал диний илмларнинг асли бўлган тафсир ва ҳадис ҳам уқитулмайдур. Муаллим етишдурмоқ учун дорилмуаллимимиз йук. Ҳунар урганмоқ учун синоатхонамиз йук. Замонча тижорат илмини биладурган савдогарларимиз йук. Болаларимизнинг ибтидоий таҳсили учун мунтазам ибтидоий мактабларимиз йук. Булса ҳам, йук даражада оздур. Бойларимизнинг базм, кубкори, туй ва азаларда исроф қилмоққа ақчалари бор бўлса ҳам, аммо биргина мактабни уз ҳимояларига олиб тарбия қилмоқ учун ҳиммат ва гайратлари йук. Тугриси, ҳиссиётлари йук. Бас, «йук», «йук»дан бошқа тилга олурлик ҳеч нарсамиз йук. Агар ушбу йуклик ҳол билан кета берсак, оз вақтда ҳозирги борлигимиз ҳам йук бўлур. Яъни мунқариз бўлурмиз. Энди бу инқироздан қутулмоқ учун нима қилмоқ керак? (*Бир оз уйлаб.*) Инқироздан қутулмоқ учун биргина йул борки, ул ҳам маориф йулидан иборатдур. Шоҳроҳ маорифга кирмоқ учун яна бир бор йул борки, ул янги мактабдур. Энди биз мусулмонларга лозимдурки, бошлаб эски мактабларни ислоҳ қилайлук. Ва ҳам алоҳида янги мактаблар очмоқ учун қулимиздан келгунча гайрат қилайлук, токи болаларимиз таҳсил ибтидоийдан сунгра илм ошиқи бўлуб шоҳроҳ маорифни ахтара бошлаб, бора-бора инқироз балосидан қутулсинлар. (*Каравотга утириб, хизматкорини «Қобилжон!» деб чақирар.*)

Қ о б и л ж о н (келиб, қул қовуштириб) — Лаббай! Нима хизмат?

К о м и л б о й — Бориб, маҳалладаги мулла
Очилди мактабдорни айтуб кел!

Қ о б и л ж о н — Хуш! (Чиқиб кетар. 1—2
дақиқадан кейин Мулла Очилди келар.)

Мулла Очилди — Ассалому алайкум!

К о м и л б о й — Ваалайкум ассалом! Марҳамат
қилинг! (Жой курсатар.)

(Мулла Очилди — дуқат булуб бой билан мулоқот
қилгандан сунгра бир курсига утурад, тагига қараб
яна бошқа курсига утуруб, фотиҳа уқур.)

К о м и л б о й — Хуш келибсиз?

Мулла Очилди (икки қулини куксига қуйиб) —
Саломат, саломат! (Хайрон булуб уёқ-буёққа қарар.)

К о м и л б о й — Қобилжон!

Қ о б и л ж о н (келиб) — Лаббай!

К о м и л б о й — Чой-нон кетур!

Қ о б и л ж о н — Хуш! (Бир лаълидан нон билан
бир истакан чой кетуруб қуяр.)

К о м и л б о й — Қани, марҳамат қилинг!

Мулла Очилди — Хуш, хуш! (Нонни ушатиб
ер, истакандаги қошуқни олиб қарар.) Тақсир, бу ку-
мушми? Қалъагими?

К о м и л б о й — Тақсир, кумуш! Марҳамат
килиб чойни ичинг!

Мулла Очилди — Хуб, хуб! Тақсир, бу
қошуқни мусулмон ясаганми, урус ясаганми?

К о м и л б о й — Урус ясаган! Муни ясамоқ учун
мусулмонларга илм йук!

Мулла Очилди — Ҳо-о-о-о шунақа-да!
Урусни қулидан ҳеч нарса қолган йук экан-дия! (Ис-
таканни олуб, бир қул ичканда ҳам қули қуяр, ҳам
оғзи. Истаканни жойига қуюб.) Тақсир! Ман умримда
мусулмоний пиеладан бошқа нарсада асло чой ичка-
ним йук. Агар мумкин булса, битта мусулмоний пиела
кетурсангиз, чойни ушанга солиб ичар эдим.

К о м и л б о й (табассум қилиб) — Хуб! (Пиелага
кетар.)

Мулла Очилди (қули билан қошуқ ва
истаканни курсатуб) — Булар урусни иши экан. Мун-
дан чой ичмоқ азруйи шариат бизларга дуруст эмас.
Бизларнинг ота-боболаримиз ҳазрати Одам замонидан
бери чойни пиеладан ичиб келганлар.

К о м и л б о й (пиела кетуруб берар) — Мана,
тақсир!

Мулла Очилди (оёқга туруб) — Э, саломат

булунг! Мани бир машаққатдан қутқардингиз-дия!
(Утуруб, чойни истакандан пиёлага ағдарганда, бир
ози тукилур. Уялганидан.) Э, муни таги тешук экан-
ми? (Ичар.)

К о м и л б о й — Мактабингиз ривожликми?
Думоғингиз чоқми?

М у л л а О ч и л д и — Алҳамдиллло, тақсир!
Худонинг берган ризқига қаноат қилиб, гурдан таш-
қари юрубмиз!

К о м и л б о й — Даромадингиз яхшими?

М у л л а О ч и л д и — Ҳа! Насибага яраша унча-
мунча бор!

К о м и л б о й — Қанча шогирдингиз бор?

М у л л а — О ч и л д и — Тақсир, бештагина, э,
йуқ-а! Ёлгон булди, бешта эди, биртаси нашриҳни еб,
қочиб кетди, ҳозир турттагина қолди.

К о м и л б о й — Э, ажаб! Нимага мунча шогир-
дингиз оз? Илгари куб эди-ку?!

М у л л а О ч и л д и (оҳ тортиб) — Э, тақсир,
гапни тагини кавламанг. Гап куп!

К о м и л б о й — Хуш, қани, нима гап экан?

М у л л а О ч и л д и — Тақсир! Шу жадидми,
палидми деган бир жамоа бало чиқганидан бери бу-
тун мазамиз қолмади. Билмайман, буларнинг домла-
лари дуохонмики, ҳама шогирдларимизни бирта-бирта
тортиб кетдилар. Уф-ф-фф! Хайр, охир бир кун худо-
ванди карим буларнинг жазосини бермай қуймас-ку!
Лекин, ҳай аттанг-ки, булар куп мусулмонларни йул-
дан чиқариб қуйдилар-дия! (Соқоли билан уйнар.)

К о м и л б о й (таажжуб қилиб) — Бу сузларингиз
жуда галати-ку! Жадидчилар узлари мусулмон буллуб
туриб уз диндошларини нечук йулдан чиқарар экан-
лар? Балки бу сузингизнинг бирон далили бордур!
Далилсиз сузнинг ҳеч ерда қабул қилинмаслиги узин-
гизга маълум булса керак.

М у л л а О ч и л д и — Ҳо, албатта, тақсир, рост
дейсиз! (Йуталиб жойидан турар, бир четга бориб,
балгам туфлар. Бурнини ҳам қоқиб, қулини деворга
суртар. Халқга қараб.) Сузининг мазмунидан бу киши
ҳам жадидга ухшайди. Э, худо, бу балодан тезроқ
қутқарсанг эди! (Келиб курсига утуриб.) Тақсир! Бир
оз шамол ебманми? 3—4 кундан бери йутал, тимов
булубман.

К о м и л б о й — Зарари йуқ. Иншооло, яхши
буллуб кетасиз!

Мулла Очилди — Нафасингиз муборак!
Илаҳи шундоқ булсун-дия! Шу эрта...

Комилбой (*сүзини кесиб*) — Қани, тақсир,
гапуринг! Ким-кимни йулдан чиқарибдур?

Мулла Очилди (*бир оз жасорат ила*) —
Тақсир, охир шу жадид муаллимлар шогирдларимиз-
ни йулдан чиқариб олдилар-дия! Ана шуни йулдан
чиқариш, дерлар. Онгладингизми, бой амак.

Комилбой — Ҳа! Муддаонгизнинг онгладим.
Тақсир, бу фикрингиз хато. У муаллимлар сизнинг
шогирдларингизни йулдан чиқармаган, балки уларнинг
яхши ва осон уқутишлари шогирдларингизни уз тара-
фиға тортгандур! Бу жиҳатдан айб аларга эмас, сизларга
булса керак. Сизнинг мунча ҳақсиз шикоятингиз маҳзи
нафсоният, таассуб ва нодонлик натижасидур!

Мулла Очилди (*аччигланиб*) — Эй бой
амак! Секин-секин мани ҳам нодонликга чиқараёбсиз-
ми? Ман 12 йил мадрасада туруб устозимни кафшлар-
рини кутарган!

Комилбой (*шиддат ила*) — Агар юз йил кафш
кутарсангиз-у, то дарсингизни англамасангиз, ҳеч ни-
ма булмайсиз. Хотиржам булунг! Бу сафсатарингиз-
ни куюнг, тақсир! Агар муддаонгиз шогирд купайтир-
моқ булса, сиз ҳам мактабингизни ислоҳ қилинг! Агар
сиз мактабингизни ислоҳ қилмоқға ҳаракат қила бош-
ласангиз, озгина вақтда шогирдингиз купаяди. Фараз
қилдук, шогирдингиз купаймаса, ман узум сизга ойи-
га 25 сум бериб тураман. Дурустми?

Мулла Очилди (*шодланиб*) — Дуруст,
дуруст! Э, ундоқ эса иш битди. Айткан пулингизни
даррав беринг. Ман ҳозир бориб мактабни ислоҳ қила
бошлайман. Ҳай, ҳай, куб яхши, худо давлатингизни
зиёда қилсун!

Комилбой — Хуб, биз ваъдамизда турубмиз!
Сиз аввал бизга ислоҳ тариқасини айтиб беринг! Мак-
табингизни қандоқ ислоҳ қиласиз?

Мулла Очилди (*халқға қараб*) — Бу киши
жуда содда одам экан! (*Бойга қараб.*) Ислоҳни шоҳ ва
бутоғи буладими? Охир, пулингизга қараб уста, мар-
дикор, самон, ганж кетуруб аввал мактабни томини
шувайтураман, сунгра ичини ганж билан оқартура-
ман. Ана сунгра курсангиз, мактабим сизни бу меҳ-
монхонангиздан ҳам чиройлик булади-дия!

Комилбой (*халқға қараб*) — Биз одам деб
деворга сўйлаган эканмиз! Тақсир, сиз маним гапимга

тушунмабсиз! Ислоҳдан мақсадим, яъни усули жадид мактабларидан ибрат олиб, сиз ҳам уқутиш тартибини тузатинг, деганим!

М у л л а О ч и л д и (*аччигланиб*) — Э, булмаса, сиз алданибсиз! Кунда 25 сўм бермоқчи булсангиз ҳам, ман жадидликни асло қабул қилмайман. (*Халқга қараб.*) Бу одам мани пул билан алдамоқчи экан! Жадидлардан ибрат ол, дейдур-о! Жадидлар келиб, манга шогирд бўлсун!

К о м и л б о й (*димоғи куюб*) — Нимага қабул қилмайсиз?

М у л л а О ч и л д и — Тақсир! Агар ман жадидликни қабул қилсам, бошлаб ҳазрат устозим мани оқ қиларлар, ундан кейин маҳалла аҳли мани ҳайдаб чиқарарлар. Сунгра икки жаҳон овораси буламан! (*Оёқга туруб.*) Э, мани бежанжал юргани қуясанми, қуймайсанми? Агар муддаонгиз қўлимдан шу мактабни тортиб олмоқ бўлса, ана ман ҳозир бориб, мактабнинг калидини элликбошига тобшуруб кетаман. (*Чиқиб кетар.*)

К о м и л б о й (*оёқга туруб, домланинг кетиға қараб*) — Ҳой, мияси ачиган нодон! Мана, мана, бизнинг эски мактабдоримизнинг ҳоли! Буларга ислоҳдан гапурсанг, жонлари чиқади! Энди мундоқ нодон мутаассиб кишиларга миллат болалари уқуб нима бўлурлар? Ҳозир Туркистонда мингларча мактаблар, юз мингларча фарзандларимиз шундоқ жоҳил мактабдорларнинг қўлларида хароб ва паришон ҳолдадурлар. Муаллим ва мураббийси шундоқ жоҳил булган бир миллатнинг одам қаторига кирмоғи ҳеч мумкинми экан? (*Икки қўлини кутариб.*) Э худо! Миллати исломга раҳм қил! Узинг раҳм қилмасанг, вой ҳолимизга! (*Ниҳоятда мутаассиру хафа бўлуб утурар. Шул чоқда хизматкори кирар.*)

Қ о б и л ж о н — Домла имом билан элликбоши келдилар.

К о м и л б о й — Марҳамат қилсунлар!

(*Домла имом, элликбоши кириб, салом бериб, бой билан мулоқот қилурлар. Олар утуруб, фотиҳа уқурлар.*)

К о м и л б о й — Хуш келубдурлар!

Д о м л а и м о м, э л л и к б о ш и (*қўлларини куксиларига қуюб*) — Саломат, саломат. (*Комилбой хизматкорини чақириб, чой-нон буюрар. Алар тановул қилиб турарлар.*)

К о м и л б о й — Бирон иш учун келганга ухшайсизлар?

Д о м л а и м о м — Ҳа! Жанобларингизга бир арзимиз бор эди. Бу эрта жанобингиз Мулла Очилди мактабдорни чақириб, анга мактабингни ислоҳ қил, шогирдларингни усули жадид тартиби билан уқут, деган экансиз. Ул киши тақлифингизни қабул қилмай, мактабнинг калитини жаноб элликбошига тобшуруб кетмоқчи булбдур. Бу ҳодисадан маҳалла аҳли хабардор булуб, жанобингиздан изҳори норозилик қилбдурлар. Энди жанобингиздан илтимосимиз шулки, бу ишни баҳрдан кечиб, мактабнинг ихтиёрини маҳалла аҳлига қуюнг! Булмайтурган иш учун овора булуб юрманг!

Э л л и к б о ш и — Дарвоқе, бу усул жадидни маҳалла мактабида жорий қилмоқ мумкин ҳам эмас, чунки муни маҳаллада бир киши хоҳласа, 20 киши хоҳламайдур. Жамоат хоҳламайдурган ёки жамоатнинг муҳолифатига сабаб буладургон бир қоидани маҳалла мактабида жорий қилмоқ яхши эмас. Ваҳоланки, бу усули жадидни Бухорои шариф уламолари ношаръий, деб фатво берганлар. Мундоқ ношаръий ишни маҳалла мактабида жорий қилмоқ дуруст эканми?

К о м и л б о й (*домлага қараб*) — Тақсир! Шу усули жадид мактаби ношаръийми?

Д о м л а и м о м — Ман узум усули жадид мактабини ҳануз курганим йўқ. Аммо Бухоро уламолари ман қилбдурлар, деб эшитган эдим. Шунинг учун ҳозир бу тугрида ўз тарафимдан ҳеч нарса дедмайман!

К о м и л б о й — Тақсир! Бухорода жадиди усулни шаръий ва ҳам фойдалиқ, деб фатво берган бир неча муътабар уламолар ҳам бор экан. Энди бизлар бу жамоа уламнинг фатволарини қайсисига амал қиламиз? Яна жанобингиздан сурайманки, масалан, бир шаҳарда бир мулла чиқиб, бир нарсанинг ношаръийлигида фатво берган булса, бошқа шаҳардаги уламолар ҳам масаланинг ҳақиқатини тафтиш қилмасдан, ушал муллага тақлид қилмоқлари дурустми?

Д о м л а и м о м — Йўқ, асло, дуруст эмас. Ҳар бир олим кишига лозимдурки, айтадурган масаланинг асл далилини қавмоққа узи билсун. Тақлид авомларга дуруст. Муҳаққиқ ва чин олимнинг бошқаларга кўр-кўрона тақлид қилиши асло дуруст эмас. Шунга кўра, ҳозирда биз ҳам Бухоро уламоларининг усули

жадид хусусидаги фатволарига сукут қилиб, уз тафтишимиздан сунгра гапурамыз.

К о м и л б о й — Тақсир! Дуо қилиб туринг! Яқинда ман узум ҳавлимда усули жадид мактаби очиб, имтиҳон вақтида жанобингизни таклиф қиламан. Келиб имтиҳонни куздан утқариб, шаръий-ношаръийлигини баён қиласиз!

Д о м л а и м о м — Куб яхши! Худо насиб қилса, келиб курамыз. Агар, дарвоқе, усули жадиднинг яхшилиги маълум булса, ул вақтда икки нафар уғлумни ҳам мактабингизга кетуруб қуямиз. Лекин мабодо бирон ношаръий жойи булса, узунгизга билдирамыз-дия! Майлими?

К о м и л б о й — Майли, тақсир! Ман ҳам шул қарорга розиман. Суҳбатингиздан мамнун булдум. Саломат бўлунг.

(Домла ва эллиқбоши бойдан рухсат олиб, фотиҳа уқуб чиқиб кетарлар.)

П а р д а т у ш а р

УЧИНЧИ ПАРДА

Имтиҳон мажлиси

Янги мактаб манзараси. Мактаб биноси ҳифзи сиҳат (гигиена) қондасига мувофиқ бўлуб, деворига хариталар епуштирилган. Бир еқда м у а л л и м курсига утурган. Муаллимнинг олдида бир миз, енида бир лавҳа. Қаршисида икки партага 4 т а л а б а утурган. Бир тарафда 3—4 курси қуйилган. Парда кутарилганда: б о л а л а р оёқга туруб, муаллим афандига баробар салом берарлар.

М у а л л и м — Ваалайкум ассалом! Мана букун имтиҳон кунидир. Бу кунда сизларнинг бир йил ичида уқуган ва ёзган нарсаларингиздан халқ назарида имтиҳон қилурмиз. Токи сизларнинг таҳсили илм йулида қилган гайратингиз ва маним таълим тарбиянғиз учун қилган ожизона хизматим халқга маълум булсун! *(Қули билан ишора қилиб.)* Утирингиз!

(Болалар утурарлар, шул вақтда Комилбой кирар.)

Б о л а л а р *(оёқга туруб баробар)* — Ассалому алайкум!

К о м и л б о й — Ваалайкум ассалом! *(Бойга жой курсатар, ҳаммалари утурушарлар. Комилбой муаллимга қараб.)* Домла имом билан эллиқбошини имтиҳонга хабар қилдингизми?

Муаллим — Ҳа, «Соат 8 да мактабга ташриф қилингиз», деб даъватнома юборган эдим. *(Соатига қараб.)* Ҳозир келсалар керак. *(Шул чоғда домла имом билан эллиқбоши кирарлар. Болалар оёқга туриб, салом берарлар.)*

Домла имом — Ваалайкум ассалом!
(Бир-бирлари ила курушуб булгандан сунгра утурушиб фотиҳа уқурлар, баъни хуш омади қилунур.)

Комилбой *(домлага қараб)* — Бултур жанобингизни имтиҳон мажлисига таклиф қиламан, деб ваъда берган эдим. Буқун таклифимни қабул қилиб, имтиҳонга ташриф буюрганингиз учун ташаккур қиламан. Энди жанобингиздан илтимос қиламанки: имтиҳон вақтида кўзингизга кўринган яхши-ёмон ёки шаръий-ношаръий нарсаларнинг ҳар бирини айтиб туринг! Токи камчилигимиз бўлса, акмолига ҳаракат қилайлуқ. Ва ҳам бу ердаги халқ хато, савобнинг қайси ёқдалигини англаб ибрат олсун!

Домла имом — Кўб яхши! Ман ҳам бултур жанобингизга айтган эдимки, усули жадид мактабини умримда курганим йуқ. Агар кўрмоққа муваффақ була қолсам, ҳеч кимни риоя қилмасдан шаръий-ношаръий жойларини айтуб бераман, ҳозир ҳам ушал сўзумда турубман. Қани, марҳамат қилиб болаларни имтиҳон қилдура бошланг!

Комилбой — Хуб, тақсир. Ҳозир имтиҳон бошланадур, аммо имтиҳондан бурун жанобингиздан бир масалага сўрамоқга мажбурман.

Домла имом — Яхши булади, сўранг!

Комилбой -- Тақсир! Баъзи уламоларимиз: «Қурсига ёки партага ўтурмоқ шаръан дуруст эмас», дерлар. Шу сўз тўғрими?

Домла имом — Маним билганимча, бу сўз тўғри бўлмаса керак. Чунки курсига ўтурмоқ бир нав урфу расмдан иборат бўлуб, муни динга ҳеч даҳли йуқ. Яъни курсига ўтурмоқни шариатимиз ман қилган эмас. Ҳифзи сиҳат жиҳатидан қараганда ҳам ерда ўтургандан курсига ўтурмоқ фойдалидур. Зероки, курсига ўтурган киши ернинг зарарли рутубатидан қутилур. Хулоса: бу тўғриларда сўз жуда кўб, агар гапура берсам, имтиҳонингиз кечга қолур. Тезроқ имтиҳонни бошлатсангиз, яхши булур эди.

Комилбой — Хуб, тақсир! *(Муаллимга қараб.)* Қани, шогирдларингизни имтиҳон қила бошланг, афандим!

Муаллим — Яхши! (Болаларга буюрар.) «Саловати тинжийно» уқунгиз. (Болалар баробар саловат уқуя бошлийлар. Домла имом ва элликбоши мутаасир булуб, кузларидан ёш оқар. Артарлар.)

Домла имом (муаллимга қараб) — Буларнинг ҳаммалари уқиш-ёзишда баробарми?

Муаллим — Йўқ, тақсир. Булар турт синфдан иборат булуб, ҳар синф талабанинг даражаи маълумоти бошқа синфдан тафовутликдир. Чунончи, биринчи синф талабаси пастқадам булуб, энг пешқадами 4-синф талабасидур.

Домла имом — Куб яхши! Булар ушбу мактабда неча йил уқуб хат ва саводлик булурлар. Ва қайси илмлардан уқурлар?

Муаллим — Турт йил уқуб, ушбу муддатда хат ва савод чиқарарлар. Ва ҳам илми ҳисоб, жуғрофия, тарихи ислом, Қуръони муътажвидни тамом ургануб чиқарлар.

Домла имом — Ҳай, ҳай, куб яхши экан. Бизларнинг эски мактабларда ун йил уқуб, болаларимизнинг ундан бири базур хат ва савод чиқарарлар.

Элликбоши — Шундоқ, тақсир! Ман узум 13 йил эски мактабда уқуб, базур курсавод булуб чиқдим. Аммо хат ёзишдан сурасангиз ҳозир уз отимни ҳам ёзолмайман.

Муаллим — Бу мактабда уқуган бола бир йилда номнавис булиб, узини ва бошқа ҳар кимнинг отини ёзадурган булади! Бизлар уқиш-ёзишни баробар ургатамиз. Шул сабабли бул ерда болаларнинг хат ва саводи баробар чиқиб қолади.

Элликбоши — Бизларни, эски мактабдаги домлаларни, десангиз, уҳ-хуу... Болалар мирзо Бедил китобиға кирса, сунгра қулига қалам берарлар. (Домлага қараб.) Тақсир! Уша учун болаларни хати чиқмай қолар экан-дия!

Домла имом — Ҳа! Шундоқ, шундоқ!

Комилбой (муаллимга қараб) — Биринчи синф шогирдини имтиҳон қилинг, афандим. (Муаллим Аҳмаджонни турғузуб, уқув-ёзув ва намозликдан имтиҳон қилар. Булар таҳсин ва офарин дерлар.)

Комилбой — 2-синф шогирдини имтиҳон қилинг!

(Муаллим Абдуллани ҳафтияк, ақоид, ҳисоб, уқув-ёзувдан имтиҳон қилар.)

Д о м л а и м о м (таҳсин қилиб) — Бу мактабда ажиб бир яхши қоида бор эканки, болаларга ақоиднинг хулосасини ургатилур экан. Мунга болаларнинг эътиқоди кичикликдан маҳкам бўлуб қолади!

(Муаллим 3-синф талабасидан Исмоилни илми ҳол, жуғрофия, ҳисоб, Қуръони муътажвид, уқув-ёзувдан имтиҳон қилар.)

К о м и л б о й — Тақсир! Болаларга жуғрофия уқутмоқнинг зарари йуқми?

Д о м л а и м о м — Йуқ! Балки фойдаси бор! Чунки болалар кичикликда жуғрофия уқусалар, дунё аҳволдан хабардор бўлуб, хушёр булурлар. Бу илм куб фойдалиқдур. Бурунги уламоларимиз ҳам жуғрофия илмида куб хизмат қилиб, ҳийла муътабар китоблар ёзганлар.

(Муаллим 4-синфдан Усмонни: тарихи ислом, ҳисобнинг 4 амалидан, иншо, жуғрофия ҳам Қуръондан имтиҳон қилиб булур. Сунгра ҳама болалар Васлий афандининг «Муножоти»ни уқуб, фотиҳа уқурлар. Имтиҳон тамом булур.)

К о м и л б о й (муаллимга қараб) — Энди шогирдларингизни танаффусга чақиринг! Бизлар жаноб домла билан бир оз суҳбат қилишамиз.

(Домла имом муаллим ва болаларни куб навозиш қилиб дуо қилар. Алар чиқарлар.)

К о м и л б о й — Қани, тақсир! Энди мактабимизни ҳақида нима марҳамат қиласиз? Мактабимизни бирон айби ёки ношаръий иши йуқ эканми?

Д о м л а и м о м — Жаноб бой! Ман бу имтиҳондан ниҳоятда хурсанд булдум ва ҳам бу мактабда илм, одоб, ҳусни ахлоқ, хулоса, фазилатдан бошқа ҳеч нуқсон тополмадим. Бизларнинг ақоидхону таҳзибхонлик вақтимизда урганадургон тажвиду ҳисоб илмларини бу ерда мактаб болаларига уқитулур эканки, бу куб катта ишдур. Кошки 4—5 йил илгари бу мактабдан хабардор булса эдимки, қулимдан келганча ривож ва тараққийсига хизмат қилган булур эдим. Ҳай, афсуски, бизнинг ҳамшаҳри мусулмон биродарларимиз шундоқ маъдани илм ва адаб булган мактабдан хабарсиздурлар. Худо хоҳласа, каминангиз мундан кейин бу мактабнинг яхшилигини ҳар ерда уламо ва авомлар мажлисида баён қиламан. Бошлаб узумнинг қилган ваъдам буйинча икки нафар дуо-гуйзодангизни ушбу мактабга кетуруб қуяман. Ундан кейин жаноб элликбоши билан икковимиз маҳалла

аҳлини иттифоқга кетуруб, маҳалла мактабига бир нафар усули жаид муаллими қуямиз.

К о м и л б о й — Саломат булунг, тақсир! Кошки бошқа уламоларимиз ҳам жанобингиздек муҳаққиқ, ҳаққоний ва басиратлик булсалар эди. Ул вақтда барча мактабимизда усули жаид жорий булуб кетар эди.

Д о м л а и м о м — Жаноб бой, хотиржам булунг. Охир ҳақ галаба қилар. «Алҳақ яълу вало яъло алия», дерлар. Шояд бир кун уламои киромимиз ҳам бу мактабни уз кузлари билан куруб, яхшилигига қойил булурлар. Ул вақтда мунинг тараққийси учун ҳаракат қилмай қолмаслар, деб умид қиламан!


К о м и л б о й — Тақсир! Бизларни бойларимиз топган пулларини базм, кубкори, туйларда исроф қиларлар. Агар ушал ерда исроф қилина турган пулни шундоқ урунли жойда сарф қилсалар, қанча болалари нодонликдан қутилиб, диндан ҳам илм ва адабдан хабардор буларлар эди!

Д о м л а и м о м — Ҳо, албатта! Шояд муҳтарам бойларимиз ҳам секин-секин кузлари очилуб, инсофга кела бошлилар. Бошлаб сизлар намуна булдингизки, бу жиҳатдан масъуд ва бахтиёрдурсиз! Дин ва илм йулида шунча ғайрат ва фидокорлик қилиб, миллат болаларини тарбия қилганингиз учун миллат номидан сизга ташаккур қиламан! Илоҳи худованд карим сиздек маорифпарвар миллат ходимларининг имсолини зиёда қилгай!

К о м и л б о й — Ҳозирча дин ва миллатим учун тилга олурлик зур хизмат қилган булмасам ҳам, лекин мундан сунгра жоним борича бору будумни ушбу муқаддас йулда сарф қилмоқ ниятидаман!

Д о м л а и м о м — Баракалла ҳимматингизга! Илоҳи, умрингиз узун, давлатингиз фузун булгай.
(*Бойдан рухсат олиб, фотиҳа уқуб, чиқиб кетарлар.*)

П а р д а т у ш а р



ҲОЖИ МУЎИН ШУКРУЛЛА

КЎКНОРИ



Бир пардалик кулгу
ТУРКИСТОНИЙЛАР МАИШАТИДАН



АШХОС:

Б о б о ш а р о ф — кукнориларнинг оқсоқоли, 50 яшар.

Ш о ҳ м у с о — кукнори ҳам чакидахур, 60 яшар.

У к т а м — чакидахур ҳам кукнори (кал), 30 яшар.

С а м о в а р ч и — фақат чакидахур, 40 яшар.

Қ у з и — қозининг мулозими, 30 яшар.

С а р и м с о қ — қозининг мулозими, 35 яшар.

МУШАХХИС АФАНДИЛАР ДИҚҚАТИНА!

Кукнор, банг ва чакида истеъмолига гирифтор бўлган кишиларнинг ишлари: гийбат, шикоят, хурофот, афсонагуйлик ва беданабозликдан иборат бўлуб, турадургон урунлари қоронгу ва ифлос, киядурган кийимлари ниҳоятда кир ва йиртиқ, еядурган нарсалари: палав, ширинлик ва чойдур. Узлари қон озлик ва кучсизликлари сабабли кузлари ботган, юзлари саргайган, беллари букрайган, асабиюлмижоз ва қурқоқ бўлуб, суйлашганда уйлаб, мудраб бирта-бирта суйлашурлар. Юрганда эса секин-секин қадам босуб юрарлар.

КУКНОРИХОНА МАНЗАРАСИ

Кукнорихона ичи тор ва қоронгу булуб, биртагина кичкина эшиги бор, шифт ва деворлари қаро. Уртасида учоқ булуб, онинг атрофида йиртиқ кигиз парчалари солинган, шифт ёки деворига бир дона бедана қафаси осилган. Эшик тарафида с а м о в а р ч и булуб, олдида самовар ва 3—4 ямоқлик чойник-пиела ва бир чилим турубдур. Учоқ енида Б о б о ш а р о ф билан Ш о ҳ м у с о турубдурлар.

Б о б о ш а р о ф боши солинган ва кузи юмулган ҳолда бир чуқургина табақда кукнор эзиб турар.

Ш о ҳ м у с о (олдида бир чойник, унг қулида бир пиела чой, чап қулида снг ичида бедана; мудрайдур; пиеладаги чойнинг бир ози тукулганда, сесканиб бошини кутариб, қолганини ичар; беданасига оғзидан туфрук бериб) — Ҳа, жонифор-эээ, жуда сувсаб қолган экансан!

Б о б о ш а р о ф (бошини кутариб, бурнини қоқиб) — Ҳа, беданангизга сув бердингизми? (Танини қашиб, яна кукнор эзар.)

Ш о ҳ м у с о — Ҳа, жура! Беданамга оғзимдан сув бердим. Жонивор жуда сувсаган экан. Тилимни ҳам чуқийди-о. (Беданасининг оёғларини оғзига солиб, чиқарар.)

Б о б о ш а р о ф — Ҳа, бечора жониворни сувсадим демоққа тили йуқди-я! Бир фасл унутиб қарашмасангиз улуб қолади! Самоварчи! Бирта чилим келтуринг!

С а м о в а р ч и — Хуш! (Чилим кетурар. Чакиб йуталурлар.)

Б о б о ш а р о ф (самоварчига қараб) — Бир чойник чой қилиб келинг! Аччиггина булсун! (Мудрар.)

С а м о в а р ч и — Хуш! (Чой кетурган вақтда йулда оёги туқушуб йиқилар. Чойник синар. Булар: сесканиб кетарлар, кайфлари учар.)

Ш о ҳ м у с о (қулидан пиеласи тушар) — Бутун юракимиз ёрилиб кетди-я! Ҳар нима, узингиз безарар йиқилдингизми?

С а м о в а р ч и (жойидан базур оёққа туруб) — Узим безарар йиқилдим-ку-я, лекин чойник синиб қолди-я! (Чойникнинг синиқ парчаларини териб олар.)

Б о б о ш а р о ф — Бечорага куб зарар булудур-ку? Ҳар нима, чойник қадоқга ярайдурми?

С а м о в а р ч и — Йуқ! Майда-майда булди. Қадоқга турмайди!

Б о б о ш а р о ф — Хайр, ҳеч боки йуқ! Ажали етган эканди-я! Худони марҳаматидан узингиз улмай қолдингизми? Шукр қилинг!

С а м о в а р ч и — Ҳа, худога шукр! Узим эсон қолдим. «Бой омон бўлса, дуфи топилур!».

Ш о ҳ м у с о — Ҳа, баракалла! Одам деган ана шундай шермард булади! *(Бедонасини қалпоқининг тагида қуюб нос чекар.)*

Б о б о ш а р о ф *(андан носкадуни тилаб олуб, нос чекар)* — Биз ҳам илгари сиздек бедонага ишқибоз эдук!

Ш о ҳ м у с о — Ҳа! Сунгра нимага беданабозликни ташладингиз?

Б о б о ш а р о ф *(носини туфлаб)* — Шу бир кун жонивор бедонамизни қулимизда ушлаб туруб бир вақт хаёл кукнор билан қуюб юборибмиз-ку! *(Чой ичар.)*

Ш о ҳ м у с о *(бошини кутариб)* — Уҳ! Сунгра нима булди? *(Қалпоқ тагидан бедонасини олар.)*

Б о б о ш а р о ф — Нима буладур, дейсиз! Сабил қолгур пишак пойлаб турган экан, иргиб олиб қочди-я!

Ш о ҳ м у с о — Уҳ! Ту-ту-ту! Охир дарров пишакни ушлаб, оғзидан бедонани тортиб олмадингизми?

Б о б о ш а р о ф — Эй, жура! Пишак ушламоқ осонми? Уни кучукдан бошқа нарса ушлолмайду! Ушлаган билан уни оғзидан бедонани тириклай олиб булур эканми?

Ш о ҳ м у с о — Воқеан, рост дейсиз! Пишак шерни боласи-дия! «Пишак шерни тумшуқидан тушган», дерлар-ку! *(Танини қашиб, елкасидан битта бит топиб, учоқга ташлар.)* У, сабилайй. Тапончадек «қарс» қилладур-о! *(Чой ичар.)*

Б о б о ш а р о ф — Зогновидни ўзи умри буйинча ширин қонимизни ичиб, суқумдек бўлуб қолган-дия!.. Ана ушандан бери, жура, биз беданабозликни баҳридан кечилган! *(Кукнори эза-эза мудрар.)*

Ш о ҳ м у с о *(бурнини енги билан артуб)* — Ушал бедонангиз қайси жинсдан эди?

Б о б о ш а р о ф — Узи қирдан чиқган жуда зур эди. 3 бор гаров қуюб, жуда зуровор овозалик бедоналар билан уруштуруб, гаровни ютган эдук. *(Ёқасидан бит топиб, икки тирноқини орасига қуюб улдуарар.)*

Ш о ҳ м у с о — Оббо! Шундай яхши бедонадан ажралиб қолубсиз!

Б о б о ш а р о ф — Ҳа, жура! Бедонадан толеъимиз йуқ экан-дия! Булмаса, қулида шундай яхши бедонаси бор одам аллақачон бой бўлуб қолар эди!

(Шу чоқда Шоҳмусонинг тур ичидаги бедонаси «чах-чух!» «чах-чух!» деб.)

Ш о ҳ м у с о (*бошини кутариб шодланиб*) — Ҳу,
жонингдан-а! Ҳу, жонингдан-а!

Б о б о ш а р о ф Бечора Самандарбой шу йил турт
таноб срида кукнор экибдур! Сиз ҳам эшитдингизми?

Ш о ҳ м у с о — Йуқ! Ҳозир сиздан эшитдим, э
падар раҳмат! Илоҳи бири минг булсун-дия!

Б о б о ш а р о ф — Самандарбойни узини ҳам куб
яхши киши, дерлар. Доим фақир ва камбағалларга
хайр ва саховат қилиб турар экан!

Ш о ҳ м у с о — Ҳа, шундай яхши одамларнинг
шарофати билан дунё обод булуб турубдур-дия! Булма-
са аллақачон дунё хароб булуб кетар эди-ку!

(*Шул вақтда Уктам салом бериб кирар.*)

Б о б о ш а р о ф — Ҳа, Уктамбой, бугун кеч
қолдингиз?

У к т а м — Ҳа! Кеч қолганимизни сабаби бор!
Букун ишни жуда катта қилиб юбордук! Аввал бедана-
бозларга боруб, бирта бедона сотиб олдук. Ундан ке-
йин бир носфуруш чиройликгина боладан 3 пулга нос
олиб, туб-тугри шу ерга келдук-дия! (*Нос чекар.*)

Б о б о ш а р о ф — Уҳууу. Воқеан, ишингиз катта
экан. Булмаса носфуруш болага ҳам хушдор булуб
келдим, десангиз-чи?

У к т а м — Хушдор булуб эдум-куя! Лекин бир
абразорний одам билан «ғужурри» қилиб урусча
суйлашганини куруб яна ихлосим қайтди!

Ш о ҳ м у с о (*яқасини ушлаб*) — Тавба! Шулар бир
қатра жони билан урусчани қандоқ урганадур-о! Урус-
лар ёнги келган вақтларда шахримизда фақат биргина
мусулмон урусларга тилмочлик қилар эди! Энди бу
замонда ҳама одам урусчадон булуб қолибдур! Бобо!
Булар урусчани қаердан урганганлар экан-о?

Б о б о ш а р о ф — Эҳ-э-э! Сизни хабарингиз йуқ!
Замона бузулуб кетди-ку! Неча йилдан бери мусулмон
болалар урусни ишкул, гимназа-симноза деган катта
мактабларига бориб, уқуб келаёбдурлар. Ҳали ушал
мактаблар мусулмонлар билан лиққа тўладирлар!

Ш о ҳ м у с о (*яқосини ушлаб*) — Тавба! Наузанбилла
миназ золим! Буларни уламоларимиз манъ қилмайлар-
ми? Қадимги муллалар: «Ҳар ким урусча гапурса, улар
вақтида имонини шайтон олади», деб гапурардилар.

Б о б о ш а р о ф — Эҳ-э-э! Эндиги муллаларнинг уз-
лари ҳам уғулларини одам булсун деб урус мактабига
қуярлар. Ҳозирда куб мулла, хужа, сайид, ҳатто муфти
ва қози ва аъламларни ҳам уғуллари урусча уқуйтурган
булган!

У к т а м — Гурларига Мункар-Накир кирганда, савол ва жавобини узлари берарлар-дия! Бизларга нима!... *(Самоварчига қараб.)* Бирга чой қилиб келинг! Аччигина бўлсун! *(Бедонасини қултуғидан чиғарар.)*

Ш о ҳ м у с о — Шундай-куя! Замонанинг бузулганини айтамиз-дия! Замона охир бўлуб қиёмат яқинлашганда, бошлаб уламодан футур кетар экан.

Б о б о ш а р о ф — Ҳар нима бўлса, бизлар авом, бу масъалани уламолар биларлар. Утган машойихлар: «Мулланинг айтганини қил! Қилганини қилма!» деганлар-ку!..

У к т а м — Ундоқ бўлса, муллалар: намоз уқурлар, руза тутарлар, бизлар бу ишларни қилмай юрсак, тузук экан-дия!..

Б о б о ш а р о ф — Оббо! Суздан сўз чиқариб, жуда яхши ишни эсимизга солдингиз-дия, Уктамбой! «Боши кал бўлган киши чуғул, игвогар булади», дерлар. Воқеан, шу гап туғри экан.

(Кулушарлар.)

У к т а м — Ҳазил ва мазоқингизни қўюнг, бобо! Ярим тангалик дору беринг! *(Пул берар.)*

(Бобошароф қутигасидан дору олиб берар, Шоҳмусо билан самоварчи ҳам дору сотиб оларлар. Ҳаммалари доруни ютушуб, устидан чой ичишуб, кайфланишуб утураблар.)

Ш о ҳ м у с о — Бирон адолатлик қози бўлса эди, шу сабил рамазон ойини келаси йилга қолдурса эди!

Б о б о ш а р о ф — Хайр, бирон фатво топиб, рамазон ойини келаси йилга қолдурди ҳам дейлук! Иккинчи йилда қандоқ руза тутамиз?

Ш о ҳ м у с о *(кулуб)* — Содда экансиз! Келаси йилгача ким бору ким йуқ! Бизлар ҳозирги рамазоннинг иложини топиб турайлук!

У к т а м — Келаси йилгача улмай қолсак, яна бирон ҳийлаи шаръий топамиз! Уни гамини еманглар!

(Ҳаммалари нос чекарлар.)

Б о б о ш а р о ф — Мани хаёлимча, қози-позининг адолатидан умид қилмай, қоронғу уйда қоринни туйғазиб, сунгра лабга кесак суртуб, кучада «Ман руза», деб юрмақдан бошқа ҳийла ва илож йуқ! Шундай эмасми?

(Бобонинг ақлига олар таҳсин ва офарин дерлар.)

Б о б о ш а р о ф *(танини қашиб, битта бургани тутуб, Уктамга курсатар)* — Болам, бу нима? Мани кузум утмади!

У к т а м — Ув, савил, бурга экан, қочиб кетди. *(Кетидан қувар.)* Гирмонни сарбозидек дикиллаб қаерга қочасан? *(Оғи билан тепуб улдураб.)*

Ш о ҳ м у с о — Бурга, битни бизлар куб улдурамиз, шу жониворларни улдурмоқ шариат юзасидан қандоқ булса, бобо?

Б о б о ш а р о ф — Одамзодга зарар етказадурган мундай жониворларни улдурмоқ савоб экан!

Ш о ҳ м у с о — Ҳа, шунақа! Ундай эса, Ўктамбой ука! Мани куйлак-иштонимни оловга қоқиб бериб, савобга дохил бул, болам! Жуда битланибман! *(Танини қашир.)*

У к т а м — Хайр! Нашъани қилиб булайлук, сунгра!.. *(Бедонасининг қанотини тагига сув пуфлаб, оёқларини ялаб, бошини оғзига яқин келтуруб, баланд товуш ила «қувв» дер.)*

Б о б о ш а р о ф *(Ўктамга қараб)* — Ушал 50 сумлик бедонангизни одамлар куб мақтийлар, узи қандоқ қичқиради?

У к т а м — «Бовоғ, донголонг, донголонг!» деб қичқиради. Узи мулладан чиқган-дия, зоти асил! *(Шул вақтда самоварнинг карнайи ерга «жаранг» қилиб тушуб кетар. Ҳаммалари сесканиб қурқарлар.)*

Б о б о ш а р о ф *(самоварчига)* — Ҳе, садқаи одам бўлинг! Бохабар булунг-дия! Юз йиллик кайфимизни учурдингиз-о! *(Самоварчи: афв истар.)*

У к т а м — Узоқбой пудратчи бор-ку! Ушани ҳар пудратидан минг сум фойда қиладур, дерлар-о!

Б о б о ш а р о ф — Ув-в, егани гижжа мой, десангиз-чи!

Ш о ҳ м у с о *(қулуб)* — Егани заҳар денг, заҳар!

Б о б о ш а р о ф — Нимага егани заҳар экан?

Ш о ҳ м у с о — У одам пулни осонлик билан топмайди! Кучукдек куча-бакуча юрур, қанча урусларга «гусподин, идрасти, пожалиска, испасипа», деб хушомадлар қилиб, пул топар экану, егон оши баданига заҳар булмайдими?

Б о б о ш а р о ф — Дарвоқе, рост дейсиз! Бизлардаги ҳузур ва роҳат, кайфу нашъа аларда ҳам йуқ!

У к т а м — Бобо! Нимага ҳамма одамлар бой булуб кетабдурлар?!

Б о б о ш а р о ф — Мусулмонларни бой қилган урусни бонкаси булди-дия! Булмаса, мусулмонларга пул қайси гурда эди! Мусулмонобод вақтида минг тангаси бор одамни катта бой, дер эканлар. Эндиги замонда: 10 минг сумлик одамни ҳам бой демийлар!

Ш о ҳ м у с о — Жура! Уйлаб турсангиз, шу ҳамма хайру барака ушал қадимги бойларда экан! Ҳозирги бойларда хайру барака йуқ!

Б о б о ш а р о ф — Дуруст-дия! Қадимги бойлар ҳар йил молларидан бева ва бечораларга закот берар эканлар! Эндики бойларни курсангиз, закот бермоқлари нари турсун, агар «хай-хай» демасангиз, узлари закот олмоқдан ҳам уялмийлар! Энди буларга хайр ва барака қайси гурдан келсун!

У к т а м — Кубам ундоқ эмас-о! Ҳозирги бойлардан ҳам закот берадургони бор, деб эшитамиз-ку!

Б о б о ш а р о ф — Хайр, мингтадан биртаси закот беради ҳам дедук, шулар қачон ҳалол закот берарлар? Ҳув-в ушал харидор олмайдурган 3 мирилик молларни 3 танга ҳисоблаб, закотхурларга берарлар-дия! Энди шул хийла ҳам закот булдим?

Ш о ҳ м у с о — Ҳа, бу охир замон бойларининг ҳаммаси хийлакор булуб қолган!

У к т а м — Бобо! Бизлар ҳам иттифоқ қилишуб, урусни бонкасига битта катта арза ёздуруб берсак, пул қарз берадими?

Б о б о ш а р о ф — Беради. Аммо косиб кишига беради, башартики, мусулмон чилонларимиз раъй қилсалар-дия!.. Худога шукр! Бизлар ҳам кўпчилик, мана, ҳозир шаҳримизда 37 кукнорхона бор. Шу кукнорхоналарнинг ҳар бирида лоақал 50 тадан кукнори бордур!

У к т а м — Ундай эса бош булуб бир гайрат қилинг, бобо! Бизлар ҳам бонкадан пул олиб, бой булуб қолайлук: «Касбимиз» беданабозлик», деймиз-дия!

Б о б о ш а р о ф — Ҳар бедона бошидан неча пул фойда қиласизлар, деб сураса, нима деб жавоб берамиз?

У к т а м — Э, муни жавоби осон! Айтамизки: битта сур бедонани бир мири, ярим тангага олиб, 1 ой — 2 ой кутарамиз. Агар худо бериб, толеимиз мадад қилса, 1—2 мартаба уруштуруб юз тангадан минг тангагача сотамиз. Агар мабодо яхши урушқоқ булуб чиқмаса, турга солиб, бир йил боқамиз, ана сунгра...

Ш о ҳ м у с о (*сузини кесиб*) — Э, ука, кўб вақиллама! Журо, миямни единг-ку! Шу гапларингни ҳаммаси туғри. Воқсан, агар шу мазмунда урусга арза берсак! Урус ҳам жон деб пул берадур-куя, лекин яна ўз мусулмон чилонларимиз ишни бузуб қўярлар-дия!

Б о б о ш а р о ф — Нима деб ишни бузар эканлар?

Ш о ҳ м у с о — Ёнги ўзингиз айтдингизки, то чилонлар раъй қилмаса, бонка пул бермайдур. Ана шундайки булса, урус пул берган вақтда чилонларимиздан: «Шоҳмусо ёки Бобошароф қандай одам?» деб

сўраса, албатта, чилонларимиз: эй-й, булар кукнори, киморбоз, угри, беобруй, деб ишни белини синдирурлар-дия!

У к т а м (*бошини қашиб*) — Э, ундоқ бўлса, қуюнглар, бой бўлмоқни баҳридан ҳам кечдук! Яна шу камбағаллигимиз яхши-э!

Б о б о ш а р о ф — Бонка пулини хосияти ҳам йўқ! Мана, курмайсизми: бонка пулидан бой булганларнинг кубиси бирта-бирта синиб, яна «Аҳмад порина» бўлуб қолаёбдур!

Ш о ҳ м у с о — Ҳа, баракалла! Бехуда хаёллар билан овора бўлуб, оби наъшамиздан қолдук-о! Ҳе, бойлуги курсун!

У к т а м — Бобо! Тезроқ кукнори беринг, ичиб кайф қилайлук-э!

Б о б о ш а р о ф — Кукнор тайёр, фақат софкориси қолди. (*Бурнини румолчасига қоқиб, яна ушал румолча билан кукнори софлар.*) Мана! Оби ҳаёт ҳам тайёр бўлди, бошлаб ўзум ичай!

(*Ичар вақтида: Эшон қозининг С а р и м с о қ ва Қ у з и деган мулозимлари босиб кирарлар. Бобонинг қулидаги пиеласи табақ устига тушуб синар. Ҳаммалари қурқушуб нима қилмоқларини билмайлар. Уктамнинг қулидан бедонани чигар.*)

С а р и м с о қ — Ушла бу рўзахур кукнориларни, қозихонага олиб борамиз!

(*Бобошароф қанча ялинув тавба қилар, ҳатто пул бермоқчи бўдур, қабул қилинмас.*)

Ш о ҳ м у с о (*соқолини курсатуб*) — Шу мўйсафедимни ҳурмат қилиб шу дафъа гуноҳимдан утунг! (*Қанча дуо қилиб ялинар.*)

(*Уктам бедонасини ушламоқчи бўдур. Қузи курмай, бошига бир шапалоқ урар. Бошидан қалпоқи тушуб, шарманда бўлур. Икки қули билан бошини ёпар. Охир қози мулозимлари кукнориларнинг қулларини орқаларига боғлаб, бобонинг буйнига кукнор косани, Уктамнинг буйнига чилимни, самоварчининг буйнига самоварни, Шохмусонинг буйнига самовар карнайини тақиб, кукнорихонадан бирга олиб чиғарлар.*)

П а р д а т у ш а р

ҲОЖИ МУЎИН ШУКРУЛЛА

МАЗЛУМА
ХОТИН



4 пардалик драма



КИШИЛАР:

1. У з о қ б о й — 2-хотун оладургон семиз ва бойнамо қассоб; ёши 40 ларда.
2. Т а н с у қ о й — онинг биринчи хотуни, юмшоқ табиатлик; ёши 30 да.
3. Б а ҳ о и д д и н қ у л — онинг уғли, бошида кокили бор; ёши 14 да.
4. Р у с т а м — Тансиқойнинг акаси, буйдоқ; олурфта; ёши 32 да.
5. К а р о м а т о й — Тансуқойнинг онаси; ёши 60 да.
6. Э л м у р о д — Тансуқойнинг отаси; оппоқ кийумлик муйсафид ва нуроний (улган); ёши 70 да.
7. Э ш о н б о б о — Узоқбойнинг ҳамсоя ва қалин ошнаси; 7 мартаба ҳаж қилиб, эшонга қул берган; мулла кийумлик, нодон киши; ёши 60 да.
8. С у я р о й — Тансиқойга кундош буладурган қиз; ёши 18 да.
9. М у а л л и м — янги фикрлик ва тўғри сўзлик, усули жадидчи; ёши 30 да.

БИРИНЧИ ПАРДА

Меҳмонхона манзараси

У з о қ б о й (*ёлғиз ўзи чой ичиб утурад; 1—2 дақиқадан кейин ўглини чақирар*) — Баҳоиддинкул!
Ҳо-о Баҳоиддинкул!

(*Саҳна орқасидан «Лаббек» товуши келур.*)

Б а ҳ о и д д и н қ у л (*боши румолча билан боғланган ҳолда секингина кирар*) — Ассалом алайкум! Ҳа, нима дейсиз, дада?

У з о қ б о й — Ҳа, ўғлум, яхшимисан? Букун нерса-перса едингми?

Б а ҳ о и д д и н қ у л — Ҳа! Онам шу бугун бир коса аччиггина шулла пишуруб бердилар, шунини ичиб терладим, худога шукур, бир оз енгил булдум. Букун иситма тутган йуқ.

У з о қ б о й — Ҳа энди қарийб соғайибсан, ўғлум, мана ранг-руйинг ҳам кириб қолибдур. Ўғлум! Бориб, эшон хожи бобонгни олиб кел, сени бир-икки оғиз куф ва суф қилиб қуйсунлар. У киши билан бошқа маслаҳатимиз ҳам бор.

Б а ҳ о и д д и н қ у л — Хуш! (*Чиқиб кетар.*)

У з о қ б о й (*чой ича-ича*) — Қараб турсам, ҳам буйинча-жураларимнинг кубиси 2 та - 3 та, баъзилари 4 тагача хотун олуб, кайф суруб юрубдурлар. Буларнинг ҳар қайсилари билан ҳамсуҳбат булганимда, янги олган хотунларини шундай мақтайларки, одамнинг ҳаваси кетуб, оғзидан суйи оқадур. Энди мен ҳам то бир 14 яшар қиз олуб кайф қилмасам, булмайдур. Бу хотунум булса 3—4 та туғуб, ёши ҳам 30 ларга етиб қолди. Энди бу минан тирикчиликни мазаси йуқ.

(*Шул чоғда Эшон бобо қулидаги узун тасбеҳни*

ағдара-ағдара салом бериб кирар. Узоқбой билан

мулоқот қилиб, турга ултуруб, дуо қилар.)

У з о қ б о й — Хуш келибсиз! Бу вақтлар камнамо, ҳеч курунмайсиз, Эшон бобо?

Э ш о н б о б о — Саломат булунг! Ҳа, болам, бир тарки дунё қилган, худоғуй одам-дия, бошқа касб ва коримиз йуқ, худо буюрган беш вақт намозни уқуб, ундан сунгра пиримиз буюрган зикр ва авродлар билан машғул булуб, уйда ётамыз. (*Соқолини курсатуб.*)

Узимиз ҳам қариб, оёғимиз гурга етган, уғлум. У ёқ-бу ёққа юрмоққа ҳафсаламиз йуқ.

У з о қ б о й — Худо сақласун, ундай деманг, ҳали сиз миҳдак, яна юз йил умр кўрасиз.

Э ш о н б о б о (*кулуб*) — Яна ун йил умр курсак ҳам, биз рози. Кўзимизда нур, белимизда куч ва қувват қолмади. Энди бизларнинг шартимиз кетуб, фартимиз қолган. Энди худодан тилагимиз имон, болам, имон!

У з о қ б о й — Ҳа... Албатта, ҳамма бандаи муъминнинг худодан тилаги имон-дия. (*Уғлини чақирар.*) Баҳоиддинқул!

(*Нарёдан «Лаббак» товуши эшитилур.*)

Э ш о н б о б о — Уғлунгизни тоби йуқми? Бечора болани ранги учган, боши боғланган эди. (*Лаббини қимирлатиб турар.*)

У з о қ б о й — Ҳа, қулбаччангизни 3—4 кундан бери иситма тутадир.

Баҳоиддинқул (*кирар*) — Нима дейсиз, дада?

У з о қ б о й — Лаъли, дастурхон кетур. (*Чойникни узатуб.*) Ма, чой дамлаб кел, уғлум!

Баҳоиддинқул — Хуш! (*Чойникни олуб чиқиб кетар.*)

У з о қ б о й — Ҳа!.. Эшон бобо! Шаҳарда нима гаплар бор?

Э ш о н б о б о — Шукур, хотиржамлик! Ҳа!.. Айтгандек, Розикбой 3-хотунини талоқ қилиб юборибдур. Билмадукки, айб узидами ёки хотинидами?

У з о қ б о й — Э-э, у Розикбой чилангарми?.. Ҳа, онинг узи унча яхши одам эмас. Ичи қора, муғомбир-га ухшайдур.

Э ш о н б о б о — Қалон гуноҳкор-дия, ман ҳам шундай деб эшитаман. Узи шаробхўр экан-дия. Жу-вонбозлик, фоҳишабозлик одати ҳам бор экан, ҳатто уз маҳалласидаги масжидда жамоат намозига ҳам чиқмас экан; (*ёқасини ушлаб*) тавба, наузинбиллаҳ мин аззолим. (Науз билла мин золик.) Шундай кишиларнинг касофатидан кундан-кун дунё хароб бўлиб кетаёбдур-дия, болам.

У з о қ б о й — Ҳа, албатта, шундай.

(*Уғли буюрилган нарсаларни кетурар.*)

У з о қ б о й (*уғлига*) — Эшон бобонгни ёнларига утур, 2—3 мартаба даму нафас солиб қўйсунлар. (*Бола утурар.*) Бу киши 7 мартаба ҳаж қилиб, пирга қул берган, жуда табаррук одам. Нафаслари таъсирлик. (*Дастурхон солмоқга машғул бўлуб турар.*)

Э ш о н б о б о — Хайр, берироқ утур, болам, нафасим бутун тексун. (*Пичирлаб 3—4 мартаба куф ва суф қилуб, сунгра узун дуо қилур.*) Ана энди, худо хоҳласа, яхши булуб кетасан, болам!

У з о қ б о й (*киссадан пул олуб, уғлига узатар*) — Ма, муни Эшон бобонгга бер! (*Уғли пулни олиб, эшонга берар.*)

Э ш о н б о б о (*табассум қилиб*) — Э, назрини ҳам берасизми, хайр, хайр. Шаҳдингиз қайтмасун. (*Олиб, киссасига солур.*)

У з о қ б о й — Ҳа, эшон бобоси, қуруқ булмасун. Хосияти йуқ деб озроқ бердим. Яна эшон пирингиздан мунга бирта куз тумори ҳам кетуриб берамиз. Онаси тайин қилиб юруб эди.

Э ш о н б о б о — Хуб-хуб. Ҳазрат эшонимиздан мунинг ҳақида дуо ҳам олурмиз. (*Сўздан бушаган замон доим лабини қимирлатар.*)

У з о қ б о й (*уғлига*) — Тур, энди уйга бориб ёт, уғлум.

(*Уғли секингина туриб, чиқиб кетар.*)

Э ш о н б о б о — Набирамиз мактабда уқийдурми?

У з о қ б о й — Ҳа, илгари эски мактабда уқуб юрар эди, бу вақтлар янги чиқгон усули жадид мактабда уқийдур. Опаси элтиб қуйгон! (*Дастурхон тарафига ишора қилуб.*) Марҳамат қилинг!

Э ш о н б о б о (*қулин куксига қуюб*) — Марҳамат! Узингиз бахузур еяберинг. Ман ният қилиб руза тутгон эдим. Ҳазрат эшон пиримиз «Ражаб ойида руза тутмоқ савоб», деб ҳамма муридларини руза тутмоқга буюрган эдилар. Амри пир вожиб, деб биз ҳам куб қатори рузага киргон эдук.

У з о қ б о й — Э, ундай булса, биз беҳуда нон ва чой буюрган эканмиз. (*Дастурхонни йиға-йиға.*) Рузадор кишининг қошида нарса емоқ яхши эмас, дерлар.

Э ш о н б о б о — Узоқбой, болам. Икки кунлик дунё утиб кетаётубдур. Сиз бир гайрат қилуб шул вақтда ҳазрат эшонга қул бера қолинг, бизнинг пиримиз қип-қизил авлиё, бутун қутби ганимат киши. Ана шундай азизларнинг дуосини вақтлироқ олиб қуйсангиз, сунгра икки дунёда ҳам дард кўрмайсиз. Пиримизнинг кароматлари машриқдан мағрибгача ҳаммага маълум булуб қолган. Шундай қилинг, болам!

У з о қ б о й (*табассум қилиб*) — Насихатингиз

тугри-куя, лекин ҳали бизлар ёш, дунёнинг ёлгон-яшиги билан овора. Бу вақтда эшонга инобат қилгон билан икки бошдан буйруқларини урнига туrolмаймиз. Хайр, соқолимизга оқлуқ тушсун, сунгра инобат қиламиз-дия. Ҳали бизлар қаерга етубмиз, эшон бобо!

Э ш о н б о б о — Сизни бу сизингиз ҳам тузук-ку, болам, лекин ёшликда тавба қилмоқни ҳосияти бошқа-дия. Қариликда икки бошдан ҳаммаям тавба қиладур. Пайғамбаримиз айтибдурларки, «Дар жавоний тавба қардан нашъаи пайғамбарий аст — варна дар пирийки, ҳар габре мусулмон мешавад». Ана, онгладингизми? Ёшликда тавба қилмоқнинг даражаси қанча экан.

У з о қ б о й — Ҳа, онгладим. (*Бошини силкиб.*) Албатта, рост, рост... Хайр, ундай булса, сиз оталик қилиб аввал бир яхши қиз топиб, бизни уйлантиринг. Дунёнинг айшу ишратидан бир ҳафсаламиз пир булсун. Сунгра молимиздан закот бериб, ҳалол пул билан Мақатуллога борайлук. Қаро юзимизни ҳажарулсудга сургуб, гуноҳдан пок булуб қолайлук. Ундан кейин ҳазрат эшонга қул беруб, қолган умримизни сиздек худогуйлик билан уткарайлук.

Э ш о н б о б о — Ҳай, ҳай, қуб яхши буладур. Худо тавфиқингизни зиёда қилсун. Хуб, ана, биз совчилик хизматини қиламиз. Бу жиҳатдан асло парво қилманг. Узингизга муносиб қиз топамиз.

У з о қ б о й — Биз ҳам сизнинг хизматингизга ҳозирмиз. Худо хоҳласа, сизни ҳам шул ваъждан хурсанд қиламиз.

Э ш о н б о б о — Худога шукур, сизни давлатингиз бор. Сиз 4 тагача хотун олсангиз ҳам, кучингиз етадур. Куб хотун олмоқнинг хосияти жудо куб, болам. Бир хосияти шулки, кишининг насл ва уругига барақа ҳосил буладур. 2-хосияти шулки, калимагуй уммати Муҳаммад купаядур. Булардан ҳам бошқа хосияти жуда куп. Агар сиз, масалан, 4 та хотун олсангиз, ҳар қайси хотинингиз лоақал 4 та, 5 та туққанда ҳам, бир кун қарасангиз, эй-хе, бола-чақангиз бир гала булуб қолубдур.

У з о қ б о й (*шодланиб*) — Ҳо, шундай, шундай, эшон бобо! Баъзи одамлар 5 та хотун оларлар. Бу ҳам шариятда тузук экан-дия?

Э ш о н б о б о — Ҳо, тузук. 4-хотунини суфи қилиб қуйган киши 5-хотун олса мумкун. Тиловбой ҳажга борганида 5-хотун олган эди. Ҳали ҳазрат эшо-

нимизни ҳам 5 та хотунлари бор. Эшон қозимизни ҳам 5 та хотунлари бор, дерлар... *(Бир оз уйлаб.)* Ҳа!.. Куб хотун олмоқнинг яна бир яхшилиги шулки, киши асло муҳтожликка қолмайдур. Чунки хотун тоифасининг ҳар қандай ярамаси ҳам 1—2 ҳунарни биладургон буладур. Чунончи, дуппи тикиш, иштонбоғ туқиш ва шунга ухшаган ҳунарлар. Эри камбағалроқ булган хотунлар ана шундай ҳунарлар орқасидан узларини ҳам, эрларини ҳам боқаверарлар. *(Ифтихор ила.)* Ҳали бизни кичик хотунимиз ҳафтада биртаиккита тун тикиб, узи бозорга элтиб сотуб келадур. Шунини фойдасидан узини бола-чақалари билан бахузур боқиб юрадур. *(Табассум қилиб.)* Бечора падар раҳмат баъзи вақт: «Манг, муни нос пули қилинг!» деб бизга ҳам 3—4 пул бериб қўядур. Аммо катта хотунимизнинг ҳунари йўқ. У билан бизни катта уғлимиз боқадур. *(Нос чекар. Узоқбой ҳам ондан бир отим нос тилаб олиб чекар.)*

У з о қ б о й — Бизга хотуннинг ҳунари керак эмас. Бизга ҳусни булса кифоя.

Э ш о н б о б о — Агар хотуннинг ҳам ҳусни булса ва ҳам ҳунари булса, ул вақтда «нур устига аъло нур» булар-дия, болам. *(Саҳван нос чеққанлиги эсига тушар.)* Э, сабил туф, туф! Руза тутганлигимиз эсимизда йўқ. Билмасдан нос чекиб қўйибмиз-ку, болам. Сиз ҳам манга билдирмабсиз!

У з о қ б о й — Эво-о-ой! Мани ҳам эсимда йўқ, эшон бобо! Булмаса билдурар эдим-куя. *(Носини туфлар.)*

Э ш о н б о б о *(яна туфлаб)* — Бир пиёла сув беринг, оғзимни чайқай... ҳеч воқеа йўқ, бу минан руза синмайдур, муни зиёфатулла, дерлар. Зиёфатулла, худонинг тасаддуқи булай, букун мани носдан зиёфат қилди.

У з о қ б о й — Сув йўқ экан-ку! Эшон бобо, мана шу чой билан оғзингизни чайқай қолинг! *(Бир пиёла чой берар.)*

Э ш о н б о б о — Иссиг эмасми, хайр, майли беринг. *(Оғзини чайқаганда оғзи куяр.)*

У з о қ б о й — Хайр, ундай булса, эшон бобо, тезроқ ҳаракат қилиб бизни уйлантиринг, кимни яхши қизи булса, хабарингиз борми?

Э ш о н б о б о — Камбағалнинг қизини оласизми? Бойнинг қизини оласизми? Сизга қайсиси маъқул?

У з о қ б о й — Камбағалнинг қизини олмайман. Э, камбағалнинг юзи курсун. Камбағал қизи угурлик қилиб уйнинг баракасини учурадур. Бизга бой қизини топинг. Бойнинг қизидан киши зарар топмайду. Агар отаси улуб қолса, қанча мероси тегаду.

Э ш о н б о б о — Албатта, сизнинг бу сузингиз тугри-ку, лекин камбағал қизини оламан, десангиз, мунинг туйи кичикроқ буладур-дия. Ана, биз шу ерини уйлаб, камбағал қизини илгари сурдук.

У з о қ б о й — Бизга қайнога буладурган киши узимиздек обруйлик, бой, зеб одам булсун, деймиз-дия, эшон бобо! Биз углимизнинг хатна туйидан янги чиққан булсак ҳамки, ҳали бир неча минг сум харо-жатга кучимиз стаду. Хайр, мабодо, ишимиз тескари кетадигандек булуб қолса, дарров катта боғимизнинг бир четидан 2—3 танобини сотиб юборамиз-дия. Ху-дога шукр, ҳозир ун таноб боғимиз бор, эшон бобо! Пулатбой эшакжаллобнинг қизи борми?

Э ш о н б о б о — Ҳа, уни дейсизми, қизи бор. Лекин, болам, узи жуда паст одам. Унинг қизи сизга муносиб эмас. Кабутар бо кабутар, гоз бо гоз, тенг тенги билан, тсзак қопи билан, тугрисини айтсам. Пулатбой сизнинг кавшингизга патак ҳам булло-майду. Узингиз чуқур уйланг! У беш сумга арзи-майдурган даванг эшакларни топиб, думини такига қаранфул қуйуб, ун сумга сотадурган қаллоб одам-дия! (*Кулушарлар.*) Мундай шурапушт беобру киши уз қизини бир коса сув билан никоҳлаб бераман, дегани-да ҳам, сизнинг қабул қилмоғингиз тузук эмас. Шун-дай эмасми, болам?

У з о қ б о й — Ҳа, шундай, албатта... Хидир-бойнинг қизини олайлукми, мунга нима дейсиз?

Э ш о н б о б о — Хидирбойни давлатини тузук-кина булса ҳамки, узини уругини паст, дерлар. Отаси гулом ёки онаси чури экан. Мунинг қизини ҳам сизга лойиқ курмайман. (*Бир оз уйлаб.*) Ҳа, ана бировнинг қизини топдим... Оти алланима эди, ҳа-а, сабил, эсимга келмай турубду. (*Уйлар.*)

У з о қ б о й (*сабрсизлик қилиб*) — Қани, қани, оти нима? Узи нима иш қилар экан? Узи бойгинами?

Э ш о н б о б о — Ҳа, ҳа. Уртоқбой қуйжаллоб-дия. Ана бу киши узингиздек обруйлик, қуй бозорида учта эътиборлик одам булса, биртаси шул киши. Би-равдан қарзи йук, қурзи йук, узига тинч, думоғи чоғ, аслу насаби ҳам унча номаълум, паст эмас. Ана ул

қуйжаллоб, сиз қассоб, касбларингиз ҳам бир-бирларингизга мувофиқгина. Агар бу кишининг қизини худо сизга тақдир ва насиб қилган бўлса, олсангиз, сунгра сизга қуй ҳам деҳқончилик булуб қоладур-дия. (Кулушарлар.)

У з о қ б о й — Албатта, бизга қайнота булгандан кейин қизининг хоотири учун қуйларни текин бермаса ҳамки, арзонроқ қилиб берар-ку. Уртоқбойнинг ускунаси куб булсами?

Э ш о н б о б о — Ҳа, болам, бирта катта ҳовлиси бор, иккита боғи бор, далада бир неча ботмон ери бор экан. 3—4 дукони ҳам бор, дерлар.

У з о қ б о й — Э, яхши экан, булуб қолдук энди. Шошмангки, эшон бобо. Қизининг афти қандай бўлса? Ҳеч кимдан эшитганингиз борми? Қизнинг узи созгина, чиройлигина булсами?

Э ш о н б о б о — Ҳа, қизини паризоддек жуда чиройлик, дерлар. Қайси кун катта хотинимиз ҳаммомда курган экан. Келиб куб мақтади. Қизнинг юзи 14 кунлик ойдек. Буйи шамшоддек, қошлари камондек, лаблари лаъли Бадахшондек, кузлари қоп-қора олучадек, огзи гунчадек, бақбағаси осилиб турган олмадек, тани оппоқ сутдек, сочи узунликдан қарийб ерга тегар экан. Хулосаи каломки, Лайлидек бошдан оёғигача ҳусн экан-дия.

У з о қ б о й (ниҳоятда ҳаваси кетганидан огзининг суйини қилт-қилт ютуб) — Э, булди, булди, энди тамом. Кунглимиз «жиз» этиб кетди. Шу қиз бизга жуда мувофиқ экан. Энди шуни бизга дарров олиб берасиз. Мабодо отаси бошқа кишига бериб қуймасун.

Э ш о н б о б о — Хуб, хуб, совчилиги бизнинг буйнимизда.

У з о қ б о й — Шошмангки, эшон бобо, Уртоқбой шу қизини бизга берармукин? Лекин агар мабодо бермай қолса, қизининг ишқида утиб кетамиз-дия!

Э ш о н б о б о — Агар ман совчи булиб борсам, иложи йуқки, қизини сизга берадур. Чунки Уртоқбойни манга шунча ихлоси баландки, агар «ул!» десам, уладур, «тирил!» десам, тириладур.

У з о қ б о й (шодланиб) — Э, булмаса иш битди. Янги хотиндан толеимиз бор экан. Худо хоҳласа, келаси паншанба куни домла имом ва элликбоши билан биргалашиб совчиликка борасизлар... Ман бу оқшом аларни зиёфатга чақираман. Сиз ҳам шом вақтида келинг. Туйнинг олиғ-солиғидан маслаҳат қилишармиз.

Э ш о н б о б о — Хуб, шомни укуб, ҳавлингизда ифтор қиламиз.

У з о қ б о й — Эшон бобо! Биз 2-хотун олганда, келинингизни рашки келиб, албатта, «доду бедод», дейдур-дия. Муни қандай кундирамиз.

Э ш о н б о б о — Сиз жуда ғалати одам экансиз, болам!.. Хотунни ҳадди бормики, бу туғрида «гинг» деб товуш чиқарур экан. Бу шарият буюрган иш-дия. Шариятда 4 тагача хотун олмоқ дуруст. Ёки сиз хотунингиздан қурқасизми? Агар, воқсан, хотинингиздан қурқадургандек булсангиз, зинҳор 2-хотун олмоқни ҳавас қилмангки, охири пушаймон буласиз.

У з о қ б о й — Йуқ-э-э, ман-ку хотунимдан қурқ-майман. Яъни нима тадбир қилсам, хотуним мандан ранжимайдур, дейман-дия! Бечора хотунимни ҳалигача бемурод озор берганим йуқ эди. У падар раҳмат ҳам мани асло ранжитган эмас.

Э ш о н б о б о — Ҳа!.. Ундай булса, сиз хотунингизни алданг. Айтингки, ман санга хизмат учун бир чури оламан. Сан бу жиҳатдан маним ҳақимда бадгумон булма, ман сани яхши курганимдан бу ишни қиламан. Уни олганимдан сунгра сан 7 қабат кўрпача устида баҳузур утуруб, қулунгни совуқ сувға ҳам урмайсан, ҳар қанча хизмат булса, ушал қила берадур. Хайр, агар раҳминг келиб, уз ихтиёринг билан рухсат берсанг, онинг уйига ҳам ойда-йилда бир мартаба кириб чиқаман, денг. Шу гаплардан илгари бир-икки хил ғалати чит-пит кетуруб бериб, сунгра алдасангиз, оққол гаравни ютасиз-дия!

У з о қ б о й — Бу ҳийлалар билан рози булмаса, сунгра нима қиламиз?

Э ш о н б о б о — Бу минан булмаса, дуг уруб қурқутинг-дия. Бу минан ҳам булмади, сунгра 1—2 мартаба юмалатиб жон чиқмас урнига хуб урунг. Қани, сунгра кундошни буйнига олмайдурами? Хотин тоифасига асло ҳавои даҳан бермангки, сунгра оғзингизга чуб улчаб сизни хафа қиладур, болам?.. Хотун деганни шундай забт қилиб утини олингки, қамчинингизни учидан доим қон томиб турсун. Уткан азизлар айтибдурларки, бола ёшдан, хотун бошдан.

(Шул чоғда муаллим салом бериб кирар. Улар сесканиб, оёқга туруб, муаллим ила мулоқот қилишуб, они турға уткузарлар. Муаллим утуруб, дуо қилар. Баёни хуш омади қилинур.)

У з о қ б о й — Бугун сизни қандай шамол учирди, тақсир? Бу ерга келиб қолдингиз?

(Эшон бобо ила муаллим ҳар замон бир-бирларига ола-ола қараб қуярлар.)

М у а л л и м — Ҳа! Уз ишим учун шу ёққа келган эдим, Баҳоиддинқулдан бир хабар олиб утай, деб келдим. 2—3 кундан бери Баҳоуддинқул мактабга бормайду.

У з о қ б о й — Бечора қулбаччангизни 2—3 кундан бери тоби йуқ, иситма тутадур.

М у а л л и м — Худо шифо берсун! Дуктурга курсатмадингизми? *(Эшон бобо бошини қимирлатар.)*

У з о қ б о й — Йуқ, тақсир, қулбаччангиз касали дуктурга курсатадурган даражага етгани йуқ. Янгигина эшон бобоси 1—2 марта дам солиб қуйдилар. Худо хоҳласа, эртагача яхши булуб, мактабига бора берадур. *(Дастурхон солуб, совутан чойни сузар. Муаллимга бир пиёла чой узатар.)*

М у а л л и м *(эшон тарафига ишора қилиб)* — Аввал бу кишига беринг!

У з о қ б о й — Йуқ, тақсир, бу киши руза эмишлар.

М у а л л и м *(чойни олиб)* — Э, ҳали рамазонга 2 ой бор-ку!

(Шул чоғда сахна орқасидан «Вақти намоз!» деган товуш келур.)

Э ш о н б о б о — Хайр, омин облоху акбар. Жамоат савобидан қолмайин. *(Оёққа туриб, эшик тарафига югурар.)*

У з о қ б о й *(оёққа туруб)* — Э, ҳали шундайми? Хайр, намозни укуб, яна қайтиб келинг, эшон бобо! Маслаҳатимиз ҳали тамом булгани йуқ.

Э ш о н б о б о — Хуб, хуб. *(Чиқиб кетар.)*

У з о қ б о й — Катта маслаҳатни устига келиб қолдингиз-дия, тақсир! *(Угурар.)*

М у а л л и м — Нима маслаҳат эди?

У з о қ б о й — Тақсир, биз 2-хотун олмоқчимиз. Шунинг маслаҳати эди.

М у а л л и м — Нима сабабдан 2-хотун олмоқчисиз.

У з о қ б о й — Тақсир, ҳеч сабабдан эмас. Энди бу хотунимнинг ёши 30 ларга боруб, унча мазаси қолмабдур. Биз булсак ҳали ёш. Кунгимиз ёш хотун истайдур.

М у а л л и м — Узрсиз, маҳзи айшу ишрат учун 2-хотун олмоқнинг зарардан бошқа фойдаси йуқ.

У з о қ б о й — Тақсир, узри нима?

М у а л л и м — Узри шулки, масалан, аввалги хотунингизнинг боласи бўлмаса, ёки бирор юқумлик касали бўлуб, тезликда соғаймаса, ул вақтда 2-сини олмоқингиз жоиз. Ушал вақтда ҳам 2 хотунингиз орасида адолат билан муомала қилмоқингиз шаръан лозимдур. Агар 2 хотунингиз орасида адолат қилолмасликдан қурқадурган бўлсангиз, ул вақтда шариат юзасидан 2-хотун олмоқингиз асло дуруст эмас.

У з о қ б о й (*хайрон бўлуб*) — Тақсир, адолати нима? Адолат подшоҳларда бўлмайдуirmi? (*Чой ичар.*)

М у а л л и м — Йўқ. Адолат фақат подшоҳларга махсус эмас. Кишининг ўз хотунлари ҳақида баробар муомала қилишини ҳам адолат, дерлар.

У з о қ б о й — Тақсир, бу иш мумкин эмас. Бир эр ҳеч вақт икки хотунини баробар яхши курулмайду. Албатта, икковидан бирта ёшироғини яхши куруб, қарирогини унча хоҳламайду. Шундайки булди, бечора эр икки хотунига қандай баробар муомала қилсун!

М у а л л и м — Албатта, бир эр икки хотинини баробар яхши курулмайду, мундай булса, икки хотуни орасида мадора қилсун.

У з о қ б о й (*халқга қараб*) — Худога шукр, узри билан адолатидан қарийб қутулдик, энди мадораси қолди. (*Муаллимга.*) Тақсир, мадораси нима? Манга узбаки гапурунг. Ман ундақа муллаёна гапларга тушунмайман!

М у а л л и м — Масалан, яхши курадургон хотунига унча куб илтифот қилмасунки, бошқа хотунининг рашки келатургандек булсун. Яхши курмайдурган хотунини ҳам унча илтифотсиз қолдурмасунки, кунгли ранжийтурган даражага етсун. Ана, мадора деб шундай муомалани дерлар.

У з о қ б о й (*халққа қараб*) — Худо урди энди. қолган умримизни мадора билан утқарар эканмиз. (*Муаллимга.*) Тақсир, мадорангизни ҳам онгладим, лекин буни доим қилиб булмайду. Мадоранинг 3—4 кундан зиёдаси кишининг ичини қизитаду. Бизни сабил қолган жонимиз йўқки, мадора йулида сарф қилсак.

М у а л л и м — Сузларингиздан маълум булдики, сизнинг хотун олмоқ учун ҳеч бир узрингиз йўқ экан. Яна хотунларингиз орасида адолат ва мадора ҳам қилолмас экансиз. Бас, бу ҳолингизда шариат юзасидан сизга янги хотун олмоқ дуруст эмас.

У з о қ б о й (*жавоб тополмасликдан табассум ва маддоҳона ила бир пиёла чой узатиб*) — Тақсир, сиз билинг-у жуда тўғриси айтинг! Шу гапларни китобга куруб айтаёсизми? Ёки ман билан чақ-чақ қилмоқ учун ичингиздан чиқариб айтаёсизми? (*Ёлиниб.*) Пирини арвоҳи, ростини айтинг?

М у а л л и м (*жиддият ила*) — Бу айтган сузларим уз бошимдан чиқган фикр ва хаёл эмас ёки баъзи сафсата китоблардан ҳам эмас. Балки Қуръони Каримдан, худонинг сузидур.

У з о қ б о й — Ҳай, ҳай, ҳай, тақсир, китоб сузини сафсата демангки, қабоҳат буладур-о! Узингиз мулло булуб туруб билмайсизмики, китоб сузидан шак келтурган киши кофир буладур.

М у а л л и м — Баъзи нодон муллалар ёзган китобларда муболиғалик ва сафсата сузлар куб буладуки, уни сизлар билмайсизлар... Мана! Китоб сузига шунча ихлос ва эътиқодингиз бор экан. Ман сизга Қуръони Каримдан гапураётибман. Нима учун гапимга ишонмагандек булуб турубсиз?

У з о қ б о й — Тақсир, тўғриси дессам, шу сузларингизнинг ҳақлигида шубҳам бор. Агар шу сузларингиз китоб сузи булса эди, аллақачон катта уламолардан неча мартаба эшитар эдук. Бизлар доим уламолар билан ҳамсуҳбат булуб тураимиз, лекин ҳалигача ҳеч бирларидан мундай сузларни эшитганимиз йуқ. Ёки сизлар биладурган масалаларни алар билмайларми?

М у а л л и м — Йуқ. Ман биладурган масалаларни алар ҳам биларлар. Аммо аларнинг бир ямон одатлари борки, авом мажлисида утурганда, авомларга ёқмайдурган мундай кераклик масъалаларни суйламайлар. Қадимги замонда авом халқи уламога тобе экан, лекин, афсуски, бу замонда уламомиз авомларга тобе ва хушомадгуй булуб қолганлар. Шу сабабдан халқ орасида жувонбозлик, шаробхурлик ва куб хотун олуб, аларга жабру зулм қилишдек шарият ман қилган ишлар кундан-кун купайиб кетаётибдур.

У з о қ б о й (*бир оз аччиғланиб*) — Тақсир, уламо ҳақида мундай адабдан ташқари гаплар айтманг, қабоҳат буладур... Тақсир, сузни қисқа қилинг. Бу сузлардан муродингиз нима? Яъни 2-хотун олма, дейсизми?

М у а л л и м (*жиддият ила*) — Сизни 2-хотун олмоқдан ман қилишга, ҳаққим йуқ. Агар хотунларин-

гиз орасида мадора қилалмасликдан қурқмасангиз, шариат юзасидан 4 тагача хотун олмоқингиз жоиз.

У з о қ б о й — Ҳа, баракалла, ана гап тамом булди. Тақсир, ман адолат-падолатни билмайман. Шунча уламоларимиз, улуғларимиз 4—5 та хотун олаётубдурлар, ман ҳам кучум етса, ушанча хотун оламан. Агар хотунларимнинг ҳар қайсиси гапимга кирмай, мани хафа қилса, ухшатиб ҳуб ураман. Булмаса, мани оёқ ости қиладур. *(Қулини юзига суртуб.)* Омин, облоҳу акбар. *(Оллоҳ акбар.)*

М у а л л и м — Бой амак, сиз қуб қизиб кетаётибсиз, секинроқ гапурунг. Хотунларни ноҳақ сукмоқга ҳеч кимнинг ҳаққи йуқ, хотунлар ҳам бизлардек одам бола-си, бизлардек ҳуқуқлик инсон. Алар тилсиз ҳайвон эмаски, бизлар хоҳлаганимизча ишлатсак. Ҳолбуки, шариат юзасидан ҳайвонларга ҳам жабр ва зулм қилмоқ дуруст эмас. Пайгамбаримиз алайҳиссалом сабоҳаларга айтибдурларки, «Сизлардан энг яхшиларингиз уз хотунларига яхши муомала қиладурганлари».

У з о қ б о й *(оёққа туруб)* — Ман бир таҳорат ушатиб келай. *(Нос чекиб, чиқиб кетар.)*

М у а л л и м *(Узоқбойга)* — Бу туғрида айб авомда эмас, айб уламомизда. Уламо ҳар қандай ишни қилса, халқ ҳам ушал ишни яхши-ёмонлигини уйламасдан қила берадур. Сув бошдан лой буллуб келган. Шунинг учун: «Фасод ул-олим фасод ул-олам», демишлар. Уф!.. Э, худо, узинг уламоларимизга инсоф ва басират бер!..

(У з о қ б о й қулларини белбоғига арта-арта кирар.)

М у а л л и м *(оёққа туруб)* — Хайр, манга рухсат бер! Кетаман.

У з о қ б о й *(белбоғини боғлаб)* — Хайр, шундайми? Ҳали кетасизми? Яна бир марта чой ичар эдук!

М у а л л и м *(эшик тарафига юруб)* — Йуқ, раҳмат! Чойни қуб ичдук. Хайр, фиамонлоҳ. *(Чиқар.)*

У з о қ б о й — Ундай эса хайр, худога тобшурдук. *(Халққа қараб.)* Уф! Бу мулланинг ё бирор яширин касали бор ёки узининг 2-хотун олмоққа пули йуқ-дия!

(Шул чоғда эшон бобо кирар.)

Э ш о н б о б о — Ҳо, болам, димоғингиз куйган. Меҳмонингиз қани?

У з о қ б о й — Меҳмон кетди. Бу ёққа утунг, хафалигимнинг сабабини айтаман. Гап қуб.

Э ш о н б о б о — Йуқ, болам, кетаман. Ҳавлиға

бир киши келмоқчи эди. Шомни укуб келаман. Сунгра маслаҳатимизни тамом қиламиз. Хайр, қани, гапнинг таги нима? Тез-тез гапурунг!

У з о қ б о й — Э, шу боғи мулло: «Бирдан ортуқ оладурган киши хотунларига олат қилсун, булмаса 2-хотун олиши аз рўйи шариат дуруст эмас», деб димогимни куйдурди.

Э ш о н б о б о (*аччигланиб, баланд товуш ила*) — Э, номаъқул қилубдур у бир ути олунмаган уқимча муллаи нодон! Булар шариатни қачон биларлар. Шариатни катта саллалик уламолар биларлар-дия. (*Соқолини курсатуб.*) Бизлар қарийб 70 га кириб ҳалигача ҳеч бир уламодан мундай адолат-мадолат деган сузларни эшитганимиз йуқ. 7 ешардан 70 ешаргача ҳамма одамлар биларларки, аз рўйи шариат 4 та ва 5 тагача хотун олмоқ дуруст... Оҳ! Ушал вақтда ман йуқ эканман-дия, уқимча муллони хуб ухшатиб бесобруй қилар эдим-куя. Оббоҳ! Толони баланд экан. Булмаса умрида эшитмаган сузларини мандан эшитар эди... Астағфирилла алаилаъзим.

У з о қ б о й — Ҳа, сиз булганда, иковлашуб уни хуб бемаза қилуб қуяр эдик-ку. Хайфки, ман ёлгузлик қилдим-дия.

Э ш о н б о б о — Астағфирулла альъазим. Охир сиз айтмадингизмики, «То сан одамларга насиҳат бергунча, шариатдан гапургунча, аввал мувофиқи суннат узингни буртингни ол, соқолингни қирқмасдан куйки, кукрагинга тушсун!»

У з о қ б о й — Гавгомиз қарийб «хайф санга» оид булган эдики, узи ҳам гапнинг тагини онглаб, «фирт» қилуб қочиб кетди.

Э ш о н б о б о — Хайр, утган утди, энди утганга саловот. Сиз бу вайдан асло хафа булманг! (*Чиқар.*)

У з о қ б о й — Йук, хафа булмайман. Хайр! (*Кетидан чиқар.*)

П а р д а т у ш а р

ИККИНЧИ ПАРДА

Тансуқойнинг уйи. Уй жиҳозлари урта ҳолда. Девор михларига ойна, аёл, эркак ва болага махсус ҳар хил кийимлар осилган. Т а н с у қ о й бир четда утириб, деворга суяниб, ушбу байтларни уқуя-уқуя дўшпи тикканда, парда кўтарилур.

Т а н с у қ о й —

Умрим охир булғонда на қилгойман, худоё!

Жон халқумға келганда на қилгойман, худоё!

Жоним жудо булғонда, таним мунда қолганда —

Тахта узра олғонда на қилгайман, худоё!

Қулхужа Аҳмадсан, бандаи нафс илгида

шарманда —

Маҳшар куни булғонда на қилгойман, худоё!

(Осмонга қараб.) Уф, худо! Тавба қилдим, бад қилдим, хато қилдим, хато қилдим! Узинг кечургил гуноҳимни! Сандан бошқа пушту паноҳим йуқ! *(Шул чоғда саҳна орқасидан тақир-туқур товуши эшитилур.)* Ана, отаси келдилар! *(Оёққа туруб, ойнага қараб тез-тез узини ухшата бошлар.)*

У з о қ б о й *(саҳна орқасидан баланд товуш ила)* — Ишши! Иш, дейман! Иш, эй, ҳаром ууул! *(Қичқирар.)* Баҳоиддинқул! Келиб эшакни боғла.

Т а н с у қ о й — Хуш, хуш, мана чиқдим! *(Югуриб чиқар. Озгина фурсатдан сунгра У з о қ б о й, қулида халачўп, кирар. Унинг кетидан хотуни хуржунни базур қутариб кириб, бир четга қуяр.)* Уффф, хуржин, оғир экан, нима олиб келдингиз, отаси?

У з о қ б о й *(халачубни узатиб)* — Ма!... Бу оқшом 3—4 та меҳмон келадур. Шунга майда-чуйда нарсаларни купроқ кетурдим, тахминан шунга 3 та-воқ (табақ) ош-палов пишурсанг буладур.

Т а н с у қ о й — Бошқа хил ош керак эмасми?

У з о қ б о й — Йуқ, паловнинг узи кифоя. Меҳмонлар унча такаллуфларга арзий турган улуг кишилар эмас. *(Уст тунини сугуриб бериб).* Ма!... Дуппимни бер!

(Тансуқой тунни олуб, миҳга осиб, дуппини олуб кияр.)

У з о қ б о й — Дамланган чойинг борми? Жуда сувсаб келдим. *(Утириб.)* Уффф, букун ҳаво жуда ис-сиғ булди-э, куйдум. *(Этаги билан узини елпир.)*

Т а н с у қ о й — Ҳа, бор, отаси. Узум ичаман деб бир чойнамиз дамлаб қуйган эдим. Хайр, энди бир-га ичишамиз. *(Кста туриб қуяр.)*

У з о қ б о й *(чойни сузар)* — Сизларга бир-икки хил галати чит кетурдим, хуржундан ол!

Т а н с у қ о й *(шодланиб, қоғозга уралган читларни очиб курар)* — Бай-бай, қандай яхши, қандай ях-

ши читлар олиб келибсиз! Муниси жуда галати экан, узимга куйлак қиламан. *(Бошқа бирини олиб.)* Мунисини Баҳриддинқулжонга куйлак-иштон тикиб берман ёки сизга тикиб берайми, отаси?

У з о қ б о й — Йуқ, манга керак эмас. Баҳриддинқулинга тикиб бер. Манга шу эски-пускилари була берадур. *(Бир пиёла чой узатар.)* Ма! Чой ичасанми?

Т а н с у қ о й — Ҳайр, беринг! *(Олиб ичар.)*

У з о қ б о й *(кийимларини курсатиб)* — Ҳамма кийимларим кир булиб қолибдур. Буқчада тоза кийимларим булса олиб бер!

Т а н с у қ о й — Йуқ, тозаси йуқ. Кийимларингизнинг ҳаммаси кир, отаси. Бугун 2 танур нон пишириб, чарчаб, кир юва олмадим, эрта булса якшанба, кир ювмоқ дуруст эмас. Ҳайр, энди душанба куни кийимларингизни ювуб бераман-дия. *(Пиёлани берар.)*

У з о қ б о й — Э, шунақа ирим-жиримингни куйсанг-чи. Эрта куйлак-иштонларимни ювиб бер. Ҳар қанча уволи булса, мани буйнумда.

Т а н с у қ о й — Йуқ, отаси-я. Якшанба кунда кир ювмоқни асло хосияти йуқ, дерлар. Эру хотуннинг орасида совуқлик тушар экан. Ҳайр, ҳеч воқеа йуқ, яна бир кун сабр қилинг, отаси. *(Урнига утуруб, дупписини тика берар.)*

У з о қ б о й *(истеҳзо ила)* — Оббоҳ! Зур иш булур экан, ирим-жиримингиз курсун! *(Халққа қараб.)* Якшанба кунда кир ювманг деб худо ва расулдан буйруқ келганми денг-а! *(Чой ичар.)*

Т а н с у қ о й — Ундай деб шак кетурманг, отаси. Бу гаплар китобда бор экан. Қайси кун биби халифам уқуб бериб эдилар.

У з о қ б о й — Ҳали шундайми, хайр. Шу вақтгача ман бу иримларни аёлларнинг чархи дукидан чиққан, деб юрган эдим.

Т а н с у қ о й — Ҳа, шундай отаси. Бизларнинг расм ва иримларимизнинг ҳаммаси китобдан чиқгон-о! Асло шак кетурмангки, қабоҳат буладур. *(Дуппини кетуруб.)* Бу дуппини сиз учун тикаёбман. Қани, бошингизга қўюнг, тузукми?

У з о қ б о й — Ҳайр, қани, бисмилла... *(Бошига кияр.)*

Т а н с у қ о й — Ҳай, ҳай жуда лойиқ, бинойи буллубдур. Шундай ярашдики, амирдек булдингиз.

У з о қ б о й (*табассум қилиб*) — Сани кўзунга шундай кўрунамандия. Агар мани бозорга чиқариб сотаман, десанг, ҳеч ким 3 пулга олмайду. (*Дуппини бошидан олиб берар.*)

Т а н с у қ о й — Одамлар сизни 3 пулга олмасалар ҳам майли. Ман сизни минг тиллога ҳам сотмайман. (*Жойига келуб.*) Ман сизни яхши кўраман, кўзимга тура ва амирдан ҳам яхшироқ кўринасиздия, отаси! (*Яна дуппи тикар.*)

(*Шул чоғда биров саҳна орқасидан чақирар: «Узоқбой! Ҳо, Узоқбой!»*)

У з о қ б о й — Хуш, хуш! (*Оёққа туруб, хотунига.*) Баҳоиддинқул мактабдан келса, буюр, эшакнинг охурига ут солуб, тагини тушурсун! Қолган чойни қайтуб келуб ичаман. (*Чиқар.*)

(*1—2 дақиқадан сўнгра Баҳоиддинқул келиб, салом бериб, онасининг кўлидан упар. Онаси анинг манглайдан упар.*)

Т а н с у қ о й — Ҳа, уғлум, озод бўлиб келдингми?

Б а ҳ о и д д и н қ у л — Ҳа... Она! Манга «жаз»лик кулча пиширдингизми? Жуда оч қолдим (*Китоблари билан салла-жомасини миҳга осар.*)

Т а н с у қ о й — Ҳа. Хаёллама, олиб е, қорнингни нондан тўйгазма, уғлум! Ош вақти булган.

Б а ҳ о и д д и н қ у л — Хайр, булмаса, бир кулчанинг ярмини еярман. (*Нон олар.*)

Т а н с у қ о й — Ма, бу қандолатни ҳам олиб е! Туно кун отанг тўйдан кетурган эдилар. Томогимдан утмай, санга сақлаб қўйган эдим. (*Киссасидан чиқариб берар.*)

Б а ҳ о у д д и н қ у л (*олиб, шодланиб*) — Вой, онажон, илоҳи мингга кириг-э. Қуруқ нонни кўнглум тортмай турган эди. (*Чиқиб кетмоқчи булар.*)

Т а н с у қ о й — Баҳоиддинқулжон!

Б а ҳ о и д д и н қ у л (*бурилиб қараб*) — Лаббек!

Т а н с у қ о й — Эшакка наҳорий бериб, тагини шупуриб сўнгра кучага чиқ, уғлум! Отанг айтиб кетдилар.

Б а ҳ о и д д и н қ у л — Ҳалиям шундай қиламан. Отам ташқарида узумга ҳам айтиб эдилар. (*Яқинроқ келиб.*) Она, отам «Эрта аввалги эски мактабинга боравер», дедилар. Нимага бундай дерлар-о? Бу домлам жуда яхши-ку!

Т а н с у қ о й (*ҳайрон булуб*) — Э-э, отангни жин

урибдирми? Нимага бундай дер эканлар. Бор, ишингга кета бер, ман узум отангга гапураман.

Баҳоиддинқул — Отам мани улдираман десалар ҳамки, энди эски мактабга бормайман. Онинг домласи ёмон, фаллоқи бор. *(Чиқар.)*

Тансуқой *(уз-узига)* — Тавба. Баҳоиддинқулнинг отаси ажаб ғалати одам-дия. Узлари биларларки, Баҳоиддинқул неча йиллардан бери эски мактабларда уқуб ҳеч нима булмади, лоақал намозни ҳам урганмади. Энди худога шукур, бу янги мактабга борганидан бери намозлигини ҳам билаётибдур. Уқиш-ёзишни ҳам урганаёбдур. Мана, хийла адаблик ҳам булубдур.

(Узоқбой кириб утуруб, яна чой ичар.)

Тансуқой — Отаси! Нимага Баҳоиддинқулга аввалги мактабингга бор, дебсиз?

Узоқбой — Ҳа, бу домласи манга мақбул булмади, эски мактабига бора берсин.

Тансуқой — Нимага маъқул булмади, охир? Бу янги домласи жуда яхшигина уқутуб турган эди-ку. *(Эрига қараб секингина.)* Отаси! Ёки бу домла ҳам жувонбоз эканми? Баҳоиддинқулга хушомад-пушомад қилибдурми?

Узоқбой — Йуқ-э-э, ундай эмас. Бу домласи — жадид. Жадидлар жувонбозликни ёмон кўрарлар.

Тансуқой — Ундай булса, ҳар нима учун бу домла манга маъқул булмади, дейсиз?

Узоқбой *(бир оз аччиғланиб)* — Оббоҳ! Мунча гапни чузар экансан. Жадидларни эътиқоди соф булмайдур. Сан билмайсан, шу домла туно кун келиб, хотунлар олмоқ туғрисида ман билан қанча масала талошлик қилиб кетди. *(Хотуни ҳайрон булуб қарар.)* Буларнинг эътиқодига қараганда, бирдан ортуқ хотун олмоқ жуда қийин экан... Адолатми, мадоратми, аллаким нима гуру шурлар лозим эмиш.

Тансуқбой *(халққа қараб)* — Ҳа... букунлар бирор ҳодиса булганга ухшайдур. Эримнинг йусуни бежо! *(Эрига.)* Бу гапини бошқа бирор маъноси бордур. Сиз онгламагандурсиз?

Узоқбой *(аччиғланган товуш ила)* — Онгладимми, онгламадимми, қуй, гапни чузиб юборма! *(Юзини қайтаруб.)* Манки, ноқис ул-ақл, хотунлар билан гаплашуб утурсам, энди ман аҳмоқ булмай, ким аҳмоқ булсун! *(Халққа.)* Шул сабабдан «Хотунлар суҳбатига купроқ утурган киши аҳмоқ буладур», дерлар-дия.

Тансуқой *(оҳ тортиб)* — Хайр, хайр, ман

билмайман, отаси... Узингиз билан ишингизни қила беринг. Сизнинг хурсандликингиз ҳар нимада булса, ман ҳам ушанга хурсанд. *(Бир оз сукут.)* Ҳа, айтгандек, боёги чақирган киши ким экан? Нима дер экан?

У з о қ б о й — Насимбой журамиз экан. Туйига хабар қилиб кетди.

Т а н с у қ о й — Нима, туйи экан?

У з о қ б о й — Никоқ туйи. 3-хотун олур эмиш. Ма! Чой ичасанми?

Т а н с у қ о й — Йуқ, булдум, ичмайман... Вой юзи қурсин-эээ! У қандақа одам экан!

У з о қ б о й — Унинг қандақа одамлигига нима ишинг бор? Кучи етар экан, хотун олмасунми?

Т а н с у қ о й — Ишим йуққу-я, айтаман-дия. *(Тикилиб қараб.)* Отаси! Букун нимага хаёлингиз паршон? Думофингиз куйган. Ёки бозорда бирор киши билан урушиб келдингизми? Қани, гапуринг...

У з о қ б о й — Йуқ. Ҳеч ким билан урушганим йуқ... Сани ҳолу аҳволингга қараб баъзи вақт бирдан хаёлим қочадур. *(Хотуни дуппи тикмай, қараб турур.)* Ҳали кир юваёбсан, ҳали нон пишураёбсан. Яна алланималар қилаёбсан, хулосаки, ёлгуз бошингга минг иш тушган. Бир нафас роҳат юзини кура олмайсан. Бу ҳол билан кета берсанг, оз вақтда ишдан чиқиб қоласан-дия. Ана, мани, хаёлим шу важдан қочган. Билдингми? *(Қулини чойникка тикиб, шамасини олуб, чайнаб ютар.)*

Т а н с у қ о й — Рост дейсиз. Нима қилай, отаси? Бошимга тушган ишни қилабераман-дия. *(Дуппи тикиб.)* Мани қайнонам булмаса ёки овсуним булмасакки, манга ёрдами тегса... Оҳ! Кошки Сожида қизим улмаган булса эди, ҳали ёнимда дастёр булиб қолур эди. Ман ҳам мунча азобда қолмас эдим. Хайр, толеим-дия! Бу жиҳатдан пешонамда ҳеч нарса ёзилмаган экан.

У з о қ б о й — «Иссиқ тан дардсиз булмас», дерлар. Узинг хуб биласанки, одамнинг бир кун касал булмоғи бор. Ман уйлайман: худо курсатмасун, агар сан мабодо 1—2 кун нотоб булуб қолсанг, уйнинг ҳоли нима булур?

Т а н с у қ о й — Бу важдан ғам еманг, отаси! Ундай булганда, худога шукур, мани онам бор. Келиб, уйга қарашуб турарлар-дия.

У з о қ б о й — Э, қуй, қуй онангни! Оғзингга

олма! У бечора 70 га кириб, кампир булиб қолган, у қайси ишнинг улдасидан чиқадур? Илгари 1—2 мартаба шундай мавридларда келиб, фақат санга оз-моз қарашган эди. Аммо уй ишларининг ҳеч бирини қилмаган эди. Узи асога суяниб, қалтираб базур юрадир-у, нон пиширолмаса, кир юволмаса. Бирор камбагал бева хотинни хизмат учун сақлай, десам, ул ҳам туғри келмайдур. Чунки бир ёқдан онинг номаҳрамлиги бор. 2-ёқдан бегона хотунга унча ишониб ҳам булмайдур. Ана, ман шу ҳолларни уйлаб, нима қилишимни билмай, ҳайрон булуб турибман... Ма, чойник ва пиелани олиб, токчага қуй.

Т а н с у қ о й (*олиб қуйган вақтда*) — Хайр, отаси, то жоним бор— ҳар қанча хизмат булса, узумдан қолмайдур. Қачонки қари булиб, ишдан чиқиб қолсам, сунгра бир ҳисобини топасиз-дия. Бу туғрида беҳуда хаёл қилиб хафа булманг.

У з о қ б о й (*қопчугидан туморга ухшаш бир қоғозни чиқариб*) — Ма! Куз туморини эшон бобо бердилар. 7 қабат жилт қилиб Баҳоиддинқулнинг дупписига тикиб қуй! (*Тансуқой шодланиб, олиб пешона бандининг учига боғлаб қуяр.*) Кел, маҳсиларимни торт! (*Тансуқой маҳсиларни сутуриб, бир четга куюб, урнига утурар, яна дуппи ила енгил булуб турар.*)

У з о қ б о й (*оёққа туруб, белидаги узун футасини оша-оша*) — Ой, манга қара! Ман кунглимда бир ишни маъқул кўрдим. Қани, сан шунга нима дейсан?

Т а н с у қ о й — Нима иш экан? Айтинг!

У з о қ б о й — Санга хизмат қилмоқ учун бирор бева-мева олсам, қандай буладур. Сан шу ишга нима маслаҳат берасан? (*Утурар.*)

Т а н с у қ о й (*қути учиб, қулидаги дупписи ерга тушар*) — Ҳали гап шулми? Вой, ман улайин!

У з о қ б о й (*уялиб, табассум ила*) — Қурқма, қурқма! Ман уни чурилик учун оламан, деяпман-ку! Манга узи керак эмас, хизмати керак.

Т а н с у қ о й — Йуқ-о, манга чури ва хизматкор керак эмас. Ман узим ҳам чурингиз, ҳам хотунингиз. Вой, юзум қаро, энди кундошдор буламанми? (*Оҳ, тортиб.*) Ҳа, энди нима ёмонлик кўрдингизки, хотун оламан, дейсиз? (*Дупписини олиб, бир латтага ураб қуяр.*)

У з о қ б о й — Ман сандан ҳеч ёмонлик кўрганим йуқ. Сан яхши, яхши кўрганимни узинг ҳам биласан-

ку. Бу тугрида мани ҳақимда гумони бад қилма. Уни олганимдан сунгра сан ойим булуб, 7 қабат курпача устига угуриб, қулингни совуқ сувга ҳам урмайсан, ҳар қанча хизмат булса, ўзи қила берадур. Тузукми?

Т а н с у қ о й (*баландроқ товуш ила*) — Йук, йук-о, ман кундошдан безор-о-о. Вой, илоҳи кундошнинг юзи курсин... Агар сиз мани чинаки яхши курсангиз, мундай гапларни асло оғзингизга олманг. Мен сиздан бир нафас айрилсам, уламан. Биласизми?

У з о қ б о й — Биламан, биламан, ман ҳам сендек... Ҳозир билдимки, сан мани ҳақимда бошқа хил гумон қилдинг. Бу гумонинг хато. Сан уйлайсанки, ман хотун олгандан сунгра санга унча қарашмасам ёки сани бутун унутиб, сўфи қилиб қўйсам, йук. Бу вайдан хотиржам бул. Ман ундай инсофсиз одам эмасман. Ман хотунни сан учун оламан, деяпман-ку. Биласанми? Агар сан рухсат берсанг, ойда-йилда онинг уйига ҳам 1—2 мартаба кириб чиқаман. Булмас — йук.

Т а н с у қ о й — Отаси! Бу хом ваъдалар билан мани алдай олмайсиз, ман сизни ҳамма сўзингизга ишонаман, аммо кундош вайҳидан сизга ишонмайман, ҳа!!! Мани сиздан умидим шул эдими? Манда нима айб кўрдингизки, хотун оламан, дейсиз?

У з о қ б о й — Қуй, қуй, гапурма, энди тамом булди. Билдимки, бу тугрида хотунга ҳеч бир гапни маъқул қилдириб булмас экан. Уф-ф-ф!

(*Халққа қараб.*) Биз хуб одам билан маслаҳат қилишар эканмиз. (*Нос чскиб, бошини солиб, уйлаб тупар.*)

Т а н с у қ о й — Ман баъзи кишиларнинг хотунларидек уй ичида исрофкорлик, хиёнаткорлик қилмасам. Сизни бир нарсангизни уйингиздан беижозат бировга бермасам. Ёки ман баъзи хотунлардек қулимдан иш келмайдурган ҳунарсиз булмасам. Ёки том ва девордан, эшикнинг тирқишидан номахрам кишиларга қарайдурган бузук хотунлардан булмасам. Ёки ман баъзи кучагарда хотунлардек туй ва аза ва зиёфат ва ҳаммомни баҳона қилиб бемавруд кучага чиқадиған булмасамки, мандан кунглингиз қолиб, устумга хотун олсангиз. Ман дунёда кўз очуб фақат сизни кўрганман. 15 йилдан бери қанча умидлар билан этагингизни ушлаб юрибман. Ҳалигача ҳеч бир вайдан мани

хафа қилганингиз йуқ эди, энди хафа қиласизми? Энди бсвафолик қиласизми? *(Йиглар.)*

У з о қ б о й *(носини туфлаб)* — Э, куй, йиглама! Азбарои худо, йиглама! Сани йиглаганингни курмоққа тоқатим йуқ.

Т а н с у қ о й — Тоқатингиз булмаса, хотун олманг. Агар мани ҳолимга раҳмингиз келса, агар мандан заррача умидингиз булса, зинҳор бу ишни қила курманг... Келиб, мандан маслаҳат сурайсиз-а! Дунёда қайси хотун узининг устига келадурган кундош учун маслаҳат берубдур?! Узингиз билмайсизми? Хотуннинг рашки жидо баланд буладур. Хоҳ хотунни улдиринг, хоҳ устунга хотун оламан, денг, иккави баббаробар. *(Йиглар.)*

У з о қ б о й *(оёққа туруб, этагини қоқар; халққа қараб)* — Муни ҳолига қарасам, раҳмим келадур. Шайтон айтадурки, икки кунлик дунё ганимат, хотун ол! Аммо раҳмон айтадурки, хотун олма! *(Уйлар.)* Кел-э, нафс! Сани ҳам йулунга боруб, думоғингни чоқ қилай! Бу дунёда армонинг қолмасун! *(Хотинига жиддият ила.)* Э, манга қара! Бехуда йиглама! Йигламоқдан ҳеч мурод ҳосил булмайдур. Ман сандан бир гап сурайман, шунга тугри жавоб бер. Сан мусулмонми?

Т а н с у қ о й *(кузларини артуб, қараб)* — Алҳамдулилло, мусулмонман.

У з о қ б о й — Ҳа, баракалла! Алҳамдулилло, ҳаммамиз мусулмон. Узунг биласанки, ҳар бир мусулмон кишига 4 тагача хотун олмоқ дуруст. Ман букун 2-хотунни олмоқни қасд қилибман. Санки, мусулмон булсанг, букун тақдирингга тан бериб, ризо бул-дия. *(Эшик тарафига юрар.)*

Т а н с у қ о й *(оёққа туриб)* — Мани азиз бошимга раҳм қилинг, отаси! Сиз хотун олсангиз, ман уламан. *(Йиглар.)*

У з о қ б о й — Қуй, бехуда йиглама! Нафъи йуқ. *(Чиқар.)*

Т а н с у қ о й *(эрининг кетидан 1—2 қадам юриб, халққа қараб йиглаган товуш ила)* — Э, худо, эримга узинг инсоф бер! Ёки кундошнинг юзини курсатгунча тезроқ жонимни ол! Эй худо, ҳозир жонимни ол! Энди улганим яхши! Э, вой-й-й!

П а р д а т у ш а р

УЧИНЧИ ПАРДА

Гансуқой билан Суяройнинг уйлари. Қўш уй орасида деворнинг унг ёқлагиси Тансуқойники булиб, жиҳозлари аввалгича. Тарафдаги уй Суяройники булуб, жиҳозлари куп ҳам деворлари зоний, болинпуш каби нарсалар билан зийнатланган. Тансуқой уз уйини супуриб турган, Суярой уз ҳолидан узига шикоят қилиб турган ҳолда парда кутарилур.

Суярой (*деворга суяниб, бир нарсани тикатика ва маъсиятлик ҳолатда уз-узига*) — Оҳ! Маним бу зоҳирий ялоқ-юлуқ зийнатларимни курган кишилар айтадурганларки, «Суярой хуп бахтлик-дия. Дунёнинг молу матоидан, зебу зийнатидан ҳеч камчилиги йўқ. Эри ҳам яхши кўруб, Суяройнинг тортган хатидан чиқмайдур. Егани олдида, емагани кетида, ҳар вадан вақти хуш, думоғи чоғ», деб. Оҳ! Мундай уйлайдурган кишилар кошки мани кунглумдаги қайғу ва ҳасратлардан мингдан бирини билсалар эди. Ул вақтда мунча хато гумон қилмоққа ҳожат қолмас эди... Киши дунё моли билан ёки яхши кўрган билан асло бахтлик булмайдур. Бахтлик булуб, роҳат билан яшамоқ учун икки тарафнинг муҳаббати керак... Муҳаббатсиз эру хотунликдан, муҳаббатсиз тирикчиликдан минг мартаба улум яхши. Оҳ! Ман бу ерга уз хоҳишим билан келган эмасман. Мани отам, инсофсиз отам уз ихтиёри билан Узоқбойга берди. Келганимга 6 ой булубдур, ҳалигача бир соат нари турсин, бир дақиқа шодлик юзини курганим йўқ. Чунки Узоқбойнинг қилиғи, ахлоқи, ҳаракатлари манга маъқул эмас. Тугриси, муниг юлдузи манга мувофиқ тушмаган. Маним кунглумда онинг заррача муҳаббати йўқ. (*Йиғлаган товуш ила.*) Шул сабабдан маним еганим заҳар, кийганим кафан. Энди нима қилай, қаёққа борай, қочмоқ мумкин булмаса, қочган билан қутулолмасам. Ҳар бир соат кузумга бир ойдек узоқ кўринадур. Энди бу эру хотунлик умрлик савдо булса. Бир ойлик ёки бир йиллик иш булсаки, тишимни тишимга қўюб чидаб турсам, сабр қилсам. Э, худо, узинг тузум бер. Ёки эримнинг муҳаббатини кунглумга сол — ё тезроқ жонимни олки, энди мундан ортуқ қайғурмоққа ҳолим йўқ. (*Ташқарига чиқар.*)

Тансуқой (*супуриб булиб, супургини бир ёққа отар*) — Уф-ф! Нафасим бугзимда тикилди, вой, бо-

шим айланиб кетди-э, *(Кукрагини ушлаб, узун йуталур.)* Э, худо! Тезроқ мушқулимни осон қил. Энди жонимдан тўйдим. Бир тарафдан, отасининг жабру зулми, иккинчи тарафдан, кундошдорликнинг азоби мани оёқдан йиқитди. Энди сил булубман *(Яна йуталур.)* Эй худо! Даргоҳингга қандай ношукрлигим утган эканки, мани мундай балоларга гирифтор қилдинг. Оҳ, ман қандай бахти қаро эканман, кошки онадан тугилмаган булса эдим. Букун қандай қаро кунларни кўрмаган булур эдим. Уйқумда роҳат булмаса, утириш-туришимда роҳат булмаса. Балки ҳайвонларда тинчлик, роҳат бордир. Ҳайвонларда ҳам уз ҳолига яраша бахт ва саодат бордур, аммо манга йўқ. Уйдаги ишлар мани бўйнимга тушкан. Кундошим булса, келганидан бери қулини совуқ сувга ҳам ургани йўқ. Мунинг устига, ман билан отасининг орамизда чақимчилик қилиб, совуқлик туширгани мани бутун куйдурди. Кеча-кундуз йўқ гапларни, булмаган ишларни айта-айта, охир отасининг кунглини мандан қолдирди. Қанча туҳматларни бўйнимга тақиб, мани отасининг кўзига ёмон қилиб курсатди. Мани шу суюклик дўстимдан, умрлик рафиқимдан ажратди. Хайр, илоҳи узи ҳам мандек булсун, узи ҳам мандек яхши кўрадурган ёридан айрилиб, сил булуб улсун. То ҳалқумимда ҳул бор, шундай қаргайман. *(Яна йуталур. Шул чоғда сахна орқасидан оёқ товуши эшитилар.)*

Т а н с у қ о й *(шошиб)* — Э, отаси келиб қолди-ми? *(Офтобга ҳам сояга қараб.)* Ҳа, мана соя бу ерга тушубдур. Ош вақти булган экан. Тезроқ сабзини тўраб олай.

(Халтадан сабзи олиб, пичоқ ила пустини олиб турган вақтда Узоқбой йуталиб кирар. Тансуқой оёққа туруб, салом бериб, яна утуруб, уз ишига машғул булар.)

У з о қ б о й *(илтифот қилмай, қовоқ солиб)* — Ҳа, энди сабзи тўграяпсанми? Ошинг қачон булур?

Т а н с у қ о й — Шомдан кейин тайёр булар. *(Йуталур.)*

У з о қ б о й — Уҳ-ху-у-у, кеч булар экан-ку. Тез бул, тез бул. Барвақтроқ тараддуд қилсанг булмас эди-ми?

Т а н с у қ о й — Нима қилай, отаси, тобим йўқ. Ёлғуз узим қайси бир ишни бажарай. *(Кундоши та-*

рафга ишора қилиб.) Унга ҳам айтинг, энди ишлай берсун-дия. Қачонгача қимирламай, дам етадур. Эрининг ҳузурини қурадурган киши хизматини ҳам қилсундия! Ман умримда мундай хушқамас хотунни асло курганим йуқ.

У з о қ б о й (*аччиғланган товуш ила*) — Хайр, хайр, кўп вақиллама! Айтаман, у ҳам минбаъд уй хизматини кам-кам қилаберадур... Оббоҳ!!! Қилган хизматларингни дарров миннат қилдинг-дия. Энди қилган-қилмаганинг баробар булди, тамом.

Т а н с у қ о й (*баландроқ товуш ила*) — Ҳа, миннат қилсам ҳам тузук-дия. (*Эрига қараб.*) Манга қаранг! Муни олмасдан илгари нима ваъдалар қилган эдингиз? Эсингизда борми? Инсоф қилинг, отаси! Мандан қурқмасангиз ҳамки, худодан қурқинг. (*Йуталур.*)

У з о қ б о й — Секин-секин гапур, ташқарида меҳмон бор. Ҳамсоялар нима дерлар. Мани дуст ва душманлар орасида шарманда қилдинг-ку. Салламни ерга урдинг-ку.

Т а н с у қ о й — Энди секин гапуrolмайман. Бутун жонимга тегди. Нима қилай? Жоним куйганидан бсихтиёр шовқунлаб гапура бераман-дия! Сиз ҳеч кимни риояи хотир қилмасангиз ҳамки, уғлунгиз Баҳриддинқулнинг хотири учун манга мадора қилиб турмоқингиз керак эди. Сизни мунча жавр ва зулмингизга ман чидаб турибман. Мандан бошқа хотун булса эди, аллақачон чиқиб кетар эди. Биласизми? 15 йилнинг ичида мани бир мартаба «черти» қилганингиз йуқ эди. Энди бу Суярингизнинг гапига кириб, мани азиз бошимга мушт қуядурғон булдингиз-а! Вой, шүрим қурсун!

У з о қ б о й — Бас, бас, булди. Энди кўп шовқунлама... Нима қилай охир? Муддаонгни айт. Уни қуйуб, яна сан минан булайми? У бечора ҳам қанча умид билан этагимни ушлабдур. Энди унга қарашмасам, жавр буладур. У ҳали еш. Сан булсанг, бир мартаба бахт ва саодат куруб, уз даврингни сурдинг. Қуй энди, у бечора ҳам даврини сурсин. Кунглида армони қолмасун.

Т а н с у қ о й — Сиз сўзумни эгри фаҳмладингиз. Унинг баҳридан кечинг, демайман. У билан мағрур булуб, мани унутманг, дерман... Уни ҳар гапига ишониб, мани мунча азоб берманг, дерман. Манга ҳеч

нарсангиз керак эмас, Манга фақат очиқ юзунгиз билан сучук сузингиз керак. Раҳм ва шафқатингиз билан лутфу мадорангиз керак. Ана, сиздан талабим шул. Билдингизми? *(Йуталур.)*

У з о қ б о й — Бу сўзларинг тузук, маъқул. Агар сан маним гапимдан чиқмасанг, ман ҳам бу айтганларингни қиламан.

Т а н с у қ о й — Гапингиз нима, айтинг. Агар маъқулдек булса, жоним билан минг мартаба қабул қиламан.

У з о қ б о й — Санга айтадурган гапим, насиҳатим шулки, кундошингни хафа қилма. У билан ҳар кун урушма, мураса қил! Эшитаманки, сан уни хешу таборинг қошида пичинг отиб, киноялик сўзлар айтиб ултурар экансан. «Туринг, уни қилинг, туринг муни қилинг!» деб иш буюрар экансан. Бу ишларинг яхши эмас.

Т а н с у қ о й — Ҳамма айб унинг узида. Аввал у гапини билиб айтсун, ишини билиб қилсун. Кўрпасига қараб оёғини узатсун, сунгра ман ҳам анга мувофиқ иш қилай-дия. Ман унинг ишини қилсам тузук, аммо унга иш буюрсам, тузук эмасми? Булмаса, ман ундан камми? Ёки ман онинг чурисими? Ё у осмондан тушган, ман ердан чиққанми? Икковимиз ҳам одам боласи, одаммиз. Орамизда тафовут шулки, у бой қизи, ман камбағал қизи эканман. Булмаса, ёшга қараганда, ман ундан улугман, ундан бир неча куйлак илгари йиртган. Энди у аввал мани иззат қилсун, сунгра ман уни иззат қилай-дия. *(Йуталур.)*

У з о қ б о й — Ой, манга қара! Сан бу манманликингни қуй. Агар сан мани хурсандлигимни тиласанг ва ҳам узунгни тинчлигингни хоҳласанг, мундан кейин кундошинг билан жанжал ва ғавго қилма, маним хотирим учун мувосои мадора қил! Булмаса, кунглингни қаро қиламан, онгладингни?

Т а н с у қ о й — Ман мундай уз даражасини билмайдурган чиртак хотун билан асло мувосо қилолмайман. Қулингиздан келган ишни қила беринг. Сиз қизиқми? Қайси одам уз жонининг душмани билан мусово қилибдур?

У з о қ б о й *(аччигланиб, муштини курсатиб)* — Булмаса, ана бу сизларни бир-бирингиз билан мусово қилдирадур.

Т а н с у қ о й — Майли уринг! Кучингиз борича

уринг; улдиринг! Ман улмоқни буйнумга оламан, аммо у билан мувосо қилолмаيمان.

У з о қ б о й — Шошмай тур, ҳали ман сани нима қиламан. *(Чиқиб кетар.)*

Т а н с у қ о й — Ман эримдан гина қилмайман, эрим илгари яхши эди. Ана шу бадбахт кундошим келди-ю, эримни қутуртириб, ман билан гаш қилдирди. *(Тугралган сабзини олиб, ташқарига чиқар.)*

(Суяро й уз уйига кириб, йуқотган бир нарсани излаб турар. Онинг кетидан У з о қ б о й кирар.)

Хотуни салом бериб, яна нарса изламоққа машғул булар.)

У з о қ б о й *(очиқ юз ила илтифот қилиб)* — Ваалайкум ассалом, ҳа! Нимани ахтараёбсиз, бегим! *(Суйлаша-суйлаша, салла-жомасини миҳга осиб, сунгра утуруб, маҳсиларини суғурар.)*

С у я р о й — Сандуқчанинг калиди қуйган жойимда йуқ. Шуни излаб юрубман. Сабил қолсин шул уй. Кунглумга ҳам урубдур. Киши қуйган нарсасини уз жойидан тополмаса.

У з о қ б о й *(ҳайрон бўлиб)* — Эй, уни ким олар экан? Сандуқчада мани пулим бор эди-я... Охтар, охтар! Қаерда қуйган эдинг?

С у я р о й — Ана шул гиламнинг тагида қуйган эдим. Бу уйда уғлингиз билан онасидан бошқа бегона киши кирмаса, кимдан гумон қиламан?

У з о қ б о й — Уҳ, уйим куйди. Булмаса, пулни уғирлатдим, десанг-чи. *(Сандуқчани кулига олиб, силкитиб кўрар.)* Йуқ, пул йуқ, сандуқча енгил. Уф, уйимни орқамда қилдинг, бору будум шунинг ичида эди. Сан қандай аҳмоқ экансан. Калидни эҳтиёт қилмабсан. Агар пулим йуқолса, сани соғ қуяманми? *(Узи ҳам ахтарар.)*

С у я р о й — Қуйган жойимда булмаса, ман нима қилай? Уйимда шу ҳавлидагилардан бошқа ҳеч ким кирган йуқ. Бу яқинларда маним хешу таборим келган йуқки, алардан гумон қилсак.

У з о қ б о й — Ундай булса, Баҳоиддинкул ёки онаси уғурлаган булади-дия. Баҳоиддинкул-ку ҳали ёш. Мундай ишларда ақли етмайдура!

С у я р о й — Ман бировнинг ҳақида гумон бад қилмайман. Пулни ким олганлиги манга қоронгу, аниқ эмас.

У з о қ б о й — Шошмай тур, меҳмонни узатиб

келиб; кундошингни 'бир қийнаб курай. Эҳтимолки, пулни шул угурлаган булса. (Чиқар.)

С у я р о й (киссасидан калидни чиқариб) — Мана, калид ўзимда. Пул ҳам манда... То бу кундошимнинг отини ўғирликка чиқаруб, тилини қисқартирмасам, дўсту душманлари орасида муттаҳам қилмасам, отим Суярой йуқ экан. Пулни бир ерда топшуруб келай. (Уйдан чиқар.)

(Т а н с у қ о й ўз уйига кирар. Кетидан она си ила ўғли кирарлар. Кароматой саломлашуб, бир-бирларини упушуб аҳвол сурашурлар.)

Т а н с у қ о й (кўрпача солуб) — Бу ёққа утунг, онажон, ушбу кунлар сиз билан акамни соғиниб, кузларим учуб турган эди. (Қулни узатиб.) Паранжи чашмбандингизни беринг, тахлаб қуяй.

К а р о м а т о й (утуруб) — Йуқ, қизим, қуй, тахлама. Ман ҳозир қайтаман... (Набирасини ўз ёнида уткузуб, навозиш қилар.)

Т а н с у қ о й — Бу қандай келмоқ! 1—2 кеча ётмасдан даррав қайтиб кетасизми? (Дастурхон ҳозирлар.)

К а р о м а т о й — Оҳ, нима қилай, қизим? Ўзинг биласанки, ҳавлида мандан бошқа уй ишларини бажарадурган киши йуқ... Неча кечадан бери устма-уст тушимда сани нотинч, беҳузур кураман. Ушбу кун жуда тоқат қила олмадим. Сандан бир хабар олиб кетай, деб келдим. Ҳар нима, вақтинг хушми? Кундошинг билан мувосо қилиб юрубсанми?

Т а н с у қ о й (чойникда чой солиб, ўғлига берар) — Ма! Самоварчидан дамлаб кел! (Ўғли чойникни олиб чиқар. Тансуқой дастурхон тарафга ишора қилиб.) Она, нон енг!.. Оҳ, онажон, қайси бир дардимни сўрарсиз. Дардим зур. (Иуталур.) Ман мундан илгари сизга неча мартаба айтган эдимки, кундошим келганидан бери ман бир нафас вақтхушликни кўрганим йуқ. Бу кундош эмас экан, бир бало экан. Кеча-кундуз гиди-гиди қилиб, куёвингизни ман билан гаш қилдириб қуйди. Куёвингиз манга кун курсатмайдурган булдилар. Кирганда ҳам мани урушарлар, чиқгонда ҳам урушарлар, сукарлар. Ҳатто ушбу кунлар худойи саломимни ҳам алик олмайлар. Қайси кун ҳеч беҳуда гапни баҳона қилиб бошимга бир мушт солдилар. 3 соат беҳуш булуб, ўзимни билмай ётдим. (Бошини ушлар.) Ушандан бери,

онажон, миям бежо; жойимдан турсам, бошим айлана-
дур. *(Йиглар.)*

К а р о м а т о й *(раҳми келиб, тасалли берар)* —
Хайр, ҳеч вақо йўқ, қизим, йиглама, йиглама. Эру хотунликда, кундошдорликда шундай гаплар буладур. Худо хоҳласа, эринг билан яна апоқ-чапоқ булуб кетасан. Зарари йўқ, сабр-бардош қил, қизим! Сабр қилсанг, гурадан ҳалво пишар. Ёлғуз санми кундош курган? Шу неча утган азизу авлиёларнинг хотунлари ҳам кундош курганлар. Ушал хотунлар ҳам уз кундошлари билан мувосо-мадора қилганлар. Сан ҳам мувосо қил, қизим! Иншоолло, яна вақтинг хуш булуб кетадур. Ҳар гапда беҳуда қайғуруб, узингга хафаликни ола берма!! Хафаликдан кўп дардлар пайдо буладур.

(Баҳонддиқул чойни кетуруб бериб кетар.)

Т а н с у қ о й — Узингиз биласизки, онажон, ман куёвингизга тушганимдан бери бир кун хафаликни курганим йўқ эди. Энди бу кунда хафаликга қандай чидай? Оҳ, онажон, кошки мандек бахтсиз қизингизни тугмаган бўлса эдингиз! *(Йуталуб чойни сузар.)*

К а р о м а т о й — Қўй, қизим, чойни сузма! Дастурхонингни йиғиб ол! *(Дуо қилар.)* Мундай гам ва гуссаларни курган кишининг томоғидан нон ва чой утар эканми?

Т а н с у қ о й *(чойник ва дастурхонни олиб, бир тарафга қўяр)* — Онажон, ман уйлайманки, кундошим манга жоду берган ҳам куёвингизни мандан совуткандур. Чунки кундан-кун ориқланиб кетаёбман. Тобим йўқ, йуталим бор. *(Йуталур.)*

К а р о м а т о й — Йуталинг тимоқникидир. Шамол егансан, қизим! Тимоқнинг кишига зарари йўқ, нафъи бор. «Касалинг тимоқ бўлсун!» дерлар-ку. Аммо кундошинг санга жоду берган бўлса, эҳтимол берар, жуғи келганда кундошингга билдирмай, жодуни олду. Кундошинг сани куёвимдан совуткан бўлса ҳам, эҳтимол. Кундошликда шундай гаплар буладур. Муни ҳам иложи осон. Мулла Муҳаммади деган катта дуохон бор. Ушал кишига бориб, эрингни узингга иситгил. Яна Зулайҳобиби халифамга бориб, узинг билан эрингни қайтарма қилду. Сунгра бирар кун 3—4 та момоси зўр фолбинларни чақириб, узингни кучирма қилдирсанг, худо хоҳласа, асл қадимгидек булуб кетасан.

Т а н с у қ о й — Бу ишларда анча ҳарожат булодур. Ҳозирда бир пулим ҳам йўқ. *(Бир буқчасини очуб.)* Хайр, булмаса, шу сузойимни акамга элтуб беринг, эрта бозорда сотуб берсунлар. *(Онасига берар.)* Оҳ! Бир вақт қанча куз нуримни оқизиб, муни тиккан эдим.

К а р о м а т о й — Хайр, парво қилма, қизим! «Яхши молим — ёмон куним», дерлар. Бош омон булса, яна дуппи топилур. Бу дарду балолардан қутулиб қолсанг, яна нега мундай нарсаларни тикасан. *(Румолига боғлаб олар.)* Хайр, энди ман кетаман, қизим, кеч булмайсун. *(Осққа турар.)*

Т а н с у қ о й — Хайр, булмаса, ҳамма ёру дусларни суранг! *(Онасининг паранжи чашмбандини бошига берар.)* Бу сузоний жуда огир-ку, сиз йулда чарчайсиз, она. Акамга айтсангиз-чи, келиб олиб кетсунлар.

К а р о м а т о й — Хайр, тузук, бориб дарров акангни юбораман... Қизим, хушёр булуб юр. Кундошинг ёмон экан. Ош-пошингда заҳар солиб бермасун... Хайр, худонинг паноҳида... *(Чиқар.)*

Т а н с у қ о й *(3—4 қадам юруб)* — Хайр, хуш келдингиз, худонинг паноҳида... *(Шул чоғда эшик тарафидан осқ товуши эшитилур. Тансуқой қурқуб.)* Эй худо-ей-й, кунглим безиллайдур. Яна отаси келиб кунглумни қаро қилмаса эди. *(Сузонийсини бир жойда яширар. Узоқбой ниҳоятда аччиғланиб кирар.)*

У з о қ б о й — Бояги чиқиб кетган хотун ким эди?

Т а н с у қ о й *(қурқуб титраб)* — Онам эдилар.

У з о қ б о й *(яқинроқ келиб)* — Ҳа, уғурлаган пулингни онанга бериб юбордингми?

Т а н с у қ о й *(хайрон булуб)* — Қайси пулни? Кимни пулини, отаси?

У з о қ б о й *(тишларини гижирлатиб, кузларини олайтириб)* — Яна узингни билмасликка сол! Сандуқчадан уғирлаган пулунгни, дерман.

Т а н с у қ о й — Худо урсинки, ман олганим йўқ, отаси. Мундан илгари ҳам бирар мартаба пулингизни уғирлаганми эдим? Мани синамаганмисиз? *(Халққа.)* Е Баҳриддин, эй-й, бу нечук тухмат эди!

У з о қ б о й — Кундошингни қасдида олгандирсан. Тугрисини айт, олдингми? Агар иқроп булмасанг, шу замон сани уч талоқ қилиб юбораман!

Т а н с у қ о й (*йиглаб*) — Эй, худо урсинки, ман олганим йўқ. Юзим қибладан қайтсунки, ман олганим йўқ. Мани ноҳақ азоб берманг, отаси!

У з о қ б о й — Ҳали иқрор булмайсанми? (*Урар... Сочидан ушлаб, ташқарига судраб чиқариб, яна урар. Тансуқой юзлари қонга бўялган ҳолда «Вой, улдум, вой, улдум!» деб уйга кириб, узини ерга отуб, беҳуш бўлар... Шул чоғда Рустам ила Узоқбой бир-бирлари ила гавголашиб уйга кирарлар.*)

Р у с т а м (*чап қулида енг ичида бедона*) — Муни нимага урдингиз? Бечора заифаи муштипарни шундай аямай урасизми? Бу нима гуноҳ қилдики, урдингиз?

У з о қ б о й (*мулойимлик ила*) — Рустам ука! Сан эру хотуннинг орасига кирма, бемаза буласан.

Р у с т а м — Нимага кирмайин? Муни бекас кўрдингизми? Айтинг? Нима учун урдингиз, дерман? (*Ҳамширасини кутаруб утқузар.*)

У з о қ б о й (*аччигланиб*) — Хотуним-дия, урдум. Эрман — ҳар нима дерман. (*Шул чоғда Суярой эшикни рафидан бошини тикиб қарар. Узоқбой кузи тушар.*) Қарама, номаҳрам киши бор. Эшикни ёп! (*Эшик «тақ» этиб ёпилур.*)

Р у с т а м — Эр деган хотунни бемурод ура берар эканми? (*Ҳамширасидан урушнинг сабабини сўрар. Ул баёни ҳол қилар. Рустам аччигланиб, Узоқбойга ёвуқроқ бориб.*) Мунинг ўғрилигини ким курубдур? Бу мундан илгари ҳам ўғурлик қилган эдими?

У з о қ б о й — Йўқ. Ҳозир кундошининг қасдида ўғурлик қилган булса эҳтимол.

Р у с т а м (*бедонасини қултуғига солиб*) — Ҳали сан кундошининг сузига ишониб, муни урдингми?

У з о қ б о й — Сан куп миқ-миқ қилма! Урдим. Яна ураман. Нима дейсан?

(*Тансуқой туриб ажратмоқчи бўлар... Эшикнинг рафидан яна Суярой қарар.*)

Р у с т а м — Сани ким зур қилган? Қани, ман ҳам сани урай, жонинг ачийдурми? (*Узоқбой бир шалпалоқ урар, икковлари ёқалашуб, бир-бирларини урарлар. Рустам Узоқбойни кутариб ерга урар... Эшик бутун очилур, Тансуқой билан Суярой чапак чалиб, дод-фарёд қиларлар.*)

Т а н с у қ о й — С у я р о й — Э вой-й-эй, эримни ўлдирди-ей!

ТУРТИНЧИ ПАРДА

3-манзаранинг айни. Т а н с у қ о й оғир суратда касал булиб тушакда ётган. Олдида бир чойникда сув ва бир туфдон қуйилган. Бош тарафида Б а ҳ о и д д и н қ у л утириб, онасини елпиб турган. Суярой уз уйида ясаниб турган чоғда парда кутарилур.

Т а н с у қ о й (*йуталиб, балғам солар*) — Вой, курагим, вой, уламан, вой, худо, тезроқ омонатингни ол! Мундан ортуқ азоб чекар ҳолим йуқ. Болам, бир кулгум сув бер, томоғим қуриди. (*Уғли чойнакдан чой ичирар.*) Худога шукур, ҳар нима сан бор экансан. Болам, энди ман уламан. (*Йиғлаган товуш ила.*) Онангдан айриласан, болам. Етим булуб қоласан, болам!

Б а ҳ о и д д и н қ у л (*йиғлаб*) — Илоҳи улманг, онажон! Агар сиз улсангиз, угай онам мани ёлгуз куриб, ҳар кун уришадилар...

Т а н с у қ о й — Хайр, мани жоним ила баробар эрка боламни озор берадурган кишини худога ҳавола қилдим. Худонинг ўзи жазосини берсун!

У з о қ б о й (*Суяройнинг уйига кирар*) — Ҳа, нима қилаёбсан?

С у я р о й — Манга жавоб беринг, онамникига бораман. Укам айтиб кетди, Биби сешанба қилар эмишлар. (*Паранжи чашмбандини буқчадан олар.*)

У з о қ б о й (*маломат ила*) — Э, сан галатими? Кундошинг бу ерда улиб ётибдур. Сани кунглинг ҳаво истайдур. Энди мунга ким қарашадур?

С у я р о й — Буййй, манга нима? Онаси қарашин-дия.

У з о қ б о й — Хайр, бор, бор! Яна кундошлигингни қилдинг-дия. (*Суярой паранжисини бошига олуб, чиқиб кетар. Узоқбой уз-узига.*) Уф! Ман иккинчи хотун олмадим, бир балони олдим. Мунинг касофатига уйқумдан хайру барака учди, давлатим барбод булди. Дусту душманларим орасида пардам йиртилди. Ман ҳузур ва ҳаловат кўраманми, деб мун и олган эдим. Йуқ, алдандим. Бир йил ичида бир кун ҳам роҳат куролмадим. Балки илгари курган роҳатларим ҳам бурнимдан чиқди. Энди билдимки, дунёда энг

ғавғоси куп уй — икки хотунлик уй экан. Энг нотинч, роҳатсиз киши ҳам 2 хотинлик киши экан. Ман аҳмоқлик қилиб, иккинчи хотун олган эканман... *(Чиқиб кетар.)*

Т а н с у қ о й *(йуталур)* — Вой, жоним! Эсиз, жоним жавоним! Тур, болам, дарров отангни чақир, келсунлар... Узимни билмай, аллақандай булаётиман. Сунгра чопиб бориб, катта онангни олиб кел! Бери-роқ кел, болажоним. Сани бир упиб қолай! *(Упар.)* Упганимнинг охиргиси шулдир. *(Йиглар.)* Оҳ, болам, онасиз қоласан!

Б а ҳ о и д д и н қ у л *(йиглаб онасини кучоқлар)* — Илоҳи улманг, онажон! Сиз улсангиз, ман кимни «она» дерман. Сиз улгунча ман улай, онажон. *(Туриб кетар.)*

У з о қ б о й *(кириб, хотунининг олдида утирар)* — Ҳа, букун қалайсан? Енгил булдингми? Нимага йиглабсан?

Т а н с у қ о й *(йуталар)* — Энди уламан, отаси! Вой.

У з о қ б о й — Худо сақласун, ундай дема!.. Дард бошқа, ажал бошқа. Касал булган билан киши ула берар эканми?

Т а н с у қ о й — Йуқ, отаси, уламан. Букун жуда ҳолим табоҳ. Хайр, ҳар нима булса, сизни эрлик ҳақингиз бор. Ҳақингизда адабсизлик қилган булсам, кечуринг, мандан рози булунг, отаси!

У з о қ б о й *(йиглаган товуш ила)* — Э, ман сандан минг мартаба рози... Сан мандан рози бул-дия! Ман сани ҳақингга куб жабр қилдим. Бадбахт кундошингни сүзига ишонуб, санга тухмат қилдим. Энди гуноҳимдан ут! Мандан рози бул. Булмаса, қиёмат куни жавобда қоламан.

Т а н с у қ о й *(эрининг қулидан ушлаб)* — Хайр, энди қилган жавру зулмларингизга иқроор булдингиз. Ман сиздан рози булдим. Худо ҳам рози булсун. Отаси, сизга васиятим шулки, мандан нусха ва нишона қолган азиз боламни хору зор қилманг. Доим ҳолидан хабардор бўлиб туринг. Мабодо угай онаси турти-суққи қилиб эрка боламни азоб бермасунки, арвоҳим қақшайдур...


У з о қ б о й — Бу важдан ғам сма! Сани уғлунг — мани уғлум! Албатта, жоним борича асрайман.

Т а н с у қ о й — Хайр, энди хотирим жам булди... Ишингизга кетинг, кеч булмасун. *(Узоқбой чиқиб ке-*

тар. Тансуқой аҳволи бузулиб, жон узар.) Оҳ, болам!
Вой, онажон! Оҳ, отажоним, қайдасиз! (Шул чоғда
қузига отасининг арвоҳи куринар. Қулларини
узатиб.) Отажон, отажон! Мани олиб кетинг!

(Рух куздан ғойиб булар. Тансуқой азоб чекиб улар.
Шул чоғда она си билан бола си келиб, йиглашуб,
доду фаред қилишарлар.)

П а р д а т у ш а р



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I б о б. ЯНГИ УЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТАРИХИЙ ШАРОИТ	9
1. Марказий Осиёда театр санъати ва халқ оғзаки драмаси	9
2. Туркистонга оврупоча театр ҳам драматургиянинг кириб келиши ва маҳаллий зиеллар	21
3. Тарихий-ижтимоий шароит ва жадид драматургиясининг шаклланиши	35
II б о б. ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИ ВА ТЕАТР	51
1. «Падаркуш» пьесаси ва Самарқандда театрчилик ҳаракати	52
2. «Турон» — биринчи узбек миллий театр труппаси	60
3. Қўқонда театрчилик ҳаракати ва Ҳамза Ҳакимзода фао- лияти	71
4. Туркистоннинг бошқа шаҳарларида миллий театр. Тазйиқ ва таҳдидлар. Ғоявий кураш	84
III б о б. ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУ- СУСИЯТЛАРИ	101
1. Жадид драматургиясини даврлаштириш масаласи	101
2. Жадид драматурглари ва илк пьесалар	111
ХУЛОСА	130
И л о в а. ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИ НАМУНАЛАРИ	
Маҳмудхужа БЕҲБУДИЙ. Падаркуш еҳуд Уқумаган бола- нинг ҳоли	135
Нусратулла ҚУДРАТУЛЛА, Ҳожи МУЪИН. Туй	149
Абдулла ҚОДИРИЙ. Бахтсиз куёв	173
Абдулла БАДРИЙ Жувонмарг	195
Абдулла БАДРИЙ. Аҳмақ	235
Ҳожи МУЪИН. Эски мактаб, янги мактаб	245
Ҳожи МУЪИН. Кукнори	271
Ҳожи МУЪИН. Мазлума хотун	281

ШУҲРАТ РИЗАЕВ

ЖАДИД ДРАМАСИ

Шаклланиш даври
Манбалари
Хусусиятлари

Рисола ва матнлар

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1997

Масъул муҳаррир *Н. Ф. Каримов*

Муҳаррир *Б. А. Эшпулатов*

Бадий муҳаррир *М. Аъламов*

Техникавий муҳаррир *Л. Ю. Хиждова*

Мусахҳиҳлар *Н. Муҳамедиева, Ж. Таирова*

Теришга 17.12.96 да берилди. Босишга 27.02.96 да рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма
табоғи 16,8. Нашриёт-ҳисоб табоғи 16,49. Адади 10000 дона. Буюрт-
ма № 756. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кучаси, 41.

Ризасв Шухрат.

Жадид драмаси //Масъул муҳаррир Н. Каримов/.—
Т.: Шарқ, 1997. – 320 б.

Асримизнинг унингчи йилларида шакланган жадид драматургияси — адабиётимиз тарихида деярли урганлмаган соҳа. Аммо у сон ва мазмун салмоғига кура гоят эътиборли ҳодиса. Жадид драматургиясининг шаклланиш давридаёқ уттиздан ортиқ намуналари майдонга келди. Маҳмудҳужа Бехбудий, Ҳожи Муъин, Абдулла Қолирий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдулла Бадрий каби драматурглар етишди. Жадидчилик ҳаракатининг маърифатпарварлик, миллий истиқлол, эрк, озодлик ғоялари драматургик изланишлар моҳиятини белгилади. Саҳна асарлари ўз навбатида янги типдаги ўзбек миллий театрининг туғилиши ва тараққиётига, бир қатор театр жамоаларининг ташкил топишига тўртки берди.

Ана шу каби қатор масалалар ушбу рисолада кўплаб архив ҳужжатлари, уша давр матбуоти ва яна бошқа манбалар асосида атрофлича талқиқ этилади. Рисола сўнгида жадид драматургиясининг шу-ро даврида мутлақо чоп этилмаган бир неча намуналари илова этилади.

Китоб адабиётшунос, тарихчи, санъатшунос олимларга, жадид адабиёти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

Ўз 1+83